

**УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**  
**АВУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК**  
**ИНСТИТУТИ**

**А. ЖУВОНМАРДИЕВ**

**XVI—XIX АСРЛАРДА ФАРҒОНАДА**  
**ЕР-СУВ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР**

**УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ**

**Т О Ш К Е Н Т • 1965**

Архив материаллари асосида яратилган мазкур асарда Фарғонада XVI—XIX асрларда ер-сув муносабатларига доир актуал, бироқ ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган масалалар, яъни ер эгаллиги шакллари, сувдан фойдаланиш, Қоросконда деҳқонларнинг яшаётган ерларидан бошқа жойга ўз ихтиёрларича кета олмасликлари каби масалалар ёритилган. Бундан ташқари, шу масалаларга оид бўлган 146 ҳужжатнинг ўзбекчи тексти берилган.

Китоб тарихчилар, иқтисодчилар ва, умуман, кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

ЎзССР ФА корреспондент аъзоси

профессор **М. И. ПУЛДОШЕВ**

## КИРИШ

Ўзбекистон тарихининг социал-иқтисодий масалаларини ўрганишда тарихий манбалар, айниқса, ер-сув, феодал мажбуриятлар тўғрисидаги ҳужжатлар катта ўрин тутади. Мутахассислар муҳокамасига ҳавола қилинаётган бу ишнинг туб моҳияти XVI—XIX асрларда Фарғонада феодал-ер эгаллигининг айрим томонлари ва ўша даврдаги турли феодал мажбуриятлар ҳамда XVI—XVII асрларда қочиб кетган деҳқонларни зўрлик билан қайтариш ҳолларига оид ҳужжатлар ва улар хусусида дастлабки баъзи бир мулоҳазаларни баён қилишдан иборат. Мазкур иш Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган 1644 рақамли «Ёрлиқлар тўплами» асосида тайёрланди. «Ёрлиқлар тўплами»дан ташқари, Фарғонанинг XVI—XIX асрлардаги тарихига оид бир қатор манбалар, Ўрта Осиё ва Шарқнинг ўрта асрлардаги социал-иқтисодий тарихига мансуб бўлган бошқа асарлардан ҳам фойдаланилди<sup>1</sup>.

Қўлингиздаги ушбу ишда фақат XVI—XIX асрларда Фарғонадаги феодал-ер эгаллиги билан боғлиқ бўлган баъзи масалаларни тўғри англашда ёрдам бера оладиган жами 146 та ҳужжатнинг таржимаси берилган ҳамда бу масалалар юзасидан айрим умумий мулоҳазалар баён этилган. Фикримизча, ушбу асар XVI—XIX асрлар Фарғона халқининг социал ҳаётини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида илк қадам бўла олади.

Ҳужжатлар мазмуни ва характерига қараб хронологик тартибда берилди. Улардан фойдаланишни қулайлаштириш

---

<sup>1</sup> Фойдаланилган адабиётлар рўйхати мазкур китобнинг охирида келтирилган.

мақсадида таржима билан бир қаторда тегишли ҳужжатларнинг қисман фото нусхаси ҳам берилди.

Асарнинг яратилишида ўзларининг сермазмун ва қимматли маслаҳатлари билан ёрдам кўрсатган ЎзССР ФА академиги Ғафур Ғулом, ЎзССР ФА корреспондент аъзолари профессорлар М. И. Йўлдошев, Я. Ғ. Ғуломов, тарих фанлари доктори М. А. Абдураимов ва тарих фанлари кандидатлари С. А. Азимжонов ва Б. А. Аҳмедовларга самимий миннатдорчилик изҳор этамиз.

Бу асарни муҳтарам тарихчи ва шарқшунослар диққатига ҳавола этиш билан, уларнинг асар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини кутамиз.

*Автор*

---

## Биринчи боб

### «ЕРЛИҚЛАР ТУПЛАМИ» — ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ УРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА

Маълумки, XV асрда ва, ҳатто, ундан илгари ҳам Фарғона вилояти «ҳафтгона», яъни етти қасаба (шаҳар)дан иборат бўлган<sup>1</sup>. Бу етти шаҳардан бештаси Андугон (Андижон), Ўш, Марғилон, Исфара, Хўжанд Сирдарёнинг жанубий томонида, Ахси ва Қошон (Қосон) эса дарёнинг шимолий томонида бўлган. Ахсикент амир ва волийларнинг манзилгоҳи эди. Андижон шаҳри илгари Фарғонанинг пойтахти бўлган<sup>2</sup>. Хусусан, Амир Темур авлодларидан Мирзо Умар шайх (1449 йилда вафот этган) ҳукмронлиги даврида Андижон темурийлар Фарғона уделининг маркази эди.

XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида Мовароуннаҳрни тўла қўлга олган Шайбонийхон (1451—1510) бошчилигидаги кўчманчи ўзбек қўшинлари Фарғонага бостириб кирди. 1504 йили Шайбонийхон Андижон шаҳрини эгаллайди. Шу вақтдан бошлаб Фарғонада ҳам темурийлар ҳокимияти тугатилди.

Шайбонийхон Мовароуннаҳрни ўзининг авлодларига тақсимлаб, Ахсини Жонибек султонга, Андижонни эса Маҳмуд султонга берди.

Ўрта Осиёнинг кўчманчи қабилалар томонидан босиб олиниши — ҳар бир янги ҳужум ва истило ишлаб чиқариш кучларининг заифлашувига олиб келди. Бу истилолар феодал муносабатлар тараққиётига ҳам таъсир кўрсатди. Ҳар бир

<sup>1</sup> Абулфазл ибн Муборак Алломиё, Акбарнома, ЎзССР ФА ШИ, инв № 6, 446-варақ; Бинни Алҳасанул Форсий (кўчирувчи), Худуд ул олам, ЎзССР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 901, 24а-варақ.

<sup>2</sup> Исохонтўра (Жунайдулло уғли) Тўрақўрғоний, Тарихи Фарғона, ЎзССР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 10117, 10-варақ.

истило вақтида кўпгина феодал мулклар тугатилиб, ерлар олий ҳукмдор давлат қўлига ўтарди. Истилочилар мулкдор кишилардан ерларни тортиб олиб, давлат мулкига айлантлар, янгидан хизмати сингган айрим феодалларга бўлиб берар эдилар. Деҳқонлар ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш бўлмай, аксинча, жабр-зулм ортар эди. Хон ва маҳаллий ҳокимлар томонидан берилган ҳужжатлар шайбонийлар истилосидан кейин ҳам феодал руҳонийларга зўр имтиёзлар берилганлигини тасдиқлайди.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон тарихининг социал ва иқтисодий масалаларини ёрқин ифодаловчи фактлар оз эмас. Айниқса, юқорида айтилган ва ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида кўпдан буён сақланиб келаётган «Ёрлиқлар тўплами» ҳақиқий ҳужжат бўлиши жиҳатидан манбалар ичида биринчи ўринни эгаллайди. Чунки тўпландаги ҳужжатлар Фарғонанинг тўрт аср мобайнидаги феодал-ер эгаллиги қай тарзда бўлганлигини анча-мунча ойдинлаштиради.

Феодал мажбурияти рента-солиқ тўғрисида янги фактларни очиб беради. «Ёрлиқлар тўплами»да энг мураккаб ва мунозарали масалалардан бўлган — Коросконда деҳқонларнинг иккинчи бир жойга эркин кета олмаслиги масаласи тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар бор.

«Ёрлиқлар тўплами»даги ҳужжатлар фақат Фарғона хонлиги девонидангина эмас, балки Бухоро амирлари девонидан ҳам, айрим ҳолларда эса, султонлар ва маҳаллий ҳокимлар томонидан XVI—XIX асрларда берилгандир. Бу ҳужжатлар Фарғонанинг ер эгаллиги ва феодал мажбуриятларига доир 146 адад ёрлиқ, фармон, иноятнома, ҳукмномалардан иборат бўлиб, шу ҳисобдан 23 таси ҳокимлар ва амлоқдорлар томонидан берилган «патта»лардир.

В. П. Наливкин ўзининг «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» асарида собиқ Наманган уездига қарашли Короскон қишлоғидаги султон Сайид мазорининг шайхлари номига Фарғона ҳукмдорлари ва Бухоро амирлари томонидан берилган 144 та ҳужжатни ўша даврда шайх Жалолиддиннинг қўлида кўрганини ёзган<sup>3</sup>. Лекин у ҳужжатлар сонини 144 деб айтади. Маълум бўлишича, 20 рақами икки марта ёзилиб қолган. Бундан ташқари, номаълум султон томонидан берилган бир ҳужжат (123/54) ҳам «Ёрлиқлар тўплами»га кириб қолган.

Бу ҳужжатларнинг деярли ҳаммаси, юқорида айтганимиз-

---

<sup>3</sup> В. П. Наливкин, Краткая история Коландского ханства, Казань, 1886, стр. 1.

дек, Короскон<sup>4</sup> қишлоғидаги султон Сайид «авлиё»нинг авлоди бўлган саййидларга берилган. Лекин «Ёрлиқлар тўплами»даги ҳужжатларда султон Сайид ҳақида «пайғамбар авлоди» деган сўздан бошқа нарса учрамайди. Султон Сайиднинг аввал ким бўлганлигини аниқлай олмадик. Бир неча бор Чортоққа бориб текширишимиз натижасида муҳтарам Сотиболди Набижонов орқали «Короскон саййидларининг шажаралари» билан танишишга муваффақ бўлдик. Шажарада ёзилишича, султон Сайид Али ва унинг хотини Фотиманинг авлоди бўлиб чиқди.

146 та ҳужжатдан (ўзимиз қўйган тартиб рақами бўйича) энг аввалгиси ҳижрий 891 йилнинг 2 муҳаррами (1486 йилнинг 9 январи) да «Амир Темур Аҳмад баҳодир» (Султон Аҳмад мирзо 873/1469—899/1494) томонидан берилган бўлиб<sup>5</sup>, энг сўнггиси ҳижрий 1292 ражаб (1876 йил август) ойда Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек томонидан Жалолиддин-хўжага берилган ёрлиқдир<sup>6</sup>. Бу ҳужжатларнинг хусусияти ва қайси девондан олинганлигига қараб, уларни икки туркумга бўлдик: 1) Бухоро, Қўқон ва Ахсикент марказий ҳукуматининг ҳукмдорлари девонидан олинган ҳужжатлар; 2) султонлар, беклар ва маҳаллий ҳокимлар томонидан берилган ҳужжатлар.

Биринчи туркумдаги ҳужжатлар сон жиҳатидан кўп бўлиб, асосан, шайбонийлар томонидан берилган ҳужжатлардир. Тўпламдаги ҳужжатларнинг 1929—1930 йилларга қадар бирор бир тадқиқотчи томонидан тўлиқ ўрганилгани бизга маълум эмас. Бу ҳужжатлардан баъзиларининг четида кимнингдир томонидан битилган русча ёзув-белгилар бор. Бу белгилар, бизнингча, В. П. Наливкин ёки профессор Булот Солиев томонидан қўйилган бўлса керак. Чунки В. П. Наливкин ўз илмий асарларида бу ҳужжатлардаги географик номлардан фойдаланган.

«Ёрлиқлар тўплами»га кирган ҳужжатларнинг айримлари ҳақидаги илк маълумотлар 1930 йили маълум бўлган эди. Дастлаб, тарихчи профессор Б. Солиев мазкур ҳужжатлар устида иш олиб борди, шунингдек, талайгина ҳужжатлар Богданова томонидан таржима қилиниб, нашрга тайёрлана

<sup>4</sup> Короскон — илгари Фарғона вилоятига қарашли бўлган шаҳар; ҳозир Андижон область Янгиқўрғон районидagi қишлоқ. (Қараиғ: Аҳмад бин Насрулло Аннавий, Хулосат ул ҳайт ва ажойиб ул-табоқот, ЎзССР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 409, 210а-варақ). Ҳужжатларда Короскон тарзида ёзилган, халқ тилида Короскон деб юритилгани учун биз ҳам шу тарзда олдик.

<sup>5</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 1/92-ҳужжат.

<sup>6</sup> Уша тўлам, 97/1-ҳужжат.

бошланган<sup>7</sup>. Лекин бу иш ҳанузгача китоб тарзида чиқарилмаган. «Ерлиқлар тўплами» ҳақидаги сўнгги маълумот<sup>8</sup> «ЎзССР Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари каталоги»да келтирилган<sup>9</sup>.

Ҳамма ҳужжатларда «Муртазо, яъни Али, Фотима хонадонига мансуб олий насаб саййидларни риоялари ва уларга меҳру муҳаббат ва яхши кўз билан қараш барчага вожиб ва лозимлиги учун биз ҳам...» деб ёзилган<sup>10</sup>. Бу даъвонинг далили қилиб, пайғамбарнинг ҳадиси: «Инни торикун фикум ассақалайний китобуллоҳий ва итрати» (албатта, мен сиз [инсу жин] ларга икки гўзал ва нафис нарса — бири худонинг китоби (қуръон) ва бири хонадонимни қолдирдим), келтирилган. Бунга қараганда, хон ва султонлар томонидан қилинган бу катта марҳамат ва эҳсонлар Короскон саййидларининг давлатга қилган бирор бир муҳим хизматлари учун эмас, балки улар фақат Али ва Фотиманинг авлодлари бўлганлари учунгина берилган имтиёзлар бўлиб чиқади. Ҳужжатларда: «Пайғамбар хонадонига мансуб кишиларнинг тақриму таъзими барча кишиларга фарз ҳам вожиб, буни бажармаган шахслар қуръон ояти далили ва пайғамбар ҳадисига биноан кофир ҳисобланиб, қаттиқ азобу уқубатда қолади», — деб очиқ-ойдин ёзилган. Аммо бир ҳужжатда (11/39) ёзилишича, бу зўр имтиёзни талаб этган киши ўзининг насаби, ҳақиқатан ҳам, Али ва Фотимага бориб тақалишини қози ва уламолар олдида исбот қилиши зарур бўлган. Агар ўзининг пайғамбар хонадонига мансублигини аниқ далиллар билан исбот қилолмаса, бу имтиёзни ололмаган<sup>11</sup>.

Бу ҳужжатлар ўзининг мазмуни ва турига қараб 9 қисмга бўлинади:

1. «Пайғамбар хонадонига яхши кўз билан қараш ва уларни риоялари барча умматга вожиб ва лозим, бу риояни

<sup>7</sup> «Об азнатском способе производства» (стенографический отчет дискуссии...), Баку, 1930, стр. 136.

<sup>8</sup> Ушбу ҳужжат ва материалларни топиш ва ўрганишда кўрсатган бевосита ёрдам ва маслаҳатлари учун автор ЎзССР ФА корреспондент аъзоси Я. Ғ. Фуломовга, тарих фанлари доктори М. А. Абдураимовга миннатдорчилик билдиради.

<sup>9</sup> «Собрание восточных рукописей АН УзССР», т. 1, Ташкент, 1952, стр. 146.

<sup>10</sup> «Ерлиқлар тўплами», 47/113-, 101/115-, 53/119- ва бошқа ҳужжатлар.

<sup>11</sup> Уша тўплам, 11/39-ҳужжат: علامة ظاهره المدخل في العتريه

المذكوره قل المذكور در حضور قاضى و جماعة المسلمين و اگر بعد ازین تاریخ بریکدیگر دعوا کنند در شریعت باطل و نامسوع باشد.



қилмаганлар қиёмат куни юзлари қаро ва пайғамбар шафоатидан бенасиб бўлади»<sup>12</sup>, деган диний анъана остида меҳнаткаш оммани шафқатсиз эксплуатация қилиш ҳамда уларни саййидлар ва шайхларга ярим қул қилиб бериш ҳолларига онд ҳужжатлар (19 та).

2. Қороскон мавзен, Қизилработ, Адак ва Говхона мазраъ (экин майдонлар)ининг султон Сайид авлодига суюрғол қилиб берилганлиги ва у ерда яшовчи халқлардан давлат фойдасига олиниши лозим бўлган барча рента-солиқлар ва 12 000 олтин динар доруғаликни олиб ўз маоши учун ишлатиш, шунингдек, Қоросконнинг ҳокимлиги ва қозилиги мансаби, мутаваллилик ва шайхлик вазифаси ҳамда мозорга келадиган ҳамма назру садақаларни ҳам олиш ҳуқуқи қадимдан уларга (ота-боболаридан тортиб) имтиёз тариқасида берилганлигини кўрсатувчи ҳужжатлар (36 та) бўлиб, деярли ҳаммаси XVI—XVII асрга оиддир<sup>13</sup>.

3. Қороскон саййидларига тархонлик имтиёзи берилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар. Буларнинг энг аввалгиси XVI аср ўрталарида, сўнггиси эса XIX асрнинг учинчи чорагида берилгандир<sup>14</sup>.

4. Рента-солиқлар, умуман, феодал мажбуриятлар ҳақидаги ҳужжатлар (40 та). Улар XVI аср бошидан XIX асрнинг тўртинчи чорагигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу ҳужжатлардан кўринишича, XVI—XVII асрларда расмий ва асосий солиқнинг сони 32 та бўлган. Лекин ҳужжатларда 90 дан ортиқ солиқ термини келтирилган<sup>15</sup>.

5. XVI ва XVII аср бошларида Фарғонада деҳқонларнинг бир жойдан иккинчи бир жойга эркин кўча олмаслиги масаласига оид ҳужжатлар (11 та)<sup>16</sup>.

6. Савдо масаласига оид фақат бир ҳужжат бўлиб, унинг

<sup>12</sup> Уша тўплам, 25/108-ҳужжат:

مشاراليه (سید) نی آغا انی لرینی رنجیده قیلغان کیمرسه  
لر تانکلا قیامت کونی اوز پیغمبرلرینی شفاعت لاریدن محروم  
بولب لعنت گا سزوار بولغای اول تنکریدن بیزار بولب ایکنچی  
حضرت رسول اکرم صلی الله علیه وسلم نینگ شفاعت لریدن بی  
نصیب بولب قیامتده سیاه روی بولغای.

<sup>13</sup> Уша тўплам, 27/106-, 24/107-, 47/113-, 49/116 ва 23/122-ҳужжатлар.

<sup>14</sup> Уша тўплам, 18/42-, 105/71- ва 6/82-ҳужжатлар.

<sup>15</sup> Уша тўплам, 31/87-, 5/91-, 56/97-, 13/102-, 14/105-, 4/109-, 47/113-, 40/118-, 51/120- ва 23/122- ҳужжатлар.

<sup>16</sup> Уша тўплам, 35/32-, 62/35-, 65/63-, 50/64- ва 53/119- ҳужжатлар.

мафҳумидан саййидларнинг савдо ишлари билан ҳам шуғулланганликлари кўринади<sup>17</sup>.

7. Сувдан навбат билан фойдаланиш тартиби ҳақида бир ҳужжат (<sup>109/89</sup>)<sup>18</sup> бор.

8. Короскон саййидларининг ҳамма феодал мажбурият ва рента-солиқлардан озод қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар<sup>19</sup>. Бундан ташқари, саййидларнинг ўша ерда яшовчи деҳқонларни истаганларича жазолаш ҳуқуқига эга бўлганликларини кўрсатувчи ҳужжатлар ҳам бор<sup>20</sup>.

Шуни айтиш керакки, мусодара қилинган молу мулклар ҳам давлат хазинасига эмас, балки саййидларга берилган<sup>21</sup>.

9. Маҳаллий ҳоким ва амлоқдор томонидан Жалолиддин-хўжа Короскон, Адак, Говхона ва Қизилработ мазраъларидан хирож ва бошқа солиқларни тўплаш ҳамда ўзи ҳамма мажбуриятлардан озод бўлганлигини кўрсатувчи «патта»лар- (23 та) дир<sup>22</sup>.

Шуниси характерлики, хонлар, султонлар ва маҳаллий ҳукмдорлар саййидларга имтиёзли ёрлиқлар берганда, ўзлари аввал ўтган ҳукмдорлар берган ёрлиқларга асосланганлар<sup>23</sup>. Ёрлиқлардан кўринишича, ҳамма саййидлар ҳам баробар имтиёз ола бермаган. Масалан, Севинч султоннинг ҳижрий 928 (1521—22) йилдаги фармонига<sup>24</sup> кўра, саййид Фозил Алига: «Истаган ерида қуш учириб, от чониб, ит югуртирса, бирор киши [унга] тўсқинлик қилиш ҳуқуқига эга эмас»,— дейилган. Яна саййид Фозил Али билан унинг ўғли

<sup>17</sup> Уша тўплам, 110/85-ҳужжат.

<sup>18</sup> Уша тўплам, 109/89-ҳужжат.

<sup>19</sup> Уша тўплам, 40/118-, 53/119-, 23/122- ва бошқа ҳужжатлар.

<sup>20</sup> Уша тўплам, 104/72-ҳужжат.

<sup>21</sup> Уша тўплам, 103/76-ҳужжат.

<sup>22</sup> Уша тўплам, 1—23-патталар.

<sup>23</sup> Уша тўплам, 61/36-, 5/91-, 1/92-, 3/95- ва 4/109-ҳужжатлар. Масалан 3/95-ҳужжатда:

جناب سياد تهاب سيد فاضل على نينگ ادك اريغينى بورونقى  
پادشاهلار بيرگه ن يوسونى بيله ن ديوانغه چيقار ديناره ودهوسى  
مال نيمنى سيني غنايت قيليپ سيورغال قيليپ تورورمىز.

<sup>24</sup> Уша тўплам, 1/92-ҳужжат:

فاضل على ايام دولتتمزده دعايى دولت روز افزونغه مشغول  
بولبفراغ بالالىق بيله ن قوش جويوب ايت يوگورتورسه هيچ  
كمرسه مانع و مزاحم بولماسون...

сайид Гўс Муҳаммадхўжа ва унинг ўгли сайид Зоҳидларга Короскон мавзеи ва Адак, Говхона ҳамда Қизилработ экин майдонлари билан бирликда барча солиқлар, шу жумладан, 12 минг олтин доруғалик ҳам суюрғол қилинган<sup>25</sup>. Аммо сайид Афзалхўжа ва сайид Фатхуллохўжаларга Говхонанинг ярим имтиёзи берилган<sup>26</sup>.

Муҳлатсиз ва ирсий тариқада берилган суюрғол ва тархонлик ёрлиқлари худонинг бир исми ва ё сифати билан, яъни «Хувал ғани» (У — худо — маънида бойдир), «Хувал азиз» (у — худо — қудрат ва улуғлик эгасидир), «Хувал ҳай» (у — худо — ўлмас, демакдир), «Хувал фаттоҳул алим» (у — худо — доно ва ҳамма умидлар эшигини очувчидир), «Хувал қавиюл матин» (у — худо — кучли ва салобатлидир), «Хувал маликул мустаъин» (у — худо — мадад ва ёрдам этувчи ҳукмдордир) ва шуларга ўхшаш сўзлар билан бошланган<sup>27</sup>.

Ҳужжатларнинг кўпчилигида уларнинг ёзилиш вақти нотўғри кўрсатилган. Масалан, султон Муҳаммад Дарвишнинг бир фармонида «Сана 90»<sup>28</sup>, яна бирида эса «Сана 142»<sup>29</sup> ёзилган. Наврўз Аҳмад (Барақхон)нинг бир фармонида «Сана 291»<sup>30</sup>, бошқа бирида «Сана 134»<sup>31</sup> ёзилган. Шунингдек, Иноқ Муҳаммад султоннинг бир фармонида «Сана 97»<sup>32</sup> ва бошқасида эса «Сана 109»<sup>33</sup> ёзилган. Бундай ҳолни яна анчагина ҳужжатларда учратамиз<sup>34</sup>. Ундан ташқари, кўпгина ҳужжатларнинг (булар 23 та) берилган вақти мутлақо кўрсатилмаган — буларнинг остида фақат «Сана» сўзигина ёзилган, холос<sup>35</sup>.

Суюрғол ва тархонлик қўлимиздаги ҳужжатларда қўйилган муҳим масалалардан бири бўлишига қарамай, биз унга

<sup>25</sup> Уша тўплам, 14/105-, 25/108-, 47/113-, 49/116-, 40/118-, 23/122- ва бошқа ҳужжатлар.

<sup>26</sup> Уша тўплам, 68/28-ҳужжат: دربنو لاكد خدايان اخسيكنت بدانند كه نصف گاوخانه را بسيد فاضل خواجه و سيد فتح الله خواجه شفقت نموديم.

<sup>27</sup> Уша тўплам, 97/1-, 90/6-, 87/12-, 82/17-, 108/21-, 79/23-, 7/30-, 36/31-, 62/33-, 6/36-, 34/38-, 70/40-, 18/42-, 19/44-, 119/46-, 115/53-, 8/55-, 9/58-, 48/62-, 50/64-, 112/66-, 120/68-, 105/71-, 103/76-, 45/78-, 110/85-, 31/87-, 1/92-, 69/94-, 3/95-, 44/98-, 14/105-, 47/113-, 40/118- ва 41/121-ҳужжатлар.

<sup>28</sup> Уша тўплам, 23/122-ҳужжат.

<sup>29</sup> Уша тўплам, 25/108-ҳужжат.

<sup>30</sup> Уша тўплам, 14/105-ҳужжат.

<sup>31</sup> Уша тўплам, 49/116-ҳужжат.

<sup>32</sup> Уша тўплам, 53/119-ҳужжат.

<sup>33</sup> Уша тўплам, 43/117-ҳужжат.

<sup>34</sup> Уша тўплам, 39/81-, 38/83-, 27/106-, 49/116-ҳужжатлар.

<sup>35</sup> Уша тўплам, 45/78-ҳужжат.

батафсил тўхташни маъқул кўрмадик, чунки бу масалада талайгина илмий асарлар ёзилган<sup>36</sup>. Шунинг учун бу хусусда қисқача тўхтаб ўтдик.

Ҳужжатлардан маълум бўлишича, Фарғонада феодал-рухонийлар XVI—XVII асрларда суюрғол имтиёздан фойдаланганлар. Суюрғол термини мафҳуми эътибори билан XIII—XIV аср мўғуллар даврида мавжуд «суюрғол» ва «танҳо» терминлари бир хил маънога эга бўлган. Ибодулла бинни хўжа Орифул Бухорийнинг айтишича, «бирор бир ердан унадиган ҳосил ва ёки бир мулкдан келадиган даромадни подшо томонидан бир кишига авлоддан-авлодга тартиб эгаллик қилиш йўли билан инъом қилинар экан, агарда бу инъом уламо ва саййидларга [бериладиган] бўлса — «суюрғол», жангчи сипоҳларга [бериладиган] бўлса — «танҳо» деб атайдилар. У мулк қайтариб олинмайди ва [уларнинг] хусусий мулки ҳажмида бўлиб, сотиш ва бировга бериш ҳуқуқига эгадир»<sup>37</sup>. Мана шунга асосан «танҳо» билан «суюрғол» термини маъноси жиҳатидан бир бўлиб, кимга берилиши нуқтаи назаридан фарқ қилади.

Суюрғол тартиби темурийлар даврида Эрон ва Урта Осиёда кенг тарқалганидек, шайбонийлар даври (XVI—XVII аср)

---

<sup>36</sup> Суюрғол тўғрисидаги асарлар: А. М. Белицкий, К истории феодального землевладения в Средней Азии и Ираке при тимуридской эпохе (XIV—XV вв.). «Историк-марксист», 1941, № 4; И. Н. Березин, Очерк внутреннего устройства улуса Джучиева, ТВОРАО, т. VIII; В. А. Гордлевский, Государство Сельджукидов Малой Азии, 1941, стр. 69—70; А. Ю. Якубовский, Тимур, «Вопросы истории», 1946, № 8—9; Б. Н. Заходер, История восточного средневековья, М., 1943; И. П. Петрушевский, К вопросу об иммунитете в Азербайджане в XVII—XVIII вв., «Исторический сборник», ИИАН, Л., 1935, № 4; П. П. Иванов, Хозяйство джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVII вв., М.—Л., Изд-во АН СССР, 1954; Р. Н. Набиев, Новые документальные материалы к изучению феодального института «суюргал» в Фергане XVI—XVII вв. «Общественные науки в Узбекистане», 1959, № 3; М. А. Абдураимов, Позднейшие упоминания о суюргале, «Общественные науки в Узбекистане», 1961, № 2.

<sup>37</sup> «Ар рисолату фи таҳқиқи арозил ушрияти вал хироҷияти», УзССР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 4976, 73а-варақ:

ههناشى وهوان انعام الموءبد قد يكون سبباً للملك كما اذا اعطى سلطان الاراضى المملكته على. مصرفها مثل ان دفع الى المقابلة و يسمى «تنخواه» اودفع الى عالم اوعلوى يسمى بسيورغال ولم اخذ منهم قد يگون حکمها حکم الملك يجوز بيعها وهتها

да ҳам умумий тус олганини кўрамиз. Буни қўлимиздаги 50 га яқин ҳужжат тасдиқлайди<sup>38</sup>.

Ҳужжатлардан маълум бўлишича, ер-сув билан бир қаторда тўплаб, давлатга топширилиши лозим бўлган барча солиқларни ўз фойдасига тўплаб олиш ҳуқуқи ҳам саййидларга суюрғол қилиб берилганлиги таъкидланади<sup>39</sup>. Муҳаммад Дарвиш султоннинг саййид Гўё Муҳаммадхўжага берган суюрғол шаҳодатномасида ўн икки минг динор доруғалик, «хона пули», «даҳи ним», «нимни», «бойтут», «қўруқбоний», «тирчўб», «кутволий», «сади ду», «сади се», «сади чор», «оянда ва раванда» ва ҳамма амалани ўзи олиб, қадимий дастур билан ўз маоши важҳига сарф қилиши айтилган<sup>40</sup>.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, суюрғол тўғрисидаги ҳужжатлардан 12 тасида «суюрғол» термини «ба тариқи дарбаст-суюрғол», «ба расми дарбаст суюрғол» сўзлари билан бирга келган. Бунга Хазора Муҳаммад султоннинг саййид Зоҳидга берган ёрлиғи мисол бўлади<sup>41</sup>. 25 та ҳужжатда фақат «дарбаст» термини қўлланилган. Шу жумладан, 3 та ҳужжатда «дару баст», қолган 22 тасида «дарбаст» ёзилган. Ҳужжатларнинг кўпчилигида ёзилишига кўра, биз ҳам «дарбаст» деб олдик<sup>42</sup>.

Дарбастининг асл маъноси: «бутунлай», «ўзгармас», «бе-

<sup>38</sup> „Ёрлиқлар тўплами“, 84/20-, 34/38-, 18/42-, 28/50-, 104/72-, 3/95-, 14/105-, 27/106-, 25/108- ва 41/121-ҳужжатлар.

<sup>39</sup> Ўша тўплам, 40/118-ҳужжат.

<sup>40</sup> Ўша тўплам, 23/122-ҳужжат: *برسم درويست سيو رغال جناب* مشارالیه را عنایت نموده بهمان دستور حکم فرمود که دوازده هزار دینار و داروغگی و خانه پلوی و ده نیم و نمنی و بایتوت و قوروق بانى و تیر چوب و کوتوالی و صلحو و صدسه و صد چار و آینده و روند و جمیع عملت از اخود گرفته ...

<sup>41</sup> Ўша тўплам, 40/118-ҳужжат:

موضع کرسگان باسلوب پدرش و بطریقى که مذکور شد بر سم در بست سیورغال جناب سید مشارالیه بوده مانیز بهمان دستور عنایت نموده حکم فرمودیم که...

<sup>42</sup> Абдуллохоннинг Жуйборий хўжалардан Исломхўжага хижрий 993 (1585) йили берган фармонида, шунингдек, „Ғиёсуллуғот“да ҳам „дарубаст“ тарзидадир. „Баҳори ажам“да „дарбаст“ ёзилган. (Қаранг: „Баҳори ажам“, ЎзССР ФА ШИ литография фонди, инв. № 5145, 418-бет; Бадриддин К а ш м и р и й, „Равзатур ризвон...“, ЎзССР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2094, 315-бет; „Ғиёсуллуғот“, Лакхнав, 1247, 309-бет).

кам-кўст» ва «бошқанинг эгалигидан ташқари бириктириш», демакдир. Ҳужжатлар мазмунидан англанишича, умрбод қайтиб олмаслик ва барча амалдорларга «эшиги берк», деган йўл билан қилинган суюрғолни «дарбаст» термини воситасида ифодалаганлар.

Бундан ташқари, ҳужжатларда «муқаррар», «мусаллам», «махсус», «мутаъаллиқ» ва «назру ниёз» терминлари ҳам учрайди<sup>43</sup>. Мисол сифатида Муҳаммадёр султоннинг Фазлулло-хўжага берган фармонини келтирса бўлади. Фармонда «юқорида зикр қилинган мавзеларни [номи] ишорат қилинган [сайид Фазлулло]га муқаррар ва мусаллам билиб, бирор киши [унга] дахл қилмасун ва музоҳим бўлмасун» деб ёзилган<sup>44</sup>. Муҳаммад Умар Баҳодирхон томонидан ҳижрий 1000 (1591—92) йили сайид Зоҳидга берилган ёрлиқда Адак, Қизилработ ва Говхонани «ўша дастур билан [номи] ишорат қилинган сайид Зоҳидга махсус билиб...», деб ёзилиб<sup>45</sup>, Имомқули Баҳодир султоннинг, сайид Фатҳуллога берган ёрлиғида эса Қороскон, Адак ва Говхона мазраълари сайид Фатҳуллога мутаъаллиқ экани эслатиб ўтилган<sup>46</sup>. Муҳаммад Шоҳруххоннинг ҳижрий 1207 (1792—93) йилдаги фармонида Қороскон қишлоғини султон Сайид авлиёнинг мазорига назр қилингани айтилади<sup>47</sup>.

<sup>43</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 112/66-, 39/81-, 37/84-, 69/94-, 48/98-, 117/99-, 53/119-, 51/120- ва бошқа ҳужжатлар.

<sup>44</sup> Ҷша тўплам, 23/122-ҳужжат:

باید که مواضع مذکورہ رامقرر و مسلم مشارالیه دانسته احدی  
مداخل و مزاحم نشود و تعرض نرسانند.

<sup>45</sup> Ҷша тўплам, 39/81-ҳужжат:

مواضع مذکور و مزرعه مذکورہ را بہماند ستور مخصوص  
مشارالیه دانسته...

<sup>46</sup> Ҷша тўплам, 69/94-ҳужжат:

مزرعه کرسکان و مزرعه «گاوخانه و مزرعه» ادک از قدیم  
الایام ابا عنجد بجناب سیادت مآبی مرتضوی انتسابی کمال  
الدین سید فتح الله متعلق آمده است.

<sup>47</sup> Ҷша тўплам, 106/22-ҳужжат:

درینولا از برای خوشنودی خداوآزراح طیبیه بزرگان هدایت  
پناهقریه کرسگانرا نذر مزار فیض آثار فیاض الانوار  
(حضر تسلطانسید اولیا) نمودند...

Қўлимиздаги ҳужжатларда, баъзан, «шафқат» ва «иноят» терминлари ҳам учраб туради. Масалан, 68/28-, 69/94-, 54/96-, 120/98- ва 113/73- ҳужжатларда «шафқат»<sup>48</sup> термини ва 57/79-, 13/102- ва 58/110-ҳужжатларда «иноят»<sup>49</sup> терминлари ёзилган.

Амир Темур ва темурийлар даврида суюрғол тартибида имтиёз олувчилар биринчи галда хизмат кўрсатган ҳарбийлар (суюрғол эгалари)<sup>50</sup> бўлса, биздаги суюрғол эгалари эса пайғамбар хонадонига мансуб саййидлар бўлган. Шу ҳам характерлики, суюрғол имтиёзини олган саййидларнинг ўзлари ҳарбий хизматдан озод бўлганлари ҳолда, давлатга ҳарбий хизмат учун киши бериш мажбуриятидан ҳам озод қилинганлар. Бу ўринда Наврўз Аҳмад ва султон Саъидхонларнинг фармонларини эслатиб ўтиш kifоя. Бу фармонларда: «черикуён», «ўқуш», «миришкор»ларга чиқарманглр»,— деб ёзилган<sup>51</sup>.

И. П. Петрушевскийнинг кўрсатишича, салжуқийлар даврида бу тартиб суюрғол имтиёзини олган фақат ҳарбий феодал мулкдорларга қўлланилган. Мўғуллар истилосидан аввал Хуросонда деҳқонлар марказий ҳукумат томонидан махсус кишилар деб ҳисобланган ва улар ҳарбий хизматга чақирилмаган. Урта Осиё мўғуллар томонидан босиб олингандан кейин маҳаллий мўғул ҳукмдорлари деҳқонларни ҳарбий ва бошқа давлат ишларини бажаришга мажбур этганлар<sup>52</sup>. Суюрғол эгалари саййидларнинг ҳарбий мажбуриятдан озод бўлишларига қараганда, бу қоида мўғуллар ҳукмронлигидан кейин ҳам XVI асрда Фарғонада ўз кучини сақлаб қолган.

Кези келганда шуни айтиш керакки, Короскон саййидларига мерос йўли билан суюрғол имтиёзини беришда хон ва султонлар ўз майлича иш кўриш ҳуқуқига эга бўлмаганлар. Ҳатто, бевосита меросхўр бўлмаган чоғда суюрғол унинг яқин қариндошларига берилган.

Масалан, Наврўз Аҳмад (Барақ) хоннинг ҳижрий 961

<sup>48</sup> Уша тўплам, 68/28-, 113/73-, 67/93-, 120/98-ва 117/99-ҳужжатлар:

بزتقى قديم دستور بيلهن شفقت قيليب بيردوك و موضع ادك  
قزلرباطرا دربست بدستور قديم شفقت نموديم.

<sup>49</sup> Уша тўплам, 57/79-, 13/102-ва 58/110-ҳужжатлар:

كنت كرسگانرا بظريقى دربست بجنابسيد فضل الله عنايت  
نموده شده.

<sup>50</sup> Суюрғол имтиёзини олган кишилар «соҳибн суюрғол» деб аталган.

<sup>51</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 14/105- ва 5/91-ҳужжатлар.

<sup>52</sup> И. П. Петрушевский, К вопросу об иммунитете в Азербайджане в XVII—XVIII вв., стр. 48.

(1553—54) йилда саййид Гўё Муҳаммадхўжа номига берган суюрғол шаҳодатномасида: «Короскон мавзеи [унинг] отаси дастури ва ўзи тугган йўли билан дарбаст расмида саййид Гўё Муҳаммадхўжага суюрғол бўлган; биз ҳам иноят қилиб, ўша дастурга мувофиқ ҳукм қилдик»,— дейилган<sup>53</sup>. Иноқ Муҳаммад баҳодир султоннинг ҳижрий 970 (1562—63) йилда берган ёрлиғида ҳам бу ҳол таъкидланади<sup>54</sup>. Бундай фактларни бошқа ҳужжатларда ҳам учратиш мумкин<sup>55</sup>.

Ҳужжатларнинг мазмунига кўра, суюрғол эгалари ўзларига берилган мулкдан келадиган даромадни олиш билан бир қаторда, раъият устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлганлар.

Умрбод ва ирсий қилинган суюрғол ҳужжатларда «дарбаст йўли билан» ва «муқаррар ва мусаллам билсунлар» жумлалари билан таъкидлаб ўтилади. Лекин ҳамма ҳужжатда «парвоначидан ҳар йил янги нишон талаб қилинмасун»<sup>56</sup>, ибораси такрор таъкид қилинишига қараганда, (Короскон саййидларидан бошқа) суюрғол эгаси ҳар йил тегишли хон девонидан суюрғол ёрлиғини тасдиқлатиши ёки янги олиши лозимлиги кўриниб турибди<sup>57</sup>.

Юқорида айтилганидек, саййидлар тўрт қишлоқ (Адак, Говхона, Қизилрабат ва Короскон) ва уларнинг аҳолисидан давлат фойдасига тўпланадиган ҳамма рента-солиқлар, шу жумладан, ўн икки минг олтин доруғаликни ҳам ўз фойдаларига олганлар. Шунингдек, ўша жойларнинг ҳокимлиги ва қозилиги мансаби ҳам уларнинг қўлида бўлган. Бундай суюрғол тартиби Фарбий Европадаги руҳонийларга берилган «лен»га ўхшаб кетади, чунки феодализм даврида диннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда катта роль ўйнаганлиги тасодифий эмас.

Шуни ҳам айтиш керакки, суюрғол суюрғол эгалари — саййидларнинг жамиятда тугган мавқеларига қараб берилган. Масалан, саййид Фозил Али, унинг авлодлари — саййид Гўё Муҳаммадхўжа, саййид Зоҳид ва саййид Фазлуллоларга юқорида айтилган тўрт қишлоқ суюрғол қилингани ҳолда, саййид Насруллога Короскон, Адак ва Говхона<sup>58</sup>, саййид Қутбиддинхўжага эса фақат Коросконнинг ўзи<sup>59</sup>, саййид Афзал-

<sup>53</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 22/88-ҳужжат.

<sup>54</sup> Уша тўплам, 53/119-ҳужжат.

<sup>55</sup> Уша тўплам, 77/114-, 49/116- ва 43/117-ҳужжатлар.

<sup>56</sup> Уша тўплам, 49/116- ва 23/122-ҳужжатлар.

<sup>57</sup> Уша тўплам, ўша ҳужжатлар.

<sup>58</sup> Уша тўплам, 113/73-ҳужжат.

<sup>59</sup> Уша тўплам, 51/120-ҳужжат.



хўжа ва саййид Фатҳуллохўжаларга бўлса, Говхона қишлоғининг ярми берилган<sup>60</sup>.

Лекия руҳонийларга марказий ҳукумат давлат мулки ҳисобланган ердан улушлар ажратиб, махсус ёрлиқлар билан «суюрғол», «дарбаст», «мусаллам», «муқаррар», «малсус», «мутаъаллиқ», «назр ва ниёз» терминлари билан қишлоқ, ер ва сув шохобчалари, шунингдек, иншоотлари, бутун бир вилоятдан давлат хазинасига тушадиган ҳамма рента-солиқлар ва 12 минг олтин доруғаликни уларга берган. На-тижада, саййидлар йирик феодалларга айланиб кетганлар.

«Ёрлиқлар тўплами»да тархонлик ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Фарғонада тархонликнинг мавжудлиги масаласи тарихда тўлиқ ёритилмаган. Маълумки, тархонлик имтиёзини олган кишилар давлат хазинасига рента-солиқлар тўлаш, турли мажбурий хизматларни бажариш, умуман, ҳар қандай феодал мажбуриятдан озод бўлганлар. Тархонларнинг урушда қўлга туширган ўлжалари ҳам тўлиғича ўзлариники бўлиб, умумий тақсимдан чиқарилган. Шундай қилиб, тархонлар зўр ҳуқуққа эга бўлганлар. «Фарҳанги Жаҳонгирий» номли асар автори Ибн Фахриддин бундай деб ёзади: «Тархонлар ҳарна гуноҳ қилсалар ҳам таъқиб қилинмайдилар»<sup>61</sup>. Ҳаким Таррорий Кўхистонийнинг мана бу байти диққатга сазовордир:

Агар сад хун баяк ғамза бризи кас намитарсад,  
Магар ёрлиғи тархоний зи султон Элхон дори<sup>62</sup>.

### М а з м у н и:

Агар бир ғамза билан юз кишининг қонини тўксанг ҳам, сендан ҳеч киши кўрқмайди,

Магар Элхон султондан тархонлик ёрлиғинг борга ўхшайди.

Саййид Жамол ибн Мир Жалолиддин Шерозийнинг айтишича, «тархон» сўзи «хитоб» маъносига бўлиб, «хуризи» (қон тўк) демакдир<sup>63</sup>. Баъзи манбаларда тархонлик мўғуллардан аввал араблар даврида ва, ҳатто, исломиятдан илгари ҳам бўлганлиги таъкид қилинган. Маҳмуд Кошғарий «тархон» сўзи «бек» маъносига бўлиб, исломиятдан олдин «арғуча» деб юритилганлигини айтади<sup>64</sup>. «Тархон» сўзи мўғулча

<sup>60</sup> Уша тўплам. 68/28-ҳужжат.

<sup>61</sup> Жамолиддин Ҳусайн, Фарҳанги Жаҳонгирий, Лакхнав, 1876, 320-бет.

<sup>62</sup> Лазар Будагов, Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, т. I, СПб., 1868, стр. 349

<sup>63</sup> Саййид Жамол ибн Мир Жалолиддин, Тархоннома, ЎзССР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 2020, За-варақ.

<sup>64</sup> «Девону луғотит турк», I том, Тошкент, Ўз ФАН, 1960, 409-бет.

бўлиб, «дархон»дан олинган<sup>65</sup>. Бу термин билан мўғуллар даврида (XII—XIII аср) феодал мажбуриятлардан озод қилинган кишиларни атаганлар. Умуман айтганда, у нимани истаса, шуни қила олади, ҳар қандай хизматдан озод бўлиб, то тўққиз мартабагача улардан гуноҳ содир бўлса кечирилади. Л. Будаговнинг кўрсатишича, тархонлик имтиёзи рус руҳонийларига, шунингдек, хотинларга ҳам берилган<sup>66</sup>. Тархонлик ҳақида Карл Маркс бундай дейди: «Феодал ҳуқуқининг бу тури маданияти кам тараққий этган барча халқларнинг урушқоқ ва тажовузкорлиги натижасида пайдо бўла бошлайди»<sup>67</sup>. Демак, тархонлик феодалларга бирон маълум хизматлари эвазига бериладиган зўр бир имтиёз бўлган. Тўпланган ҳужжатлардан маълум бўлишича, тархонлик имтиёзини ҳарбий ёки давлат хизматида бўлган феодаллар эмас, балки феодал табақасига мансуб бўлган руҳонийлар олганлар.

Тархонлик ҳам суюрғол сингари мўғуллар, темурийлар ва шайбонийлар даврида Ўрта Осиёда кенг тарқалган эди. Кўпгина ҳужжатлар тархонлик унвонини олган руҳоний зодагонларга зўр имтиёзлар берилганлигини кўрсатади. Масалан, Отамуҳаммад баҳодир султон томонидан саййид Зоҳидга берилган фармонда: «Девонлар, зобитлар, арбоблар ва бошқалар ихрожат, мардикор ва муҳрик жиҳатидан [саййид Зоҳидга қарашли] мазкур мавзеларга асло ва қатъиян дахл қилмасунлар, [унга] зарар ва заҳмат еткизмасунлар ва [ундан] бирор нарса талаб қилмасунлар»<sup>68</sup>,— деб айтилган. Муҳаммад Умар баҳодирнинг фармонида эса: «Амалдорлар ва олигдорлар ул жанобга зарар ва заҳмат еткизмасунлар...»<sup>69</sup>,— деб ёзилган.

Тархонлик имтиёзи олган феодал руҳоний (саййид)ларнинг ўзларигина эмас, ҳатто, уларнинг биродарлари, қариндош-уруғлари ҳамда дарвишлари ва хизматкорлари ҳам

<sup>65</sup> «Тархон» сўзи ҳақида олимларимиз турлича фикр билдирганлар. Л. Будагов «дархон», «тархон», «торхон» деб (юқоридаги асар, 349-бет), Сомий «турхон» деб ёзади («Қомуси туркий», Истамбул, 1318, 881-бет).

<sup>66</sup> Л а з а р Б у д а г о в, юқоридаги асар, 349-бет.

<sup>67</sup> «Архив К. Маркса и Ф. Энгельса», т. V, М., Госполитиздат, 1938, стр. 220.

<sup>68</sup> «Ёрликлар тўплами», 47/113-ҳужжат: ديوانيان و ضابطان و اربابان و غيره جهته اخراجات و مردكارو محرك بمواضع مذكوره اصلا «وقطعاً» دخل نكنند.

<sup>69</sup> Ўша тўлам, 38/83-ҳужжат: عملداران و الغداران ضرر و زخمت نرسانند.

девоннинг барча солиқ ва жарималаридан озод қилинганлар. Муҳаммад Дарвиш султоннинг саййид Гўё Муҳаммадхўжага<sup>70</sup> ва хазора Муҳаммад султоннинг саййид Зоҳидга<sup>71</sup> берган фармонлари бунга ишонарли далил бўла олади. Бундан ташқари, тархонлик имтиёзини олган саййидлар, хонлар ва тархонлик имтиёзини бериш ҳуқуқига эга бўлган султонлар орқали солиқ тўпловчи амалдорларни ўз таъсирида тутганлар ва қўл остидаги деҳқонлари билан истаганларича муомала қила олганлар<sup>72</sup>.

Ҳужжатларда «тархон» сўзи «мутлақулинон», «муоф» ва «марфуулқалам» терминлари билан ҳам бирга келади. «Муоф» сўзи (а р а б ч а) аслида «озод» маъносида бўлиб, барча рента-солиқ ва бошқа феодал мажбуриятлардан озод маъносида келади. Қўлимиздаги XVI асрга оид ҳужжатларда «муоф» термини жуда кўп учрайди. «Мутлақулинон» арабча бўлиб, абадий тизинлаб олган, ҳарна истаса қила олади, маъносидадир. «Марфуулқалам» (а р а б ч а) эса, солиқ дафтарида чикариб юборилган, маъносида. Бу ҳар икки термин ҳам адабий имтиёзни таъкидлайди. Шундай қилиб, «тархон», «мутлақулинон» ва «муоф», «марфуулқалам» терминлари маъно жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ва яқин сўзлардир. Баъзи ҳужжатларда «тархони мутлақулинон» бошқа бир ҳужжатда «муоф» ва «марфуулқалам» ёзилган. Масалан, саййид Зоҳид номига берилган 50/64-ҳужжатда саййид Зоҳидни қадимий дастур билан «тархоне мутлақулинон қилдук»<sup>73</sup>, деб ёзилган бўлса, яна бир бошқа ҳужжатда (46/77) «муофе мутлақ»

---

<sup>70</sup> Ўша тўплам, 23/122-ҳужжат: خوبشان و برادران و فرزندان و درويشان و متعلقان ايشانرا از مال و جهات و اخراجات و كل تكاليف ديوانى مرفوع القلم شمرند.

<sup>71</sup> Ўша тўплам, 40/118-ҳужжат: سيد مشاراليه و برادران و فرزندان درويشان و متابعان و يتيمان و خدمتكاران ايشانرا جميع تكاليف حكى و انفاقى مطلقا مرفوع القلم شمرند.

<sup>72</sup> Ўша тўплам, 102/49-ва 107/24-ҳужжат: ملايمان و كهاشتكان و صاحبذخلان بعداليوم درآنمقام پاي آستانه قدم نرسانند...

<sup>73</sup> Ўша тўплам, 50/64-ҳужжат: جناب حضرت سيدزاهدزادبركاتہرا بدستور قديم عمل نموده ترخان مطلق العنان ساختيم.

(а р а б ч а — бисбутун, озод) ёзилган<sup>74</sup>. Худоёрхоннинг саййид Жамолиддинхўжага берган фармонларидан бирида «[уни] хирож ва танобона ва ҳарбуза пули ва юртнинг барча жамарғаларидан дархон ва «марфуулқалам» бусун»<sup>75</sup>, деб ёзилган. 90/6-ҳужжатда эса «қадимий дастур билан муоф ва марфуъ қилдик»<sup>76</sup> дейилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, бундай имтиёзни олган шахсларнинг ерларини «хос» деб атаганлар. Бу ҳақда саййид Зоҳидга берилган ҳужжатларда<sup>77</sup> «[унинг] хосса зироатларидан «мол», «тағор», «харж ва ихрожат», «даҳи ним», «сади ду», «инончи-герий» ва «ғайрихум» тиламасунлар ва олмасунлар; ўша мавзеи ва ўша мазраъани қадимий дастур билан ишорат қилинганга махсус биллиб, «мол-жиҳот», «амалот» ва девоннинг ҳамма таклифлари жиҳатидан сиқштирилмасун»<sup>78</sup> деб ёзилган. Бу проф. И. П. Петрушевскийнинг XVII—XVIII асрларда Озарбайжонда шундай ерлар «хос» деб аталганлиги тўғрисида айтган фикрини тасдиқлайди<sup>79</sup>. Демак, XVII—XVIII асрларда «хос» имтиёз олган шахсларнинг ерларини Озарбайжонда «хос» дейилганидек, Фарғонада ҳам айнан шундай аталган.

Булардан ташқари, «Ёрлиқлар тўплами»да XVI ва XVII аср бошларида Қоросконда деҳқонлар бир жойдан иккинчи жойга эркин кета олмаганликлари, кетганликлари тақдирда зўрлаб қайтариб келтириш ҳолларини кўрсатувчи ўн битта ҳужжат бор.

Ўрта аср феодал муносабатларини ўрганишда деҳқонларни ерга бириктириш масаласи алоҳида ўрин тутади. Бу ҳусусда атоқли олимларимиз: В. В. Бартольд, И. П. Петрушевский, А. Ю. Якубовский, В. А. Гордлевский, А. А. Семенов,

<sup>74</sup> Ўша тўплам, 46/77-ҳужжат: حضرت سيد زاهد دريست بطريق دريست سيورغال نموديم... و مغافى مطلق دانند.

<sup>75</sup> Ўша тўплам, 96/2-ҳужжат: ازوجه خراج وطنابانه و خربوزه پلى و ازتمامى جملغه يورتيه ترخان و مرفوع الظلم باشد.

<sup>76</sup> Ўша тўплам, 90/6-ҳужжат.

<sup>77</sup> Ўша тўплам, 39/81-, 3/81-ва 63/41-ҳужжатлар: حکم فرموديم که موضع مذکور و مزرعه مذکور را بهمان دستور مخصوص مشارا ليه دانسته آفريده مزاحم نشود.

<sup>78</sup> Ўша тўплам, 37/84-ҳужжат.

<sup>79</sup> И. П. Петрушевский, К вопросу об иммунитете в Азербайджане, стр. 48.

Б. Н. Заходер ва А. А. Ализодалар қимматли фикрлар баён этишган\*.

Шундай бўлишига қарамай, ўзларини шарият пешволари деб кўрсатувчи, катта ер эгалари бўлган руҳонийлар, хусусан, Короскон саййидлари худо ва пайгамбарни пеш қилиб, қочиб кетган деҳқонларни зўрлаб ўз ерларига қайтиб келишга мажбур қилганлар. Хон ҳукумати эса уларни ҳар томонлама қўллаб-қўлтиқлаган. Сўзимизнинг далили учун қўлимиздаги 104/72-ҳужжатни эслатиб ўтамиз. Феодал хонлардан бири (номи номаълум) Короскон саййидларига берган ёрлигида уларга ўзининг бениҳоя илтифот ва иноятлари бошқачалиги, аламонлар беодоблик қилганларида саййидлар уларнинг жазосини беришлари мумкинлиги таъкидланади<sup>80</sup>. Бун-

\* XIII—XIV асрларда Эронда деҳқонларнинг ерга бириктирилганлиги (яъни аввалги турган жойларидан иккинчи бир ерга ўз майлларича кўчолмасликлари) ҳақида дастлабки фикрни В. В. Бартольд (1923 й.) айтган. Лекин ҳаётининг сўнгги йилларида айтган фикрига кўра, мусулмон Шарқда, крепостнойлик ҳуқуқи бўлмаган, яъни деҳқонлар ерга бириктирилмаган ва улар бир ердан бошқа ерга эркин кўча олишган.

Проф. И. П. Петрушевский В. В. Бартольдининг бу фикри ўзаро зидлигига қарамай, илмий-тадқиқот ишларида муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади (Қаранг: «Вопросы истории», 1947, № 4, стр. 58). А. Ю. Якубовский ўрта асрларда Кичик Осиёда деҳқонларни ерга бириктириш ҳоллари юз берган, деган фикрни айтади (Қаранг: «Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР», М.—Л., 1933, стр. 49). В. А. Гордлевскийнинг фикрича, Кичик Осиёда деҳқонлар мўғуллар ҳукмронлигига қадар ерга бириктирилмаган ва улар бир феодалдан иккинчи бир феодал иҳтиёрига бемалол ўтиб кетиш ҳуқуқига эга бўлганлар (Қаранг: В. А. Гордлевский, Государство Сельджукидов Малой Азии, М.—Л., 1941, стр. 93—95). А. А. Семёнов эса, ердан фойдаланиш имтиёзини олган феодаллар ўз ҳуқуқларидаги тўла фойдаланганлар, деҳқонлар уларга тамоман қарам бўлиб қолган, аммо бу ерда крепостнойлик бўлганлиги ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас, дейди («Труды САГУ», серия II, выпуск I, Ташкент, 1929). Б. Н. Заходер ҳам ўзининг Эрон ва Яқин Шарқ тарихига оид лекциясида мўғуллар ҳукмронлиги даврида ва ундан сўнгги вақтларда ҳам Кичик Осиёда деҳқонларни ерга бириктириш ҳоллари бўлганини айтади (Қаранг: Б. Н. Заходер, История Восточного средневековья, Лекции читанные в МГУ, М., стр. 76, 93). И. П. Петрушевский ҳам бу фикрни тасдиқлайди («Известия АН СССР», отд. общественных наук, 1937, № 4, стр. 887—888). А. А. Ализода Ҳозонхон даврида Эронда деҳқонлар ерга бириктирилганини таъкидлайди («Известия Аз ФАН СССР», 1942, № 5, стр. 24—25; «Известия Аз ФАН СССР», 1942, № 4).

<sup>80</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 104/72-ҳужжат: *سیدان کورسکان از عنایت پادشاهانه و التفات خسروانه از ازل بهره مند بوده بدانند که از آنچه دولتخواهی شمايان بعرض انورا ینجانب رسیده عنایت بیغایت و الطافی بینهایت ماہم دربارہ انیا نوع دیگر گردید*

дан кўриниб турибдики, феодаллар раъият устидан ҳукмронлик қилиш — уларни суд қилиш ва истаганича жазолаш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Ҳужжатлардан маълум бўлишича, кетиб қолган деҳқонлар куч билан ўз эл-юртларига қайтарилган. Султон Муҳаммад Амин (1552—1571)<sup>81</sup> томонидан берилган бир ёрлиқда қуйидагиларни ўқиймиз: «Бизнинг ҳумоюн арзимизга еттиким, Короскон кентининг раъиятларидан [баъзилари] Андугон қаламравида сокин ва мутаваттин бўлгон эмиш. Энди бу нишонни кўргач, жаноби саъдат маъоб, муалло нисоб, муртазавий интисобий саййид Муҳаммад Гўёхўжага ҳар ерда мавзеи мазкурнинг раъиятларидан бўлса, тутиб топшира берсунлар, уларни асло ҳимоят этмасунлар, ҳимоят қилган ва ҳимоятга сиғинганлар сиёсатимиздан кўрқар, хуркар деб муҳрлик нишон кўргиздук»<sup>82</sup>. Султон Муҳаммад Дарвиш Баҳодир<sup>83</sup> томонидан ҳижрий 902 (1496—97) йили берилган ёрлиқ ҳам диққатга сазовордир<sup>84</sup>. Ҳижрий 906 (1500—1501) йили берилган 116/56-ҳужжатда<sup>85</sup> ҳам кетиб қолган раъиятлар ўз қишлоқларига қайтиб келган тақдирда улардан ҳеч нарса олмаслик ваъда қилинганлиги маълум<sup>86</sup>.

Мўғуллар даврида Эронда қочиб кетган деҳқонларни ўз эл-юртига мажбурий қайтариб олиб келинар ва уларни яшириб қолган ёки уларга бошпана берган кишиларни қаттиқ жазолар эдилар. Бундай ҳолни XVI ва XVII аср бошларида

انشاء الله علامات التفات عن قريب معلوم ميشود بکسی خار  
نخواهم کردن و بعضی آلمان و تیلی و ننتک قیاس و بشمایان  
تعدی نکنند ابا ادب اورا بدهید خاطر ازما جمع باشد خلاف  
نورزند.

<sup>81</sup> Султон Муҳаммад Амин — Наврўз Аҳмад (Бароқ) хоннинг ўғли; у Андижон ҳукмрони бўлган (Қаранг: „Тарихи Шайбоний“, ЎзССР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 1505, 66 а-парақ).

<sup>82</sup> „Ёрлиқлар тўплами“, 120/68-ҳужжат.

<sup>83</sup> Дарвиш Муҳаммадхон ҳам Навруз Аҳмадхоннинг ўғли. Дарвиш Муҳаммад отаси ўрнига Тошкентда ҳоким бўлган; „Тарихи Шайбоний“, 62-бет.

<sup>84</sup> „Ёрлиқлар тўплами“, 115/53-ҳужжат.

<sup>85</sup> Ҳужжат ким томонидан берилганлиги кўрсатилмаган.

<sup>86</sup> „Ёрлиқлар тўплами“, 116/56-ҳужжат: کلان تران موضع کرسکان

بارچه گه حکم حضرت بولدی حصول چیزی طلبندارند می باید که  
چون و قوف آید بوطن خود بازآمده بزراعت و عمارت خود ها  
مشغول گردند.

Фаргонада ҳам кўрамиз. Масалан, ҳижрий 1004 (1595—96) йили берилган бир ҳужжатда<sup>87</sup> сайид Зоҳидхўжанинг хизматкорлари ва коросконлик мулла Али ва унинг ўғиллари, шунингдек, бир талай шайхлар Исфандиёр султон (1581—1591) замонида қочиб кетганлиги ҳикоя қилинади ва улар бутун умидворлик билан ўз ватанларига қайтиб келиб, иморат ва зироат ишлари билан машғул бўлишлари, ҳеч кимса уларни асло ҳимоят қилмаслиги буюрилади<sup>88</sup>. Бошқа ҳужжатларда ҳам шундай фикрлар айтилган<sup>89</sup>.

Маълумки, Шайбонийлар истилоси даврида бўлган вайронликлар ва эксплуатациянинг кучайиши натижасида мамлакатнинг экономикаси тушкунликка учради. Деҳқонларнинг атрофга таралиб кетишининг кучайиши эса давлат даромадининг камайишига сабаб бўлган эди. Шунинг учун ҳам Шайбонийхонлар кетиб қолган деҳқонларни қаттиқ қўллик билан аввалги турган ерига қайтариб келтириш чорасини кўрганлар. Бу ҳол И. П. Петрушевскийнинг сўзлари билан айтганда, уларнинг тутган ижтимоий сиёсати эди<sup>90</sup>.

В. А. Гордлевскийнинг деҳқонлар қайси ерга бормасинлар, ҳамма жойда ҳам уларнинг аҳволи бир хилда бўлган, шунинг учун улар ўз ихтиёри билан ерга бириктирилган, деган юқоридаги фикрига қўшилиб бўлмайди, чунки ҳамма жойда ҳам деҳқонларнинг аҳволи бир хилда бўлмаган. Қўлимиздаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, деҳқонларнинг аҳволи бошқа жойга нисбатан Коросконда оғир бўлган. Бунга султон Дарвиш Муҳаммаднинг фармонида: «Короскон кентининг мутафарриқа бўлган раъиятлариға, сизлар хароб аҳ-

---

<sup>87</sup> Ҳужжат ким томонидан берилганлиги маълум эмас. Бизнинг фикримизча, ҳазора Муҳаммад Султон томонидан берилган бўлиши керак.

<sup>88</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 122/80-ҳужжат: حکم شد که چون ملاعلی مع پسران و شیخ از مردم کرسگان و از خدمتکاران سیادت پناهی سید زاهد خواجه بوده اند که در زمان مرحوم مغفور اسپند بیارخان گریخته رفته بوده اند از روی امیدواری کلی بوطن خود آمده بعمارت و خدمت اشتغال نمایند. و هیچ آفریده حمایت نکند در عهده انسته درین باب تقصیر نمایند.

<sup>89</sup> Уша тўплам, 119/46-, 118/51-, 115/53-, 120/68- ва 117/99-ҳужжатлар.

<sup>90</sup> И. П. Петрушевский, К вопросу о прикреплении крестьян к земле в Иране в эпоху монгольского владычества, «Вопросы истории», 1947, №4, стр. 66.

волликдан тафриқа топгансизлар»<sup>91</sup>, — деб айтилганлиги далил бўла олади. Бундан ташқари, катта ер эгалари доимо ишчи кучига муҳтож бўлганларида бошқа тарафдан қочиб келган кишиларни, ҳукуматнинг ман этишига қарамай, мамнуният билан қабул қилганлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Короскон саййидлари қўл остидаги деҳқонлар бошқа ерга эркин кета олмаганлар. Кетганлари эса, зўрлаб қайтариб келтирилган. Бу ҳол беҳисоб солиқлар ва феодал эксплуатациянинг бениҳоя оғир бўлганлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, Короскон саййидларига берилган бошқа имтиёзлар ҳақида ҳам қисқача тўхтаб ўтишга тўғри келади. Султон Саъидхоннинг ҳижрий 919 (1513—14) йили саййид Фозил Али номига берган бир иноятномасида ва яна бошқа ҳужжатда (2/35) ўша вақтда Короскон, Говхона, Қизилработ ва Адакда 41 хўжалик саййидлар ва хўжалар яшагани айтилган<sup>92</sup>. Лекин бу қишлоқлар аҳолисининг аксари қисмини деҳқонлар ташкил қилган. Деҳқонлар расман эркин ҳисоблансалар-да, аслида бутунлай ҳуқуқсиз бўлганлар. Маълумки, руҳонийлар катта нуфузга эга эдилар ва давлатнинг сиёсий ҳаётида асосий роль ўйнадилар. Ҳужжатлар мазмунидан кўринадики, коросконлик саййидлар пайғамбар авлоди ҳисоблангани туфайли, девонга тўланадиган барча солиқ ва мажбуриятлардан хориж ва мустасно қилинганлар<sup>93</sup>. Маса-

<sup>91</sup> „Ёрликлар тўплами“, 117/99-ҳужжат:

کرسکان کنتی نینگ متفرقه بولغان رعیت لاریغه سزلار خراب  
احوال لیق دین تفرقه تاپقان سزلار...

<sup>92</sup> Ўша тўплам, 5/91-ҳужжат:

جناب سیادتہابی سید فاضل علی  
بیلہن نیشان نینگ اولیوزیدہ مفصل بولغان قرق بر اولوک  
درویش سیدلارغه هیچ تورلوک یساق الپان خرج و خراجات  
دودی دہ یازدہ داروغہ لیق...

<sup>93</sup> Ўша тўплам, 22/88-ҳужжат:

ابدی و سبب سرمدی است و چون طہارت نسب و شرافت حسب  
جناب سیادت مآب نقابت آیاب معالی نساب زبده السادات  
صاحب العز و الکرامات بقیة اولاد حضرت رسول اکرم صلی  
اللہ علیہ و سلم... سید مشار الیہ و برادران و فرزندان و درویشان  
و متعلقان ایشانرا از مال و جہات و کل تکالیف دیوانی مرفوع  
القلم شمرند.



лан, Муҳаммад Хўжахоннинг ҳижрий 1198 (1783—84) йили берган бир фармонида амалдорлар, соҳиби дахллар, девонлар ва беклар, саййидлар ва хўжаларни юртнинг ҳамма жамғаларидан хориж ва мустасно билиб, у олий мақом, пой остонга таъадди қилмасликлари, улардан, ҳатто, битта қора чақа, бир чўп сомон ҳам талаб ва тамаъ қилмасликлари таъкидланади<sup>94</sup>.

Бундан ташқари, шу тўрт қишлоқ аҳолисидан тўпланадиган солиқлар ҳам уларнинг маоши учун топширилган. Бу ҳол саййидларнинг феодал синфи ичида нуфузли бўлганларини кўрсатади<sup>95</sup>. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳатто, тархонлик имтиёзи саййидзодаларнинг ўзларигагина эмас, балки уларнинг мулозимларига ҳам берилган<sup>96</sup>.

Саййидлар деҳқонлар билан истаганларича муомала қилиш ва уларни жазолаш ҳуқуқига эга бўлганлар. Тўпламдаги бир ҳужжатда (104/72) Короскон саййидлари подшоҳона иноят ва хусравона илтифотдан азалдан баҳраманд бўлиб келганликлари, шунинг билан бирга, уларнинг феодал хонликка давлатхоҳликлари маълум бўлгани туфайли, саййидларга иноят ва илтифотлари ғоят ниҳоясиз даражада бўлиб, бу иноят ва илтифотлар яқин кунларда маълум бўлиши ва ҳеч бир кишига саййидларни хор қилмасликни ваъда қилиб, беодоблик қилган кишиларни истаганларича жазосини бериш буюрилади ва саййидларнинг бу хусусда хонликдан хо-

---

<sup>94</sup> Ўша тўплам, 105/71-ҳужжат: *از جمع جمرغه<sup>۹</sup> یورتیه سوی و مستثنی دانسته بعد الیوم در آن مقام عالی پای آستانه تعدی نرسانند من کل الوجوه مرفوع دانسته در همی و دیناری و پلوس و پرکاهی طلب و طمع ندارند تاکه سبب آزار و تصدیع نگردند.*

<sup>95</sup> Ўша тўплам, 122/80-, 33/86-, 22/88-, 40/118- ва 23/122-ҳужжатлар: *و جمع عملهرا خود گرفته بدستور سابق بوجه معاش خود صرف نمایند. و غیرى اورا دخل نکنند...*

<sup>96</sup> Ўша тўплам, 36/31-, 19/44-, 33/86-, 22/88-, 40/118- ва 23/122-ҳужжатлар: *سید مشارا لیه و برادران و فرزندان و درویشان و متلقان ایشانرا از مال و جهات و اخراجات و کل تکالیف دیوانی مرفوع القلم شمرند.*

тиржам бўлиши таъкидланади<sup>97</sup>. Саййидлар хоҳлаган жойларидан от чоптириб, қуш учирсалар, деҳқонларнинг экинларини пайҳон қилсалар ҳам деҳқонларнинг уларга лом-мим дейиши тақиқланган<sup>98</sup>.

Саййидлар ва хўжалар ўзларига берилган бу зўр имтиёзлар бадалига хон ва маҳаллий феодалларнинг ҳомийси бўлиб, меҳнаткаш оммани шафқатсиз эксплуатация қилишда уларнинг яқин ёрдамчилари бўлганлар. Абдуллахоннинг саййид Фазлуллоҳга берган иноятномасини мисол қилиб келтириш мумкин. Унда бундай дейилади: «Иноят ва илтифотимиздан сарафроз бўлгандан сўнг билингким, сизнинг давлатгоҳ ва жонсупорлигингиз порлоқ хотиримизга офтобдан кўра ҳам равшанроқ маълум бўлди. Баракалло, раҳмат сизга! Одамизодагонлардан умид шудир. Иш қилиб мард ва мустаҳкамлик билан давлатхоҳликни қўлдан берманг. Агар парвардигор бизга бир нима берар экан, у аввал сизга тегишлидир»<sup>99</sup>. Бу факт саййидларнинг нақадар чексиз ҳуқуққа эга бўлганликларига очиқ далил бўла олади.

<sup>97</sup> Ўша тўплам, 104/72-ҳужжат: حکم همایون صادر شود که درینو لا چون سیدان کرسگان از عنایت پادشاهانه و التفات خسر و انه از ازل بهر همنده بوده بدانند که از آنچه دولتخواهی شمایان بعرض انور اینجانب رسیده عنایت بیغایت و الطاف بینهایت ماهم در باره آنها نوع دیگر گردید انشاالله علامات التفات عن قریب معلوم میشود بکسی خوار نخواهم کردن و بغضی آلمان و تیلی و تننیک قیاس بشمایان تعدی نکنند. ابا ادب اورا بدهید خاطر از ما جمع باشد خلاف نورزند.

<sup>98</sup> ...سید فاضل علی ایام دولتیمزده دعای دولت روز افزو افرونغه مشغول بولوب قراغ بال لیق بیلهن قوش جویب ایت یوگورتسه هیچ کیمرسه مانع و مزاهم بولماسون ایت قوشلاری بیلهن آطالاریدین طمع ایتماسون هیچ جهة بیلهن تعرض قیلماسونلار دیب مهر لوق نیشان بیریلدی.

<sup>99</sup> Ўша тўплам, 61/36-ҳужжат: فضل الله خواجه از عنایت و التفات سرافراز بوده بدانید که دولتخواهی و جانسپاری ایشان اظهر من الشمس معلوم و خاطر

Шунингдек, халқ орасида бўлиб турадиган турли ихтилофларни ҳал қилиш учун қозилик деб аталган махсус маҳаллий маъмурият Ўрта Осиёда қадим замонлардан бери, аниқроғи, араб халифалиги давридан мавжуд бўлгани маълум. Утган замонларда ҳам қабила аъзолари ўртасида ақл ва қувватда мумтоз бўлган киши қабиланing ҳам ҳокими, ҳам қозиси қилиб сайланиб, у қабила аъзолари орасида пайдо бўлиб турадиган низоларни бартараф этарди. Бадавийлик даврида айнан мана шундай эди. Бу ҳол арабларнинг жоҳилият замонида ва ундан кейин ҳам давом этди.

Араб халифалиги даврида қозилик ишларини ҳаммадан илгарини ўз қўлига олган киши Муҳаммад бўлган. Ундан кейин халифа бўлган Абубакр, Умар, Усмонлар ҳам бу вазифани бажарганлар. Кейинчалик, араб халифалигининг кенгайиши ва шу туфайли давлат ишлари кўпайганидан пойтахтда, шунингдек, бошқа шаҳар ва қишлоқларда алоҳида қозилар тайинланадиган бўлди. Бу ишни дастлаб таъсис этган киши халифа Умардир<sup>100</sup>. Қозиларни волийлар тарафидан белгилаш ана шундан бошланди. Лекин қозиларнинг вазифалари илгаригича қолди. Кейинчалик, уларнинг функцияси кенгайиб, улар гражданлик ишлари (мерос, вақф, никоҳ, онла ва бошқалар) билан ҳам шуғулланадиган бўлиб қолдилар.

Муҳокамамиздаги ҳужжатлардан кўринишича, Короскон, Адак ва Қизилрабoтнинг қозилик мансаби қадимдан коросконлик саййидларнинг қўлида бўлган<sup>101</sup>. Шу нарса ҳам характерлики, Оқил оталиқ султоннинг ҳижрий 1060 (1650) йили саййид Насруллога берган ёрлигига кўра, Короскон саййидларига фақат қозилик мансабигина эмас, айни замонда ўша мавзенинг ҳокимлиги ҳам берилган<sup>102</sup>. Короскон саййидлари султон Сайид мазорининг шайхлари ҳам бўлиб, унга келадиган ҳамма назр ва салақаларни олиб, ўз маошига сарфлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлганлар<sup>103</sup>. Демак, саййидлар

أنور گردید باریک الله رحمت باد از آدمیزاده گان امید چنین است  
کاری کنید که مستحکیم و مردان بوده چنان سازید که دولتخواهی را  
از دست ندهید اگر پروردگار بماند اول او تعلق بایشان دارد  
گویان عنایت بی غایت نمودیم.

<sup>100</sup> Қаранг: „Қомус ул аълам“, 1-жилд, Истамбул, 1898, 764-бет.

<sup>101</sup> „Ёрлиқлар тўплами“, 113/73-, 112/66-, 111/43- ва 114/18-ҳужжатлар.

<sup>102</sup> Ўша тўплам, 113/73-ҳужжат.

<sup>103</sup> Ўша тўплам, 70/40-ҳужжат: حکم فرمودیم که مشارالیهرا

صاحب سجاده و مقدم و مقتدای سادات مواضع مذکورہ دانسته

айни бир замонда ҳам шайх, ҳам қози, ҳам ҳоким, ҳам катта ер эгалари бўлганлар.

Қозиларнинг давлатдан оладиган маоши масаласига келганда, у ҳар ерда ҳар хил бўлган. Бунда аҳолининг сони ҳам ҳисобга олинган. Масалан, Ахсикент қозиси мавлоно Иброҳимга маоши учун ҳижрий 964 (1556—57) йили беш юз танга нақд пул ва ўттиз ботмон ошлиғ улүфа тайин қилинган. Ундан ташқари, Кушонак ариғида Шоюсуф миракка қарашли уч қўшли ер ва сув ҳам унга берилган<sup>104</sup>. Шуниси қизиқки, Камолиддинхўжа ва мавлоно Иброҳим ҳам Ахсикент қозиси бўлганлари ҳолда, уларга тайин этилган маош бир-биридан тамоман фарқ қилади. Камолиддинхўжага<sup>105</sup> қозилик мансабидан ташқари, алоҳида фармон билан Коросконнинг муқтадолик ва шайхлиги билан бирга Адак, Говхона, Қизилработ қишлоқлари унга дарбаст тариқасида берилиб, барча рента-солиқлардан озод қилинган. Лекин мавлоно Иброҳим бундай имтиёз олмаган. Демак, Камолиддинхўжа ва Насруллохўжа<sup>106</sup> Короскон саййидларидан бўлиб, мавлоно Иброҳим эса, саййидлар тоифасига мансуб бўлмаган. Шунинг учун ҳам унга (қозилик мансабига) маошдан бошқа имтиёз берилмаган.

Шу каби Ўрта Осиёдаги бошқа мазорлар билан султон Сайид мазорининг ўртасидаги муносабат тўғрисида шуни эслатиб ўтиш керакки, Амир Темур хўжаларнинг ва шайхлар-

مواضع مذکورہ را مع مزارعات مذکورہ بموجب نیشان در بست  
برسم در بست دانند و باید که آلفدار و عملدار از خرج واجات قلعه  
و قراقوناق و خانہ چینی اوینہ و جمیع جمرغہ یورنیہ سوی  
مستثنی دانستہ آمدی و آفریدہ مانع و مزاحم نشود و ہر سالہ نیشان  
مجدد از پروانچنی طلب ندارند.

<sup>104</sup> Ўша тўплам, 111/43-ҳужжат.

<sup>105</sup> Ўша тўплам, 70/40-ҳужжат: مقدم مفتی آنموضع ابا عنجد بمشار

الیہ تعلق داشته و مزرعہ ادک و قزیر رباط و گاو خانہ از قدیم الایام  
از مالو جہات بطریق در بست یجناب مشار الیہ مقرر بوہ است.  
سید نصر اللہ خواجہ ارزانی داشته

<sup>106</sup> Ўша тўплам, 113/73-ҳужжат:

بدستور قدیم حاکمی و منصب جلیل القدر قضای موشع کرسکا  
نوامع یابس ادک و کاو خانہ بمومی الیہ شفقت نمودیم از جمیع  
جمرغہ یورنیہ در بست معافی و مرفوع القلم گردانیدیم...

нинг меҳнаткаш халқ устидан қозонган маънавий нуфузларидан фойдаланиш мақсадида, бутун умрини мусулмончилик сиёсати орқасида олиб борган эски Ченгиз ёсоқини қолдириб шиъалар маслакидан илҳомланган, янги бир ташкилот қурган<sup>107</sup>. Амир Темур ҳижрий 799 (1396—97) йили хўжа Аҳмад Яссавий мазорига бирмунча ер-сувни вақф қилгани маълум<sup>108</sup>. Биз бу ерда вақфноманинг шартларига муфассал тўхтаб ўтирмаймиз. Вақфномада хўжа Аҳмад Яссавий авлодларидан Мирали шайх Ҳасан шайх ўғли (Хилватий)ни ва ундан сўнг унинг авлодларидан бирининг мазорга мутавалли бўлиши шарт қилиниб, мутаваллилик ҳақи учун вақф даромадининг ўндан бир қисми, яъни ҳаққи тавлиятга, қолган қисми эса мазор ва хонақоҳнинг ремонт, мударрис, имом, муъаззиннинг маоши, фаррош «ҳалимоба» (шилон) ва бошқалар учун ажратилган<sup>109</sup>.

Нақшбандия орденининг кўзга кўринган шайхларидан Хўжа Аҳрор ўзининг бор мулкни «вақфи авлод» қилгани ҳам маълум<sup>110</sup>. У ҳам ўз вақфномасида 12 моддадан иборат шарт қўйган. Шартлардан бирида мутаваллилик мансаби авлоддан-авлодга ирсий тариқада ўтиб туриши айtilган. Вақф даромадининг ўндан бири мутаваллига тавлият ваҳҳи учун ажратилган. Қолган даромаднинг бир бўлаги вақфномада кўрсатилган юқоридаги жойларга сарф қилиниб, ундан қолгани вақф қилувчи (Хўжа Аҳрор)нинг ворислари ўртасида мерос тариқасида тақсим қилиниши айtilган<sup>111</sup>. «Вақфи авлод» қилинганда меросхўрлар мулкни сотиш ёки бировга бериш ҳуқуқига эга бўлмайди ва вақф этилган мулк авлоддан-авлодга доимо қолади. Хўжа Аҳрорнинг бу иши халқнинг кўзини бўяб, ўзини молу дунёга ҳирси йўқ бир киши қилиб кўрсатишдан иборатдир, холос. Аслида эса «вақфи авлод» мулкка хусусий эгаликнинг айнан ўзидир. Аммо Темур билан Хўжа Аҳрор вақфномаси ўртасидаги фарқ шундаки, бири фақат мазорга берилиб, иккинчиси бўлса, асосан, ўз авлодига берилган. Лекин султон Сайид мазорига қилинган вақф тамоман бошқача бўлганлигини кўрамиз. Бунда барча имтиёз унинг авлодига берилиб, авлодлар эса хом гишт ва кесакдан мақбара қуриб, уни бойлик орттириш ва меҳнаткаш омма ҳисобига текнинхўрлик билан ҳаёт кечириш манбаига айлантирганлар. Тўғри, XVIII асрда Короскон қишло-

<sup>107</sup> Купирилизода, Илк мутасаввифлар, Истамбул, 1919, 88—89-бетлар.

<sup>108</sup> „Амир Темур вақфномаси“, ЎзССР ФАШИ қўлёзмаси, инв. №10.

<sup>109</sup> Уша вақфнома.

<sup>110</sup> ЎзССР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 9. «Хўжа Аҳрор вақфномаси».

<sup>111</sup> Уша қўлёзма, уша жойда.

ғи мазорига «назр» қилинган бўлса ҳам, ўша назрдан султон Сайид мазори эмас, балки султон авлодлари фойдаланган. Бу ўринда Қўқон хони Шохрухнинг ҳижрий 1207 (1792—93) йили берган фармонига асосланиб, Короскон ҳокими Муҳаммад Олимбий томонидан берилган фармонларни эслатиб ўтишга тўғри келади. «Айни замонда худо ва бузрукворлар



Султон Сайид мазорининг кўриниши.

пок арвоҳларнинг хушнудлиги учун Короскон қишлоғини нур билан тўлиб-тошиб ётган [султон Сайид авлиёнинг] файзосор мазорига назр қилиб, [уни] юртнинг жами жамарғаларидан ва расмий таклифлардан озод [муъоф] ва марфуъулқалам қилиб, ўз ҳолича қолдирдик. Бу кундан бошлаб мулозимлар ва гумашталар [унга асло] дахл қилмасликлари за-

рур. Бирор бир киши у мақоми пойностанага зарар ва заҳ-  
 мат етказмасун ва [уни] ҳамма ваҳқ [солиқ]лардан хориж  
 га мустасно бўлиб, шу асосда, муқаррар ҳисоблаб, [бу фар-  
 монга] хилоф ва қаршилиқ қилмасунлар ва буйруқдан чиқ-  
 масунлар»<sup>112</sup>. Мирзоқул додхо томонидан Жалолиддинхўжага  
 берилган ёрлиқда эса унга мутаваллилик, шайхлик мансаби  
 билан бир қаторда, мазорга келадиган ҳамма назр ва сада-  
 қаларни олиш ҳуқуқи ҳам берилган. Шунингдек, ёрлиқда  
 Адак, Қизилработ ва Говхона экин майдонларининг вақф  
 ерлар бўлганлиги айтилган<sup>113</sup>. 1814—1875 йиллар ичида Урта  
 Осиёда навбат билан ҳукмронлик қилган хонлар томонидан  
 берилган 18 та ҳужжатда вақф ва мутаваллилик ҳақида сўз  
 боради<sup>114</sup>. Бу ҳол юқорида зикр қилинган қишлоқлар кейинги  
 вақтда султон Сайид мазорига вақф қилинганини кўрсатади.  
 Ҳар ҳолда, султон Сайид мазори Короскон саййидлари ва  
 хўжалари учун текин яшаш манбаи бўлиб хизмат қилган. Бу  
 текин бойликни саййидлар ўзаро таллашиб қозихонада кўп  
 марта судлашганликлари ҳам маълум<sup>115</sup>. Уларнинг бири бир

<sup>112</sup> „Ёрлиқлар тўплами“, 106/22- ва 107/24-ҳужжатлар: از برای  
 خوشنودی خدا و ارواح طیبه بزرگان هدایت پناه قریه کربسکانرا  
 مزار فیض آثار فیض الانوار (حضرت سلطان اولیا) نموده از  
 جمیع جمرغه یورتیه و از تکالیف رسمیه معاف و مرفوع القلم  
 گردانیده بتورخود گذاشتیم باید که ملازمان و گماشتگان  
 دخلدار نباشد بعد الیوم کسی آنمقام پای استانه ضرر و زخت  
 نرسانند من کلی الوجوه سوی و مستثنی دانسته و برنموجب  
 مقررشمرند خلاف و انحراف نورزند و از فرموده در نگذارند.

<sup>113</sup> Ўша тўлам, 114/18-ҳужжат: صاحب تصرف نزورات  
 و اوقاف و مزرغه ادك و گاو خانه و قزیل رباط شده...

<sup>114</sup> Ўша тўлам, 96/1- ва 80/19-ҳужжат.

<sup>115</sup> Ўша тўлам, 29/104-ҳужжат: سیادتمای نهدات اثارى میرشمس  
 الدین نینک قوش قلانیغه بو او جورده انداغ یتى کیم سیادتمای  
 سید زاهد بیلەن گفت و گو قیلا نورغانلار قاضی حضورنده  
 اصلاح قیلغان سزلار و حالاتقى مناقشه قیلور ایرمیشسزلار بو  
 نیشان کور گاج اصلاح قیلغان یرلارغه مزاحم بولمانگیزلار مناقشه

хондан фармон кўрсатса, иккинчиси бошқа хондан фармон келтирган. Бунга Наврўз Аҳмадхоннинг ҳижрий 908 (1502—03) йили берган фармони<sup>116</sup>, Суҳайл оталиқнинг ҳижрий 909 (1503—04) йилги фармони<sup>117</sup>, султон Дуст Муҳаммаднинг ҳижрий 983 (1575—76) йили берган фармони<sup>118</sup>, Каффолбийнинг ҳижрий 909 йилда берган фармони<sup>119</sup> ва бошқалар далил бўла олади.

قىلمانگيزلار بوتاريخدين سونك گفت، گو قيلمانگيزلار يخشى  
ايماس تورورديب مهرلوق نيشان بيردوك

<sup>116</sup> Уша тўплам, 8/55-ҳужжат: وليستوريكه در چهار قاضى  
صلح کرده اندبر ان عمل کنند واز مضمون خط قاضى در نگذرنند و  
تغيير و تبد يل را بقواعد نيشان؛ خط قاضى راه ند هند...

<sup>117</sup> Уша тўплам, 12/57-ҳужжат: خواجه نابوس بيلهن بلرا الدين  
خواجهغه جناب حضرت شريعت شعارى قاضى يحيى اوك ملك  
يرينى قزىل رباط يرينى ايريب ايرا قيلغان ايرميشلار و اول  
ابراهه گواهلار هم بارا يرميشلار...

<sup>118</sup> Уша тўплам, 34/38-ҳужжат: كرسكان كنتى نينك داروغه ليفى  
و سجاده نشين ليفينى و سووينى آناسى دستورى بيلهن على  
جناب معالى نساب سيادت اکتساب در صدف ولايت گوهر  
بحر كرامت اولاد حضرت سيد السمرسلين شمسى الدوله و  
الدنيا و الدين سيد زاهدغه كوروب بيليب سيورغال قيلدوق  
بيردوك و حالا سزلار حضرت اميرليكنينك كشيصى سلطان  
آغامدين يارليق كيلتورغان ايرميشسزلار بزلارغه سيورغال  
بولدى ديگان لاريك بسيار عيب و بيجا و بيقاعدنه تورور...

<sup>119</sup> Уша тўплам, 13/102-ҳужжат.



## Иккинчи боб

### XVI—XIX АСРЛАРДА ФАРҒОНАДА ФЕОДАЛ МАЖБУРИЯТИ ВА РЕНТА-СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА

Урта Осиёда феодал мажбуриятлари, рента-солиқлар ва турли-туман жарималар ҳақидаги умумий маълумотлар кўпгина асарларда учраб туради<sup>1</sup>. Лекин мажбурият ва солиқнинг Фарғонада қандай бўлганлиги, айниқса, унинг турлари ва миқдори ҳақида бирон ерда батафсил фикр айтилмаган. «Ерлиқлар тўплами»даги ҳужжатлар XVI—XIX асрларда Фарғонада бўлган рента-солиқлар тўғрисида маълумот беради. Шуни ҳам айтиш керакки, бу солиқ ва мажбуриятларнинг кўпчилиги бир вақтга эмас, балки XVI—XVII асрларга тўғри келади. Ҳужжатларда кўрсатилишича, шу асрларда Фарғонада қуйидаги солиқ ва жарималар термини бўлган:

- |  |                              |
|--|------------------------------|
| 1) Хирож. خراج   | جايى، اوينه و اوى پلى        |
| 2) Танобона. طنابانه                                       | 7) Оянда ва раванда. اينده و |
| 3) Моли боғот. مال باغات                                   | رونده                        |
| 4) Қалъа. قلعه   | 8) Ўн икки бидъат. اون ايكى  |
| 5) Қароқўноқ. قرا قوناق                                    | بدعت                         |
| 6) Хоначини, хонажойи, уйинна,<br>уй пули. خانه چيني، خانه | 9) Бойтут-боттут. بايتوت     |
|  | باتتوت                       |

<sup>1</sup> А. А. Семенов, Очерк поземельно-податного и налогового устройства Бухарского ханства, «Труды САГУ», серия II, выпуск I, Ташкент, 1929; А. Ф. Миддендорф, Очерки Ферганской долины, СПб., 1882; М. И. Пүлдошев, Хива хонлигида феодал-ер эгаллиги ва давлат тузилиши, Тошкент, УзССР Давлат нашриёти, 1959; Я. Ф. Фуломов, Р. Н. Набиев, М. Ф. Воҳобов, Ўзбекистон ССР тарихи (бир томлик), Тошкент, УзФАН, 1958; Р. Н. Набиев, Материалы объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период, Ташкент, 1955; С. А. Азимжанова, К истории Ферганы второй половины XV в., Ташкент, УзФАН, 1957; М. А. Абдураимов, Вопросы феодального землевладения и феодальной ренты в письмах Эмира Хайдара, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1961.

10) Қўруқбоний. قوروقبانی

11) Тирчўб. تیرچوب

12) Кутволий. کوتوالی

13) Дорихтой-дорилгон.

داریلتنای — داریلغان

14) Сабзи пули. سبز پلی

15) Ўқуш. اوقوش

16) Черикуён-черикамон.

چیریک اویمان و چیریک امان

17) Ҳашар. حشر

18) Бегор. بیگار

19) Муҳрик. محرک

20) Мардикор. مردگار

21) Қоҳ. کاه

22) Захира. ذخیره

23) Тарҳ. طرح

24) Собун. صابون

25) Молу жиҳот. مال جهات

26) Ясоқ. یساق

27) Ўлпон. ایلان

28) Инончгири. اینانچگیری

29) Харбуза пули. خربوزه

پلی

30) Ғўза пули. غوزه پلی

31) Кўкнор, кўкнор пули

کوکنار — کوکنار پلی

32) Мухассал ва мухассилона.

محصل و محصلانه

33) Пиала. پیله

34) Исор. ایثار

35) Дудий. دودی

36) Фалижот. فلیجات

37) Мададий. مددی

38) Саломона. سلامانه

39) Тўёна. تویانه

40) Садрона. صدرانه

41) Нақибона. نقیبانه

42) Динора. دیناره

43) Осёбона, жувозхона.

آسیابانه جوازخانه

44) Жашн. جشن

45) Мироб, миробона, میراب —

میرابانه

46) Наърачи, айтарчи, жарчи.

نعرچی اینارچی جرچی

47) Чодир пули.

48) Савсан. سوسن

49) Шукурчи. شكورچی

50) Юртчи. یورنچی

51) Ядачи. یلمچی

52) Тушакчи. توشه کچی

53) Чироқчи. چراقچی

54) Жонқари. جانقاری

55) Карнайчи. کرنایچی

56) Тағор, моли тағор. تاغار

57) Даруға, даруғаги.

داروغه گی

58) Бож. باج

59) Барот. برات

60) Нақорачи. نقارچی

61) Миришкор. میرشکار

62) Харж. خرج

63) Улуфа. علوفه

64) Алаф. اعلف

65) Яргу. یرغو

- 66) Муҳассали моа. محصل مال
- 67) Ҳаққи тавлият. حق توليت
- 68) Даҳи ёздаҳ. ده - يازده
- 69) Даҳи ним. ده نيم
- 70) Даҳи ду. ده - دو
- 71) Ними. نيمنى
- 72) Аворизот. عوارضات
- 73) Маънуоти юртий. مؤنات
- 74) Сади ду, сади се, сади чор. يورت  
صدو صدسه صلچار
- 75) Муҳдасот. محدثات
- 76) Харожот. خراجات
- 77) Ихрожат. اخراجات
- 78) Хорижий. خارجى
- 79) Муқаррарий. مقررى
- 80) Олиғот. الغات
- 81) Амалот. عملات
- 82) Таклифоти мулкӣ. تكليفات ملكى
- 83) Жамарғайи юртия. جمارغاه يورتى
- 84) Таклифоти девоний. تكليفات ديوانى
- 85) Таколифи иттифоқий. تكليفات اتفاقى
- 86) Таколифи ҳукмий. تكليفات حكمى
- 87) Таколифи исмий. تكاليف اسمى
- 88) Таколифи расмий. تكاليف رسمى
- 89) Таколифи юртия. تكاليف يورتيه
- 90) Ғалот ва бошқалар. غلات

Бу солиқлардан баъзилари (хирож, бегор) араблар ва сосонийлар (226—426) давридан маълум бўлиб, салжуқийлар (429—590) ва илхонийлар (655—736) даврида эса «таклифоти девоний», «ихрожат», «улуфа», «алаф» ва «чирик» сингари талайгина солиқларнинг борлиги маълум. Шайбонийхонлар ва улар сулоласидан бўлган султонлар томонидан берилган фармонларда «мол», «жиҳот», «харж», «харожат», «ихрожат», «хорижий», «муқаррарий», «олиғот», «амалот», «муҳдасот», «таклифоти мулкӣ» «таклифоти девоний», «таклифоти иттифоқий», «таклифоти исмий», «таклифоти расмий», «таклифоти ҳукмий» каби солиқ ва жарималар бўлганлиги аниқланди.

Ўрта Осиё шароитида ер рентаси масаласини тўғри ҳал қилиш ғоят мураккаб масала бўлган. К. Маркс сўзлари билан айтганда рента формасини аралаштириб ва сохталаштириб юбориш ҳам мумкин<sup>2</sup>. Шундай ҳолга йўл қўймаслик мақсадида юқорида келтирилган жарима ва рента-солиқ терминларига қисқача тўхтаб ўтамиз.

**Хирож** — қадимги Эронда «хирог» деб аталган. Араблар

<sup>2</sup> К. М а р к с, Капитал, т. III, стр. 89.

эса «г» ян «ж» қилиб, «хирож» деб юритганлар. Хирож — ҳосилдан олинадиган асосий ер солиғи бўлиб, баъзан даҳи ду, нимни терминлари билан юритилади ва уларга қўшилиб келади. Бу ерда, албатта, «даҳи ду» хирожнинг миқдоридир. Маълумки, синфий жамиятда ер подшонинг мулки ҳисобланган ва аҳоли ундан келган даромаднинг бир қисмини феодал ҳукмдорга топширади. Бу — хирож деб аталган. Хирож икки хил бўлган. Бир «хирожи мувозафа» ёки «хирожи муваззаф», иккинчиси «хирожи муқосама»дир. «Хирожи мувозафа» экиннинг тури ва олинадиган ҳосилга қараб тўлашни вазифа қилиб қўяди<sup>3</sup>. «Хирожи муқосама» олинган ҳосилнинг миқдори ва ерга қараб белгиланиб, унинг бир қисмини ташкил қилади. Хирожнинг миқдорига келганда, у ҳар ерда турлича бўлиб, унинг миқдорини феодал ҳукмдорнинг ўзи белгилайди. Хирож ернинг шароитига қараб, ҳосилнинг учдан бир (сулс), тўртдан бир (рубль) ва бешдан бир (хумс) қисми олинган. Кўп ҳужжатларда «даҳи ду» термини эслатиб ўтилади. Султон Маҳмудшоҳ ва султон Муҳаммад баҳодир томонидан саййид Фозил Алига берилган, Қафқолбий томонидан саййид Гўё Муҳаммадхўжага ва султон Дўстмуҳаммад томонидан саййид Зоҳидга берилган ва бошқа анча ҳужжатларда<sup>4</sup> «динора», «даҳи ду», «мол», деб ёзилишига қараганда<sup>5</sup>, «даҳи ду» хирожнинг бешдан бирини ташкил қилган. Наврўз Аҳмадхон ва унинг ўғиллари султон Дўстмуҳаммад ва султон Дарвиш Муҳаммадлар томонидан берилган (XVI асрга оид) 12 та ҳужжатда «даҳи ду»<sup>6</sup> «хорижий ва нимни», «мол ва нимни» деб ёзилган. Бунга қараганда, XVI асрда хирож ўндан икки қисмини, яъни бешдан бири миқдоридан олинган. «Ғаройиби сипоҳ» муаллифининг ёзишича, ҳижрий 1258 (1842—43) йили Бухоро амири Насрулло Қўқонни забт этиб, у ерга Иброҳим парвоначини ҳоким қилиб тайинлади. Иброҳим халққа кучли зулм ўтказди, турли феодал мажбурияти ва солиқларни жуда ҳам кўпайтириб юборди. У, ҳатто, беш дарахтдан бири ва тегирмон, обжувозлардан келадиган даромаднинг ярмини хирож учун олган<sup>7</sup>. Мана бу ҳол XVI—

<sup>3</sup> Умарнинг халифалик даврида (634—644) ҳар бир жариб ерга экилган арпа, буғдойдан бир соч ва бир дирҳам пул, хурмога беш дирҳам, тоққа ўн дирҳам «хирожи мувазафа» тўлаш тайин қилинган. «Ар рисолату фи таҳқиқи арозиюл ушрияти вал хирожияти», ЎзССР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 4976, 62 б-варақ.

<sup>4</sup> «Ерлиқлар тўплами», 31/87-, 3/95-, 13/102-, 4/109-ҳужжатлар.

<sup>5</sup> Уша тўплам, 79/23-ҳужжат.

<sup>6</sup> Уша тўплам, 18/42-, 28/50-, 17/52-, 9/58-, 42/61-, 33/86-, 22/88-, 13/102-, 27/106- ва 4/109-ҳужжатлар.

<sup>7</sup> «Ғаройиби сипоҳ», ЎзССР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 5408, 29 б-варақ.

XVII ва, ҳатто, XIX асрларда ҳам Фарғонада хирож ҳосилнинг бешдан бирини ташкил қилганини тасдиқлайди<sup>8</sup>. С. А. Азимжонова ҳам шундай фикрни айтган<sup>9</sup>. «Ўзбекистон ССР тарихи»да ҳам хирож ҳосилнинг фақат 20 процентини ташкил этгани кўрсатилган<sup>10</sup>.

Биздаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, Фарғонада хирож ҳосилнинг бешдан бири миқдорида бўлган.

**Танобона** (арабча-форсча). Бу термин Муҳаммадалихоннинг ҳижрий 1245(1829—30) йилдаги, саййид Муҳаммад Худойқулихоннинг ҳижрий 1282(1865—66) йилда, Худоёрхоннинг ҳижрий 1285(1868—69) йилда ва Насриддинбекнинг ҳижрий 1292(1875) йилда берган фармонларида учрайди<sup>11</sup>. Фармонларда «танобона», «боғот ва бедазори ваҳидан...»<sup>12</sup> деб ёзилишига қараганда, XIX асрда бу солиқ боғлар ва бедазор ерлардан олинган. Бироқ бу солиқнинг миқдори аниқ эмас. «Ўзбекистон ССР тарихи»да танобона — боғ ва боғчалардан олинадиган солиқ бўлган, деб айтилган<sup>13</sup>. П. П. Ивановнинг кўрсатишича, танобона Абдуллахон замонида (XVI асрда) Бухорода ҳам боғлардан олинган солиқ бўлган<sup>14</sup>.

**Моли боғот** (арабча-форсча). Бу термин Абдулмуҳаммадхоннинг ҳижрий 1011(1602—603) йилда саййид Зоҳидга ва саййид Муҳаммад Худойқули баҳодирнинг ҳижрий 1282(1865—66) йилда, Худоёрхоннинг ҳижрий 1285(1868—69) йилда ва Насриддинбекнинг ҳижрий 1292(1875) йилда саййид Жалолхўжага берган ёрлиқларида учрайди. «Моли боғот» боғлардан олинадиган солиқ, танобонанинг бир қисми бўлган.

**Қалъа** (арабча). Бу термин Наврўз Аҳмад (Барақ)хоннинг саййид Гўё Муҳаммадхўжага, Муҳаммал Қосим-

<sup>8</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 96/2-, 87/12-, 82/17-, 79/23-, 71/29-, 36/31-варақлар.

<sup>9</sup> С. А. Азимджанова, Қ история Ферганы второй половины XV в., стр. 85—86.

<sup>10</sup> «Ўзбекистон ССР тарихи» (бир томлик), 232-бет.

<sup>11</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 97/1-, 90/6- ва 108/21-ҳужжатлар.

<sup>12</sup> Ўша тўлам, 95/3-, 93/5- ва 90/6-ҳужжатлар. هر مواضعی که آب و اراضی و باغات و علق داشته باشد از وجه خراج و طنابانه و خربوزه پلی و از تمامی جملغه یورتیه درخان و مرفوع القلم باشد.

<sup>13</sup> «Ўзбекистон ССР тарихи», 232-бет.

<sup>14</sup> П. П. Иванов, Хозяйство Джуйбарских шейхов, стр. 38.

Баҳодирнинг саййид Фозил Алихўжага, Жаҳонгирхоннинг саййид Зоҳидга ва Муҳаммадёр султоннинг саййид Камолиддинга берган фармонида<sup>15</sup> эслатиб ўтилади. Аслида қалъа деб, умуман бинога, иморат ва тошу тупроқдан қурилган жой (ҳисор)га айтилади. Бу ерда «қалъа» жарима маъносига эга, у қалъалар қуриш ва унинг ременти учун аҳолидан тўпланган ишчи кучи ва маблағ бўлиб, «ҳашар» «бегор»га ҳам ўхшайди. Наврўз Аҳмадхон ва Муҳаммадёрхоннинг XVII асрда чиқарган бир қатор фармонларида «мардикор, қалъа, савсан, бойтут ва қўруқбоний олмасунлар...»<sup>16</sup>, деб ёзилишига кўра, «қалъа» — XVI—XVIII асрларда Фарғонада феодалларнинг қурилиш ишларида ишлаб бериш мажбурияти бўлган. П. П. Иванов ҳам ҳашар, бегор, қалъа терминлари ишлаб бериш мажбуриятини аниқлаётган, деган фикрни айтган<sup>17</sup>.

**Қароқўноқ** (туркча). Бу термин XVI—XVII асрларга оид ҳужжатларда кўпроқ учрайди. «Қароқўноқ» ҳарбий юришлар вақтида қўшинга қўноқ бериш ва шу вақтда уни озиқ-овқат билан таъминлаш, умуман, аскарнинг таъминоти учун аҳолидан тўпланадиган озиқ-овқат жаримаси бўлган<sup>18</sup>.

**Хоначини, хонажойи, хона пули, уйна, уй пули** (форсча-туркча) — ҳар бир хонадондан тўпланадиган солиқ бўлиб, у қорахитойлар даврида учрайди. Кейинги даврларда мўғуллар ҳам шундай солиқ тўплаганлар<sup>19</sup>. Бу солиқ, ҳатто, XIX асрда ҳам Урта Осиё хонликларида, хусусан, Қўқон хонлигида мавжуд бўлган. Бу солиқни Тошкентда хона жойларининг гоҳ кўпайиб, гоҳ озайиб турган бир замонда битилган эски бир ҳисоб дафтари асосида олардилар. Хона бошидан бир тилло, яъни бир олтин миқдорида тўпланар эди. В. В. Бартольд ҳам хоначини, хона пули, уйна ва уй пули хона бошидан олинадиган солиқ эканлигини уқтириб ўтади<sup>20</sup>.

**Оянда ва раванда** (форсча). Ҳукуматнинг маълум топшириғи билан юборилган элчилар, амалдорлар, чопар ва ха-

<sup>15</sup> „Ерликлар тўплами“, 35/32-, 62/33-, 70/40- ва 14/105-ҳужжатлар.

<sup>16</sup> مردكار قلعه سوسن بايتوت و قوروقبانی الماسونلار خرج  
اخراجات قلعه و قراقوناق و خانه چینی اوینه و جمیع جهرغه  
یورتیه سوی و مستثنی دانسته.

<sup>17</sup> П. П. Иванов, юқоридаги асар, 38-бет.

<sup>18</sup> А. А. Семенов, Очерк поземельно-податного и нажогового устройства Бухарского ханства, стр. 7—8.

<sup>19</sup> В. В. Бартольд, Урта Осиё турк тарихи, Истамбул, 1927, УзССР ФА ШИ литография фонди, инв. № 1737, 113—117-бетлар.

<sup>20</sup> Уша асар, 113—117-бетлар.

барчилар аҳоли яшайдиган бирор жойда тўхтаганларида ўша жойдаги аҳолининг уларга хизмат қилиб туриш учун кишилар, почта отлари, сўйиш учун қўйлар, соғиш учун биялар, арава ва бошқа керакли йўл анжомларини бериши, айниқса, хон тушган жойда аҳоли «қора уй» тикиб, унинг кишиларига вақтинча бошпана ва керакли нарсаларни топиб бериши мажбурий эди<sup>21</sup>. Бу жарима қўлимиздаги ҳужжатларнинг кўпида учрайди.

**Ўн икки бидъат** (бидъат — арабча). Бидъат аслида икки хил маъно беради: «ҳасана», яъни гўзал ва хайрли иш; «сайеа» — бузук ва қабиҳ иш<sup>22</sup>. Бу термин Жувонмардалихоннинг (XVI аср) саййид Гўё Муҳаммадхўжага берган суюрғол ёрлиғида учрайди. Ҳужжатда асосий солиқлар билан бир қаторда ўн икки бидъат ҳам келтирилган. Демак, ўн икки бидъат ҳокимлар, амирлар, беклар ва катта ер эгалари томонидан ўйлаб чиқарилган турли-туман жарима бўлса керак.

**Бойтут, боттут** (туркча). Бу термин Дўстмуҳаммаднинг ҳижрий 975 (1567—68) йилдаги ҳамда султон Саъидхоннинг ҳижрий 919 (1513—14) йилдаги фармонларида ва бошқа бир қатор ҳужжатларда «боттут»<sup>23</sup> учрайди; Наврўз Аҳмадхон томонидан ҳижрий 961 (1553—54) йилда берилган бошқа бир ҳужжатда, шунингдек, султон Абулхайрнинг ҳижрий 982 (1574—75) йилдаги ёрлиқларида «бойтут»<sup>24</sup> ёзилган. Бойтут (боттут)нинг қандай солиқ ёки жарима эканлиги ва унинг миқдори ҳозирча аниқланмаган.

**Қўрўқбоний** (туркча-тожикча). Қўрўқбон — хон ва унинг яқинлари турадиган жойларни ва давлатга қарашли ўтлоқ, овлоқ қамишзор ва пичанзорларни қўриқлаб, улардан фойдаланувчилардан ҳақ олувчи киши<sup>25</sup>. Қўрўқбоний — шундай кишиларга тўланадиган маош учун аҳолидан тўпланадиган солиқ бўлиши керак. Бу термин XVI—XVII асрлардаги ҳужжатларда учрайди<sup>26</sup>.

<sup>21</sup> П. П. Иванов, юқоридаги асар, 39-бет; «Ўзбекистон ССР тарихи», 232-бет.

<sup>22</sup> Лазар Будагов, Сравнительный словарь, СПб., 1868, стр. 247.

<sup>23</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 31/87- ва 5/91-ҳужжатлар: **دو اَرزده هزار دینار د اروغگی و خارجی ودهنوو نیمنی و بایتوت و قوروقبانى و ترچوب و کتوالی...**

<sup>24</sup> Ўша тўплам, 33/86-, 22/88- ва 23/122-ҳужжатлар.

<sup>25</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобир, Бобирнома, Тошкент, 1958, 446-бет.

<sup>26</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 33/86-, 22/88-, 14/105- ва 23/122-ҳужжатлар.

**Тирчўб** (тожикча-ўзбекча). Бу термин солиқ ёки жарима сифатида ҳозиргача бирор бир ҳужжат ёки адабиётда учрамайди. «Тирчўб» икки сўздан: «тир» (форсча — ўқ ёй), «чўб» (ўзбекча — дарахт, калтак) дан ташкил топиб, дарахтдан ишланган ўқ ёй деган маънони англатади. Мана шу ўқ ёй ўқининг чўпини ташиб келтириш ва ундан ўқ ёй тайёрлаш учун кетадиган харажатни мажбурий солиқ тариқасида халқдан тўпланган. «Тирчўб» солиғи Наврўз Аҳмадхоннинг ҳижрий 961 (1553—54) йилдаги ёрлиғи ва XVI асрга онд бошқа бир қатор ҳужжатларда учрайди<sup>27</sup>. «Тирчўб» ҳарбий солиқлардан бири бўлган.

**Кутволий** (ҳиндча) — бу термин қалъа соҳибни (қалъа эгаси) маъносида XVI—XVII ва XIX асрларда берилган ҳужжатларда учраб туради<sup>28</sup>. Кутвол хонлиқнинг қурилиш ишларига бошчилик қилган мансабдордир. Баъзан посбон, қалъабон, арк нозир, ўрдабон, «харам» нозир маъносида ҳам учрайди. Кутволий солиқ ёки жарима бўлиб, кутволларнинг маоши учун халқдан тўпланган маблар.

**Дорилтой** (дорилгон). Бу термин баъзи ҳужжатларда «диралтой», «доралқой», айримларида эса «дорилгон» тарзида ёзилган<sup>29</sup>. Биз бунинг қандай солиқ ёки жарима бўлганлигини аниқлай олмадик. Ҳар ҳолда доруғаларнинг эҳтиёжлари учун тўпланадиган солиқ ёки жарима бўлса керак.

**Сабзи пули** (тожикча — ўзбекча). Бу термин саййид Фозил Али номига берилган бир ёрлиқда (XVI аср) учрайди<sup>30</sup>. Сабзи пули фақат нақд пул билан тўпланган. Қўқон хонлиғи давлат архивидаги ҳужжатларда ёзилишича, «сабзи» — «кўкбош» бўлиб, Қўқон жўхориси ҳали пишмай туриб, хон, ҳарбий амалдор ва аскарларнинг отларига ем учун тўпланган.

**Ўқуш** (мўғулча-туркча). Бу термин султон Саъидхоннинг ҳижрий 919 (1513—14) йилдаги ва Наврўз Аҳмадхоннинг бир фармонида учрайди<sup>31</sup>. Ҳужжатларда (96/2, 2/35, 5/91) «ўқуш», «черикамон», «ҳашар», «бегор», «муҳрик» терминлари билан бирга ёзилишига қараганда, «ўқуш» ишлаб бериш йўли билан бажарилиши лозим бўлган феодал мажбуриятлардан бири бўлиши мумкин. Чингизхон ўғилларига қилган насиҳатида «тақи ўқуш ва учаримда менинг қанотим

<sup>27</sup> Уша тўплам, 33/86- ва 22/88-ҳужжатлар.

<sup>28</sup> Уша тўплам, 33/86-, 22/88- ва 23/122-ҳужжатлар.

<sup>29</sup> Уша тўплам, 2/35-, 5/91- ва 47/113-ҳужжатлар.

<sup>30</sup> Уша тўплам, 2/35-ҳужжат.

<sup>31</sup> Уша тўплам, 2/35-, 5/91- ва 14/105-ҳужжатлар.



бўлғил»<sup>32</sup>, деган. Шунга кўра, «ўқуш» термини «юриш» маъносида бўлган. XVI асрнинг бошларида қўшиннинг юрган вақтида ёки бирор бир жойга бир нима олиб бориш ва олиб келиш лозим бўлганда халқнинг барча от-улов ва бошқа транспорт воситаларини сафарбар қилиш ҳақидаги хон чиқарадиган фармондир. «Ўқуш» мана шундай бир мажбурият бўлса керак.

**Черикамон ва черикуён (монголча-арабча)** XVI асрга оид айрим ҳужжатларда «черикамон» ёзилиб<sup>33</sup>, бошқа бир ёрликда «черикуён» ёзилган<sup>34</sup>. Черик — қўшин (ҳарбий), черикамон — ҳарбий хизматдан озод, черикуён — қўшин тўплаш, демакдир. Узаро феодал курашлар ва урушларнинг ҳаммаси халқ устига оғир юк бўлиб тушар эди. Хонлар ҳарбий юришга чақиришда ҳеч нарса билан ҳисоблашмас эдилар. Хусусан, Қўқон хонлигида мана шундай бўлгани маълум. Масалан, қамал вақтида бутун аҳоли қатнашмоғи мажбурий бўлган<sup>35</sup>. Узаро феодал урушлар вақтида хон жарчилари юртма-юрт ва кўчама-кўча юриб, жар солар, шаҳар ва қишлоқдаги қурол кўтаришга қодир бўлган эркакларнинг ҳаммаси жарчининг сўзини эшитиши билан яроғ-аслаҳалари, кийим-кечаклари ва озиқ-овқатларини олиб, қўшин тўпланадиган жойга етиб келишга мажбур эдилар. Ҳарбий хизматдан бош тортган кишини хонлар шафқатсизлик билан жазолаганлар. Хонлар ва беклар ўзларининг оз сонли мунтазам қўшинларинигина ўз хазинасидан маош ва яроғ-аслаҳа билан таъминлар эдилар<sup>36</sup>. Лашкар эса ўз-ўзини маълум муддат ичида таъминлаб туриши керак бўлган. Юриш ва уруш чўзилиб кетганда қўшинни таъминлаш аҳолининг зиммасига тушган. Султон Саъидхоннинг бир ёрлигида «Черикуёнга чиқармангизлар<sup>37</sup>...», деб ёзилган. Бунга қараганда, айрим кишилар, хусусан, Коросконда яшовчи саййидлар ва уларнинг авлодлари ҳарбий хизматдан озод қилинганлар, «черикамон» ҳам шундан олинган. Демак, «черикуён» — ҳарбий мажбуриятлардан бири бўлган.

**Ҳашар (арабча).** Бирор ишни бажариш учун йиғилиш, қалъа ва бошқа қурилиш ишларига одамларни сафарбар

---

<sup>32</sup> «Тарихи гўзида (Нусратнома)», СССР Фанлар академияси Оснѐ халқлари институти Ленинград бўлимининг қўлёзмаси, инв. № 13 745, 28-варақ.

<sup>33</sup> «Ёрликлар тўплами», 14/105-ҳужжат.

<sup>34</sup> Уша тўплам, 5/91-ҳужжат.

<sup>35</sup> «Ўзбекистон ССР тарихи», 268-бет.

<sup>36</sup> Уша асар, 268-бет.

<sup>37</sup> «Ёрликлар тўплами», 5/91- ва 14/105-ҳужжатлар.

қилиш, демакдир. «Ҳашар» — қалъани мудофаа қилиш ёки қамал қилиш, қурилиш ишларида ишлаб бериш йўли билан бажариладиган мажбурият. «Ўзбекистон ССР тарихи»да «ҳашар» аҳолини давлатнинг турли қурилиш ишларида текинга ишлатиш мажбурияти бўлганлиги айтилган<sup>38</sup>. Шайх Сулаймон Бухорий «ҳашар» наҳр ва ирмоқ қазимоқ учун ҳар йили тўпланадиган ишчи, жуйкор (ариқ қазувчи), мардикор бўлганлигини уқтиради<sup>39</sup>. У қуйидагича мисол ҳам келтиради:

Келди ҳашар қозмаға ҳар хонадан,  
Токи чиқорғой суви нав хонадан<sup>40</sup>.

«Ҳашар» термини, кўпинча, ариқ қазииш ва сув чиқариш ишларида қўлланилган. П. П. Иванов ҳам ҳашар, бегор ва қалъа деб аталган жарималар қурилиш ва қалъани тузатиш ишларида халқни ишлатишдан иборат бир феодал мажбурият бўлганлигини айтади<sup>41</sup>. Қўлимиздаги ҳужжатларга қараганда, бу мажбурият шайбонийлар даврида, аниқроғи, XVI асрда кўн учрайди.

**Бегор (ҳиндча).** Бу терминнинг асл маъноси текинга, мажбурий ишлаб бериш, демакдир. И. И. Петрушевскийнинг айтишича, бегор сосонийлар сулоласи даврида ҳам бўлган<sup>42</sup>. Бегор хонлар ва маҳаллий ҳокимлар томонидан деҳқонлар зиммасига юклатилган мажбурият бўлиб, қалъа ва сарой қурилишида, қурилиш материаллари ташиб келтириш ишларида, йўл қуриш ва ариқ қазиишда, хўжайинларнинг буюрган турли юмушларини бажаришдан иборат бир мажбурият бўлган. Ибн Фахриддин бундай деб ёзади:

Қаҳрат ар мужтаҳид шавад банабард,  
Осмонро бебарад ба сухра у, бегор.

### М а з м у н и:

Сени қаҳринг жангда ғайратдан жуш урар экан,  
Осмонни сухра ва бегорга олиб қўясан<sup>43</sup>.

Бундан чиқди, «бегор»ни «сухра» деб айтиш мумкин. П. П. Иванов «бегор», «ҳашар», «қалъа» терминлари давлатнинг турли қурилишларида халқнинг давлат фойдасига

<sup>38</sup> «Ўзбекистон ССР тарихи», 232-бет.

<sup>39</sup> «Луғати чигатоӣ», 165-бет.

<sup>40</sup> Уша китоб, ўша бет.

<sup>41</sup> П. П. Иванов, Хозяйство Джуйбарских шейхов, стр. 39.

<sup>42</sup> И. И. Петрушевский, Очерки по истории феодальных отношений в Азербайджане и Армении в XVI — начале XIX вв., Л., 1949, стр. 289.

<sup>43</sup> Ибн Фахриддин, Фарҳанги Жаҳонгирий, 286-бет.

ишлаб бериши билан бажариладиган мажбурият бўлганлигини айтади. Бу мажбуриятнинг Бухорода XIX асрда ва Хи-ва хонлигида XIX ва XX аср бошларида бўлганлигини ҳужжатларда учратиш мумкин<sup>44</sup>. Биздаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, бегор XVI асрда ҳам мавжуд экан.

Шу нарса ҳам диққатга сазоворки, феодалларнинг ҳар турли уй хизматини бажариши ҳам «бегор» деб юритилган. Бу хизмат уйни ремонт қилиш, янги иморат солиб бериш, феодалнинг ҳайвонларини боқиш, ўтин тайёрлаш каби ишлардан иборат бўлган<sup>45</sup>. Бунга қараганда, «бегор» феодал хонлик даврида фақат давлат фойдаси учун эмас, балки айрим феодалларнинг шахсий хизматларини ҳам бажариш учун бериладиган мажбурият бўлган.

Муҳрик (а р а б ч а) термини XVI асрдаги хонлар ва маҳаллий ҳокимлар томонидан айрим вақтларда берилган ҳужжатларда (2/35, 37/84, 33/86, 31/87, 5/91, 56/97, 14/105, 47/113)<sup>46</sup> эслатиб ўтилган. Муҳрикнинг луғавий маъноси — «ҳаракатга солувчи», «оёқлантирувчи» демакдир. «Муҳрик» термини ишлаб бериш мажбурий бўлган — мардикор, ҳашар, бегор мажбуриятлари билан бир қаторда келтирилган. Демак, «муҳрик» ҳашар, бегор, қалъа ва мардикорга ўхшаган мажбурият бўлиб, давлат ва феодалларнинг ишларида, хусусан, қурилишларда мажбурий ишлаб беришдан иборат феодал мажбуриятларидан бири бўлган. Ҳужжатларга қараганда, бу мажбурият XVI асрда Фарғонада ҳам мавжуд экан.

Мардикор (т о ж и к ч а) — ишчи киши маъносида. У қурилиш, суғориш ва шунга ўхшаш ишларда давлат фойдасига ишлаб бериш мажбурияти бўлиб, меҳнаткаш оммани шафқатсизларча эксплуатация қилишнинг бир тури эди. Юқорида айтганимиздек, аҳоли каналлар қазииш, йўл ва кўприклар қуриш ҳамда қалъа деворларини тузатиш каби ишларга жалб этилган. «Ерлиқлар тўплами»даги ҳужжатлардан бирида (XVI аср): «У киши [саййид Зоҳид]нинг хизматкорларидан муқаррарий, харожат ва мардикор ҳавола қилманглар...», — деб ёзилган<sup>47</sup>. Бу ҳол нуфузлик руҳонийлар ва уларнинг хизматкорлари ва бошқа солиқ ҳамда жарималар қатори

<sup>44</sup> П. П. Иванов, *Хозяйство Джуйбарских шейхов*, стр. 39.

<sup>45</sup> «Новый Восток», 1930, № 28, стр. 178.

<sup>46</sup> «Ерлиқлар тўплами», 2/35-, 37/84-, 33/86-, 31/87-, 5/91-, 56/97-, 14/105- ва 47/113-ҳужжатлар: *و مردگار و قلعه و محرك حواله ندارند*

*و از خدمتکاران ایشان مقرری و اخراجات*

<sup>47</sup> Уша тўплам, 37/84-, 33/86-, 22/88-, 40/118- ва 23/122-ҳужжатлар.

мардикорликдан ҳам озод қилинганини кўрсатади. Шунинг ҳам айтиш керакки, руҳонийларнинг турли-туман ишлари ҳам «мардикорлик» йўли билан бажарилган. Абдуллахоннинг (1561—1598) ҳижрий 987 (1579—80) йили чиқарган бир фармони диққатга сазовордир. Бу фармонга кўра, Жўйборий хўжалардан хўжа Калонхўжанинг Ваҳшдан сув чиқариш учун қазиган бир ариғига Ҳисор, Денов, Қубодиён, Аймақот ва Шаҳри Сафо вилоятларининг ҳокимлари ҳаммаси бўлиб ўн минг мардикор беришга мажбур этилганлар<sup>48</sup>. Хон ўз яқинларидан Аҳмад оталиққа эса ана шу ўн минг мардикорни Ҳисор қаламравидан тўплаш, уларга бош бўлиб ишлатишни ҳам буюради<sup>49</sup>. Шунингдек, ўзининг яна бир яқин кишиси мулла Муҳаммадбийга ҳам ўн минг мардикор тўплаб, юқорида номи зикр этилган хўжанинг олдига олиб бориш ва

<sup>48</sup> Бадриддин Кашмирий бинни Абдуссалом ал-Ҳусайний, Равзатур ризвон ва ҳадиқат ул гилмон, ЎзССР ФА ШИ, қўлёзма-лар фонди, нв. № 2094, 316-бет: هو الغنى ابوالغازى عبدالله بهادرخان سوزوميز. ارباب كلانتران ورعايا قلمرو حصار وده نووقباديان وايماقات و شهر صفايابد كه چون حكم برسند دهزار مردكار جهت كندن جويبارخاصه حضرت قطب الا قطابى خواجه كلان خواجه دام بر كانه كه در وحش واقع است سر انجام نموده باهتمام گهاشتگان آنحضرت جواب گویند. و خلاف حكم عالى نكنند و درين باب تفصير نمايند. فى التاريخ جهادى الاول سنه ثلاث و تسعين و تسعمائة.

<sup>49</sup> Уша асар, 316 а-бет: ابو الغازى عبدالله بهادرخان سوزوميز. عمدة الملك احمد اتاليق بدانده كه اورا بجهة اهتمام كندن جويبارى خاصه حضرت قطب الاقطا بى خواجه كلان خواجه دام بر كانه كه در وحش واقع استه تعين نموده ايم مى بايد كه مردكار حكمران موافق نشان قلمرو حصار گرفتنه موافق فرموده آنحضرت خاطرخواه كنند مسامله نكند كه خاطر انور آنحضرت متوجه است فى تاريخ شهرربيع الثانى سنه ثلاث و تسعين و تسعمائة.

у нима буюрса, шуни бажариш тайинланган<sup>50</sup>. Ҳужжатлардан маълум бўлишича, хўжанинг Ваҳшдан чиқарган мазкур ариғини кавлаш иши олти йил, яъни ҳижрий 987—993 (1579—1585) йиллар ичида давом этган ва ҳар йили Ҳисор қаламравидан ўн мингдан мардикор олиб турилган. Бу — меҳнаткаш омма бошига битган бало эди.

Мардикорлик мажбурияти Бухородагидек Фарғонада ҳам бўлган. Масалан, султон Дўст Муҳаммаднинг ҳижрий 975 (1567—68) йилда чиқарган фармонларидан бирида саййид Зоҳид ўн икки минг динар, «нимни», «ботгут», «қўруқбоний», «тирчўб», «исор», «кутволий», «сади ду», «сади чор», «сади се», «оянда ва раванда», «муҳрик», «мардикор» ва барча солиқларни ўзи олиб, аввалги берилган дастур билан ўз маоши ваҳжга сарф қилсун, деб ёзилган<sup>51</sup>. Бу ерда «мардикор» солиқлар қаторида келган. Лекин уни том маъноси билан солиқ деб бўлмайди. У ишлаб бериш мажбурияти бўлган. Фикримизча, ишга яроқли кишиси бўлмаган оилалар бу мажбуриятни пул ёки мол тарзида тўлаган бўлиши ҳам эҳтимол.

Коҳ (тожиқча). У сомон, пичан демакдир; бу ерда, умуман, отнинг ем ва хашаги маъносида. Бу термин султон Сайиднинг ҳижрий 919 (1513—14) йилда саййид Фозил Алига берган (5/91) ёрлиғида<sup>52</sup>, султон Муҳаммад Дарвишнинг

معتمد قدیم ثابت الا خلاص ملا محمدی  
بداند که بجهت کندن جویبار خاصه عالی حضرت... اوشا اثر  
ورق ۳۰۴—۳۰۵ ارباب و کلانتران و رعایای قلم روحصار  
ودهنو و قباد یان و ایماقات شهر صفا باید که چون حکم برسد  
ده هزار مردکار جهت کندن جویبار جاصه قطبالا قطابی  
حضرت خواجه دام برکاته که درویش واقع است سرانجام  
نموده باهتمام کماشتگان آنحضرت جواب کویند و خلاف حکم  
عالی و درین باب تقصیر نمایند سنه سبع و ثمانین و تسعمائة.

دوزده هزار دینار داروغگی  
و خارجی ودهو و نیمنی و بات توت و قورقبانی و تیرچوبو  
ایثار کتوالی و صدووصلجار صلسی و اینده و رونده و محرک  
و مرکار و جمیع عملها خود گرفته بد ستور سابق بوجه  
معاش خود صرف نمایند.

<sup>50</sup> Ўша тўплам, 3166-бет.

<sup>52</sup> Ўша тўплам, 5/91-ҳужжат.

сайид Гўё Муҳаммадхўжага берган бир фармонида<sup>53</sup> ва бошқа бир қатор ҳужжатларда<sup>54</sup> учрайди. «Қоҳ» термини Абдуллахоннинг ҳижрий 993 (1585—86) йили Жуйбарий хўжалардан хўжа Исломга Марв вилоятидан бирмунча ер ва сув иншоотларини суюрғол қилгани ҳақидаги ёрлиғида ҳам учрайди<sup>55</sup>. Шунга қараганда, Фарғонадагина эмас, балки Бухоро хонлигида ҳам XVI асрда от еми учун халқдан сомон, хашак олинган. Буни «қоҳ» деб аталган.

Захира, кўплиги — захойир (а р а б ч а); у экин пишгунга қадар, асосан, аскарнинг таъминоти учун кетадиган озиқ-овқат<sup>56</sup> бўлиб, аҳолидан тўплаб олинар ва махсус омборда сақлаб турилар эди. Бу термин бир қатор ҳужжатларда (2/35, 5/91 ва 14/105) эслатиб ўтилган<sup>57</sup>. Лекин захиранинг миқдори маълум эмас. Шунингдек, уни хирож ёки бошқа солиқ ҳисобидан бўлган-бўлмагани ҳам ноаниқ.

Тарҳ (а р а б ч а). Тарҳнинг луғавий маъноси отиш, уриш, тортиш, тартиб ва низом демакдир. «Баҳори Ажам»да кўшиннинг маймана (ўнг) ва майсана (сўл) қанотлари орқасидан юрадиган қисми ҳам тарҳ<sup>58</sup> деб аталган. Бу қисм, албатта, ёрдамчилик (резерв) вазифасини бажарган. Душман қайси қанот устидан голиб кела бошласа, бу отряд ўша қанотга ёрдамга юборилган. Бунга қараганда, «тарҳ» ҳам XVI ва XVII аср бошларида бўлган ҳарбий феодал мажбуриятлардан бири, дейиш ўринли.

В. В. Бартольднинг айтишича, «тарҳ» термини галла ва пул хирожи солинганда, уни тўлашга қодир бўлмаган киши-

<sup>53</sup> Ўша тўплам, 25/108-ҳужжат.

<sup>54</sup> Ўша тўплам, 105/71-, 5/91- ва 14/105-ҳужжатлар.

<sup>55</sup> Қаранг „Равзатур ризвон“ ва ҳадиқат ул ғилмон“, 316-бет:

مواضع و انهار و اراضى زراعة از ملك سيورغال بموجب ضمن.  
بطريق ارث از ولايت مرو شاه جهان بعاليجاه حكم فرموديم كه  
مواضع و انهار و اراضى زراعت ملك سيورغال ضمن را مخصوص  
و كلا انحضرت دانسته بجهات مال و جهات و مقررى و  
اخراجات و ميرايانه و گاه وزخيره و طرح صابون و غيرهم  
مزاحم نشوند و چيزى حواله ندارند.

<sup>56</sup> Ш. Сомий, Қомуси туркий, 648-бет; «Ғиёсуллуғот», 335-бет; Л. Будагов, юқоридаги асар, 582-бет.

<sup>57</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 2/35-, 5/91- ва 14/105-ҳужжатлар.

<sup>58</sup> Райик Баҳор, Баҳори ажам, ЎзССР ФА ШИ литография фонди, нив. №5145, 204-бет.

лар учун берилган имтиёзни англатган<sup>59</sup>. А. А. Ализодавийн кўрсатишича, давлат бозорда нарх-наво кўтарилган йилларда сарой ва қўшини учун керак бўлган ғалла ҳамда молларни давлат ҳисобига бозордан арзон нархда сотиб олиши, ўзи эса, аксинча, бозорда мавжуд нарх-наводан қиммат сотиши «тарҳ» деб аталган<sup>60</sup>.

**Собун** (латинча «саро»дан олинган). У кир олмоқ, яъни бадан, либос, умуман, кирни тоза қиладиган маълум совуи маъносида. Ҳоким томонидан жамиятга бир нима тақсим қилинса, уни ҳам собун деб аталган<sup>61</sup>. Бу терминни қўлимиздаги XVI асрга оид бўлган талайгина ҳужжатларда<sup>62</sup> учратиш мумкин. Шунингдек, Жўйборий хўжалардан хўжа Ислонга Марви Шоҳижаҳоннинг суюрғол қилинганлиги тўғрисида Абдуллахон томонидан берилган бир ёрлиқда: «коҳ, захира, тарҳ, собун ва бошқа сабаблар билан (унга) захмат еткизмасунлар»,— деб ёзилган<sup>63</sup>. Бундан кўринишича, «собун» солиғи Бухоро хонлигида ҳам бўлган. Собун термини биздаги ҳужжатларда ҳам ҳарбий солиқлар қаторида келади. Бунга кўра, «собун» ҳарбий солиқ бўлса керак, деб тахмин қиламиз.

**Молу жиҳот ёки мол ва жиҳот** (арабча). Кишилар қўлидаги ҳамма нарса (уй, дўкон, рўзғор, ҳайвонлар, ер ва нақд пул) мол деб айтилади<sup>64</sup>. Бу ерда «мол» кишиларнинг ана шу мулкидан олинадиган ва давлат хазинасига тушиши лозим бўлган пул ва бошқа нарсалар маъносидадир. Жиҳотнинг луғавий маъноси тараф, томон бўлиб, сабаб, баҳона ва маош маъносида ҳам ишлатилади. Демак, жиҳот — солиқ солиш объектидир. Шунини ҳам айтиш керакки, асосий солиқлардан бўлган хирожни ҳам «мол» деб аталади. Мол — деҳқонлардан, ҳунарманд ва савдогарлардан олинадиган асосий солиқлардан бири бўлган.

**Ясоқ** (монголча). Наврўз Аҳмадхоннинг бир ёрлиғида (14/105-ҳужжат) «қора ясоқ», бошқа ҳужжатларда эса

<sup>59</sup> В. В. Бартольд, Персидская надпись на стене Анийской мечети Мануче, СПб., 1911, перс. текст, стр. 15, русск. перевод стр. 6, 7.

<sup>60</sup> А. А. Ализаде. К истории феодальных отношений в Азербайджане в XIII—XIV вв. Сборник статей по истории Азербайджана, выпуск I, Изд-во АН Азербайджанской ССР, Баку, 1949, стр. 111—113.

<sup>61</sup> «Комуси туркий», 797-бет; «Ғиёсуллуғот», 304-бет.

<sup>62</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 2/35-, 5/91-, 25/108- ва 51/120-ҳужжатлар.

<sup>63</sup> Бадриддин Кашмирий, 316-варақ: *بعلت مال و جهات مقروى*

*و اخراجات و مير ابانه و كاه و زخيره و طرح صابون و غيرهم*

*مزاحم نشوند و چيدى حواله ندارند...*

<sup>64</sup> «Ғиёсуллуғот», 444-бет.

(5/91,8/55 ва 18/42) «ясоқ» ёзилган. Ясоқнинг луғавий маъноси — низом, қонун-қоида, усул, танбеҳдир. Мўғуллар ҳукмронлиги йилларида «ясоқ» асосий солиқлардан ҳисобланиб, давлат хазинасига тушадиган даромаднинг айрим қисмини ташкил қилган<sup>65</sup>. Кўчманчи ёки ярим кўчманчи аҳолидан «қубчур ясоғи», яъни ҳар 100 ҳайвондан бири солиқ тарзида олинган. Қубчур ясоғи кейинчалик ўтроқ аҳолидан ҳам йиғилгани — ҳар бир бош ҳайвондан 70 танга миқдорида олингани маълум<sup>66</sup>. Ясоқ ҳақида «Ўзбекистон ССР тарихи» да Бобирнинг мана бу сўзи келтирилган: «Мирзонинг [султон Хусайннинг] ўн тўрт минг якка йигити ва қирқ минг ясоқлик йигитлари ғул экандир ва ясоққа тааллуқ ишлар хандак тўлдирмоқ, жуё қазимоқ ва йўл ясамоқ ва ўтин, сомон хоссага етк урмоқдир»<sup>67</sup>. Биз ўрганаётган даврда ҳам Фарғонада «ясоқ» — хандақ қазиб ва уни тўлдириш, йўл, қурилиши ишларида қатнашиш ва марказий ҳамда маҳаллий ҳокимларга ўтин, сомон, ҳашак етказиб бериш сингари мажбурият бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Улпон. Ҳужжатларнинг баъзисида «албон», айримларида «алнон» ёзилган<sup>68</sup>. Фикримизча, бу «ўлпон» бўлиб, котибнинг хатоси билан «албон» ва «алнон» тарзида ёзилган. У қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган солиқдир.

Октябрь революциясигача ердан олинадиган рентани «ўлпон пули» ва қоғозини эса «ўлпон патта» деб юритилган.

Инончгири (а р а б ч а - т о ж и к ч а). У «инонч» (ишонч) ва «гири» «гирифтан» (олмоқ) сўзидан ташкил топган. Бу термин ҳижрий 970 (1562—63) йилдаги бир ёрликда учрайдиган<sup>69</sup>. «Инончгири», умуман, давлатга тўланиши лозим бўлган солиқ ва мажбуриятларни англатиб, ҳали ҳосил йиғиштириб олинмай туриб, ернинг миқдори ва битган ҳосилга қараб тахминан олинган. Биздаги ҳужжатда «инончгири», мол, тағор, харж ва ихрожат, даҳи ним ва сади ду билан бирга келади<sup>70</sup>.

Ҳарбуза пули (т о ж и к ч а - ў з б е к ч а). Худоёрхоннинг

<sup>65</sup> Н. И. Березин, Очерк внутреннего устройства улуса Джучиева, ТВО, т. VIII, СПб., 1864, стр. 83, 174.

<sup>66</sup> Б. А. Аҳмедов, «Ўзбекларнинг келиб чиқиши тарихидан», Тошкент, 1962, 41-бет.

<sup>67</sup> «Ўзбекистон ССР тарихи», 211-бет.

<sup>68</sup> «Ёрликлар тўплами», 8/55-, 5/91- ва 14/105-ҳужжатлар.

<sup>69</sup> Уша тўплам, 25/50-ҳужжат: *خاصه زراعتلاريدىن تقى مال تغارخرج و اخر اجاتده نيم و صدحو واينانچى كبرى و غيرهم تىلا ماسونلار آلماسونلار.*

<sup>70</sup> Уша тўплам, 25/50-ҳужжат.



ҳижрий 1285 (1868—69) йилда берган бир фармонида хирож, танобона солиқлари билан бирга ҳарбуза пули ҳам келтирилган<sup>71</sup>. «Ҳарбуза пули» боғча полиз ва бедазор ерлардан олинадиган «танобона»нинг бир қисми бўлиб, полиз экилган ерлардан олинадиган солиқдир. Қўқон хонлиги давлат архивидаги айрим ҳужжатларда кўрсатилишича, ҳар бир таноб полизот ердан Қўқон тангаси<sup>72</sup> билан беш танга олинган.

Ғўза пули (ўзбекча). Бу термин ҳижрий 1008 (1600) йили султон мирзо Муҳаммад томонидан саййид Зоҳидга берилган ёрлиқда «муқаррарий», «ихрожат» ва «кўкнор» терминлари билан бирга келади<sup>73</sup>. Ғўза пули дейилишидан бу солиқ натура билан эмас, балки нақд пул билан олинганлиги кўриниб турибди. Аммо Қўқон хонлигининг давлат архивида сақланаётган «Иноқ додхоҳнинг ҳижрий 1271 (1854—55) йилдаги сарфи тўғрисида»ги дафтарида «баҳодирлар учун берилган қорадон»<sup>74</sup>дан ташқари, беш чорак ғўза берилгани айтилади. Ундан ташқари, жувон (ёш аскар)лар бароти учун ҳам саккиз чорак ғўза берилганлиги кўрсатилган<sup>75</sup>. Шунга қараганда, XIX асрда ғўза солиғи ҳам пул, ҳам натура тарзида олинар экан. Лекин «ғўза пули»нинг миқдори ва унинг фақат пахта эккан деҳқонлардангина олингани ёки барча деҳқонлардан ёппасига олинганлиги бизга маълум эмас.

Кўкнор ва кўкнор пули. «Кўкнор» икки сўздан «кўк» (йўтал) ва «нор» (анор) сўзларидан таркиб топиб «йўтал дориси» демақдир. Бу термин қўлимиздаги бир қанча ҳужжатларда учрайди ва «муқаррарий», «ихрожат», «ғўза пули», «боғ», «ясоқ», «полизот», «пилла» терминлари билан бирга келади<sup>76</sup>. Фикримизча, бу солиқ кўкнор эккан кишилар ва кўкнорхона эгаларидан тўпланган. «Кўкнор», «кўкнор пули»

<sup>71</sup> Ҷша тўплам, 96/2-ҳужжат: هر مواضعی که ابو اراضی که و باغات و علف داشته باشد از وجه خراج طنابانه و خربوزه پلی و از تمامی جملغه یورتیه درخان و مرفوع القلم باشد.

<sup>72</sup> 15 тийин ёки 30 пулни бир танга деб атардилар.

<sup>73</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 42/61-ҳужжат:

مقررری و اخراجات غوزه پلی و کوکنار دهنیم و کل تکلیف دیوانی دین سوی و مستثنی...

<sup>74</sup> Қорадон, деб умуман ғаллага айтганлар.

<sup>75</sup> ЎзССР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 9973, 2-варақ.

<sup>76</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 42/61- ва 45/78-ҳужжатлар: تیگرمن و باغ و جاه و فلیجات و کوکنار لاریدین نمیرسه الماسونلار.

алоҳида-алоҳида ёзилишига қараганда, у натура ҳамда нақд пул билан олинган.

**Муҳассал ва муҳассилона** (а р а б ч а). Ҳужжатларнинг айримларида «муҳассал», баъзиларида ҳар икки сўз ёнма-ён келади<sup>77</sup>. «Муҳассилона» — даромад, «муҳассал эса — даромад солиғини тўловчи маъносидадир. Хондамирнинг «Мақорим ул ахлоқ» асарида «муҳассилона» термини солиқ ундирувчилар маъносида келтирилган<sup>78</sup>. Фикримизча, бу солиқ даромад солиғини тўловчиларнинг маоши учун сарфланган. «Ўзбекистон ССР тарихи»да ҳам «муҳассилона» солиқ йиғувчилар ва молия чиновниклари фойдасига олинадиган солиқ эканлиги баён қилинган<sup>79</sup>.

**Пилла.** Бу термин «кўкнор пули» термини билан бирга келади<sup>80</sup>. «Пилла» ёки «пилла пули» XVI аср охирларида пилла қурти боқувчи деҳқонлардан олинган бўлса керак. Ҳужжатда «пилла ва кўкнор пули» ёзилишига қараганда, бу солиқ натура билан эмас, балки нақд пул билан олинган. Пилла пулининг миқдори аниқ эмас.

**Исор** (а р а б ч а). Бу терминнинг луғавий маъноси — иззат, икром, ихтиёр, интиҳоб ва ўз манфаатидан кўра, бошқанинг манфаатини муқаддас билиш, баъзан эса хайру саховат ёки нисор сочиш, яъни бирор ҳурматли аслзодани бошидан тилла, кумуш ва ақча сочиш маъносида келади. Исор термини Барақхоннинг ўғли султон Дўстмуҳаммад томонидан берилган (XVI асрга оид) бир ҳужжатда учрайди<sup>81</sup>. Исор — шунчаки ихтиёрий, аслида эса мажбурий тариқада раъиятдан тўпланадиган ва хонлар, феодаллар, амалдорларга қилинадиган ҳадя «пешкаш» бўлса керак.

<sup>77</sup> Ўша тўплам, 27/106-ҳужжат: زراعتلاريدىن مال و دهنوده نيم و نيمنى و بانتوت قوروقبانى محصل مال آلماسونلار و مراب كتوالى ده نيم و محصل و محصلانه ديب نشويشن بيرماسونلار.

<sup>78</sup> Хондамир, Мақорим ул ахлоқ, ЎзССР ФА ШИ кўлёзмалар фонди, инв. № 5340, 140а-варақ.

<sup>79</sup> «Ўзбекистон ССР тарихи», 212-бет.

<sup>80</sup> «Ерликлар тўплами», 37/84-ҳужжат.

<sup>81</sup> Ўша тўплам, 31/87-ҳужжат: دوازده هزار دينار داروغگی و خارجى ودهو و نيمنى و بات توت و قوروقبانى و تيرچوب و ايتار و كتوالى و صدو و صدچار و صدسه و اينده و رونده و محرك و مردكار و جميع عملها خود گرفتند بد ستور سابق بوجه معاش خود صرف نمايند.

**Дудий, дуд пули ва тутун пули (то ж и к ч а-ў з б е к ч а).** Дудий — аҳвол танг вақтда солиқ тарзида ҳукумат томонидан ҳар хонадондан олинадиган жарима бўлиб, нақд пул билан тўлангани туфайли «нақдия» деб ҳам юритилган<sup>82</sup>. Баъзан уни «мерган пули», «қил қуйруқ» дейилган. Тутун пули султон Саъидхон ва Муҳаммад Дарвиш султонлар томонидан берилган ҳужжатларда учрайди<sup>83</sup>. Дудий, дуд пули ва тутун пули қайси миқдорда олингани бизга маълум эмас.

**Фалижот — (а р а б ч а-т о ж и к ч а).** Фикрмизча, «фалижот» эмас «полизот» бўлиб, котибнинг хатоси билан «фалижот» деб ёзилган бўлса керак. Маълумки, полиз деб қовун, қовоқ, бодринг ва шунга ўхшаш экинлар экилган жойга айтилади<sup>84</sup>. Султон Абулмуҳаммадхон томонидан ҳижрий 1011 (1602—603) йилда берилган ҳужжатда «тегирмон ва боғ ва жоҳ ва фалижот...»<sup>85</sup>, деб ёзилган. Фалижот танобонанинг бир кўриниши бўлса керак.

**Мададий (а р а б ч а).** П. П. Ивановнинг фикрича, «мададий» ҳарбий солиқ бўлган<sup>86</sup>. Уруш харажатлари учун аҳолидан ғалла, пул тўпланган ва ундан ҳарбий юришлар вақтида фойдаланилган.

**Саломона (а р а б ч а-т о ж и к ч а).** Бу термин Наврўз Аҳмадхон ва султон Дарвиш Муҳаммаднинг XVI асрда саййид Гўё Муҳаммадхўжага берган суюрғол ёрлиғида учрайди<sup>87</sup>. «Саломона» бир кишига салом берган вақтда қилинадиган назр ва пешкаш, демакдир.

**Тўёна (т о ж и к ч а).** Мусулмонлар одати бўйича қариндош-уруғлар, ёру биродарлар ўртасида бўладиган ихтиёрий бир расмдир. Хонлар уйланганда, хотинлари туққанда ёки ўғилларига хатна тўйи қилганларида, ё бўлмаса қизларини

<sup>82</sup> „Луғати чигатой“, 171-бет.

<sup>83</sup> „Ёрлиқлар тўплами“, 5/91 ва 25/108-ҳужжатлар.

<sup>84</sup> Уша тўплам, 45/78-ҳужжат.

<sup>85</sup> Уша тўплам, 45/78-ҳужжат: مشاراليه نينگ ملازم لرى ايله

تيگرمن و باغ و جاه و فليجات و كوكنارلار يدين نميرسه  
آلهاسونلار ضرر زخمت يتكور ماسونلار.

<sup>86</sup> П. П. Иванов, Хозяйство Джуйбарских шейхов, стр. 38.

<sup>87</sup> „Ёрлиқлар тўплами“, 14/105-ва 25/108-ҳужжатлар:

مال تغار خرج و اخراجات مالى باغات خودى مددى سلامانه  
طويانه طرح صابون آينده ورونده صدو و صدچار و صدسه  
يازده...

чиқариб, ўғилларини уйлантирганларида катта маблағ сарф қилиб, эл-юртни тўплаб, ойлаб базм қурар, айшу ишрат сурар эдилар. Қўлимиздаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, тўй харажатлари меҳнаткаш оммадан ундириб олинар, бу эса тўёна (тортиқ) деб аталарди. Тўёна муҳокамамиздаги «Ёрлиқлар тўплами»да Наврўз Аҳмадхон ҳамда унинг ўғли Муҳаммад Дарвиш султоннинг ёрлиқларида учрайди ва «мададий», «саломона», «тарҳ» ва «собун» билан бир қаторда келади<sup>88</sup>.

**Садрона** ( а р а б ч а - ф о р с ч а ). Маълумки, садр руҳонийларнинг юқори мансабдорларидан биридир<sup>89</sup>. Садрга бирор шаҳар ёки маълум бир жойда яшовчи аҳоли устидан контроллик қилиб туриш топширилар эди. Демак, садрлик феодал тузуми даврида бир мансаб бўлиб, «садрона» эса мазмун-эътибори билан, садрлар маоши учун халқдан алоҳида тўплаб олинадиган феодал мажбуриятдир. Бу термин Оталиқ баҳодирнинг бир фармонида эслатиб ўтилади<sup>90</sup>. Садрона XVI асрда амалда бўлган.

**Нақибона** ( а р а б ч а - т о ж и к ч а ). Нақиблик вилоят саййидларига берилган иккинчи даражали мансаб бўлиб, нақиб аскарлар устидан назорат қилар ва аскар бир жойдан иккинчи жойга кўчганда ёки юриш ва уруш вақтларида, унинг ўнг ва сўли, қалби ва резервларидан хабардор бўлиб турарди. Нақиблар бирор қавм ёки қабила устидан назорат қилиб туриш учун ҳам қўйилган<sup>91</sup>. Демак, нақибона нақибларнинг маоши учун олинадиган солиқдир.

**Динора** ( л а т и н ч а ) — У эски олтин ақча бўлиб, чорак лирага яқиндир ва аслида ўн «ас» ( اس ) қимматидаги бир хил кумуш ақча, «ас» бўлса рус дирҳам (ақча)ларидан бирининг номидир. Аввал бошда шу мақсадга биноан зарб қилинган «динор» сўзи ўн бўлиб, «депи» (dēpi) сўзидан олинган<sup>92</sup>. Бу термин XVI аср бошларида султон Муҳаммад, султон Маҳмудшоҳ ва Наврўз Аҳмадхонлар томонидан саййид Фозил Алига ва унинг ўғли саййид Гўё Муҳаммадхўжага Адак арифининг суюрғол қилиб берилганлиги ҳақидаги ёрлиқларда учрайди ва «даҳи ду», «мол» ва «нимни» терминлари билан бирга келади<sup>93</sup>. «Даҳёлға» деб ёзилишига

<sup>88</sup> Ўша тўплам, 14/105- ва 25/108- ҳужжатлар.

<sup>89</sup> Шарифжон махдум, Дафтари мусавва, ЎзССР ФА ШИ қўл-ёзмалар фонди, инв. № 2374, 17-бет; О. Д. Чехович, ўша асар, 24-бет.

<sup>90</sup> Шарифжон махдум, Ўша асар, 17-варақ.

<sup>91</sup> Ўша асар, ўша варақ.

<sup>92</sup> Журжи Зайдон (Алҳилол), Маданияти исломият тарихи, ЎзССР ФА ШИ литография фонди, инв. № 9246, 115-бет.

<sup>93</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 9/58-ҳужжат.

кўра, «динора» термини доруғалик<sup>94</sup>, деб аталиб, доруғаларнинг маоши учун тўпланадиган солиқ бўлиши мумкин.

**Осёбона ва жувозхона** (ф о р с ч а) — тегирмон ва обжувоздан олинадиган солиқ. Бу термин Отамухаммад баҳодир томонидан саййид Зоҳидга берилган иноятномада учрайди<sup>95</sup>. Унда кўривнишича, саййид Зоҳид бу солиқдан тамоман озод қилинган; қолаверса, тегирмон ва обжувозлардан келадиган даромаднинг ҳаммасини ҳам ўзи олган.

**Жашн** (ф о р с ч а). Хурсандлик мажлиси, кўнгил очар ўлтиришлар, зиёфат маъносини билдиради<sup>96</sup>. Демак, жашн — хон, султон ва феодаллар тез-тез қурадиган зиёфат ва бошқа тантанали ўлтиришларга кетадиган харажат халқдан солиқ сифатида тўплаб олинган. Бу солиқнинг миқдори маълум эмас.

**Миробона** (а р а б ч а-ф о р с ч а). Бир қатор ҳужжатларда (5/91, 37/84) мироб ёзилган<sup>97</sup>. Маълумки, мироб сув ва сувдан фойдаланиш ишларини назорат қилиб турувчи амалдор бўлиб, миробона бўлса, миробларга сувдан фойдаланувчилар томонидан натура йўли билан тўланадиган солиқдир.

Шу муносабат билан Фарғонада ҳам ўша замонда сувдан фойдаланиш қай тартибда бўлганлиги ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчимиз. Бу ҳақда ҳижрий 993 (1585) йили саййид Олимхўжа номига берилган бир буйруқни эслатиб ўтишга тўғри келади. Бу буйруқда: «Мавзе Коросконда навбат сувини элтиб зироат қилиб бермабсан, бу нишонни кўргач, вилоятлар аҳли қарор қилган дастурдан чиқмагил, ҳужжат билгил...»<sup>98</sup>, — деб ёзилган. Бу ҳол сувдан фойдаланишда аҳо-

<sup>94</sup> Ўша тўплам; 16/37, 19/44, 8/55, 33/86, 5/91, 14/105 ва 23/122-ҳужжатлар.

<sup>95</sup> Ўша тўплам, 47/113-ҳужжат.

<sup>96</sup> „Лугати чигатой“, 140-бет.

<sup>97</sup> „Ёрлиқлар тўплами“, 37/84-ва 5/91-ҳужжатлар.

عملداران آفگذاران و میراب و دەنیم ضررز خمت نرسانند.  
میری آب نعرچی نقارچی...  
\* Ўша тўплам, 109/89-ҳужжат: جناب بو اوجورده انداغ يتی کیم جناب سياد تمايبي سيد عالم خواجه گه موضع کرسکاندن نوبت سووينی ايلتيب زراعت قيليب بيرمابسن بونيشان کورگاچ ولايتلار اهلی قرار قيلغان دستور يدين چيقماغيل حجت بيلغيل ديب مهر لوق نيشان بيتيلدی.

ли ўртасида ўзгармас бир тартиб бўлганлигини кўрсатади. Қўқон хонлиги барпо бўлганга қадар ва ундан кейин ҳам Фарғонада сувдан фойдаланиш халқ тарафидан сайлаб қўйилган ариқ оқсоқоли (кўкбоши, мироббоши) зиммасида бўлган. Кўкбоши маълум бир ариқдан сув ичувчи деҳқонлар томонидан сайланарди. Улар давлатдан маош олмасдан, халқ ҳисобига яшаганлар. Бу миробона деб аталиб, кўпинча натура тарзида бўлар эди.

Сўнгги вақтларда миробона бек (шаҳар ҳокими)нинг йигитларига ҳам берилган. Чунки улар миробга ёрдам берган ва унинг иш олиб бориши устидан назорат қилган эмишлар. Шундан сўнг мироблар фақат кафсан оладиган бўлганлар. Кафсан халқ тарафидан ихтиёрий равишда миробга берилган ғалладир. Миробонанинг миқдори маълум эмас. Кафсан бўлса, бир этак, яъни тахминан 8—16 килограммдан ошмаган. К. М. Мирзаевнинг айтишича, мироблар кафсани кўйлак ва чопонларининг этагига сиққанча оладиган бўлганлари сабабли, кўп олиш мақсадида алоҳида кенг этакли кўйлак ва чопон кийганлар<sup>99</sup>.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўша вақтда Коросконда сув кам бўлиб, навбат билан ичилган. Ирисқулибекнинг Абдуссонехўжага берган фармонида Короскон «Занги Короскон» деб ёзилган<sup>100</sup>. «Занг» деб ҳозирда ҳам сувсизликдан ишлатилмай бўш ётган ерга айтилади. Уша ерли қарияларнинг ҳикоя қилишича, илгари Коросконда сув бўлмаган. Шу тўфайли уни «занг» деб атаганлар. «Ерлиқлар тўплами»даги ҳужжатларнинг кўпида Коросконни мавзе (қўриқ) Адак, Говхона ва Қизилработни бўлса, «мазраъ» (экин ер) деб ёзишларининг сабаби ҳам Коросконда сувнинг ниҳоятда камлигидадир<sup>101</sup>. Илгари Коросконда ичиш учун фақат ўн иккита ҳовуз бўлиб, суви қуртлаб кетган вақтлари бўлганини ҳикоя қиладилар. Коросконда сув танқислиги ҳақида шу ерли Мухторхон Аҳмедов деган киши «Келмас Коросконнинг суви» деган шеър ёзган.

Коросконни сув билан Пешқарондаги булоқ таъминлаб турган. Булоқдан чиққан сув Алихон орқали Чортоққа келиб

<sup>99</sup> К. М. Мирзаев, Амляковая форма феодальной земельной собственности в Бухарском ханстве, Ташкент, 1954, стр. 49.

<sup>100</sup> «Ерлиқлар тўплами», 72/15-ҳужжат: عبدالصانع خواجه سيد صحيح النسب بوده از قدیم الایام زمین ادك و زنگ كرسگان و موضع گاوخانرا تصرف کرده آمده اند.

<sup>101</sup> Уша тўплам, 109/89-ҳужжат.

тақсимланган. Лекин у, асосан, бойларнинг ерларинигина суғорган. Короскоң аҳолисининг сувга бўлган орзу ва тилакларини фақат Совет ҳокимияти йилларидагина ушалди. Бундан саккиз йил илгари (1957 йили) Короскоң қишлоқ советига қарашли «Москва», Ленин қишлоқ совети (Ласкидон қишлоғи)даги «Ленин йўли» ва Айқирон қишлоғидаги «Ленин» колхозлари биргалашиб, Шимолий Фарғона каналидан Олтишош деган жойда насос билан сув чиқаришган. «Москва» колхозининг ҳозир суғорилаётган 1092 гектар ери илгари «занг» деб аталган ерлардандир.

**Айтарчи ва наърачи** (ўзбекча-арабча). Муҳокама-миздаги ҳужжатлардан бирида «наърачи»<sup>102</sup>, бошқасида «айтарчи»<sup>103</sup> ёзилган. Ҳар икки термин ҳам «жарчи» маъносига бўлиб, «айтарчи» ёки «наърачи» хонликда юз берган муҳим воқеаларни халқ ўртасида тарқатувчи кичик бир лавозим эгасидир. XVI асрда шундай ном билан жарчиларнинг таъминоти учун халқдан алоҳида солиқ тўплаганлар.

**Чодир пули** (ўзбекча). Фикримизча, «чодир пули»<sup>104</sup> махсус солиқ бўлиб, хон ва феодал янги чодир қилдирганда унинг харажати учун ёки овга ва урушга борганларида чодирни олиб юривчилар ва қурувчилар учун халқдан тўп-ланган.

**Савсан** (форсча). Савсан — маълум, бир гул бўлиб, халқ уни «гули савсар» деб атайдди. Бу гул тўрт турдан иборат бўлади: оқ («озод» ва «озода» деб атайдилар. Унинг ўн-тагача ўткир барги бўлади); кўк («азрок» дейдилар); сариқ (хитойи деб юритилади) ва ҳаво ранг. Савсанни адабиётда шамшир (қилич), ханжар ва, умуман, пичоққа ўхшатадилар. Мулла Туғро «ва дашнаи стиз бараҳнатар аз ханжари сав-

<sup>102</sup> Уша тўплам, 26/103-ҳужжат: داروغه‌لىق قورو قبانى و تير چوب‌كاه زخيره نهرچى و نقره‌جى بسى جمعى اخراجات و محدثات و غيرهم...

<sup>103</sup> Уша тўплам, 47/113-ҳужжат: عمل آسيا بانه و جوازخانه شكورچى و يورنچى و يده‌جى و نوشكچى و چراقچى و كارنايچى و اينارچى و مرابانه و قورو قبانى و باى توت و درالتاى و حانه جايى و غيرهم اصلا مزاحم نشوند.

<sup>104</sup> Чодир кўчманчиларнинг уйи ўрнида ёки лашкаргоҳда хон, бек аскарининг вақтинча ўлтирадиган хайма, хиргоҳ, барақ, уба, ўт ва ўтовни демакдир; „Қомуси туркий“, 496-бет ва „Луғати чигатой“, 146-бет.

сан» («уруш ва ҳусуматлик катта пичоқ савсан ханжардан яланғочроқдир»), дейди<sup>105</sup>.

Амир Хусрав Деҳлавий бундай деб ёзади:

Гар афтад сояи шамшири савсан бар рухи лола,  
Ажаб набувад агар зон рӯй нозик хун равон гардад

**М а з м у н и:**

Агар савсан шамширининг сояси лола юзига тушса,  
У нозик юздан қон оқса (ҳам) ажаб эмасдир<sup>106</sup>.

«Савсан» термини Наврӯз Аҳмадхон тарафидан берилган бир ҳужжатда (14/105) учрайди<sup>107</sup>. Демак, савсан XVI асрда лашкарнинг қурол-аслаҳаси учун тўпланадиган солиқ ёки феодал мажбуриятлардан бири бўлган.

Шукурчи (ўзбекча) — У шамсия, соябон, шомийна ва чатр маъносида бўлиб<sup>108</sup>, шукурчи шамсиядор, соябончи демакдир. «Шукурчи» муҳокамамиздаги ҳужжатлардан бирида «юртчи» ва бошқа терминлар билан бирга келади<sup>109</sup>. Шунга кўра, «шукурчи» XVI асрда Фарғонада хоннинг бошига соябон тутиб турувчи кичик сарой хизматчиси бўлган ва бу ном билан уларнинг маоши учун халқдан алоҳида солиқ ундириб олинган.

Юртчи (ўзбекча). Юрт — тураржой, маскан, ватан маъносида. Юртчи — юрт эгаси, вилоятда турувчи демакдир. Бу термин Отамуҳаммад баҳодирнинг саййид Зоҳидга берган иноятномасида бошқа феодал мажбуриятлар ва рента-солиқлар қаторида келтирилган<sup>110</sup>. Бу термин ўзининг мазмуни жиҳатидан «лудий» ёки «тутун пули»га ўхшаш ҳар бир хонадондан олинадиган солиқ бўлиши керак. Аммо у пул биланми ёки натура биланми ва қанча миқдорда олинганлиги бизга маълум эмас.

Ядачи (туркча). Яда тоши тўғрисида кўпгина рисола ва мақолалар бор. Бу ҳақда ёзилган С. Е. Малов мақоласи<sup>111</sup> диққатга сазовордир. Ядачи ёмғир талаб қилинганда бажа-

<sup>105</sup> Баҳори ажам\*, 134-бет.

<sup>106</sup> Ўша асар, 134-бет.

<sup>107</sup> «Ерлиқлар тўплами», 14/105-ҳужжат: قرایسناق الپان حرج

واخراجات مددی سلامانه طویانه طرح صابون آینه و رونده  
محرك مردكار قلعه سوسن...

<sup>108</sup> «Луғати чигатой», 204-бет.

<sup>109</sup> «Ерлиқлар тўплами», 47/113-ҳужжат.

<sup>110</sup> Ўша тўплам, ўша ҳужжат.

<sup>111</sup> «Вестник древней истории», М., Издательство АН СССР, 1947, стр. 151—160.



рилиши лозим бўлган амални бажарувчидир. Демак, «ядачи» ана шу кишиларнинг маоши учун халқдан алоҳида тўпланадиган солиқ бўлган.

**Тўшакчи** (то ж и к ч а-ў з б е к ч а). Девон бегидан мувазаф ва муқосама хирожини нақд олиб аскарларнинг кийим-бошига сарфловчи кичик амалдор. Бундан ташқари, у хазинага тушиши керак бўлган кийим-кечак, яроғ-аслаҳа ва бошқа буюмларни қидириб топиш, уларни қабул қилиш ва тегишли жойга сарф қилиш вазифасини ҳам бажарган<sup>112</sup>. Муҳокамамиздаги XVI асрга оид ҳужжатларга қараганда<sup>113</sup>, «тўшакчи» ана шу лавозимни бажарувчи амалдорнинг маоши учун халқдан қўшимча тўпланган солиқ бўлган.

**Чироқчи** (то ж и к ч а-ў з б е к ч а). Бу термин аслида чироқ тутувчи маъносида бўлиб, катта бир неъмат, эҳсон ё бир вазифага ноил бўлган шахсни ҳам «чироқчи»<sup>114</sup> деб атайдилар. Чироқчи — катта қишлоқ ва шаҳарларда кўчалар туташган жойда ва хоннинг ўрдасида чироқ ёқувчи ходимдир. Бу термин Отамуҳаммад султоннинг бир фармонида учрайди<sup>115</sup>. «Чироқчи» шу вазифа билан машғул бўлган ходимларнинг маоши учун халқдан олинадиган алоҳида феодал мажбурият бўлган.

**Жонқари** (то ж и к ч а-ў з б е к ч а). Бу терминнинг том маъносини аниқлаб бўлмади. Бундай термин адабиётда ва бошқа ҳужжатларда учрамайди. У фақат Муҳаммад Дарвиш султон томонидан ҳижрий 960 (1552—53) йилда сайинд Гўё Муҳаммадхўжага берилган фармондагина мавжуд, холос<sup>116</sup>. Фикримизча, жонқари жон бошидан олинадиган «сари шумор»нинг ўзбекчаси бўлса керак.

**Карнайчи** (то ж и к ч а-ў з б е к ч а). У аслида «харр» катта ва «най» сўзларидан ташкил топган. Кейин «харр»ни «кар»га мубоддал қилинган<sup>117</sup>. Бу ерда катта най маъносида келган. Карнайчи шу катта найни чалувчи кишидир. Бу термин Отамуҳаммад баҳодирнинг бир иноятномасида учрайди<sup>118</sup>.

<sup>112</sup> „Луғати чигатой“, 119-бет.

<sup>113</sup> „Ерлиқлар тўплами“, 47/113-ҳужжат: وعمل آسیا بانه و جوازخانه و شورچی و یورنچی و یلهچی و نوشکچی و چراچی و کارنایچی...

<sup>114</sup> „Қомуси туркий“, 507-бет.

<sup>115</sup> „Ерлиқлар тўплами“, 47/113-ҳужжат.

<sup>116</sup> Уша тўплам, 16/37-ҳужжат: اون ایکی میک آلتون داروغه گی و جانقری بیلن دھلو و نیمنی...

<sup>117</sup> „Баҳори аҷам“, 296-бет.

<sup>118</sup> „Ерлиқлар тўплами“, 47/113-ҳужжат.

Демак, XVI аср охири ва XVII аср бошларида карнайчилар учун халқдан солиқ олинган. Бироқ унинг қанча миқдорда бўлганлиги маълум эмас. Карнайчи, сурнайчи, ноғорачилар жамоасига «меҳтар»лик нишони ҳам берилган<sup>119</sup>. Шунга кўра, бу жамоа хонликда маълум бир рутба эгаси бўлган, дейиш мумкин.

**Тағор (монголча).** У қўшиннинг таъминоти учун халқдан натура билан олинадиган озиқ-овқат солиғи<sup>120</sup>. Бу термин султон Муҳаммад Дарвишнинг саййид Гўё Муҳаммадга (XVI аср) берган бир фармонида ва 25/50-ҳужжатда учрайди<sup>121</sup>.

**Доруғаги, доруғалик (монголча).** «Доруға» — вилоят ёки шаҳар бошлиғи<sup>122</sup> бўлиб, «доруғаги» (доруғалик) ўша ҳокимларнинг маоши учун халқдан тўпланадиган солиқдир. Бу термин қўлимиздаги XVI асрга оид 13 та ҳужжатда учрайди<sup>123</sup>. Ҳужжатлардан маълум бўлишича, ўша даврда (XVI аср) Ахсикент вилоятида хонлик халқдан 12 000 олтин динор доруғалик йиғар экан<sup>124</sup>. Лекин 12 000 доруғалик, кўпинча, Короскон саййидлари (саййид Фозил Али ва унинг ўғли саййид Гўё Муҳаммадхўжа) ва унинг (саййид Гўё Муҳаммаднинг) ўғли саййид Зоҳидга берилган<sup>125</sup>.

**Бож (арабча).** Бир вилоят ёки мамлакатдан бошқа бир вилоят ёки мамлакатга ўтганда чегарада савдогарлардан олинган. Қўлимиздаги ҳужжатлардан маълум бўлишича,

---

<sup>119</sup> Мир Кушо мунши Муҳаммад Тоҳир Ваҳид, Мактубот, муншоот ва маншурот, ЎзССР ФА ШИ қўлғезмалар фонди, инв. № 289-186 а-варақ.

<sup>120</sup> Б. Аҳмедов, Ўзбекларнинг келиб чиқиши тарихидан, 41-бет.

<sup>121</sup> «Ерликлар тўплами», 25/50-ҳужжат: **تقى مال تغار خرج و اخراجات**  
**دهنيم وصلحو و اينانچى گيرى و غيرهم تيلاماسونلار و**  
**آلماسونلار.**

<sup>122</sup> П. П. Иванов, Хозяйство Джуйбарских шейхов, стр. 231.

<sup>123</sup> «Ерликлар тўплами», 15/34-, 16/37-, 19/44-, 33/86-, 22/88-, 5/91-, 14/105-, 40/118-ва 23/122-ҳужжатлар.

<sup>124</sup> Ўша тўлам, 14/105-ҳужжат: **ولایتقه توشار اون ایکی میك**  
**آلتوننى الارغه باغیشلاوك.**

<sup>125</sup> Ўша тўлам, 15/34-, 16/37-, 19/44-, 8/55-, 33/86-, 5/91-, 14/105-, 40/118-ва 23/122-ҳужжатлар.

ҳатто, Ахсикентдан Андижонга ўтганда ҳам бож олинган<sup>126</sup>. Бож олиш иши Тўсқовул номи билан аталган амалдорлар зиммасига юклатилган<sup>127</sup>. Абулхайр (Бобо) хоннинг ҳижрий 987 (1579—80) йили хосса мулозимлар билан кемачи, юкчи, девон, тўсқовул, амин ва бошқаларга берган фармонида бундай дейилган: «Саййидали мутавали Андугон бора турур; сизлар бу нишонни кўргач, мушору нилайҳни саломат ўтқара берингизлар; [ундан] бож, хирож олмангизлар; [унга] зарарзаҳмат еткурмангизлар; хилофи ҳукм бўлмасун»<sup>128</sup>. Бундан англашилишича, биринчидан, Короскон саййидлари савдо иши билан ҳам шуғулланганлар, иккинчидан, бир феодал хонлик қўл остидаги бир шаҳардан иккинчи бир шаҳарга савдо билан борилганда олиб ўтилаётган моллардан бож, хирож олинганлиги маълум бўлади. Бунинг сабаби, бир хонлиқнинг ичида бўлган маҳаллий ҳокимларнинг ўзини деярли мустақил ҳисоблаганидадир.

Барот (жами баравот; а р а б ч а). Бу термин ёзиш, бир ишни бажариш, бир нарсани олиш ёки бериш маъносида бўлиб, бирор рутба, нишон ёки имтиёз берилганини англатади. У, асосан, олиқ-солиқ маъносида ишлатилган<sup>129</sup>.

<sup>126</sup> Уша тўплам, 110/85-ҳужжат: *بو نیشان کور گاج مشار الیہنی سلامت اوتکارا بیرینگیزلار باج خراج طناب آلمانگیزلار ضرر زخمیت یتکورمانگیزلار.*

<sup>127</sup> Уша тўплам, ўша ҳужжат: *خاصه ملازم لار بیلەن یوکچی - کیمهچی و دیوان و توسقاول وغیرهم لارغه.*

<sup>128</sup> Уша тўплам, 110/85-ҳужжат: *خاصه ملازم لار بیلەن یوکچی و کیمهچی و دیوان و توسقاول و غیرهم لارغه معتمدا لخواص خدمتکارلار بااخلاص مهترامین لارغه معلوم بولسونکیم سید علی منولی اند گان باراتورور سزلار بو نیشان کور گاج مشار الیہنی سلامت اوتکاره بیرینگیزلار باج خراج طناب آلمانگیزلار ضرر زخمیت یتکورمانگیزلار بو بابده مشار الیہنی ترخان بیلیب اوسال تقصیر واقع ایتمانگیزلار خلاف حکم بولماسون...*

<sup>129</sup> Уша тўплам, 115/53-ҳужжат: *چریک آمان اوقوش مرشکارغه چیقارمانگلار کاه ذخیره تیرچوب حواله قیلمانگیزلار.*

**Нақорачи** (а р а б ч а -ў з б е к ч а). Аслида ноғора чалувчи деган маънони англатиб, бу ерда уларнинг маоши учун аҳолидан тўпланадиган солиқ ёки жарима кўзда тутилади. Бу термин Наврўз Аҳмадхоннинг саййид Гўё Муҳаммадхўжага берган бир суюрғол ёрлиғида келтирилган<sup>130</sup>.

**Миришикор**. Мир (а р а б ч а) — амир, шикор (т о ж и к ч а) — ов, яъни ов амири демакдир. Миришикор тажрибали қушчи маъносида ҳам бўлиб, Наврўз Аҳмадхоннинг бир фармонида «Черикуён, ўқуш, миришикорга чақирманглар...»<sup>131</sup> деб ёзилган. Бундан кўринишича, XVI асрда хон ва феодаллар овга чиққанларида вилоятдаги тажрибакор қушчилар ва мерганларни ҳам йиғиб ишлатганлар. Бу ҳол миришикор — аскарга чақириш сингари мажбурий тарзда ишлаш йўли билан бажарилиши лозим бўлган мажбуриятлардан бири бўлса керак, деган фикр туғдиради.

**Харж** (а р а б ч а). Кўплиги — харажот, ихрожот, хорижий. У чиқим, сарф маъносида ҳам ишлатилади<sup>132</sup>. «Харж» — хон, султон ва маҳаллий феодалларнинг ички харажатлари учун сарф этиладиган маош бўлиб, у халқдан тўпланган ва энг оғир солиқлардан бўлган. Бу муҳокамамиздаги кўп ҳужжатларда учрайди<sup>133</sup>. Проф. И. П. Петрушевскийнинг кўрсатишича, ихрожот ҳарбий ва бошқа амалдорларнинг йўл ҳақи ёки таъминоти учун қўшимча олинадиган фавқулодда солиқ бўлган<sup>134</sup>. «Ёрлиқлар тўплами»даги ҳужжатларнинг кўпчилигида «харж» термини «харожот», «ихрожот» терминларидан алоҳида тарзда келтирилган. «Руқаъот ва муншаот»да: «Девон саркори ҳарамга таъйин қилинган маблағни тўплаш ва сарф қилиш билан бирликда сандукхона харожатини ҳам қилади», — деб ёзилган<sup>135</sup>. Бунга кўра, «харж»нинг бир маъноси ҳарамнинг харажати учун олинадиган хирож бўлиб чиқади.

<sup>130</sup> Уша тўлам, 25/108-ҳужжат: *نقارھچی و لعرچی بقی نمیرسه*  
*آلماسونلار.*

<sup>131</sup> Уша тўлам, ўша ҳужжат: *مذکور بولغان رعیتلار اوز*  
*یورتلاریغه کیلب زراعت و عمارتلارغه مشغول بولغونچه برات*  
*و جهیگیزلارنی آلمانگیزلار ضررو زخمیت یتکورمانگیزلر.*

<sup>132</sup> «Руқаъот ва муншаот», ЎзССР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 304, 9—10-бетлар.

<sup>133</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 45/78-, 39/81-, 38/83-, 37/84-, 33/86-, 22/88-, 5/91-, 56/97-, 14/105-, 25/108-, 47/113-, 40/118- ва 23/122-ҳужжатлар.

<sup>134</sup> И. П. Петрушевский, Очерки по истории феодальных отношений в Азербайджане и Армении, стр. 272, 273.

<sup>135</sup> «Руқаъот ва муншаот», 9—10-бетлар.

**Улуфа** (арабча). У аскар ва сипоҳнинг маошидир<sup>136</sup>. Бу ерда асл маъноси аскарнинг озиқ-овқат ва отига ем-ҳашак етказиб бериш мажбуриятидир. Бу солиқ халқ учун жуда ҳам оғир бўлган ва мушкулликлар туғдирган<sup>137</sup>.

**Алаф** (арабча). Бу ўтлоқ ерлардан олиниб, отларнинг ем-ҳашаги учун тўпланадиган солиқ бўлган. Буни юқорида айтганимиздек, «коҳ» ҳам дейдилар. Хужжатларда «алаф» ёзилишига кўра<sup>138</sup>, бу солиқ натура тарзида олинган.

**Ярғу** (туркча) — мулккий жарима, молу мулкни мусодара қилиш<sup>139</sup>. Бу термин Короскон саййидларига ҳижрий 1053 (1643—44) йилда берилган бир фармонда учрайди. Хужжатда: «Короскон саййидларига ярғу ҳамда олиқ ва жами амала жиҳатидан дахл қилинмасун»,— деб ёзилган<sup>140</sup>. Бунга кўра, XVII асрда феодал хонликда халқнинг молу мулкни мусодара қилиш ва тортиб олиш қондаси амалда бўлган. Шу нарса характерлики хужжатда: «Агар [мусодара] воқе бўлса, уни, яъни мусодара қилинган молни саййид Фазлуллоҳга тегишли деб билсунлар»,— деб ёзилган<sup>141</sup>. Бунга қараганда, мусодара қилинган молу мулк давлат хазинасига кирмай, айрим феодал (руҳоний)ларга берилган.

**Мухассали мол** (арабча) — Бу термин фармонлардан бирида «мол», «даҳи ду», «даҳи ним», «нимни», «боттут» ва «қўруқбоний» терминлари билан бирга келади<sup>142</sup>. Демак, у

<sup>136</sup> „Қомуси туркий“, 948-бет.

<sup>137</sup> А. А. Семенов, Очерк поземельно-податного и налогового устройства Бухарского ханства, стр. 9—20.

<sup>138</sup> „Ерлиқлар тўплами“, 97/1- ва 96/2-хужжатлар: از وجه خراج و طنابانه باغات و علف و از كل جملة يورتيه و از جميع تكاليف اسميه و رسميه معاف و مرفوع القلم سوى و مستثنى...

<sup>139</sup> „Луғати ҷиғатой“, 291-бет.

<sup>140</sup> „Ерлиқлар тўплами“, 303/76-хужжат: از و جوه يرغو و آغ و از جميع عمله...

<sup>141</sup> Уша тўплам, ўша хужжат: دخل نكنند و تعرض نرسانند. و اگر واقع شود متعلق سيد فضل الله دانندخلاق نورزند.

<sup>142</sup> Уша тўплам, ўша хужжат: زراعتلاريدين مال و دهووده نيم و نيمنى و بات توت و قوروقبانى و محصل مال آلماسونلار حواله قيلماسونلار ضررو زخمت يتكورماسونلار.

молу мулк ва хорижий даромаддан олинадиган солиқ бўлган. У «мухассал» билан бир маънодадир<sup>143</sup>.

**Важҳи тавлият ва ё ҳаққи тавлият (а р а б ч а).** Бу термин Худоёрхон, Маллахон ва султон Саъидхоннинг бир қатор фармонларида эслатиб ўтилади<sup>144</sup>. Аммо биз бу терминни феодал мажбурияти ёки рента-солиқлар қаторига қўша олмаймиз, чунки «ҳаққи тавлият» халқдан олинадиган рента-солиқ эмас, балки вақф қилинган ердан келган даромаддан вақфномада кўрсатилган миқдорнинг мутаваллига бериладиган қисмдир. Проф. И. П. Петрушевский «ҳаққи тавлият» мутаваллилик мансабидаги кишининг фойдасига олинадиган йиғим, деб ёзади<sup>145</sup>. «Ҳаққи тавлият» биринчидан, деҳқондан эмас, балки вақф қилинган жойлардан келадиган даромаддан олинади. Иккинчидан, биздаги ҳужжатларда «важҳи тавлият» йиғим ва солиқлар жумласига киритилмаган.

**Даҳи ёздаҳ (т о ж и к ч а).** Бу термин саййид Фозил Али ва унинг 41 уйлик дарвишларига берилган бир фармонда учрайди<sup>146</sup>. Фармон қачон ва ким томонидан берилгани маълум эмас. Шунингдек, султон Саъидхоннинг ҳижрий 919 (1513—14) йили ўша саййид Фозил Али билан 41 уйлик дарвиш ва саййидларга берилган фармонда<sup>147</sup> ҳам эслатиб ўтилган. Судхўрлар ўрни ўн бирга (фойдага) берардилар. Бу термин шундан олинган бўлса керак.

**Даҳи ним (т о ж и к ч а).** Бу — ўннинг ярми, деган маънони англатади. Фикримизча, у мевали дарахтлардан олинадиган йиғим бўлиши керак. Чунки баъзи тарихий манбалардан маълум бўлишича, бундай йиғимнинг миқдори ҳар хил бўлган. Кам меҳнат сарф қилинадиган ерлардаги мевали дарахтлардан ушр (ўндан бир) олинган бўлса, кўп меҳнат сарф қилинадиган ёки суғориладиган ерлардаги мевали дарахтлардан ўндан бирнинг ярми, яъни йигирмадан бири

<sup>143</sup> Ўша тўплам, 93/5-, 91/9- ва 87/12-ҳужжатлар.

<sup>144</sup> Ўша ҳужжатлар.

<sup>145</sup> И. П. Петрушевский, Очерки по истории феодальных отношений в Азербайджане и Армении, стр. 280.

<sup>146</sup> «Ёрлиқлар тўплами», 2/35-ҳужжат: هیچ تورلوک سالوق البان خرج خراجات دهوویازده داریلغان باتتوت و سبزی پلی اوقوش چیریک آمان حشر بیگار مردکار ذخیره... هیچ تورلوک یاساق البان خرج و خراجات دودی ده یالغه داروغه لیک...

<sup>147</sup> Ўша тўплам, 5/91-ҳужжат (бу ҳужжатда «даҳёлға» ёзилган, тўғриси «даҳи ёздаҳ» бўлиши керак — А. Ж.).

өлинган<sup>148</sup>. Бу термин Наврӯз Аҳмадхоннинг ҳижрий 908 (1502—503) йилдаги, султон Дўстмуҳаммаднинг саййид Гўё Муҳаммадхўжага берган фармонида ва бошқа ҳужжатларда эслатиб ўтилган<sup>149</sup>.

Даҳи ду. Хирожнинг ярми — ушр (ўндан бир) бўлиши керак.

Нимни. Бу термин хирож қисмида айтиб ўтилган.

Аворизот (а р а б ч а). У вақти-вақти билан ҳукумат томонидан раъиятдан олинадиган солиқ ва ишлаб бериш мажбуриятидир. П. П. Иванов уни фавқулодда чиқариладиган солиқ, деб айтган<sup>150</sup>. И. П. Петрушевскийнинг фикрича, бу мажбурият фақат ҳукумат фойдасигагина бўлмай, маҳаллий феодаллар фойдасига, уларнинг уйларида иморат ва бошқа фавқулодда ишларда мажбурий ишлаб беришдан иборат бўлган<sup>151</sup>. Отамуҳаммад баҳодир султон томонидан саййид Зоҳидга берилган фармонда «молу ғаллот ва муқаррарий, ихрожат ва сойири аворизот, олиғот ва амалот»,<sup>152</sup> деб ёзишига кўра, «авозиқот» XVI асрда Фарғонада қўшимча солиқ эканлиги маълум бўлган.

Маъуноти юртий (а р а б ч а - т у р к ч а). У яшаш учун жуда зарур бўлган нарса бўлиб, харж маъносида ҳам келади<sup>153</sup>. Бу термин Муҳаммадалихоннинг ҳижрий 1245 (1829—30) йили Короскон саййидларига берган фармонида<sup>154</sup> «маъуноти

<sup>148</sup> „Журжи Зайдон“, Истамбул, 1328, 194-бет.

<sup>149</sup> „Ёрлиқлар тўплами“, 9/58- ва 27/106-ҳужжатлар:

بجهة دينار مدهو و مال و نيمنى ودهنيم و غير ذلك...

<sup>150</sup> П. П. Иванов, Хозяйство Джуйбарских шейхов, стр. 34, 39, 225.

<sup>151</sup> И. П. Петрушевский, Очерки по истории феодальных отношений в Азербайджане и Армении в XVI—начале XIX вв., стр. 278.

<sup>152</sup> „Ёрлиқлар тўплами“, 47/113-ҳужжат: مال و غلات و مقررى

واخراجات و ساير عوا رضات والغات و عملات...

<sup>153</sup> „Ғиёсуллоғот“, 443-бет.

<sup>154</sup> „Ёрлиқлар тўплами“, 108/21-ҳужжат: بايد که متصد يان اشغال

سلطان و منصباننى امور جهان بانى مومنى اليهرا از مونات يورتنى معافى دانسته متعرض نباشند. از غلة خراج و طنابانه واز تمامى جمله يورتنى مرفوع القلم گردانيديم.

юртий» термини хирож, ушр ва бошқа асосий солиқлар билан бир қаторда келади<sup>155</sup>.

Маъноти юртий — хон бирор жойга бориб қўнганда ўша ердаги аҳолининг унга хизмат қилиши, озиқ-овқат билан таъминлашидан иборат бир мажбурият бўлган.

Сади ду, сади се ва сади чор (ф о р с ч а). Бу чорва молларидан олинадиган хирожнинг миқдорини ифодаловчи термин бўлиши керак. У муҳокамамиздаги кўп ҳужжатларда эслатиб ўтилган<sup>156</sup>.

Мухдасот (а р а б ч а). «Мухдас» ҳадас сўзидан олинган бўлиб, янги деган маънони англатади. Султон Муҳаммад Дарвишнинг бир фармонида: «Жамий ихрожат ва муҳдасот ва ғайриҳум олиғлардан сиво ва мустасно билсунлар, ҳавола қилмасунлар, олмасунлар...»<sup>157</sup> деб ёзилишига кўра, «муҳдасот» (XVI асрда) янгидан жорий қилинган мажбуриятлардан бири бўлиб чиқади.

Шуни ҳам айтиш керакки, солиқлар кўп ҳолларда умумий термин билан айтилган, масалан: шубҳасиз тўпланиши лозим бўлган солиқ ва феодал мажбуриятлар «муқаррарий»<sup>158</sup>; олинадиган ҳамма солиқлар «олиғот», «амалот»,

<sup>155</sup> Ўша тўплам, ўша ҳужжат: *حوارده هزار دينار داروغه گى و خانه پلى و دهنيم و نيمنى و بايتوت و قوروقبانى و تيرچوب و كتوالى و صدحو و صلسه و صلچارو آينده ورونده و جميع و عملهرا خود گرفته بدستور سابق بوجه معاش خود صرف نمايند...*

<sup>156</sup> Ўша тўплам, 16/37-, 19/44-, 25/50-, 33/86-, 22/88-, 25/108- ва 23/122- ҳужжатлар: *حوارده هزار دينار داروغه گى و خانه پلى و دهنيم و نيمنى و بايتوت و قوروقبانى و تيرچوب و كتوالى و صدحو و صلسه و صلچار و آينده ورونده و جميع عملهرا خود گرفته بدستور سابق بوجه معاش خود صرف نمايند...*

<sup>157</sup> Ўша тўплам, 25/108-ҳужжат: *بسى جميع اخراجات و محدثات و غيرهم ألوغلاردين سوى و مستثنى بيلسونلار حواله قيلماسونلار ألماسونلار مزاحم و معارض بولماسونلار*

<sup>158</sup> Ўша тўплам, 40/118-ҳужжат: *عنايت نموده حکم فرموديم که مال و مقررى و داروغه گى و خارجى و سائر عملات و جميع عملهرا خود گرفته...*



«амала»<sup>159</sup>; бир ишни бажариш, бирор бир мажбуриятни адо этиш учун девон тарафидан қилинган таклифларни «таколифи девоний»<sup>160</sup>; у мажбуриятни бажариш учун хонлик томонидан ҳукм қилинган ёки бирор бир воқеа баҳонаси билан деҳқонлар зиммасига тасодифан юклатилган мажбуриятни «таколифи ҳукмий ва иттифоқий»<sup>161</sup> деб юритилса, мулкка тааллуқ ва мансуб бўлган жарималарни «таклифоти мулкӣй»;<sup>162</sup> биргина ҳукумат фойдасигагина бўлмай, балки маҳаллий феодаллар фойдасига уларнинг уйларида иморат ва бошқа ишларда мажбурий ишлаб беришни «жамаргаи юртия»<sup>163</sup>, деб аталган. Ундан ташқари, бир иш ёки бирор вазифа ва мажбуриятни адо қилиш одатга кириб ва дафтарга ёзилиб қолмаган бўлса, уни «таклифоти исмий» ёки «исмия», аксинча бўлса, «расмий» ёки «расмия»<sup>164</sup> деб юритилган. Шунингдек, натура билан олинадиган ва дуккакли экинларга онд солиқларни «ғаллот»<sup>165</sup> деб атаганлар.

Шундай қилиб, ҳужжатлардаги солиқ-жарималар терминининг умумий сони 90 га етди. Бироқ бир солиқ 2—3 термин билан аталган ҳоллари ҳам учрайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, «Ёрликлар тўплами»даги ҳужжатларнинг бештасида XVI ва XVII аср бошларида халқнинг феодаллар ва хонлар ҳукуматига тўлаши лозим бўлган асосий мажбурият ва рента-солиқларнинг сони ўттиз иккита экан:

<sup>159</sup> Ўша тўплам, 47/113-ҳужжат: مال غلات و مقررى و اخراجات و سائر عوارضات و آفات عملات خودهارا ازقرارى راستى جواب گویند.

<sup>160</sup> Ўша тўплам, 55/27-, 19/44-, 42/61-, 39/81-, 33/86-, 22/88- ва 23/122-ҳужжатлар.

<sup>161</sup> Ўша тўплам, 40/118-ҳужжат: گماشتگان و صاحب دخلان موسى اليهرا از جميع تكليفات ملكى مرفوع و معاف دانند.

<sup>162</sup> Ўша тўплам, 83/13-ҳужжат: ازوجه خراج و طنابانه باغات و علف و از كل جمرغه يورتى و تكاليف اسميه و رسميه معاف و مرفوع القلم گردانيديم.

<sup>163</sup> Ўша тўплам, 70/40-ҳужжат.

<sup>164</sup> Ўша тўплам. 97/1-, 96/2- ва 87/12-ҳужжатлар.

<sup>165</sup> Ўша тўплам, 63/41-, 45/78- ва 47/113-ҳужжатлар: مقررى خرج و اخراجات و عملات مال و عملات لارينى جناب مشاراليه نينگ گماشتالاريغه راستلىق يوزه سيدين جواب بيرسونلار

ни айтилган<sup>166</sup>. И. Л. Беляев ҳам асосий солиқлар ўттиз икки амала бўлганлигини ёзади. А. А. Семёнов Урта Осиёда ҳунармандчилик 32 тур бўлиб, шунга қараб ўлпон ва солиқ ҳам 32 та бўлишини айтади<sup>167</sup>. Фитрат ва Сергиев XVI асрда Бухорода 61 та ҳунармандлик борлигини<sup>168</sup>, проф. М. И. Йўлдошев, қатто, ундан ҳам ортиқлигини кўрсатадилар<sup>169</sup>.

Шуларга кўра, 32 амала ҳунармандлик ҳисобига солинган ўлпон ва солиқ бўлмай, балки ўша даврдаги асосий рента-солиқларнинг сони бўлиб чиқади. Ҳақиқатда эса, меҳнаткаш оммасининг зиммасига юклатилган солиқлар, асосан, 32 та эмас, балки ундан кўп ва бу эса маҳаллий ҳокимлар, амлоқдорлар ва феодалларнинг майли ва хоҳиши билан бўлганлигини кўрсатади.

Фарғонада XVI—XIX асрлардаги феодал муносабатларга доир дастлабки фикрлар мана шулардан иборат. Биз бу ерда қўйган масалаларни тамоман ва батафсил ечиш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз йўқ. Бу қийин бир масала бўлиб, уни тўла ва илмий асосда ечиш бир кишининг қўлидан келмайди, албатта. Қолаверса, яна кўпгина ҳужжатларни қидириб топиш, манбалар устида талайгина иш олиб бориш зарур.

Ҳужжатлар, асосан, икки тилда — ўзбек ва тожик тилларида ёзилган бўлиб, умуман, 146 ҳужжатдан фақат 35<sup>170</sup> таси ўзбек тилида, 100 дан ортиғи тожик тилидадир.

Ҳужжатларнинг ҳаммаси деярли таълиқ хати билан кўчирилган. Лекин хат айтарли даражада каллиграфик чиройли

---

<sup>166</sup> Ўша тўплам, 35/32-, 62/33-, 65/63-, 50/64- ва 53/119-ҳужжатлар:  
الغدار و عملدار بطريق نياز بيلب اوتتوز ايكي عملهدين  
سوى و مستثنى قىليپ دخل قىلماسونلار... الغداران؟ عملداران  
و ارباب و حاکمان از خرج اخراجات و قلعه و قراقوناق و  
خانهچينى و آينده ورونده از سى دو عمل مشارالير ا سوى و  
مستثنى دانسته...

<sup>167</sup> А. А. Семенов, Очерк поземельно-податного и налогового устройства в Бухарском ханстве, стр. 7—8.

<sup>168</sup> А. Фитрат, Казийские документы XVI века, Ташкент, 1937, стр. 75—77.

<sup>169</sup> М. И. Йўлдошев, XVI—XVII асрларда Бухоро хонлигида ҳунармандчилик тўғрисидаги масалага доир, «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1961, № 4, 31-бет.

<sup>170</sup> «Ерликлар тўплами», 7/30-, 69/34-, 16/37-, 34/38-, 18/42—111/43-, 119/46-, 12/57-, 121/60—42/61-, 65/63-, 120/68-, 45/78-, 110/85-, 109/89-, 100/90-, 1/92-, 3/95-, 44/98-, 25/108-, 4/109-, 49/116-, 43/117- ва бошқа ҳужжатлар.

эмас, баъзи жумлалар нотўғри ёзилган<sup>171</sup>. Айрим ҳолларда эса, кўчирувчи томонидан «ўқиб бўлмагани учун сурати солиди» деб ёзиб қўйилган<sup>172</sup>.

Наврўз Аҳмадхон томонидан берилган ва УзССР ФАШИ да сақланаётган 860-ҳужжатга қараганда, «Ёрлиқлар тўплами»даги ҳужжатлар хатти девоний билан ёзилгани сабабли кўчирувчиларнинг яхши ўқий олмаганликлари маълум.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳужжатлар оригинал бўлмай, балки улардан олинган нусхадир. Уларнинг асл нусхасининг бир қисми УзССР МДА дадир. Нусха Наманган ҳокими муовинининг буйруғи билан ҳижрий 1297 [1880] йили кўчирилган ва олти нафар қози томонидан аслига сўзма-сўз таққослаб тасдиқ қилинган. «Ёрлиқлар тўплами»нинг биринчи бетида бундай дейилган: «Мазкур битилган ёрлиқларнинг муҳрларини адади 290. Тамом қилинган иш кишини шод қилади. Улуғ уламолар ва ислом қозилари, замон фақиҳлари, олий низом амирлар, барча хос ва авомлар[нинг] кўнгулларига очиқ ва равшан бўлсунки, султонларга тегишли бу дафтарлар ва хонларга мансуб [бу] мактубларни рамазонул муборак ойи ҳижрий 1297 [август 1880] йил эдики, ўтган ҳар бир подшоҳларнинг ёрлиқлари ва расмий варақаларини Наманган вилояти ҳокими нойибининг<sup>173</sup> фармойиши билан сўзма-сўз ва маъни-бамаъни шу дафтарга ёзиб, мазкур вилоят қозилари ва аъламлари ҳузурда қадимий нусхасига таққослаб, уларнинг мазмунига қарор берилди. Чунки мазкур вилоятнинг мазкур ҳокими ўтмиш султонларнинг янгидан кўчирилиб ёзилган расмий варақаларини дастурул амал деб буюрган эди» (68-бетга қаранг).

Копия (нусха)ни қуйидаги қозилар тасдиқ қилган ва муҳрларини босган:

Қози мулла Эшонхўжа бинни Муҳаммад Орифхўжа эшон.

Мулла Абдураҳмон қози бинни Муҳаммад Ғози.

Саййид ибн Қозихўжа.

Абдулҳай маҳдум валади Қори қози.

Мулла Абулқосимхўжа, Янгикўрғон қозиси.

Қози домулло Исомиддин бинни домулло Султон.

Ҳужжатлар копияси кўчирилишининг сабаби қуйидагича:  
Н. Шчербин-Крамаренконинг айтишича, Ўрта Осиё Россияга

<sup>171</sup> Уша тўпلام, 45/78-ҳужжат: «Абдулмуҳаммад», «Абулмажид» ва «муҳассал ва муҳасилома», «ҳамассал» ва «ҳивола» тарзида ва 34-ҳужжатда «Жувонмардали» сўзи «Ҳаматали» ёки «Ҳакимали» каби чалкаш бир тарзда ёзилган

<sup>172</sup> Уша тўпلام, 30/48- ва 26/103- ҳужжатлар.

<sup>173</sup> А. Саъдиевнинг айтишича, уша вақтда бу вазифада В. П. Наливкин ишлаган («XIX асрда Туркистонда тарих фани», Тошкент, 1960, 61-бет).

بیتها در این ملامت که در این کتاب است و در ۲۹۰

بیتها در این ملامت که در این کتاب است و در ۲۹۰

بیتها در این ملامت که در این کتاب است و در ۲۹۰  
بیتها در این ملامت که در این کتاب است و در ۲۹۰  
بیتها در این ملامت که در این کتاب است و در ۲۹۰  
بیتها در این ملامت که در این کتاب است و در ۲۹۰  
بیتها در این ملامت که در این کتاب است و در ۲۹۰



қўшилгандан кейин Туркистонни идора қилиш Низомининг 225-моддасига ва Туркистондаги ер ва солиқ дастурининг 6-моддасига асосан, округ бошлиғи Абрамовнинг 1868 йил 11 июндаги 29-сонли фармонига биноан Самарқанддаги ер эгаларининг тасарруфидаги ҳамда вақф ерларни В. Вяткин тарафидан пинҳоний рўйхат қилинган. Фарғона область бошқармаси ҳам Фарғонадаги мулкдорлик ҳуқуқига эга бўлган зодагонлар ва диний ташкилотларнинг ерини рўйхат қилганда сони 3238 га бўлган. Лекин бу ҳисоб тахминий бўлиб, кейинча вақф ердан фойдаланувчи ташкилотларнинг сони бундан ҳам кўпроқ, яъни 5744 га етган<sup>174</sup>.

Короскондаги султон Сайид мазорининг сўнгги шайхи Жалололдинхўжа 1880 йилда ўзининг ерга эгалик ҳуқуқини тасдиқлаш учун қўлидаги ҳужжатларнинг копиясини олиб генерал-губернатор канцеляриясига топширган. Генерал-губернатор канцеляриясининг иш юритувчи ассесори Никольскийнинг справкасига кўра, бу ҳужжатларнинг копияси 1886 йили Туркистон ўлкасининг бошқармасига лойиҳа тузиш учун тақдим қилинган. Ҳужжатлар копияси Никольский резолюцияси билан Туркистон халқ кутубхонасига топширилган (инв. № 7408, 12797); кейин Ўрта Осиё давлат кутубхонасига (№ 6475), ундан Шарқшунослик институтига берилган (70-бетга қаранг).

Мазмуни: Ушбу дафтар 1866 йилда Туркистон ўлкасининг бошқариш лойиҳасини тузиш муносабати билан маҳаллий аҳолининг ер ва сувга эгалик ҳуқуқларига оид ҳужжатлар нусхасидан иборат.

Юқорида баён қилинганлардан қуйидаги асосий хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Биз «Ерликлар тўплами» ва унинг XVI—XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларини ўрганишдаги аҳамияти ҳақида дастлабки баъзи бир фикрларни баён қилиш билан чегараландик, холос. Бундан ташқари, «Ерликлар тўплами»даги форс-тожик ва эски ўзбек тилида ёзилган 150 га яқин ҳужжатларни ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиб, маълум тартибда уларнинг иловасини келтирдик. Бундай қимматли манба устида чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш келажакдаги вазифадир.

2. Хонлар ва маҳаллий ҳукмдорлар томонидан коросконлик саййидларга берилган чексиз имтиёзлар ва меҳнаткаш аҳолининг улар томонидан шафқатсизларча эксплуатация қилинганлиги ҳужжатларда яққол акс этган. Бу жиҳатдан

<sup>174</sup> Н. Щербин-Крамаренко, По мусульманским святыням Средней Азии. (Путевые заметки и впечатления, т. 532, стр. 95—111).

№ 10  
Сочинения  
Х. М. Л.

Стихотворения:

Намеченная мною поэма  
содержит много чуждых  
мыслям и чувства, поэтому  
не должна быть напечатана  
в журнале. Стихотворения  
Сочинения Х. М. Л. - 1846 г.

Издание второе, исправленное  
и дополненное.

Владимир Александрович  
Григорьев

уларнинг солиқ сиёсати диққатга сазовордир. Маълумки, мусулмон қонуни (фиқҳ, шарнат)га мувофиқ, ўрта асрларда аҳолидан 32 хил солиқ ундирилган. Лекин бизнинг ҳужжатлардан кўринишича, XVI—XIX асрларда Фарғонада солиқ ва жарималар терминининг сони 90 дан ортиқ бўлган. Демак, хонлар, маҳаллий ҳукмдорлар ва феодаллар солиқ сиёсатида қонунга риоя қилмай, ўз майлларича иш тутганлар.

3. VIII асрда унвон олиб XI асрда янада ривожланган ва мўғуллар, айниқса, темурийлар даврида Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда кенг тарқалган феодал тартиблар (суюрғол, тархонлик) ўзбеклар династияси ҳукмронлиги йилларида ҳам мавжуд бўлган.

4. «Ёрлиқлар тўплами»нинг энг қимматли томони шундаки, унда биз сўз юритаётган даврда Коросконда деҳқонларнинг бир жойдан бошқа жойга эркин кўчиб ўтиш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги борасида сўз боради.

5. Дин ҳамма вақт эксплуататор синфнинг қуроли экани, эксплуататорлар томонидан, хусусан, саййнд ва хўжалар қўллаган диний анъаналарнинг ҳаммаси меҳнаткаш оммани хурофий йўллар билан тобеликда сақлашдан бошқа нарса эмасдир.

# ҲУЖЖАТЛАР



## № 1/92

Хувал Гани. Абулхайр Севинч Султон<sup>1</sup> сўзумиз:  
[Оға-] ини ва ўғул султонлар билан бекларға, девонлар ва сойри мулозимларға.

Жаноби саёдат маоби муратазавин аъзам, мужтабойи мукаррам саййид Фозил Али [бизнинг] айёми давлатимизда дуойи давлати рўзафзунға машғул бўлиб, фароғболлиқ била қуш жуюб, ит югуртса, [унга] ҳеч кимарса моне ва музоҳим бўлмасун. Султонлар, беклар, девонлар ва сойир мулозимлар [унинг] ит, қушлари била отларидин тамаъ этмасунлар; ҳеч жиҳат била таъарруз қилмасунлар, деб муҳрлуқ нишон берилди.

Юнт йили, рамазонул муъаззам ойнинг йигирма учида битилди. Сана 928 йил ҳижрий [милодий 1521—22], 25 VII, якшанба куни. Тўрт муҳри бор.

## № 2/35

Саёдат маоби саййид Фозил Али билан нишон орқасида муфассал бўлгон қирқ бир уйлук дарвишларға ҳеч турлук солуқ «олнон» [олбон]<sup>2</sup>, «харж» ва «харожот», «даҳи ду» ва «даҳи ёздаҳ», «дорилгон», «бойтут» ва «сабзи пули», «ўқуш», «черик амон» [черикуюн — Ж. А.], «ҳашар», «тикор» [бегор], «муҳрик», «мардикор», «коҳ», «захира», «тарҳ», «собун», «тирчўб» солмангизлар [ҳамда] олмангизлар; басы ҳар йилда

<sup>1</sup> Абулхайр Севинч Султон — кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайрхон (1428—1469) нинг ўғли. 939 (1532—33) йилда Тошкент ҳокими бўлган (Қаранг: «Тарихи Шайбоний», ЎзССР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1505, 616-варақ).

<sup>2</sup> Олнон (олбон) — асида ўлпон бўлиб, котийнинг хатоси билан «олнон» ёзилган бўлиши керак.

аввалги хорижия зикр бўлгон дарвишлардин девонга олур ўн икки минг олтуни тақи умид тутунгизлар [ки, уларга] бағишладуқ: [шунинг учун буни улардан] тиламангиз, музоҳим бўлмангиз, амалдор билан раъият жамъидин бари эмди бу тарихдан сўнгра юқорида битилган нималарни буларга ҳавола қилиб олса, аввал тангридин безор бўлуб, иккинчи [дан] ҳазрат Расули акрам саллоллоҳу алайҳи вассаллам шафоъатларидин бенасиб бўлуб, қиёматда сиёҳрўй бўлғой, деб муҳрлуқ нишон кўргуздук. Тўнғуз йили<sup>3</sup>, рабиулохир, сана[?]. Уч муҳрлуқ.

### № 3/95

Хувал Ғани. Музаффариддин султон Маҳмудшоҳ баҳодир<sup>4</sup> сўзумиз:

Девонларга, баци Ахсикент<sup>5</sup> вилоятининг тушумол амалдорларига ва соҳибни жамъи биткучиларига.

Ҳазрат саёдат маоб саййид Фозил Алининг Адак ариғини бурунги подшоҳлар берган юсун била девонга чиқар «динора» ва «даҳи ду»си билан «мол»-у «нимни»сини [унинг ўзига] иноят қилиб суюрғол қилиб турурмиз.

Бу нишон<sup>6</sup> [ни] кўргач, ҳеч офаридаи буларнинг мазкур бўлгон ариғига мадҳал ва музоҳим бўлмасунлар, [ҳеч қандай солиқ] олмасунлар; йилдин йилга етқач амалдор, соҳибни жамъидин сурунгиз, деб муҳрлуқ нишон берулди.

Сичқон йили, рабиулохир ойинда битулди. Сана [?]. Уч муҳрлуқ. (80-бетда фотонусхаси берилган).

---

<sup>3</sup> Тўнғуз йили — саййид Фозил Алига берилган ҳужжатлар 919—940 (1512—13—1532—1534) йилларга тўғри келади. Тўнғуз йили шу йиллардан бири бўлиши керак.

<sup>4</sup> Музаффариддин султон Маҳмудшоҳ баҳодир — Мўғулистон хони Юнусхон (1464—1487) нинг ўғли. 892—914 ҳижрий (1486—1487—1508—1509) йилларида Тошкент ҳокими бўлган.

<sup>5</sup> Ахсикент — (Ахсикент, Ахси) «Ахси» сўзи «Аҳзи» дан олинган. Ануширавони Одил ҳар ўлкадан биттадан яхши қилмишлик кишиларни келтириб «Аҳзи» га қўйиб янги вилоят қилган. Кўп айтиш натижасида галат қилиб аҳзи ахси бўлиб кетган. Ва Ахси Умар шайх ва Заҳридиндин Муҳаммад Бобир (931—1524—25—1532—33) замонда темирўйлар давлати Фарғона уделининг марказий шаҳри бўлиб, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. (Қаранг: «Тарих жадиди Тошкент», УзССР ФА ШИ кўлёмаси, инв. № 7791, 6266-бет. «Худудул олам», УзССР ФА ШИ кўлёмаси, инв. № 901, 24-бет. «Баҳр ул асрор», УзССР ФА ШИ кўлёмаси, инв. № 1375, 41а-варақ).

<sup>6</sup> Бу нишон 1468—1508 йиллар ичида берилган бўлиши керак.

Музаффариддин султон Муҳаммад баҳодир<sup>7</sup> сўзумиз:

Ахсикент вилоятининг тушумол битикчиларига.

Ҳазрат саъдат маоби саййид Фозил Алининг Адак ариғини<sup>8</sup> бурунги подшоҳлар юсуни билан девонга чиқар, динора ва даҳи дуси билан ва «мол»-у «нимни»сини ўзига берулди<sup>9</sup>.

Энди бу нишон юсуни билан амал қилиб, ҳеч офарида [унга] музоҳим бўлмасун ва даҳл қилмасун, деб муҳрлуқ нишон биткурдук.

Жумодилохир ойини [нг] аввалида, сана [?]. Уч подшоҳнинг муҳри бор.

## № 5/91

Абулфатҳ ваззафар Султон Саъидхон<sup>10</sup> сўзумиз:

Девонлар билан Ахси вилоятининг тамоми амалдор, соҳиб жамъи нависандалари билан амир бобларига.

Возиҳ ва лойиқ бўлсунким, жаноби саъдат маоби саййид Фозил Али билан нишоннинг ул юзинда муфассал бўлгон қирқ бир уйлук дарвиш саййидларга ҳеч турлук «ясоқ», «олнон» [олбон?], «харж» ва «харожот», «дудий», «дахёлға», «доругалиқ», «дорилтой», «боттут» [бойтут], «мириоб», «нағрачи», «нақорачи», «ўқуш», «черикуён», «жашн», «тикар», «муҳрик», «мардикор», «коҳ», «захира», «тирчўб» солманғиз ва ҳавола қилманғиз. [Уларни] черикуёнға чиқорманғизлар [чақирманғизлар?] Баси ҳар йилда улуг хонқодин зикр бўлгон дарвишларидин девонга олур ўн икки минг олтуни тақи ит йилидан бошлаб [уларнинг ўзларига] бағишладуқ, [шунинг учун унга] тегманғиз, музоҳим бўлманғизлар. [Буни] амалдорлар билан раъият [нинг] жамъидин сурунғизлар. Энди бу таърихдин сўнгра ҳар киши юқорида битилган нимарсаларни буларга ҳавола қилмаса, [ўзига] олса, аввал тангридин безор бўлуб, иккинчи [дан] ҳазрат Расули акрам саллолоҳу

<sup>7</sup> Музаффариддин султон Муҳаммад баҳодир — Севинчхўжахоннинг ўғли Келдимухаммад бўлиши керак. Чунки Келдимухаммадни Муҳаммад султон деб ҳам юритганлар. (Қаранг: «Тарихи Шайбоний», 61-бет).

<sup>8</sup> Адак ариғи — Нурин дарёсидан чиқарилган «Зарбоб» ариғидан бошланади.

<sup>9</sup> Умуман, ҳужжатларнинг ҳаммасида кўрсатилган солиқлар ҳақида китобнинг иккинчи бобида батафсил айтиб ўтилади.

<sup>10</sup> Абулфатҳ ваззафар Султон Саъидхон — шайбонийлар сулоласидан Кўчкунчихоннинг набраси. Абу Саъидхоннинг ўғли. (Қаранг: «Тарихи Шайбоний». УзССР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 112, 71-варақ: «Шайбоний, Аштархоний ва Манғит хонлари тарихи», УзССР ФА ШИ қўлёзмалари фонди, инв. №1505, 55—566-варақ. «Тарихи Муҳим», УзССР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 604, 12а-варақ).

васалламнинг шафоъатларидин бенасиб бўлуб, қиёматда сиёҳрўй бўлғой, деб муҳрлуқ нишон берулди.

Зулҳижжа ойининг йигирма иккисида [битилди], сана 919. Уч муҳр [и] бор.

## № 6/82

Ҳазрат хони хоқон [?]

Ҳукмидин муборизиддин Муҳаммад Мамайбий<sup>11</sup> сўзум: Айни замонда Ахсикент вилоятининг барча оқсоқоллари<sup>12</sup> ва аминлари, акобир ва кичиклари, аҳоли ва ҳокимлари, аъён ва девон ва уммоллариға маълум бўлсинким, фазилат-шнорлик, каримлар камоли, улуғлар боқийси саййид Фозил Али қадим замондин бери, ота-боболаридин тортиб, Короскон мавзеи<sup>13</sup> зодагонларининг пешқадами ва муқтадоси ва тархони мутлақул инон бўлғон; унинг қўлида собиқ подшоҳлар ва содиқ султонларнинг бу мазмундан хабар берувчи ва бунини ифодаловчи нишони бор. Бинобарин, собиқ дастурға амал қилиб, биз ҳам ўзимизнинг амирона мурувватимизни у номи зикр қилинган кишиға муносиб кўруб ҳукм қиламизки, у [киши] илгари қандай бўлғон бўлса, шундай ҳолда ота-боболарининг сажжодасида, нурға тўлиб-тошган ҳазрат султон Сайид авлиё [унинг қабри нурға тўлсин] мазорининг шайхлик мақомида муқтадо бўлсунлар. Авлод ва ғайри авлоддин бирор бир киши ул кишидан беижозат [мазор] назрлариға қўл чўзмасун ва Короскон мавзе, Адак<sup>14</sup> ва Говхона<sup>15</sup>

<sup>11</sup> Муҳаммад Мамайбий — Ахсикент вилоятининг ҳокими бўлиши керак.

<sup>12</sup> Оқсоқол (туркча) — юрт отаси. Илгари маҳалла ва қарияларнинг бошлиғи, кейинча қабила бошлиқлари шу ном билан аталган. Худобёрхон замонида, 1264 (1848—49) йилда Семипалатинска тошкентлик амирлардан Қурбонбой бинни Мўминбойни оқсоқол қилиб тайинлангани маълум; 1238 (1822—23) йили Қўқон хони Қашқарга ҳам оқсоқол тайинлаганини биламиз. (Қаранг: «Таворихи Ҳамсаин Шарқий», ЎзССР ФА ШИ литография фонди, № 1200, 366—368-бетлар).

<sup>13</sup> Короскон мавзеи — ҳозирги Андижон область Янгикўрғон районидаги Короскон қишлоқ совети; Фарғона мамлакатигаги бир шаҳар бўлиб, ундаги халқнинг барчаси деярли юқори нисбатлик, Фарғонанинг бошқа халқлари сингари соҳибжамол ва чиройли юзлидирлар:

«کرسکان - ناحیتی است از فرغانه اهل آن مردم بلند

نسبتند هم خوب روی و صاحب جمال اند و سایر بلاد فرغانه»

«Хулосатул ҳаёт, жайбут табиқот» Аҳмад бин Насрулло Анжавини, ЎзССР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 409, 210а-варақ.

<sup>14</sup> Адак — ҳозир Андижон областидаги Уйчи районига қарашли қишлоқ.

<sup>15</sup> Говхона — ҳозирги Андижон областининг Уйчи районига қарашли қишлоқ.

экин ерларини у кишига муқаррар ва буткил беркитилган билиб, ҳукмга хилоф қилмасунлар; буни аҳд қилинғон деб билиб, ундан [аҳддан] чиқмасунлар.

Сана [?]. Бир муҳрлуқ.

### № 7/30

Хувал ғани Абулғози султон амир Темур Аҳмад баҳодир<sup>16</sup> сўзумиз:

Девонларга, баса Ахсикент вилоятининг зобит ва амалдор, муҳассис ва соҳибқалам битикчиларига.

Жаноби саъдат маоб, саодат интисоби саййид Фозил Али марҳумийнинг Адак суюрғоли, Короскон кенти, еру сув ва мулку асбобларини саййид гўё Муҳаммадхўжа, саййид [Фозил Али?] авлодига суюрғол [қилиб] берулди.

Отаси [нинг] дастури билан мусаллам тутуб, сизлар ҳам [унга] музоҳим бўлмангизлар. [Бу ерлардан келадиган даромадни уларнинг] ўзлари олиб есунлар. Ҳеч ким [унга] дахл қилмасун, деб муҳрлуқ нишон қўлларида [деб] билгил.

Муҳаррамул ҳаром ойининг иккисида, сана 891. Икки муҳри бор. Муҳрни ўқимоқ мушкул.

### № 8/55

Хувал фаттоҳул алим Абулғози Наврўз Аҳмад баҳодир<sup>17</sup> сўзумиз:

[Оға-] ини, ўғул султонлар билан Ахсикент вилоятининг кифоятсор ҳоким ва доруға, девон ва зобит, муҳассис ва [бошқа] амалдорларига.

Подшоҳона алтофларимиз билан саъдат маоби, ниқобат дастгоҳи нажобат оёби, муртазавий интисоби, Низомиддин саййид Гўё Муҳаммад аҳволига шомил этиб, отаси саййид Фозил Али дастури билан ота, оға, ини, ўғул дарвишларига ясоқ, олбон ҳавола қилмасун [ва] олмасунлар, деб муборак ярлигимизни бериб эрдук. Ҳоло ушал юсун била мужаддад нишон [ҳам] бердук. Эмди бу нишон [ни] кўргач, берган ярлигимизнинг мазмунини муътабар тутуб, [уларга] нимарсайн ҳавола қилмангизлар [ҳам] олмангизлар [ҳам]. Баси вилоятқа тушар [бўлган] ўн икки минг олтун била Коросконнинг даҳи дусини саййид мушарун илайҳиға мусаллам билиб, ҳеч офарида [унга] таъарруз қилмасун, тегмасун, деб муҳрлиқ нишон бердук. Жумодиссонини ойинда, сана 905. Икки муҳри бор.

<sup>16</sup> Абулғози султон амир Темур Аҳмад баҳодир — Наврўз Аҳмад (Барақхон) бўлиши (1532—33—1554—1555) керак.

<sup>17</sup> Абулғози Наврўз Аҳмад баҳодир — Наврўз Аҳмад (Барақхон).

بعضی

الشیخ محمد بن علی بن محمد باقر (سید محمد باقر)

عدیف

بیت علی و فاطمه و اسرار شیخ ارج و وزیر ای

و اوصال و اعیان و ارباب بیاد عیان نه ان

ولایت سبکدست تحسین کفایتی و غیره آمده در میان بد او ذکره مزارعه ای بیجان و کرام  
 که خانه و مزارعه او از قریح الایه اباعلی و غیره بسیار است و ما به گفته استیثالی الدین سید محمد  
 متعلق آمده است اسلاطین سابق و آله به پیغمبر دست و گفته است بنابر آن مایه بدست و غیره  
 در بهت و وضع منور را میدن ایله شفقت کوفتی باید که در فدا یان موانع من کوه معاصر  
 و به آجا و دل و غلات اند از قرار و قیام بهمان ندانسته و اینک اندک دار و شکر از سید محمد  
 از دیده و نقل و توفیق شد

(سید محمد باقر)



Ҳувал фаттоҳул ҳаким. Абулғози Наврӯз Аҳмад баҳодир султон [сўзумиз]:

Ахсикент вилоятининг девонлари ва амалдорлари, олиғдорлари ва арбоб ва калонтарлари билингларким, айни замонда саййидлар паноҳи ва олий зот, саййидлар сараси ва дин йўл-йўруқларининг низоми саййид Гўё Муҳаммадхўжа эшон жаҳонпаноҳ [Наврӯз Аҳмад] даргоҳига келиб, дуогўйлик вазифасини адо этгач, арз қилдики, Адак ариғи Қизилработ [мавзеи] нишони ҳумоюн асосида унинг отаси марҳум Муҳаммад саййид Фозил Алиға тааллуқ бўлгон экан ва [бу ҳақда] нишонни кўрсатиб, унинг ўзининг исми ва номига [ёрлиғ битиб] имзо чекишни илтимос қилди. Шунга биноан ҳукм қилдикким, у ариқ ва ер мазкур марҳумнинг дастурига кўра, [энди] унга [Гўё Муҳаммадхўжага] тааллуқ бўлсун ва бошқа ҳеч кимса [унга] дахл қилмасун ва [бу ёрлик] ёзилишича, муқаррар деб билишлари керак ва «динора», «даҳи ду» ва «мол», «нимни» ва «даҳи ним» ва шунга ўхшаш [солиқ]лар важҳидан [уни асло] ранжитмасунлар ва [ҳар қандай таклифотлар]дан озод қилинган, эътирозсиз ва марфуъулқалам ҳисоблансунлар ва ҳеч бир важҳдан [унга] тажовуз қилмасунлар. Мир Абдулбоқи, Адак ва Қизилработ мавзеъининг барча корандалари шу асосда [бу ёрликқа] амал қилсунлар ва қози ҳузурида келишилган дастурга [ҳам] амал қилсунлар ва қозининг хати мазмунидан чиқмасунлар; нишон қондалари ва қози[нинг] хатини ўзгартирмасунлар ва айирбош қилмасунлар. Ҳар тўғрида шу асосда [яхши ният билан] ҳаракат қилсунлар ва [ул жанобдан] ҳар йил янги нишон талаб қилманглар.

23-рамазонул муборак, сана 908. 4 муҳрлуқ.

## № 10/59

Айни замонда маълум бўлишича, ниқобат шиор, саййидлар паноҳи, муртазоъи аъзам [насабидан бўлган] саййид Гўё Муҳаммадхўжа жаноблари [билан] Қизилработ<sup>18</sup> ва Адақ мазраъ ери тўғрисида тортишув бўлган [да] шарият паноҳ жаноб қози Яҳъё келиб, мазкур ер бошида ҳозир бўлиб, муҳр босиб [саййид Гўё Муҳаммадхўжа жанобларига] хат қилиб берганлар. Ваҳолонки, [бу ерларни] саййидлар паноҳи саййид

<sup>18</sup> Қизилработ — ҳозир Хизиробод деб ҳам аталиб, Андижон областининг Уйчи районига қарайди. Бу қишлоқ Наманган шаҳридан 25 км жанубда, Наманган билан Андижон ўртасидаги катта йўл устидадир.

Гўё Муҳаммадхўжа жанобларига муқаррар билиб, мол, даҳи ду [важҳидан унга] бир нарса ҳавола қилмасунлар. Бу ҳукмдан огоҳ бўлиб [унга] ҳавола қилмасликлари ва заҳмат етказмасликлари ва [шу мулкни унинг номига] дарбасти суюрғол билишлари керак. Сана 909. Бир муҳри бор.

### № 11/39

Қози ва мусулмонлар жамоаси ҳузурида ҳазрати Али ва Фотима хонадониға мансублигининг зоҳири аломати етишмайди ва агар шу кундан бошлаб [улар] бир-бирларига [бу ҳақда] даъво қилсалар [уларнинг арзи] шариятда бекор қилинсун ва эшитилмасун<sup>19</sup>.

Бу [ҳужжат] ишончли кишилар ҳузурида тузулди.

Ҳозир бўлганлар:

Мавлоно Ҳамза, мавлоно Бекмуҳаммад, мавлоно Абдулло, мавлоно Дўст Муҳаммад Ҳофиз, Шерқул баҳодир, Едгор Қизилработий.

10 муҳр.

### № 12/57

[Муҳаммад] Дарвиш султон ярлиғидин.

Шужоъи Мирали Суҳайл<sup>20</sup> оталиқ<sup>21</sup> сўзум:

Хўжа Тобус билан Бадриддинхўжаға.

Жаноби ҳазрат шарият шиори Қози Яҳё Адак [дағи] мулк-ерини, Қизилработ [дағи] ерини [бир-биридан] айриб ибро қилғон эрмишлар ва ул иброда гувоҳлар ҳам бор эрмиш. Эмди [Хўжа Тобус ва Бадриддинхўжа] бу нишон [ни] кўргач, далил мобоқи мулк эҳтимоми билан гувоҳларни олиб, ер бошида ҳозир бўлунгизлар; то таҳқиқ топиб, ҳақ ўз марказида қарор топғой, деб нишон битулди.

Сана 909.

Муҳри битта.

<sup>19</sup> Уша вақтда Султон саййид авлиёнинг авлодига берилган катта имтиёзлардан фойдаланиш учун ўзининг насаби пайғамбарга бориб тақалишини шарият қозиси ва уламолар ҳузурида исбот қилиши талаб қилинган. Бу ҳужжатдан кўриниб турибдики, Султон саййид авлодларидан кимдир [?] ўз насабини исботлаб беролмаганлиги учун ота-боболаридан қолган мулкка эгаликдан маҳрум қилинган. Қатор ҳужжатларда (<sup>3/06</sup>, <sup>12/57</sup>) ҳам бунга ишора қилинган.

<sup>20</sup> Мирали Суҳайл — ўша вақтда Наманган ҳокими бўлса керак.

<sup>21</sup> Оталиқ (т у р к ч а) — шаҳзодаларнинг тарбиячилари бўлиб, улар балоғатга етгувларича буларнинг уделларини бошқариб турганлар, лекин кейин ҳам давлат ишларида катта роль ўйнаганлар. (Қаранг: «Мажмаул арқом», УзССР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2374, варақ 18а-бет, «Луғати чигатой», Истамбул, 1889, 4-бет; О. Д. Чехович, Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве, стр. 238.



Шужоъи Қаффолбий<sup>22</sup> сўзум:

Ахсикент вилоятининг девони ва амини, арбоб ва калон-тарлари билан жамиъи амалдорлариға.

Бу ужурда ондоғ маълум бўлдим, Адак ариғи билан мавзеъи Қизилработ марҳумийюл мабрурий саййид Фозил Алиға тааллуқ эркондур. Ул мамардин ўғли жаноби саёдат маоб, маъоли нисоб, зубдатус содот, Низомиддин саййид Гўё Муҳаммадхўжа [васиқа юзасидан] ҳазрат Султони маъдалат нишон [Муҳаммад амин]нинг ҳумоюн даргоҳлариға бориб, ўз отиға муборакнома илтимос қилса, [уни] сарфароз қилиб муборак ёрлиқ бериб турурлар. Биз тақи амири мушорунилайх ҳукмларин мусаллам тутуб, иноят қилдуқ.

Эмди бу нишон кўргач, [ҳеч ким] бу бобда [унга] ҳеч кимарса ва ҳеч офаридаи тухмат, шилтоқ қилмасунлар. [Ундан] динора ва даҳи ду, нимни ва ғайруҳумдин ҳавола қилмасунлар [ва] олмасунлар. Амир Абдулбоқи шайх, Қизилработ корандалари тақи [султон] ҳазрат [лари]нинг муборак ёрлиғи ва қози хатининг мазмуни билан амал қилиб, [асло унга] хилоф этмасунлар. Сабти нишон рабиулаввал, саиа 909.

1 муҳрлуқ.

## № 14/105

Ҳувал ғаниюл алим. Абулғози Наврўз Аҳмад баҳодирхон сўзумиз:

Ҳамида хисол, хусрав иқтидор умаролар ва вузаролар билан писандида фаъол, дарвиш шиор фарзандларға басы бийлар, садрлар ва девонларға; умуман Ахсикент вилоятининг ҳоким, уммол, девон, зобит, мухассис, амалдор ва соҳиб ҳамда жамиъи битикчилариға.

Содоти олий даражотнинг ва буғтойи покиза сифотнинг иззат ва муроқабати ҳиммати олий наҳматларимизға лозим ва вожибдурким, подшоҳона иноятларимизни, саёдат маоби ва ниқобат дастгоҳи нажобат оёби, муртазавий интисобий жаноби саййид Гўё Муҳаммадхўжа аҳволиға шомил этиб, [Адак ва Қизилработдаги ерларни] отаси саййид амир Фозил Али дастури билан [унга] суюрғол қилдуқ. Жаноби мушорунилайхнинг ота, оға, ўғул [ва] дарвишлариға [ҳеч] киши даҳл қилмасун, [ундан] «қароясоқ», «олнон», «харж» ва «ихрожат», «мададий», «саломона» ва «тўёна», «тарҳ», «собун»,

<sup>22</sup> Шужоъи Қаффолбий — ўша вақтда Ахсикентнинг ҳокими бўлса керак.

«оянда ва раванда», «муҳрик», «мардикор», «қалъа», «савсан», «бойтут», «қўруқбоний» олмасунлар ва вилоятқа тушар ўн икки минг олтуни [ҳам] аларга бағишладуқ.

Бу нишон кўр[ил]гач, раҳматлик отамиз [Севинч султон] нуввира марқадуҳунинг муборак ёрлиқлари билан бизнинг суюрғол қилгон ярлиқимиз мазмунини муътабар тутуб, Сайид мушорунилайҳа «амалайн ориза» ҳавола қилманглар. [Унинг кишиларидан ҳеч кимни] «черикуён», «ўқуш», «мардикор»га чиқорманглар; «коҳ», «захира», «тирчўб» ҳавола қилмангизлар. «Нақорачи», «наърачи» [ундан] тақи нимарса олмасунлар, ҳамма фаромунлар ва девонлар ҳар йилда ўн икки минг олтун хорижийларни риъоё жамиъидин йиғдуруб [унга] беринглар ва тақи ушбу нишон кўр[ил]гач, муқаррар улким, [унинг] Жабборберди билан Поянда деган хос кишиларига ҳеч нимарса ҳавола қилмасунлар [ва] олмасунлар. [Бунга] хилофи ҳукм қилмасунлар, деб муҳрлуқ нишон кўргуздук. Сана 291<sup>23</sup>.

Беш адад муҳри бор; султонлардин лекин хати хафн [яъни] — ўқуб бўлмайдургон.

## № 15/34

Султон [Жувонмард] Али баҳодир сўзумиз.

Анжумсипоҳ, байзо алам, ини, ўғил султонлар ва беклар, басы мулкорой, газанфар шикор бий ва баҳодирлар, шариятпарвар, фазилат густар садрлар, кифоятшиор девонлар ва тақи ички, ташқи кулли ҳония амалдорлар билан Аҳсиқент вилоятининг амини ва арбоб, калонтарлари ва барча улуқкичик шарик раъиятларига.

Возиҳ ва лоиҳ бўлсунким, Короскон кентининг доруғалиғи ва жамиъи ихрожоти ва амалаларидан жаноби саёдат маоб ва ниқобат қубоб, маъолий нисоб, зубдатус-содот, соҳиби иззи вал каромат, бақияйи авлод ҳазрат Расули акрам саллоллоҳу алайҳи вассаллам, низомул миллати вад дин саййид Гўё Муҳаммадхўжанинг ота-оғоларидан бери дарбаст суюрғол келган турур. Бу бобда [у] бурунги подшоҳларнинг муборак ёрлиғларини ҳозир қилиб [биздан] имзо [чекишимизни] илтимос қилдилар. Эrsa, биз тақи сарафроз қилиб, ҳамул дастур билан [Короскон кентининг доруғалигини унга] суюрғол қилдуқ. Энди бу нишон кўр[ил]гач амири мушорунилайҳунинг суюрғол ва дарбастини тоза билиб, «доруға» ва «ўн икки бидъат», «хорижий» ва «даҳи ду», «нимни» ва «бойтут», «қўруқбоний» ва «тирчўб», «кутволий» ва «сади ду», «сади чор» ва

<sup>23</sup> Хужжатда сана 291 ёзилган, нотўғрилиғи ўз-ўзидан маълум.

«сади се», «оянда ва раванда» [бошқа] жамиъи амалалардан [уни] сиво ва мустасно билиб, [унга] нимарсайи ҳавола қилмангизлар; олмангизлар, зарар-заҳмат бермангизлар, қотилмангизлар, [ул жаноб] бурунги дастур билан қулли «ихроҷот» ва «олиғот»ларини олиб, [ўзига] сарфи маош қилиб, салим кўнглилари билан такада ўлтуруб, ҳазрат худованди карим жалла жалолаху даргоҳиға қуллуқ ва ибодат қилиб, бизга олқиш дуо қилсунлар ва тақи мазкур бўлгон кентнинг калонтарлари ва барча улуг-кичик хўжа, шарик, раъиятлари мушорунилайҳа бурунги дастур билан доруғалиқ ва хорижиларини батамом жавоб бериб, бўларлиқ, тузолиқ сўзини ўзга қилмай, [ул жанобнинг] эъзоз ва икромларини бажо келтурсунлар, хилофи ҳукм этмасунлар, деб муҳрлуқ нишон кўргуздуқ.

Муҳаррамул ҳаром [ойи]<sup>24</sup>. Икки муҳри бор.

### № 16/37

Абулфатҳ Муҳаммад Дарвиш баҳодир<sup>25</sup> сўзумиз:

Азиз қариндошлар билан давлатхоқ қароғубеклар ва диндор садрлар ва амонатшиор, соҳибул ҳукм оширалар, хосса мулозимлар ва жамиъи амалдорлар ва олғувчилар билан қулли асокири мансураға маълум бўлсунким, ҳубби олий ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллооллоҳу алайҳи васаллам, «баротун минан нор» иқтизосича муҳаббат ва маваддат хонадони батул барча халойиқға фарздур; батахсис, зи шавкат подшоҳларға фарзулайн [дир]. Ул жиҳатдин ёрлиқ қилдуқки, саёдат маоб, ниқобат оёб, мафхарус содот, манбаъул иззи валкаромот, Низомитдин саййид Гўё Муҳаммадхўжаким, Короскон содотларининг аршади, асан [ва] аржумандидурлар. Соҳибни сажжода ва така [нишин] бўлуб, барча содотларға муқаддам ва муқтадо бўлгонлар, мазкур бўлгон Коросконни отаси ва ўзи дастури билан дарбаст мутажаддидан [унга] суюрғол қилдуқ. Ҳеч офаридайн [унга] даҳл қилмасун, [Короскондан ундириладиган] ўн икки минг олтун «доруғағи» ва «жонқари» билан «даҳи ду», «нимни» ва «бойтут», «қўруқбоний» ва «тирчўб», «кутволий» ва «сади ду», «сади се» ва «сади чор», «оянда ва раванда» ва жамиъи амаласини ўзи олиб, бурунги дастур билан маош қилсун ва Короскон хал-

<sup>24</sup> Бизнинг фикримизча, бу ёрлиқ 1572—1578 йиллар ичида, яъни Жувоғмардалихон ҳукмронлик қилган йилларда берилган бўлса керак.

<sup>25</sup> Абулфатҳ Муҳаммад Дарвиш баҳодир — Муҳаммад Дарвиш Наврўз Аҳмадхоннинг ўғли; 963 (1555—56) йилда Тошкент ҳокими бўлган. Ундан аввал 955 (1548—49) йили Андижон ёки Ахсикентда ҳоким бўлса керак. (Қарағи: «Тарихи Шайбоний», инв. № 1505, 626-варақ).

қи [унига] ҳурмат ва эъзозларини ўзларига лозим ва вожиб билсунлар; хусусан, саййид Қалон шайхни[га] иниларини [га] нишонларини кўрганда [ҳеч ким] дахл қилмасунлар; ўзларини мулозимдан йироқ тутсунлар ва агар [ҳокимлар унинг] Қороскон [даги] еридин мулкиятга [тегишли эканлигини] исбот қилса, хирожини олиб, ўзгасига дахл қилмасунлар, деб муҳрлуқ нишон бердуқ. Таърих тўққуз юз олтмишда. Сана 960, рабиуссоии ойинда битулди.

### № 17/52

[?] Султон ёрлиғидин.

Муборизиддин Арслон оталиқ<sup>26</sup> сўзум:

Ҳазрат Султон ҳукмига асосан Қороскон<sup>27</sup> мавзеи [аслида] саййидлар паноҳи жаноб Гўё Муҳаммадхўжа мирзонинг суюрғоли бўлган. Мазкур эшон нишонидан кўрсатилган мавзеининг ҳамма раъиятлари ўзларининг «даҳи ду», «муқаррарий» ва «ихроҷоти» юзасидан [ҳамиша] юқорида ишорат қилинган жанобга жавоб айтишлари керак ва узр, аҳамиятсизлик билан буни бажармай қолмасунлар ва номи зикр этилган [жаноб]нинг биродарларини ҳеч ким ранжитмасун. Ҳар кимни сўзи бўлса, бизнинг ҳузуримизга келсун. 960, бир муҳрлуқ.

### № 18/42

Хувал ғаниюл Азиз.

Музаффариддин султон Абулхайр баҳодир<sup>28</sup> сўзумиз: [Оға-]ини, ўғул султонлар билан Аҳсиқент вилоятининг ҳоким, доруға, девон, зобит ва муҳассиси [бўлган] арконлар батахсис Қороскон вилоятининг арбоб ва калонтарлари билан барча улуғ-кичик хўжа, шарик, раъиятларига.

Биродари аъзи, аржуманди саодат нишон васиқа ҳошиясида жаноби бобомиз марҳумий-нуввира марқадуху ўзининг подшоҳона алтофларини саъдат маоб, ниқобат қубобий, нажобат оёбий, муртазавий, амир Низомиддин саййид Гўё Му-

<sup>26</sup> Арслон оталиқ — ўша вақтда Қоросконнинг ҳукмдори бўлса керак.

<sup>27</sup> Қороскон (Қаросан). Бу қишлоқда яшовчи 96 ёшли мулло Қишвархон Хўжабеков ва Сотиболди Набижоновларнинг сўзига қараганда, Қоросконда илгари тўрт тонфа халқ яшаган: 1) шайхлар; 2) шоҳлар; 3) хўжалар ва 4) ҳар тарафдан келиб ўрнашиб қолган халқлар (келгиндилар). Бу ерда, асосан, 2 маҳалла бўлиб, бирини эшон маҳалла, иккинчисини ўрта маҳалла, деб атаганлар.

<sup>28</sup> Музаффариддин султон Абулхайр баҳодир — Абулғози Абулхайр Баҳодирхон Жувонмардалихоннинг ўғли. Уша вақтда Тошкент, Туркистон, Аҳс ва Андижон вилоятларининг ҳокими бўлган (Қаранг: «Тарихи солотини Узбакия», 80—81-варақлар; «Тарихи Шайбоний, 576-варақ.).

ҳаммадхўжа аҳволиға шомил этиб, отаси саййид Фозил Али дастури билан мазкур бўлгон кентнинг «даҳи ду»сини [унга] суюрғол қилиб, ота, оғо, ини, ўғул [ва] дарвишлариға тархонлиқ нишон суюрғол қилиб турурлар. Биз тақи ўшал дастур билан мазкур бўлгон кентнинг «даҳи ду»сини суюрғол, ота, оғо, ини, ўғул, дарвишларини [ҳам] тархон ва марфуъул қалам қилдуқ.

Энди бу нишон кўр[ил]гач саййид мушорунилайх суюрғолнинг «даҳи ду»сини қарори ростлиғ билан [унга] берингизлар; жаноби мушорунилайхдин вуқуфсиз [экин] экмасунлар; агар эксалар «даҳи ду»сини [унга] берсунлар, [экин ерларини ўзига] ҳужжат этмасунлар; жамоъатларини тархон билиб, [улардан] «ясоқ», «олинон», «харж», «харожот» тиламасунлар [ва] олмасунлар. Ҳеч [ким] мамар билан музоҳим ва муориз бўлмасунлар, деб муҳрлуқ нишон кўргуздук.

Шаввол ойинда, [сана] 968, икки муҳрлуқ.

## № 19/44

Ҳувал маликул Маннон.

Абулфатҳ султон Дўст Муҳаммад баҳодир<sup>29</sup> сўзумиз:

Муҳтарам ва бахтиёр фарзандлар ва иқтидорлик амирлар ва юксак даражалик садрлар ва саодат нишон вазирлар ва Ахсиқент вилоятининг девонлари ва амалдорлари, олиғдорлари ва арбоби ва калонтарлари билсунларким, «Инни торикун фикум ассақалайни китобуллоҳи ва итрати» [деган] тўғри ҳадис ва очиқ-ошқоро ривоят мазмунидан шу тушунилади ва англашиладиким, соҳиби саодат [бўлган] саййидлар аҳволиға рия қилишлик абадий саодатнинг боиси ва давлати боқийнинг сабабидир. Шундай экан, пок насабли ва шарофат зотли, саййидлар паноҳи мақтарлик баланд даража, олий насл, саййидлар сараси, иззат ва икром соҳиби ҳазрат Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қолдиқ авлоди, миллат ва динни тартибга солувчи [бўлган] саййид Гўё Муҳаммад [хўжа] жанобларининг [риояси] очиқ ва равшандирки, мағфират нишон ҳазрати хоқон хон бобомиз [Севинчхўжахон, «унинг қабрлари мунаввар бўлсун», унга] нишон берган эканларким, мазкур номи зикр этилгон [саййид Гўё Муҳаммадхўжа] Қоросконда соҳиби сажжода ва тақянишин бўлиб, у ер саййидларининг пешқадами ва муқтадосидир. Биз ҳам [унинг] отасининг дастуриға ва унинг ўзининг тутган йў-

<sup>29</sup> Абулфатҳ султон Дўст Муҳаммад баҳодир — Наврўз Аҳмад (Барақхон)нинг ўғли бўлиб, 963 (1555—1556) йили Ахсиқентга волий бўлган. (Қаранг: «Тарихи Шайбоний», инв. № 1505, 636-варақ).

лига биноан дарбаст расми билан номи зикр этилгоннинг Қороскон қишлоғи суюрғолини [унга] иноят қилиб, шу дастурға биноан ҳукм қиламизким, ўн икки минг олтин доруғаликнинг «динори» ва «хорижий», «нимни» ва «боттут», «қўруқбоний» ва «тирчўб», «кутволий» ва «сади ду», «сади чор» ва «сади се», «оянда ва раванда» ва ҳамма амалаларини ўзи олиб, собиқ дастурға биноан ўз таъминоти юзасидан сарф қилсун ва бошқалар [бунга] дахл ва тажовуз қилмасунлар. суюрғол ва дарбастни уники деб билсунлар. [Барча] шу асосда [бу ёрлиққа] амал қилишлари керак. Ва мазкур номи зикр этилгон саййидни ва [унинг] биродарлари ва фарзандлари, дарвишлари ва у кишиға қарашли кишиларни «мол» ва «жиҳот», «ихрожат» ва девоннинг барча таклифларидин ўчирилгон ҳисобласунлар ва ҳукм қондаларини ўзгартириш ва олмаштиришға йўл қўймасунлар. Ва барча ўтмиш шоҳларнинг қайдлари ва бизнинг нишонни имзолангон ва муътабар билсунлар; [ҳукмнинг] мазмунини бузмасунлар; [ундан] бош тортмасунлар; ва ҳар йил [ундан] янги нишон ва парвонча талаб қилмасунлар; бу хусусда нуқсон кўрсатмасунлар.

Шаввол ойи, сана 973 да ёзулди.

Икки муҳрлуқ.

## № 20/47

Басе Ахсикент вилоятининг зобит ва муҳассиси, амалдор ва соҳиб жамъи биткучилариға.

Бу маҳалда андоғ маълум бўлсунким, саёдат маоби, муртазоъй аъзам ва мужтабоъй мукаррам саййид Фозил Али вафот бўлгон эрмиш; ул жиҳатдан... Қороскон бошлиғ мулк, асбоб ва ёбиси<sup>30</sup> суюрғол ва лангар ва сажжодаларини ўғуллари саййид Гўё Муҳаммад [хўжа] ва саййид Абулқосим бошлиғларға бори янгидин бошлаб иноят қилиб, оталари дастури билан берулди. Эмди бу нишон кўр[ил]гач, ҳеч офаридайн [унга] моне ва музоҳим бўлмасунлар ва дахл қилмасунлар [ундан ҳеч қандай] мол тиламасунлар [ва] олмасунлар. Ҳар важҳдин Қороскон ва ғайри [ерлар]дин ҳосил бўлса, бу уч оға-ини баробар ҳисса қилиб маошлариға сарф қилсунлар.

<sup>30</sup> Ёбис (а р а б ч а) — қўриқ ер. О. Д. Чехович бу терминни тахминан «қўриқ ер» маъносида олган (ўша асар, 241-бет). Ҳужжатларда кўрсатилишича, (№ 117, 118) ёбис термини билан қўриқ ергина эмас, балки хон хонадонни ёки айрим феодаллар қўлидаги барча ерларни (шу ҳисобдан суғориладиган ерларни ҳам) айтилган. ЎзССР ФА ШИ қўлёзмалари фондида сақланаётган бир маъбада ҳам («Аррисолату фи таҳқиқил арозинл ушрияти вал хирожияти», инв. № 4976, 69а-варақ), мана шундай ерлар ёбис термини билан аталган.

[Ҳокимлар улардан] йилда янги нишон тиламасунлар; олмасунлар, деб муҳрлуқ нишон кўргуздук.

Тўққуз юз етмиш учда битулди. Бир муҳри бор.

### № 21/45

Ҳумоюн гирифтам мураббий.

Архиён<sup>31</sup> мавзеъининг арбоб ва калонтарлари, хусусан, Адак ва Қизилработ мазраъсининг баротдорлари билингларики, [бу мавзеи ва мазраълар] қадим замонлардан бери саййидлар паноҳи, тақвошиор жаноб саййид Гўё [Муҳаммад] хўжа[га], биродарлари билан бирликда, тааллуқ бўлгон; [унинг] қўлида ўтмиш султонларнинг расмий варақалари бор. Басе, бийлар ва ожирларнинг барчалари англасунларким, мазкур мазраъа ва мазкур мавзеъ [ни] юқорида ишорат қилингонларнинг суюрғоли деб билиб, [улардан] ҳеч нарса ҳавола қилмасунлар ва [уларни ҳеч] ташвишлантирмасунлар. Шу асосга амал қилиб [бу ёрлиққа] хилоф қилмасунлар . . . 974 йил. Бир муҳрлуқ.

### № 22/88

Абулғози Наврўз Аҳмад султон сўзумиз:

Муҳтарам ва бахтиёр фарзандлар, атоқли амирлар ва олий даражалик садрлар, иқтидорлик вазирлар ва Ахсикент вилоятининг девонлари, амалдорлари ва олиғдорлари арбоби ва калонтарлари билсунларким, «Инни торикун фикум ассақалайни китобул лоҳи ва итрати» тўғри ҳадис ва очиқ-ошкоро ривоят мазмунидан шу тушунилади ва англашиладики, соҳиб саодат [бўлган] саййидлар аҳволига риоя қилишлик абадий саодатлик боиси ва давлати боқийнинг сабабидир. Шундай экан, пок насабли ва шарофат зотли, саййидлар паноҳи, бошлиқликда мақтарлик баланд даража олий насл, саййидлар сараси, иззат ва икром соҳиб, ҳазрат Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам [Муҳаммад пайғамбар]нинг қолдиқ авлоди, миллат ва динни тартибга солувчи саййид Гўё Муҳаммад [хўжа] жанобларининг [риояси ҳам] очиқ ва равшандирки, салтанат ва хилофатнинг иззат-обрўси [бўлган] муҳтарам ва бахтиёр фарзанд[имиз] Муҳаммад Дарвиш султон [унга] нишон берганким, мазкур номи зикр этилгон жаноб Короскон қишлоғида соҳиб сажжода ва такянишин бўлиб,

<sup>31</sup> Архиён — Ахсикент яқинида бўлган бир жой. Манбаларда кўрсатилишича, Шайбонийхоннинг 1504 йилги Андижон юришида бу жой унинг кўп соғли қўшини учун лагерь вазифасини ўтаган. (Қаранг: «Шайбонийнома», 140-варақ).

у ер саййидларининг пешқадами ва муқтадосидир. Ва Қоросқон мавзеъи отасининг дастурига ва ўзининг тутган йўлига кўра, дарбаст расми билан номи зикр этилгон жанобнинг суюрғоли эди. Биз ҳам иноят қилиб, шу дастурга биноан ҳукм қилдикким, ўн икки минг олтин «доругалик» ва «хорижий», «даҳи ду» ва «нимни», «бойтут» ва «қўруқбоний», «тирчўб» ва «кутволий», «сади ду» ва «сади чор», «сади се» ва «оянда ва раванда» ва барча амалаларини ўзи олиб собиқ дастурга биноан, ўз таъминотига сарф қилсун ва бошқалар [унга] дахл қилмасунлар ва [уни] суюрғол ва дарбаст эгаси деб билсунлар. [Ҳамма] шу асосда [бу ёрлиққа] амал қилишлари керак. Мазкур номи зикр этилгон саййидни ва [уни] биродарлари, фарзандлари ва дарвишлари, у кишига қарашли [бошқа] кишиларни «мол» ва «жиҳот», «ихрожат» ва девоннинг барча таклифларидин ўчирилгон ҳисобласунлар ва [бу] ҳукм қоидаларини ўзгартириш ва олмаштиришга йўл қўймасунлар, у кишига ва [уни] фарзандларига берилгон [ва] қайд этилгон барча собиқ нишонларни имзолангон ва муътабар билинсун, [ҳеч ким] бу [ҳукм] мазмунини бузмасунлар, [уни бажаришдан] бош тортмасунлар ва [ундан] ҳар йил янги нишон ва парвонача талаб қилмасунлар. Бу хусусда [ҳеч ким] бу ёрлиққа нуқсон кўрсатмасунлар. Жумодилаввал оин, сана 961 да ёзулди.

Иккита муҳри[ни] ўқимоқ [мумкин] бўлмади.

## № 23/122

Наҳмадуҳу ва настаъинуҳу.

Илгари ўтгон тождор султонларнинг расмий варақалари баёни ва собиқ кетма-кет ҳукм сурган адолат шиор хоқонлар ва олий раъй, мамлакат оройиши, дунё мадори [бўлган] амирлар ва зафар билан туғилгон, шершикор соҳибқирон подшоҳлар ва Осаф сифат<sup>32</sup> вазирлар муждаси Муҳаммад Дарвиш султон.



Саодатёр фарзандлар ва бахтиёр биродарлар, олий даражали садрлар ва иқтидорлик вазирлар, Ахсикент вилоятининг девонлари ва амалдорлари, олуғдорлари ва арбоблари, калонтарлари воқиф ва огоҳ бўлиб билинларким, «Инни торикун фикум ассақалайни китобуллоҳи ва итрати» тўғри ҳадис ва очиқ-ошкоро ривоят [нинг] мазмунидан шу тушинилади

<sup>32</sup> Осаф сифат (а р а б ч а) — Осаф ибн Бархнѐ — Сулаймон (пайгамбар)нинг вазир; вазирларга мақтов.



ва англашиладиким, соҳиби саодат [бўлган] саййидлар аҳволига риюя қилиш, абадий саодатнинг боиси ва давлати боқийнинг сабабидир. Шундай экан, саййидлар паноҳи, бошқликда мақтарлик баланд даража, олий насл, саййидлар сараси, иззат ва қаромат соҳиби, ҳазрат Расули акрам [Муҳаммад пайғамбар] саллоллоҳу алайҳи васаллам [нинг] тирик [қолган] авлоди, миллат ва диннинг низоми саййид Гўё Муҳаммад[хўжа]нинг пок насабли ва шарофат зотлиги, саодатлиги унинг яхши истаклари ва аҳволи юзасидан очиқ ва равшандир. Бинобарин, сифати тавсифланган саодат нишон, динни иззат этувчи султон [унга] нишон берганким, номи зикр этилгон жаноб [саййид Гўё Муҳаммадхўжа] Коросконда соҳиби сажжода ва тақянишин бўлиб, у ер саййидларининг пешқадами ва муқтадосидир. Ва [у] отасининг дастурига ва ўзининг тутган йўлига биноан дарбаст расми билан номи зикр қилингон жанобнинг Короскон мавзеъи суюрғолини [ўзига] иноят қилиб, шу дастурга биноан ҳукм қиламизким, ўн икки минг олтин динор «доруғалик» ва «хона пули», «даҳи ним» ва «ними», «бойтут» ва «қўруқбоний», «гирчўб» ва «кутвольий», «сади ду» ва «сади се», «сади чор», «оянда ва раванда» ва [бошқа] барча амалаларни ўзи олиб, собиқ дастурга биноан, ўз таъминотига сарф қилсунлар ва бошқалар унга [ҳеч] дахл қилмасунлар, уни суюрғол ва дарбаст эгаси деб билсунлар. Шунга кўра [бу ёрликқа] амал қилишлари керак ва у кишининг қариндош-уруғлари, биродарлари ва фарзандлари, дарвишлари ва у кишига қарашли кишиларни «мол» ва «жихот», «ихрожат» ва девоннинг барча таклифларидан ўчирилгон ҳисобласунлар ва [шу] ҳукм қондаларини ўзгартириш ва олмаштиришга йўл қўймасунлар, барча қайд этилгон собиқ нишонлар ва бизнинг нишонни имзолангон ва мўътабар [деб] билсунлар. Бу [ҳукм]нинг мазмунини бузмасунлар, [ҳукмдан] бош тортмасунлар ва ҳар йил [ундан] янги нишон ва «парвонача» талаб қилмасунлар, бу хусусда нуқсон кўрсатмасунлар.

Сафар ойи, 90 йилда<sup>33</sup> ёзулди.

Умдатул мулк закиюллоҳ шужоъиддин Бароқ оталиқ парвоначи<sup>34</sup>, 2 муҳрлуқ.

№ 24/107

Хувал гани.

Абулғози Баҳром султон<sup>35</sup> баҳодир сўзумиз:

<sup>33</sup> Бу ерда ҳужжатнинг берилган йили нотўғри кўрсатилган. Маълумки, Муҳаммад Дарвиш султон Наврўз Аҳмадхон даврида ва ундан сўнг ҳукмиронлик қилган. Ҳужжат мана шу йиллардан бирида берилган.

<sup>34</sup> Шужоъиддин Бароқ оталиқ парвоначи — хоннинг оталиғи бўлиши керак, чунки саййид Гўё Муҳаммадхўжа Муҳаммад Дарвиш султоннинг ёрлигини унинг қўлидан олган.

<sup>35</sup> Абулғози Баҳром султоннинг шаҳсини аниқлай олмадик.

Ахсикент вилоятининг иззат-икромли ҳокимлари ва олий мақом амирлари ва мамлакатда тартиб ўрнатувчи девонлари, амири ва арбоб, калонтарлари ва риъоялари, хусусан, Навкенд<sup>36</sup> шайхлари билсунларким, Шукур [деган шайх] Қоросконда турувчилардан бўлиб, ҳазрат саййид Фозил Алининг хизматкори эди. [Сўнг] юксак даражали жаноб амир саййид [Гўё] Муҳаммадхўжа «саллоллоҳу алайҳи васаллам» [Муҳаммад пайғамбар] авлоди хизматидадир. [Бу] ҳукми олий бориб етиши ҳамон [унга] ҳеч бир важҳдан дахл қилмасунлар ва заҳмат етказмасунлар. Ва Говхона<sup>37</sup> мавзеъини мазкур саййидлар сараси жаноб [саййид Гўё Муҳаммадхўжа]га шафқат қилдук. Буни муқаррар ва эътирозсиз деб билиб, ҳеч кимса [унга] дахл қилмаслиги керак.

Шаввол ойи, сана 153<sup>38</sup>

5 муҳрлуқ.

## № 25/108

Султон Муҳаммад Дарвиш подшоҳ [сўзумиз]:

Адолатшиор, мулкорои, баҳжат фазай девонларга ва махсус жамиъи амалдорларга.

Олий жаноб, саёдат маоб, муртазоъи аъзам ва мужтабоъи мукаррам, Шарафиддин саййид [Гўё] Муҳаммадхўжа [нинг] Қороскон кентида [ги ўз еридан] олиғ [ва] хорижийдин бурун [замонларда] девонлиққа олур эканлар. Ҳоло бу асрда раъият бўлуб турурлар. Суюрғол қилиб ярлиғ бериб турурлар. Ушал уйлук ярлиғлари мазмунига мушарраф бўлғоч, биз тақи ивоятти подшоҳона ва алтофи бениҳоятимизни жаноби мушорунилайҳнинг бораларинда арзони тутуб, қадим подшоҳлар санадлари ҳукми юзасидин нишон бериб суюрғол қилдук.

Эмди бу нишон кўр [ил]гач, жаноби мушорунилайҳқа суюрғол бўлгон қирқ бир уйлук раъиятлариға ҳеч офаридаи «мол», «тағор», «харж» ва «ихрожат», «моли боғот», «дудий», «мададий», «саломона», «тўёна», «тарҳ», «собун», «оянда ва раванда», «сади ду», «сади чор», «сади се» ва «даҳи ёздаҳ»,

<sup>36</sup> Навкенд — Андижон областининг Қосонсой райони яқинида жойлашган бир қишлоқ. (Қаранг: «Бобирнома», Тошкент, 1958, 522-бет).

<sup>37</sup> Говхона — ҳозир Андижон области Уйчи районидаги Охунбобоев номли колхоз территориясида жойлашган бир кичик қишлоқ. Илгари уни «Молтопар» ва «Ноғорахона» деб ҳам юритганлар. Бу ерда ҳозир тахминан 200 хўжалик бўлиб, экин майдони 400 гектардан ортиқроқдир. Говхона бир томондан Зарбоб ариғи, иккинчи томондан Норин дарёси, учинчи томондан эса Қизилрабат (Хизиробод) билан туташган.

<sup>38</sup> Бу ерда ҳужжатнинг берилган вақти (153 йил ҳижрий) нотўғри кўрсатилган. Саййид Гўё Муҳаммадхўжа 900—1000 (1494—95—1591—92) йиллар ичида яшаган. Демак, ҳужжат ҳам шу вақтда берилган.

«доруғалик», «қўруқбоний» ва «тирчўб», «қоҳ», «захира», «наърачи» ва «нақорачи», бaси жамиъи «ихрожат» ва «муҳдасот» ва ғайруҳум олуғлардин сиво ва мустасно билсунлар, [амалдорлар унга бир нима] ҳавола қилмасунлар, олмасунлар музоҳим ва муориз бўлмасунлар, [унга] зарар ва захмат бермасунлар ва қадимулайёмдин [тақи] зироъат қилатурғон еру сувлариға тақи таъарруз қилмасунлар. Мундоғ хабар етқач, Короскон содотлари билан ашроф ва ғайруҳумлари [ҳамда] жаноби амир мушорунилайҳни ўзлариға муқаддам билиб, [уни] аъзоз ва икром қилиб, сўзларидин тажовуз қилмасунлар. Мундоғ [хабар] етқач, амир мушорунилайҳни ва оғо-иниларини ҳеч кимарса ва ҳеч офарида нимарсаиға таклиф қилмасун ва [унга ортиқча] хархаша қилмасун ва тажовуз қилғонлар кўрқар эрканлар. Ва тақи амир мушорунилайҳга таъаллуқ юқорида мазкур бўлғон дарвишлар ҳар жонибга бориб сокин бўлғон бўлсалар, ўз юртлариға кўчуб келсунлар. Ҳеч кимарса ҳимоятға сифинмасун, ҳимоятға сифинғон кимарсалар [сиёсатимиздан] кўрқар, ҳурқар эрканлар. Мундоғ [хабар] етқач, ярлиғ мазмунидин тажовуз қилиб амир мушорунилайҳни ва оғо-иниларини ранжида қилғон кимарсалар тонгла қиёмат кўни ўз пайғамбарини шафоъатларидин маҳрум бўлуб, лаънатга сазовор бўлғай, деб муҳрлуқ нишон кўргуздуқ. Сана 1042 йилда ёзилғон.

Уч муҳрлуқ.

### № 26/103

Бу ҳужжат Мир Гўё Муҳаммадхўжаға тегишли бўлиб, ҳужжатни кўчирувчи «Яхши ўқуб бўлмағон сабабли сурат узасидан ёзилгандир», деб ёзиб қўйғон. Ҳолбуки, бу ҳужжатда «Саййид Гўё Муҳаммад[хўжа] уҳдасида деб билиб, бошқалар монелик кўрсатмасунлар», деб ёзилғон.

### № 27/106

Абулфатҳ ваззафар султон Дўст Муҳаммад баҳодир сўзумиз:

Ини, ўғил султонлар билан шужоъат шиор беклар билан кифоят-осор девонларға батахсис Короскон кентининг арбоб ва аминлари билан барча улуг-кичик хўжа, шарик раъиятлариға.

Возиҳ ва лойиҳ бўлсунким, подшоҳона июнат ва хисравона алтофи билониҳоятимизни олий жаноб, саёдат маоби саййид Зоҳидхўжанинг борасида арзони тутунб, сарфароз этиб, маз-

кур бўлгон кентни оталари дастури билан [унга] суюрғол қилдуқ».

Эмди бу нишон кўр[ил]гач, мушорунилайҳнинг суюрғолини мусаллам тутуб, саёдат маоб саййид Шамсиддин ва Мирзо Алихўжа, Долимхўжа ва ғайри булар саййидларга [ҳеч ким] дахл қилмасунлар, ҳеч мамарда... [унга] мазоҳим ва мутаъарриз бўлмасунлар, [унинг] зироатларидин «мол» ва «даҳи ду» ва «даҳи ним», «нимни» ва «боттут», «қўруқбоний» ва «махсали мол» олмасунлар; [унга ҳеч нарса] ҳавола қилмасунлар; зарар ва заҳмат еткурмасунлар, [ундан] йилда янги нишон ва янги «парвонча» тиламай, ушбу нишонни мўътабар тутуб, хилофи ҳукм қилмасунлар. Ушал амр тақсирда манъ бўлмасун, деб муҳрлуқ нишон кўргуздуқ. Зулҳижжа, 831 йилда битулди.

Уч муҳрлуқ.

### № 28/50

Бийлар ва садрлар, арбоблар ва мулозимлар билан олиғдор ва амалдорларга ва ғайруҳумларга.

Рнояти содоти олий дарожот [ва] киром одот учун подшоҳона иноятларимизни саёдат маоб, саодат оёб, мафхарус-содот, манбаъул иззи вассаодот саййид Зоҳиднинг борасида арзони тутуб, Короскон кентини отаси дастурича [унга] суюрғол қилдуқ.

Бу нишон мазмунига мутгалеъ бўл[ин]ғоч, мазкур бўлгон кентни бурунги дастур билан мусаллам тутуб, ҳарни «мол» ва «ихрожат»ини анга муфавваз билинглари. Баси, саййид Шамсиддин ва саййид Асадулло ва саййид Нуриддин ва ғайруҳумга [ҳам] дахл қилмасунлар; таъарруз еткурмасунлар. [Уларнинг] хосса зироатлари[га] тегмасунлар. Тақи [улардан] «мол», «тағор», «харж» ва «ихрожат», «даҳи ним» ва «сади ду», «инончигири» ва ғайруҳум тиламасунлар [ва] олмасунлар, яна янги «ясоқ» ва янги «парвонча» билан мол ясоқни мўътабар тутсунлар, деб муҳрлуқ нишон кўргуздум. Зилқаъда, сана 970.

Уч муҳрлуқ.

### № 29/104

Саёдат маоб заҳодат осори Мир Шамсиддиннинг кўш қулониға.

Бу ужурда [бизга] ондоғ еттиким, саёдат маоб саййид Зоҳид билан гуфту-гу қилатурғонлар қози ҳузурида ислоҳ қилгонсизлар ва ҳоло тақи муноқаша қилур эрмишсизлар. Бу

нишон кўр[ил]гач, ислоҳ қилгон ерларга музоҳим бўлмонғизлар, муноқаша қилмонғизлар. Бу тарихдин сўнг гуфту-гу қилмонғизлар. [Бу] яхши эмас турур, деб муҳрлуқ нишон бердуқ. [Сана] 612 да ёзулди<sup>89</sup>.

Бир вазирни ва подшоҳнинг муҳри бор.

### № 30/48

Қороскон мавзеъининг калонтарлари билсунларким, бу вақтда шу англашилдики, саййидлар паноҳи жаноб саййид Зоҳид диний илмларни таҳсил қилиш жиҳатидан кўп ҳаракат қилгонлар. [Шу сабабдан] уни доруғаликдан буткил озод қилгонлар . . . . [увдан] ҳар йили қайтадан янги нишон талаб қилинмасун . . . .

Сана 974, муҳрини ҳам ўқиб бўлмади.

### № 31/87

Ўувал маликул мустаъон.

Абулфатҳ султон Дўст Муҳаммад сўзумиз.

Тож бағишловчи, тахтнишин фарзандлар ва Осаф сифат, фалак тамкин амирлар ва очиқ кўнгуллик садрлар ва олий-қадр вазирлар ва заволсиз аркон ва кўчмас ҳашаматли аъён ва осмон ҳашаматли остон ва кишваристонлик нойиблар ва жамий халқ «аҳсана оллоҳу авоқиба умуриҳум» билсунларким, ҳашаматли султонларнинг орзулари саҳифасида касб этилгон [наrsa] эҳтиром эгалари [бўлган] садрларга садрнишинлик хитоби дафтарини ҳал этишдир. «Афаман шараҳаоллоҳу садраҳу лилислом» [ва] «қўл оллоҳумма моликал мулки туътил мулка ман ташо» саодатининг башоратманддорлариға ва «алламаҳу миммоташо». Уларнинг нашу-намоси ва аввалдан келган саодатининг муждасидир.

Аҳсикент вилоятининг девонлари ва амалдорлари, олиғдорлар ва калонтарлари воқиф, огоҳ бўлиб билсунларким, тўғри ҳадис ва очиқ, равшан ривоят «Инни торикун фикум ассақалайни китобуллоҳи ва итрати» мазмунидан шу англашилади ва тушиниладиким, соҳиби саодат [бўлган] саййидлар аҳволиға рия қилишлик ва [уларга] яхши назар билан қарашлик абадий саодат боиси ва давлати боқийнинг сабабидир. Пок насабли ва шарофат ҳасабли, саййидлар паноҳи, мақтарлик баланд даража олий насл, саййидлар сараси [саййид Зо-

<sup>89</sup> Бу ҳужжат саййид Зоҳидга берилганлигидан 612 эмас, балки 912 (1506—1507) йил бўлса керак.

ҳид] дунёдин ўтгон мағфиратлик [саййид Фозил Али] ҳазрат Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг қолдиқ авлоди эканлиги очик ва аёндыр. Хоқонлар хони [Суюнчхўжахон] ҳазратлари нишон берганларким, юқорида номи зикр этилгон жаноб Короскон қишлоғида соҳиби сажжода ва такянишин бўлиб, у [аслида] саййидларнинг пешқадами ва пешвосидир. Биз ҳам саййидлар паноҳи [бўлган] жаноби олий, олий насаблик, тақводор ва пок сулолалик, иззат ва матонат соҳиби, миллат ва диннинг тартибга солувчи, саййидлар ифтихори саййид Зоҳидга мазкур мавзеъни [Коросконни] отасининг дастури билан дарбаст тариқасида [унга] суюрғол қилдук ва ҳукм қиламизки, Короскон мавзеъининг риюё ва бароё калонтарлари, зироатчилари номи зикр этилгон [жаноб]нинг суюрғолини унга буткил беркитилгон билиб, ўн икки минг олтин динор «доруғалик» ва «хорижи», «даҳи ду» ва «нимни», «боттут» ва «қўруқбоний», «тирчўб» ва «исор», «кутволий» ва «сади ду», «сади чор» ва «сади се», «оянда ва раванда», «муҳрик» ва «мардикор», барча амалаларни ўзи олиб, собиқ дастурга мувофиқ, ўз маош ваҳҳиға сарф қилсун ва [унга] бошқа [киши] дахл қилмасун ва [Коросконни] унинг суюрғоли ва дарбаста деб билсунлар. Ва [ҳамма] шу фармонга амал қилишлари керак. Номи зикр қилингон саййидни ва [унинг] биродарлари, дарвишлари ва унга тааллуқли кишиларни [ҳам] «мол» ва «жиҳот», «ихрожат» ва «девои»нинг барча таклифларидан марфуъул қалам ҳисобласунлар. [Бу] ҳукм, қонун ва қоидаларини ўзгартиш ва алмаштиришга йўл қўймасунлар ва ҳар йил [ундан] янги нишон ва «парвона[ча]» талаб қилмасунлар; бу хусусда нуқсонга йўл қўймасунлар.

Рамазонул муборак ойи, сана 975 да ёзулди.

Ва шу [ҳам] муқаррарки, саййидлар ҳомиси Мир Шамсиддин ва бошқаларга [ҳам бу борада] дахл қилмасунлар.

Уч муҳри бор, расмий хат эмас, яна бир муҳри бор.

## № 32/100

Абуззафар султон Холқули баҳодир<sup>40</sup> сўзумиз:

Короскон кетининг амлоқдорлари билан барча улуғ-кичик раъиятлариға маълум бўлсунким, жаноби саёдат маоби саййид Зоҳиднинг ҳарна доруғалиғи бўлур; қарори воқеъдин жавоб беринғизлар. [Унга] тухмат, шилтоқ қилманғизлар. Усоа, тақсир воқе бўлмасун, деб муҳрлуқ нишон бердук. Сана 976, бир муҳр.

<sup>40</sup> Абуззафар султон Холқули баҳодирнинг шахсии аниқлай олмадик.

Музаффариддин султон Абулхайр баҳодир сўзумиз:

Бахтиёр фарзандлар, номдор амирлар, юксак даражалик кўнгли очиқ садрлар, аркон давлат, акобирлар ва улўглик ҳамда муҳташам бахтиёрлик саропардасининг ҳижоби ва мулку миллатнинг аёнлари, садринишинлар дафтарининг фасли хитоби, «садраҳу лил ислом» давлат мубошири. «Қул оллоҳумма моликал мулки туътил мулка ман ташоъ» саодатнинг башоратини топкан ва «отоҳулло ҳул мулка ва олламаҳу миммо ташоъ» саодатининг башорати нашъу намо этгон номи ва юксак исмиға содир бўлгон. Аҳсикент вилоятининг девонлари, амалдорлари, олиғдорлари ва калонтарлари билсунларким, «Инни торикун фикум ассақалайни китобуллоҳи ва итрати» тўғри ҳадис ва очиқ-равшан ривоят мазмунидан шу англашилади ва тушуниладиким, соҳиби саодат [бўлган] саййидлар аҳволиға риоя қилишлик абадий саодат боиси ва давлати боқий сабабидир. Пок насабли, зоті маърифатлик, саййидлар паноҳи, мақтарлик баланд даража олий насл, мақбулул мағфур, саййидлар сараси, [саййид Гўё Муҳаммадхўжа] ҳазрати саййидул мурсалин [Муҳаммад]нинг қолдиқ, авлоди эканлиги очиқ ва аёнидир. Ҳазрат [Наврўз Аҳмад] хон оллоҳ унинг мулкини абадий қилсин — [унга] нишони олий берганки, номи зикр этилган жаноб Қороскон қишлоғида соҳиби сажжодагузин ва такянишин бўлуб, бу ер саййидларининг пешқадами ва пешвосидир. Биз ҳам саййидлар паноҳи жаноби олий, олий насаблик, тақводор ва пок сулолалик, иззат ва матонат соҳиби, миллат ва диннинг тартибини ўрнатувчи саййидлар ифтихори, саййид Зоҳид ҳазратға мазкур мавзеъи Адак ва Говхона экин ери [мазраъси] билан бирликда отасининг дастури билан дарбаст суюрғол қилдук ва ҳукм қиламизки, раиъят калонтарлари, Қороскон мавзеъи ва ҳар икки [Адак ва Говхона] мавзеъларининг зироатчилари номи зикр этилган [жанобнинг] суюрғолини унга буткид беркитилган ҳолда ўн икки минг [олтин] динар «доруғалик» ва «хорижи», «даҳи ду» ва «нимни», «бойтут» ва «қўруқбоний», «тирчўб» ва «кутволий», «сади ду» ва «сади чор», «сади се», «оянда ва раванда», «муҳрик» ва «мардикор» ҳамда барча амалларни ўзи олиб, собиқ дастурға мувофиқ, ўз маоши важҳиға сарф қилсунлар [ва ҳамма бу қишлоқларни] унинг суюрғоли, ва дарбасти деб билсунлар ва шу [фармон] асосида амал қилишлари керак. Ва номи зикр қилинган саййидни ва [унинг] биродарлари, дарвишлари ва унга тааллуқли кишиларни «молу жиҳот» ва «ихрож» [от] ва девоннинг барча таклифларидан марфуъул қалам ҳисобласунлар. Ва [бу] ҳукм-

нинг қонун ва қоидаларини ўзгартириш, олماштиришга йўл қўймасунлар. Саййидлар паноҳи амир Шамсиддин ва Мирзо Али ва Донимшоҳ у ҳазрат [нинг бошқа] мулозимларига дахл қилмасунлар ва [ундан] ҳар йил янги нишон талаб қилмасунлар. Ва [бу] муқаддас, олий, юксак ҳукми ҳумоюн [товқеъ] бориб етиши билан бу хусусда нуқсонга йўл қўймасунлар.

Рамазонул муборак ойн, сана 982.  
Муҳри битта.

### № 34/38

Хувал маликул Маннон.

Абулфатҳ султон Муҳаммад Дўст баҳодир сўзумиз:

Саёдат маоб Мир Шамсиддин — шоҳ ва Мирзо Али — шоҳ ва Донимшоҳқа.

Бу ужурда ҳумоюн арзимизга еттиким, Короскон кентининг доруғалиғи ва сажжоданишинлиғини ва еру сувини отаси дастури билан олий жаноб, маъолинисоб, саёдат интисоб, дурри садафи валоят, гавҳари баҳри каромат, авлоди ҳазрат саййидулмурсалин, шамсуддавлати ваддунёваддин саййид Зоҳидга кўруб-билиб суюрғол қилдуқ, бердуқ.

Ва ҳоло сизлар ҳазрат амирликнинг кишиси султон оғом [султон Муҳаммад Дарвиш]дин ёрлиқ келтурғон эрмишсизлар. Бизларга суюрғол бўлди дегонларинг бисёр айб, бежо ва беқойда турур. Эмди бу нишон [ни] кўргач, мазкур бўлғон саййид Зоҳидга дахл қилманғизлар ва [унинг] еру сувиға музоҳим бўлманғизлар ва [қарам] кишисиға ташвиш берманғизлар, ўзунларни шарик билманғизлар, тухмат, шилтоқ қилманғизлар; бу бобда хилофи ҳукм қилманғизлар, усол тақсир воқе бўлмасун, деб муҳрлуқ нишон кўргуздуқ.

Қурбонул муъаззам оинда, сана 983 да битилди.

Икки муҳрлуқ.

(Муҳр): Мир Мансур мунши бинни Муҳаммадқул мунши.

### № 35/32

Абулғози Жаҳонгир Мухсинахон<sup>41</sup> сўзумиз:

Фазилатпарвар биродарлар ва адолатлик ва қилмиши яхшиликдан иборат [бўлган] амирлар ва иқтидорлик вазирлар, Ахсиқент вилояти қаламравининг ҳокимлари ва омиллари, аъён ва арбоб, раъиятлари ва умумий халқи очиқ, рав-

<sup>41</sup> Абулғози Жаҳонгир Мухсинахон — саййид Муҳаммад султоннинг ўғли. (Қаранг: «Тарихи Шайбоний», инв. № 1505, 69а—69б-варақ).



шан билсунларким, сербаракат саййидларнинг риоясини қилишлик ва уларга меҳр кўзи билан қарашлик соҳиби саодат [бўлган] подшоҳларнинг ҳиммати зиммасига тушади. Шу вақтда саййидлар паноҳи ва саййидларнинг ифтиҳори саййид Зоҳид дуогўйлик саодати билан [ҳузуримизга келиб ва] азиз бўлиб, шарафлик султонлар [нинг] ҳукмларини [бизга] кўрсатдики, [у] Короскон қишлоғининг соҳиби сажжодаси ва такянишини бўлиб, бу мавзеъи саййидларининг пешқадамлиги ва пешволиги ота-боболаридан тортиб юқорида ишорат қилинган [саййид Зоҳид]га тааллуқ бўлган. Короскон мавзеъи, Адак ва Говхона[даги] экин ер [мазраъ]лар қадимдан «мол» ва «жиҳот» юзасидан дарбаст йўли билан номи зикр қилинган [жаноб]га муқаррар бўлган ва [унга] тамоман беркитилган. Собиқ султонлар[нинг] ҳукмларига мувофиқ [улар томонидан] берилган қатор нишонларини кўрсатиб, [ул жаноб биздан] ҳукми ҳумоюнни илтимос қилдилар. Шунга биноан ҳукм бўлдики, номи зикр қилинган саййид [Зоҳид]ни султон Саъид авлиёнинг файзлик мазорига соҳиби сажжода ва такянишин, мазкур қишлоқ [саййидларининг] пешқадами ва пешвоси ва нурга тўлиб-тошган мазкур мазор назирлари ва садақаларининг мутасаррифи деб билиб, мазкур мавзеъларни унга буткул беркитилган дарбаст суюрғоли деб билсунлар. Олиғдорлар ва амалдорлар, арбоб ва ҳокимлар юқорида номи зикр қилинган [жанобни] «харждан» ва «ихрожат» [дан] «қалъа» ва «қорақўноқ», «хоначини», «оянда ва раванда» [дан, хусусан] ўттиз икки амалалардан холи ва мустасно деб билиб, [амр қилдикки] ҳеч ким ва бирор бир тирик жон [унга] қаршилиқ қилмасун ва захмат етказмасун. [Бу хусусда] ҳар йили парвоначидан янги нишон талаб қилмасунлар, буни аҳд қилинган деб билиб, ундан [асло] чиқмасунлар.

Тўрт адад муҳри бор. *(100-бетда фотонусхаси берилган).*

### № 36/31

Ҳувал ғани.

Абдулғози Абдулло баҳодир султон сўзумиз:

Бахтиёр биродарлар ва саодатёр фарзандлар, олий даражалиқ амирлар, иқтидорлик вазирлар ва Ахсикент вилоятининг аъён, арбоб ва кадхудолари билингларким, сербаракат саййидлар фарзандларининг риоясини қилиш соҳиби саодатлик подшоҳлар ҳиммати зиммасига тушади. Шу вақтда саййидлар паноҳи ва саййидларнинг ифтиҳори бўлган саййид Зоҳид дуогўйлик саодати билан [ҳузуримизга келиб ва] азиз бўлиб, [бизга] шарафлик султонларнинг [берган] ҳукмларини кўрсатдики, [у] Короскон мавзеъининг соҳиби сажжодаси ва

مجلس اول  
روز ۲۲

ابوالحسن علی بن ابی طالب  
علیه السلام

شماره  
روز اول  
عبدالکبیر

برادر امامت پیر و رفیر و زندان

روز رازی کفایت آن در علم و عمل

در عیاد و هر یاد قزو ولایت نیست و شرح بوی کرم که چون رعایت و مرام است  
 نیز اگر که بر وقت است پادشاه صاحب ستاد لازم است درین کلمات و بیانه آنچه در این است  
 سینه زاید است و دعا کوی مغرور شده احکام طبعی از کرم ظاهر کرده صاحب ستاد و  
 نشین قرینه ای که گمان بوده مقدم و معتدای ستاد و مرفوع ابان عجب است را ایله تعویذ  
 موصی که سلطان و مزرعه ادان و کا و خانه از قدیم الایام از خالی و جهات بطریق در  
 ایله مورا است که بوده است چون بر طبق احکام سلطان سابق من نواز را بوده  
 در علم بهای و التماس فرمودند بنابر این است که سید را ایله صاحب ستاد و دیگر نشین سهرورد  
 آثار و مقدم و معتدای قرینه مذکور و متصرفند و آوصد قات فی لیلان نور مذکور و  
 مواضع مذکور در ادب است سیر خالی است او دانند انکار و عمل از او را با و جان از قیام  
 و اوقات و قلم و آفتوناق و خانه پسین ایله و در رنده از پس در علم است را ایله را سهرورد  
 دانسته از مرفوعه مانع و مرام نشوند هر که نشانی که در از بر و طبعی از نه از جمله و در رنده

توسعه در علم



такянишини бўлиб, мазкур мавзеъ саййидларнинг пешқадамлиғи ва пешволиғи ота-боболаридан тортиб юқорида ишорат қилинғон [саййид Зоҳид]га тааллуқ бўлғон. [Унинг] Қороскон мавзеъи ва Адак[даги] экин ер [мазраъа]лари қадимдан «мол» ва «жиҳот» юзасидан дарбаст йўли билан номи зикр қилинғон [жаноб]га муқаррар бўлиб келган. [У] собиқ султонлар[нинг] ҳукмлариға мувофиқ берилғон қатор нишонларни [бизга] кўрсатиб, ҳукми ҳумоюн [берилиши]ни илтимос қилдилар. Шунга биноан ҳукм бўлдики, номи зикр қилинғон [саййид Зоҳид]ни соҳиби сажжода ва мазкур саййидларнинг пешқадами [деб] билиб, мазкур мавзеъни мазкур мазраълари билан биргаликда у ҳазратнинг [қўлидаги] нишон асосида дарбаст йўли билан у кишиға муқаррар деб билсунлар ва у ҳазратнинг нишонида нимаики ёзилғон бўлса, бунға амал қилсунлар ва юқорида зикр қилинғон [жаноб]нинг хизматкорларидан ҳам у ҳазратға [берилган] ҳукмға мувофиқ, ҳеч бир нарса талаб қилмасунлар, ҳар йили [ундан] янги нишон ва ҳукм талаб қилмасунлар. Ушбу қатъий ҳукми ҳумоюн бориб етиши билан бунға буткул ишонч билдирсунлар.

Рамазонул муборак ойида ёзулди.

Тўрт муҳри бор:

1) Абдуллахон бинни [Искандархон].

2) Дўстум баҳодир султон бинни [Наврўз Аҳмад Барақхон].

3) Муҳаммад Боқи зи Муҳаммад Муҳаммад Оли асҳоби Муҳаммад.

4) Бандан фармондеҳанда алон, шуд Муҳаммад Мўмин аз муншийи хон.

Бамақоми Пулмирзо танбеҳ шуда<sup>42</sup>. (102-бетга қаранг).

## № 37/84

Ахсикент вилоятининг омиллари, девонлари ва саркорлари «оллоҳ уларнинг аҳволини яхшиласун» — билсунларким, саййидлар паноҳи, саййидлар ифтиҳори жаноб ҳазрат саййид Зоҳид [ҳузуримизга келиб] дуогўйлик вазифасини адо қилғондан сўнг арз қилдики, [у киши] Қороскон мавзеъида сажжодагўззин ва такянишин бўлғонлар ва мазкур мавзе [Қороскон], Адак ва Қизилрабат экин ерлари [мазраъ] била бирликда қадимдан юқорида ишорат қилинғон [саййид Зоҳид]га дарбаст [тариқасида] тааллуқ бўлғон ва бу маънини


<sup>42</sup> Фармон берувчининг бандаси Муҳаммад Мўмин ҳозирда хон муншисидир. «Бамақоми Пулмирзо танбеҳ шуда» иборалари нима учун ёзилганлигини аниқлай олмадик.

ابوالسنائی بعد از جهاد سلطان به زونین

بها (۱۴۱) بر فرزندار و فرزندارین - دولت

دو ز سالی کفایت آثار و احیان در باب اول

دولت نمیکند بر اندک چون رحمت فرزندان بیست و شش ابرکات بر قدر  
پادشاهان است و لا ادرست در بزرگت است و بنا بر این است که شاید زاید بودیم بحدود و کما  
فرزند و حکام سلطان را کما بر کرد که صد صاحب سجاده و کتبه شین قرین که کسان بود  
دسته ای بیست و شش که با ششید بس را ریسه شش خسته بوضع کسان در زنده اول  
از ملایم و صدمات بطریق در بست است را ریسه تور برده است چون بر طبع حکام سلطان  
نشین از آب را کند و کما  
ستادند که در بزم هر وضع کما  
قرارداد و نمودار کما  
کما  
کما کما



ифода этувчи ҳурматлик ва ҳашаматлик улуғ султонлар [берган] расмий варақаларни ва ҳукмларни зоҳир қилдилар. [Барча амалдорлар] улуғларнинг нишони олийлари мазмундин огоҳ бўлишлари лозим, чунки бу тоифанинг риояси охира т нажотининг вожибидир. [Шунга кўра], биз ҳам ҳукм қилдукки, мазкур [Короскон] мавзеъни [Адак ва Қизилработ] экин ерлари билан бирликда, ўша дастур билан, ишорат қилинган [жаноб]га махсус билиб, «мол» ва «жиҳот», «ихрожат» ва «амалот», «пилла» ва «кўкнор пули» ва девоннинг барча таклифлари жиҳатидан [унга] музоҳим бўлмасунлар ва олмасунлар. Амалдорлар ва олиғдорлар, мироб ва даҳи ним [чи ул жанобга] зарар ва заҳмат еткизмасунлар ва у кишининг хизматкорларидан [ҳам] «муқаррарий» ва «ихрожат», «мардикор», «қалъа» ва «муҳрик» олмасунлар ва ҳар йил [ундан] янги нишон талаб қилмасунлар. Буни аҳд қилинган деб билиб, бу хусусда нуқсон кўрсатмасунлар.

Қурбон ойи, сана [. . . 4?] <sup>43</sup>

Уч муҳри бор.

## № 38/83

Абулғози Муҳаммад Умар баҳодирхон <sup>44</sup> сўзумиз:

Ахсикентнинг омил ва девон саркорлари — оллоҳ улар[нинг] аҳволини яхшиласун, билсунларким, саййидлар паноҳи, пок насаблик жаноб саййид Зоҳид [ҳузуримизга келиб] дуогўйлик вазифасини адо этгандан сўнг [бизга] арз қилдиларким, Короскон мавзеъи, Адак, Қизилработ ва Говхона экин ерлари [мазраъси] қадимдан азиз хоқонлар ва ҳурматга сазовор султонларнинг ҳукмлари асосида юқорида ишорат қилинган [саййид Зоҳид] жанобларига қарашли бўлиб, у кишининг риоятлари охира тдаги нажотнинг вожиби бўлғони учун, ҳукм қилдукки, мазкур мавзе ва мазраъни ўша дастур билан юқорида ишорат қилинган [жаноб]га махсус билиб, фақиҳлар авлодидан бўлғони жиҳатидан ихрожат, амалот ва девоннинг барча таклифлари юзасидан [уни] ранжитмасунлар ва [унга] ёмон [кўз билан] қарамасунлар . . . Амалдорлар ва олиғдорлар [унга] зарар ва заҳмат еткизмасунлар ва номи зикр этилган [жаноб]нинг хизматкорларидан

<sup>43</sup> Саййид Зоҳид номига берилган ҳужжатларнинг энг аввалгиси 970 (1562—63) йилга, энг охиригиси 1017 (1608—09) йилга оиддир. Шунга кўра, бу ҳужжат ҳам шу йиллар ўртасида берилган бўлиши керак.

<sup>44</sup> Абулғози Муҳаммад Умар баҳодирхон — Жонибек султоннинг ўғли. Асли номи Муҳаммад Умар бўлиб, ўзбек султон лақаби билан ҳам машҳур. (Қаранг: «Тарихи Шайбоний», 776-варақ; «Баҳрул асрор», 1406-варақ).

[ҳам] «муқаррари», «харожот» ва «мардикор» олманғизлар; ҳар йил [ундан] янги нишон талаб қилманглар. Ибодат қилиб, оллоҳдан у кишига яхшилик тиланглар. Сана 1000.

### № 39/81

Абулғози Муҳаммад Умар баҳодирхон сўзумиз:

Ахсикент вилоятининг омиллари, девоң ва саркорлари — олло таъоло уларнинг аҳволларини яхшиласун — билсунларким, саййидлар паноҳи [бўлган] саодатлик саййид Зоҳид [ҳузуримизга келиб] дуогўйлик вазифасини адо этгандан сўнг арз қилдики, Короскон мавзеъи, Адак, Қизилработ ва Говхона мазраълари қадимдан азиз хоқонлар ва ҳашаматлик султонлар ҳукмлари асосида ишорат қилинғон жанобга тааллуқлик бўлган. У жанобнинг риояси охират нажотининг асоси бўлғони учун ҳукм қилдукки, мазкур мавзе ва мазкур экин майдони [мазраъ]ни, ўша дастур билан, юқорида номизикр этилғон [жаноб]га махсус билиб, «мол» ва «жиҳот», «ихрожат» ва «амалот» ҳамда девоннинг барча таклифлари жиҳатидан [амалдорлар] заҳмат етказмасунлар ва [уларни] олмасунлар; амалдорлар ва олиғдорлар [ҳеч қандай] зарарзаҳмат етказмасунлар; у кишининг хизматкорларидан [ҳам] «муқаррарий», «ихрожат» ва «мардикор» олмасунлар; ҳар йил [ундан] қайтадан нишон талаб қилмасунлар ва бу ҳақда нуқсон етказмасунлар.

Сана 1000.

Етти муҳри бор.

### № 40/118

Ҳувал ғани.

Абулфатҳ Хазора Муҳаммад султон<sup>45</sup> сўзумиз:

Бахтиёр биродарлар, номдор, саодатлик амирлар ва юксак даражалик, кўнгли очиқ садришинлар ва етарлик даражада иқтидорлик вазирлар, Ахсикент вилоятининг омиллари ва мубоширлари амин ва арбоб, [шу вилоятда] яшовчи ва турувчи кишилар умуми сукно ва жумхури мутаваттина калонтарлари билсунларким «Инни торикун фикум ассақалайни китобуллоҳи ва итрати» тўғри ҳадис ва очиқ-ошкора ривоят мазмунидан шу тушинилади ва англашиладики, соҳиби саодат бўлғон саййидлар аҳволига риоя қилишлик абадий сао-

<sup>45</sup> Абулфатҳ Хазора Муҳаммад султон — Муҳаммад Умар султоннинг ўғли; Акси ва Андижон ҳокими бўлган. (Қаранг: «Тарихи Шайбоний», 78а — 78б-варақлар; «Бахрул асрор», 140б-варақ.).

дат боиси ва давлати боқийнинг сабабидир. Шундай экан, саййидлар паноҳи, мақтарлик баланд даража, олий насл, саййидлар сараси, иззат ва каромат соҳиби, ҳазрати Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам [Муҳаммад]нинг қолдиқ авлоди, миллат ва динни тартибга солувчи жаноби саййид Зоҳидхўжанинг пок насабли ва шарофат зотлиги унинг азиз ва қадрлик аҳволдан зоҳир ва аёндыр. [У] ота-бобо ва аждодларининг дастури бўйича, Қоросконда соҳиби сажжода ва у ер саййидларининг пешвоси бўлиб, [у] такянишин бўлгон. Қороскон мавзеъи унинг атоларининг услуби билан ва мазкур [кўрсатилган] йўлга биноан номи зикр этилгон жаноб саййид [Зоҳид]га дарбаст расми билан суюрғол қилингон. Биз ҳам шу дастур билан иноят қилиб ҳукм қилдукки, «мол» ва «муқаррарий», «доруғалик» ва «хорижий» ҳамда бошқа амалаларни ўзи олиб, қадимий дастур билан, ўз маоши ваъҳиға сарф қилсун; бошқа ҳеч ким бир ваъҳ билан [уни] ранжитишға уринмасун ва бирор бир киши [унинг мулкига] даҳл қилмасун, [Қороскон мавзеъини] унинг суюрғоли ва дарбасти деб билсунлар [ва] шу ҳукм асосида амал қилишлари керак. Номи зикр этилгон саййид [Зоҳид] ва унинг биродарлари, фарзандлари, дарвишлар[и] ва унга тобе бўлгон кишилар ва етимлар, [шунингдек унинг] хизматкорларини [ҳам] барча ҳукмий ва иттифоқий таклифлардан мутлақо марфуъул қалам ҳисобласунлар ва [бу] ҳукм, қонун [ва] қондаларини ўзгартиришға йўл қўймасунлар ва ҳукмда ёзилгон сўзлар мазмуниға қаршилиқ кўрсатиб ундан бош тортмасунлар; бу хусусда нуқсонға йўл қўймасунлар; олий ҳумоюн ҳукм етиб борса, бунга бутунлай ишонсунлар.

Муҳаррамул ҳаром ойи, сана 99<sup>46</sup>.

Беш муҳрлуқ. [Муҳр]: Ҳазора Муҳаммад султон ибн Муҳаммад Умар султон.

## № 41/121

Ҳувал Азиз.

Ҳукми олий содир бўлдики, Қороскон мавзеъи, лангари ва Адак экин ерлари [мазраъ]ни қадимдан сажжода [нишин] саййидлар паноҳи [бўлган] тақво шнор жаноб саййид Зоҳидга тааллуқ бўлгон.

Энди биз ҳам ўша мавзеъларни [унга] суюрғол қилдук.

[Бу ҳукмдан] воқиф бўлганларидан сўнг, мазкур ёбисни хоқорида ишорат қилингон жанобларнинг суюрғоли билиб,

<sup>46</sup> Ҳужжатда «сана 99» ёзилган. Биънинг фикримизча 990 (1582) бўлиши керак. Бу тахминимизга кўра, муҳаррам ойи — январь ойига тўғри келади.

ҳеч киши, балки бирор бир тирик жон, хусусан, Шоҳмурод [унга] даҳл қилмаслиги ва [унга] ташвиш етказмаслиги лозим. [Бу суюрғолни] унинг тасарруфидин қайтариб олмасунлар [ва] ҳукмға хилоф қилмасунлар; буни аҳд қилинғон деб билиб, бу хусусда нуқсон етказмасунлар. Сана 100<sup>47</sup>.

Беш муҳри бор.

## № 42/61

Абулфатҳ султон Мирзо Муҳаммад баҳодир<sup>48</sup> сўзумиз:

Олий қадр судурлар баци Ахсикент вилоятининг арбоб ва амин ва калонтарлари билан барча олиғдор ва амалдорларига.

Возиҳ ва лойиҳ бўлсунким, саёдат маоби, саёдат оёби, авлоди ҳазрат Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам [Муҳаммаднинг авлоди] саййид Зоҳидхўжа қадимул айёмдин [Қоросконда] сажжоданишин эрмишлар. Қороскон кенти билан Адак, Говхона ариғининг мусалламлиғига бурунги подшоҳларнинг саналарини [бизга] зоҳир қилиб имзо илтимос қилдилар. Тақи биз ҳам қадим дастур билан иноят қилиб, мазкур бўлғон кент ва мазрағни жаноби мушорунилайҳға дарбаст суюрғол қилдук. Эмди бу нишон кўр[ил]гач, мазкур бўлғон кент ва мазрағни мушорунилайҳнинг суюрғолиға мусаллам билиб, [ундан] киши қаролар, «муқаррарий» ва «ихрожат», «ғўза пули» ва «кўкнор», «даҳи ним» ва кулли таколифи девонидин сиво ва мустасно [деб] билсунлар; «маҳв» ва «қароқуноқ», от-улоқ [талаб қилмасунлар], хизматкор ва қарорларига даҳл қилмасунлар, деб муҳрлуқ нишон бердук.

Сана 1008.

Уч муҳри бор.

## № 43/117

Абулғози Баттол Муҳаммад Шукур султон баҳодир<sup>49</sup> сўзумиз:

Баҳром савлат биродарларға, Фиридун шавкат фарзандларға, адолатшиор беклар билан фақоҳат осар девонларға, баци Ахсикент вилоятининг саййиди содот, қози ва муфти, шайх ва донишмандлари билан амин, арбоб, калонтарлари

<sup>47</sup> 100 эмас, балки 1000 бўлиши керак. Унда 1591—92 йил бўлади.

<sup>48</sup> Абулфатҳ султон Мирзо Муҳаммад баҳодир — ўша даврда Ахсикент вилоятининг ҳокими бўлиши керак.

<sup>49</sup> Абулғози Баттол Муҳаммад Шукур султон баҳодир — унинг шахсини аниқлай олмадик.



ва барча улуғ-кичик хубушлуқ раъиятларига возиҳ ва лойиҳ бўлсунким, риоёи мавзуи Короскон ва фарзандони соҳибуд даража. [сайид Зоҳидга] оталари дастури билан кўруб ва билиб жаноби саёдат маъоби, муртазавий интисобий сайид Зоҳидхўжага муҳри олий қилиб бердук.

Эмди бу нишон кўр[ил]гач, мазкур бўлғон кент ва ёбисларни қарори воқе билан «мол» ва «ғаллот»ларини жавоб берсунлар [яъни ўзига топширсин] ва хилофи ҳукм қилмасунлар. Хусусан, олиғдорлар, беклар ва амалдорлар [унинг ҳуқуқига] асло ва қатъан дахл қилмасунлар ва [уни] «мин куллилвужуҳ муофи мутлақ» [деб] билсунлар. [Ва бунга асло] хилоф қилмасунлар, деб муҳрлуқ нишон бердук.

Зулҳижжа ойинда, юз тўққузинчи йилда битулди, сана 109<sup>50</sup>.

[Муҳр]: Муҳаммад Шукур султон бинни [?] Отаси[нинг] номи [ни] ўқиб бўлмади.

Мундин ўзга яна тўққуз адад муҳри бор, [уни ҳам] ўқуб бўлмади.

#### № 44/98

Хувал ғани.

Абулфатҳ султон Мирзо Муҳаммад баҳодир<sup>51</sup> сўзумиз:

Ахсикент вилоятининг амин ва арбоб, калонтарлари билан барча улуғ-кичик кадхудоларига маълум бўлсунким, Короскон кентининг ёбиси ва Адак ва Қизилработ ариғининг мазраъси қадимул айёмдан саёдат маоби, заҳодат осор, татимматус содот сайид Зоҳидхўжага тааллуқ эркан. [У] қадим хонлар ва султонларнинг ёрлиқларини келтуруб, [биздан] имзо илтимос қилдилар. Эрса, биз тақи, қадимий дастур билан, шафқат қилиб [унга нишон битиб] бердук.

Эмди бу нишон кўр[ил]гач, жаноб Сайид мушорунилайҳқа мазкур мавозеъларни тааллуқ билиб, ҳеч киши балки офаридайи [унга] дахл қилмасун, шоҳ Афзал ва шоҳ Мурод шарикман, деб хархаша қилмасун ва музоҳим бўлмасун, олиғдор ва амалдорлар тикишлаб [унга] ташвиш бермасунлар. Бу бобда хилофи ҳукм этмасунлар, деб муҳрлуқ нишон бердук.

Сана 1009.

Уч муҳри бор.

<sup>50</sup> Бу ерда 109 эмас, балки 1009 бўлса керак. Унда 1600—1601 йил бўлади.

<sup>51</sup> Абулфатҳ султон Мирзо Муҳаммад баҳодир — ўша даврда Ахсикент вилоятининг ҳокими бўлиши керак.

Хувал ғани.

Абулфатх султон Абулмажид баҳодир<sup>52</sup> сўзумиз:

Мамлакаторой беклар ва кифоятосор вазирлар ва соҳиб фаросат садрлар, басы Ахсикент вилоятининг саййид ва содотлари, муфти, шайх ва донишмандлари билан аҳоли ва маволи, аъён ва ашроф, амин ва арбоблари билан барча улуғ ва кичик хўжа, шарик раъиятлариға.

Возиҳ ва лойиҳ бўлсунким, Қороскон кенти билан Адак мазраъси ва Қизилработ қадимул айёмдин жаноби саъдат маоби, заҳодат осори, натижатус содот саййид Зоҳидға дарбаст суюрғол экандур. Биз тақи ушал дастур билан мазкур кент ва мазраъни [унга] дарбаст суюрғол қилдук.

Эмди бу нишон кўр[ил]гач, мазкур бўлгон кент ва мазраъ ва ёбисни [унга] дарбаст муқаррар ва мусаллам билиб, «муқаррарий», «хараж» ва «харожот», «амалот» ва «мол», «ғаллот»ларини [олмай], жаноби мушорунилайҳнинг гумошталариға ростлиқ юзасидан жавоб берсунлар ва [улардан] нимарсайини пўшида тутмасунлар, олиғдор ва амалдорлар жаноби мушорунилайҳнинг мулозимлари билан тегирмон ва боғ, жоғ ва фалижот ҳамда кўкнорларидин нимарсайи олмасунлар, [уларга] зарар-заҳмат еткурмасунлар. «Мироб» ва «кутвол», «даҳи ним» ва «ҳамсил», «ҳисола» деб [уларга] ташвиш бермасунлар, олмасунлар; [ундан] йилда янги ва тоза нишон тиламай, ушбуни мазмуниға амал қилсунлар, деб нишон бердук.

Рамазонул муборақ ойинда, сана 1011 да битулди.

Олти муҳри бор.

Боз икки муҳри бор. *(109-бетда фотонусхаси берилган).*

## № 46/77

Ҳукми олий содир бўлди.

Саййидлар паноҳи, тақво шиори Қамолиддин жаноб ҳазрат саййид Зоҳидға Қороскон мавзеъини дарбаст йўли билан суюрғол қилгон эканмиз, девон ва арбоб, худо яратгон бошқа ҳеч ким ва бирор бир тирик жон ҳеч бир заҳждан [ул жанобни] ранжитмасликлари, [унга] зарар ва заҳмат етказмасликлари керак. [Унинг мулкига] асло ва қатъий даҳл қилмасунлар ва [уни барча солиқлардан] мутлақ озод қилинган,

<sup>52</sup> Абулфатх султон Абулмажид баҳодир — котибнинг хатоси билан шундай ёзилган бўлиб, аслида Абулмуҳаммад бўлса керак, бунда у Хоразмшоҳ султон бинни Барақхоннинг ўғли бўлиб чиқади.



деб билсунлар. [Короскондан] қочиб кетгон раъиятлар [яна у ерга] қайтиб келсунлар. Эълоң қилингон ҳукмга [ҳеч ким] хилоф қилмасун. Сана 1017.

6 муҳрлуқ.

## № 47/113

Ҳувалҳай.

Абулмансур Ота Муҳаммад баҳодир<sup>53</sup> султон сўзумиз:

[Замонамизнинг] иқтидорлик амирлари ва юксак даражалик вазирлар ва Ахсикент вилоятининг амин ва арбоб ҳамда калонтарлари, раъият ва умумий халқи воқиф ҳамда огоҳ бўлиб билсунларки, Короскон мавзеъи, Адак ва Қизилработ экин ерлари [мазраъси] қадимдан шарофатлик султонларнинг ҳисобга олишлариға кўра, саёдат маоб, тақводор, валоят паноҳ ва ҳидоят қилувчи, дин ва дунёни камолға етказувчи жаноб мавлоно саййид Зоҳидға дарбаст [йўли билан] тааллуқ топгон экан.

Сербаракат саййидларнинг риоятлари бизнинг олий ҳимматимиз зиммасиға вожиб ва лозим экан. Бунга биноан, ўзимизнинг подшоҳона иноят ва хусравона марҳаматимизни юқорида ишорат қилингон жаноб ҳолиға муносиб ва лойиқ кўруб, дарбаст тариқасида [Короскон, Адак ва Қизилработни унга] иноят қилдук.

Амлоқдорлар ва ҳокимлар, султонлик ишларининг мутлақ соҳиби дахллари мазкур мавозеъларни юқорида ишорат қилингон [саййид Зоҳид] жаноблариға муқаррар ва буткул беркитилгон дарбаст билиб, ўзларининг «мол» ва «ғаллот», «муқаррарий» ва «ихрожат» ҳамда бошқа «аворизот» ва «олиғот» ва «амалотлари» юзасидан, аслида қандай бўлса, шундай ростлик билан [ул жанобга] жавоб айтишлари [ва] ҳеч нарсани [ундан] махфи [тутмасликлари] ва яширмасликлари керак. [Ундан ташқари], «чодир пули», «уй пули» ва барча амалаларини тайёрлаб, юқорида ишорат қилингон [жаноб]ға берсунлар; [бу ҳукмга асло] хилоф қилмасунлар. Девонлар ва зобитлар, арбоблар ва бошқалар мазкур мавзеъларнинг «ихрожат», «мардикор» ва «муҳрик» жиҳатидан [ҳам] асло ва қатъий равишда дахл қилмасунлар; [унга] зарар ва заҳмат еткизмасунлар, [ундан] бир нарса тиламасунлар, «осёбона» ва «жувозхона», «шукурчи» ва «юртчи», «ядачи» ва «тўшакчи», «чироқчи» ва «карнайчи», «айтарчи» ва «миробона», «қўруқбоний» ва «бойтут», «дорилтой» ва «хо-

<sup>53</sup> Ота Муҳаммад султоннинг ким эканлиги тўғрисида маълумот топмадик. Уша вақтда Ахсикент ҳокими бўлса керак.

нажойи» ҳамда бошқа амалалар юзасидан [унга] асло заҳмат етказмасунлар; ҳеч бир ҳавола қилмасунлар ва [уни] барча исмий ва расмий таклифлардан марфуъул қалам деб билсунлар. Ушбу шарофатлик, тўғри воқе бўлган ҳумоюн ҳукм етиб борса, бунга буткул ишониб, [бунга асло] хилоф қилмасунлар ва ундан бош тортмасунлар; бу буйруқни бажаришда нуқсон кўрсатмасунлар.

Зилқаъда ойи, сана 121.

Муҳаммад ота Баҳодирхон.

Муҳаммад Нор мунши бинни Фулод сўфи.

Девон Муҳаммадқул бинни Худойқули бий.

Яна уч адад муҳрини аниқ ўқиб бўлмади.

## № 48/62

Хувал ғани.

Абулғози Абдулло баҳодир султон сўзумиз:

Бахтиёр биродарлар ва саодатёр фарзандлар, олий даражалик амирлар ва иқтидорлик вазирлар ҳамда Аҳсикент вилоятининг аъён ва кадхудолари билсунларким, сербаракат саййидларнинг риоясини қилиш, уларга меҳр кўзи билан қараш соҳиби саодат подшоҳлар ҳиммати зиммасига вожиб ва лозимдир. Шу вақтда саййидлар паноҳи ва саййидларнинг ифтиҳори [бўлган] саййид Зоҳид [ҳузуримизга келиб], дуоғўйлик саодати билан азиз бўлиб, шарафлик султонлар[нинг] ҳукмларини [бизга] кўрсатдики, [у киши] Короскон мавзеъининг соҳиби сажжодаси ва такянишини бўлиб, мазкур мавзе саййидларининг пешқадамлиги ва муқтадолиги ота-боболаридан тортиб юқорида ишорат қилинғон [саййид Зоҳид]га таллуқ бўлғон. Короскон мавзеъи, Адак, Қизилработ ва Говхона экин ерлари [мазраъси] қадимдан «мол» ва «жиҳот» юзасидан дарбаст йўли билан номи зикр қилинғон [жаноб]га муқаррар бўлиб келғон. [У бизга] собиқ султонлар[нинг] ҳукмларига мувофиқ берилғон қатор нишонларни кўрсатиб, ҳукми ҳумоюн [берилиши]ни илтимос қилди. Шунга биноан ҳукм қиламизки, юқорида ишорат қилинғон [саййид Зоҳид]ни соҳиби сажжода ва у мавзеъ саййидларининг муқаддами ва муқтадоси билиб [мазкур мавзеъининг] экин ерлари [мазраъси] билан бирликда у ҳазратнинг нишони асосида дарбаст йўли билан унга муқаррар деб билсунлар ва у ҳазратнинг нишонидан нимаки ёзилғон бўлса, бунга амал қилсунлар; ва юқорида зикр қилинғон [жаноб]нинг хизматкорларидан ҳам у ҳазратга бўлган муносабат каби ҳар нарса талаб қилмасунлар; ҳар йил [ундан] янги ҳукм ва нишон талаб қилмасунлар.

Ушбу олий даражалик ҳукми ҳумоюн бориб етиши билан бунга буткул ишонч билдирсунлар. Жумодассони ойи, сана 1031<sup>54</sup>.

Бир муҳри бор.

№ 49/116

Ҳазрат хон Ғози ҳукмидан

Низомиддин Назар Муҳаммад бий<sup>55</sup> сўзум:

Бахтиёр биродарлар ва саодатёр фарзандлар, олий даражалик амирлар ва иқтидорлик вазирлар ҳамда Ахсикент вилоятининг аъёни, амин, арбоб ва кадхудолари билсунларки, сербаракат саййидларнинг риоятлари [ни қилиш] ва уларга меҳр кўзи билан қараш саодатлик подшоҳлар ҳиммати зиммасига лозим ва вожибдир. Шу вақтда саййидлар паноҳи ва саййидлар ифтихори саййид Зоҳид дуогўйлик саодатида муқаррар бўлиб, ўтмиш шарафлик султонларнинг ҳукмларини [бизга] зоҳир қилдиким, [у киши Короскон қишлоғининг соҳиби сажжода ва такянишини бўлиб, бу мавзеъи саййидларининг пешқадамлиги ва муқтадолиги юқорида ишорат қилингон саййидга ота-боболаридин тортиб тааллуқ бўлиб, Короскон мавзеъи ва Адакнинг экин ерлари [мазраъси] қадимдан «мол» ва «жиҳот» важҳидан дарбаст йўли билан юқорида зикр этилгон [жаноб]га муқаррар бўлгон. У ҳазрат собиқ султонларнинг ҳукми билан берилгон қатор нишонларни кўрсатиб, [биздан] ҳукми ҳумоюнни илтимос қилди. Бунга бинонан ҳукм бўлдики, юқорида ишорат қилингон [саййид Зоҳид] ни соҳиби сажжода, такянишин ва мазкур саййидларнинг пешқадами деб билиб, мазкур мавзеъни мазкур мазраъ билан бирликда у ҳазратнинг [қўлидаги нишони асосида] дарбаст йўли билан унга муқаррар қилингон, деб билсунлар ва у ҳазратнинг нишонларида нимаики ёзилгон бўлса, шуларга амал қилсунлар ва юқорида зикр этилгон [саййид Зоҳид]нинг хизматкорларидан ҳам у ҳазратнинг ҳукмига мувофиқ бир нима талаб қилмасунлар ва [ундан] ҳар йил яяги нишон ва ҳукм талаб қилмасунлар. Ушбу воқе бўлгон юксак ҳукми ҳумоюн [сизларга] бориб етар экан, бунга буткул ишонинг.

Сана 132<sup>56</sup>.

3 муҳр. [Муҳр]: Муҳаммад Ниёз Али парвоначи.

<sup>54</sup> Ерлиғ Абдуллахон томонидан берилганига қараганда, у 1031 (1621—22) йили эмас, балки анча илгари (1006—йилгача) берилган бўлиши керак.

<sup>55</sup> Низомиддин Назар Муҳаммад бий — Абдуллахон замонида Ахсикент ва Андижон ҳокими бўлса керак.

<sup>56</sup> Хужжатни кўчириш вақтида 132 йил қилиб нотўғри ёзилган, аслида 1032 (1622—23) йилдан илгари бўлиши керак.

Хувал ғани.

Хукми олий содир бўлдики, саййидлар паноҳи, муртазо насаблик ва саййидларнинг сараси, яъни жаноб ҳазрат саййид Зоҳиднинг — баракати зиёда бўлсун — [а р а б ч а] мулозимлариға.

Қадимий дастурға амал қилиб, [саййид Зоҳидни] тархони муттақул инон қилдук.

Олиғдорлар ва амалдорлар, девонлар, арбоб ва ҳеч бир киши ва бирор бир тирик жон ишорат қилинғон [саййид Зоҳид]ға дахл, тажовуз қилмасунлар ва [унга] зарар-заҳмат еткирмасунлар. [Уни] ўттуз икки амала<sup>57</sup> дин холи ва мустасно деб билиб, нуқсон еткизмасунлар.

Жумодилохир ойи, сана 1039.

Тўрт муҳри бор.

## № 51/120

Саййидлар паноҳи [бўлган] ва камолатни касб этган саййид Қутбиддинхўжаға. Уни мулозимлари билан биргаликда муносиб кўриб, Короскон мавзеъини [унга] дарбаст иноят қилдук. Юқорида номи зикр этилган [Қутбиддинхўжа]ға Дарбаст муқаррар ва буткул беркитилган деб билиб, ҳеч бир киши ва ҳеч кимса «танобона» ва «хирож», «тарҳ» [ва] «собоун» ҳамда барча амала ваҳҳидин [у кишига] таъарруз ва тажовуз қилмасликлари керак; [унга ҳеч қандай] зарар ва заҳмат етказмасунлар. Хусусан, султон Назар додхоҳ ва Қултбий<sup>58</sup> ва уларнинг мулозимлари мазкур мавзеъға ва номи зикр этилғон Сайид мушорунилайҳ [ва унинг] мулозимлариға асло ва қатъиян дахл қилмасунлар ва зарар етказмасунлар; ҳеч бир нарса ҳавола қилмасунлар. Кўриб ва билиб [уни] муқаррар ва абадий озод ва марфуъул қалам қилдук. [Бу] ҳукмға хилоф қилинмасун, буни аҳдланган деб билиб [ундан] бош тортмасунлар [ва] бу хусусда нуқсон кўрсатмасунлар.

Сана [?]

Олти муҳрлуқ.

<sup>57</sup> Уша замонда аҳолининг ҳамма табақаларига мажбурий бўлган 32 хил солиқ. Бу хусусда сўз бошида батафсил айтилган.

<sup>58</sup> Султон Назар додхоҳ ва Қултбийлар марказий ҳукумат томонидан Коросконга қўйилган амлақдор ва омил бўлганлар.

Айни замонда Ахсикент вилоятининг барча оқсоқоллари ва кадхудолари, аъён, ашроф ва амалдорлариға маълум бўлсунким, фазилатшиор, иззат-икромнинг натижаси; улуғлар қолдиғи [бўлган] жаноб саййид Шарафиддин қадим замонлардан бери, ота-боболаридин тортиб, Короскон мавзеъи зодагонларининг пешқадами ва муқтадоси ҳамда нурға тўлиб тошган [ҳазрат Султон саййид авлиё] — қабри мунаввар бўлсун—мазорининг мутаваллиси ва [у мазорнинг] назрларини олувчиси [мутасаррифи] бўлиб келганлар. Собиқ подшоҳларнинг нишонлари [ҳам] бу маънини ифодалайди. Биз ҳам қадимий дастурға амал қилиб, ўзимизнинг амирона мурувватимиз ва подшоҳона илтифотимизни юқорида зикр қилинган [саййид Шарафиддин]ға муносиб кўриб, ҳукм қиламизки, оталарининг сажжодасида, шайхлик мақомида ва мутаваллиликда қадимий дастур билан ўтириб, мазкур мазорнинг назрлари ва садақаларини олиб, [мазорни] юксак даражаға кўтарсунлар. Султонлик ишлари соҳиби дахллари ва бошқа мазкур мавзеъдаги хўжа ва фуқароларнинг бирортаси юқорида [номи] зикр қилинган саййидга дахл ва тажовуз қилмасликлари ва [унга] зарар-заҳмат етказмасликлари зарур. Шу асосда муқаррар ҳисоблаб, [бу амрга] хилоф қилмасунлар ва бундан бош тортмасунлар.

Сана [?].

Бир муҳрлуқ.

## № 53/119

Абулфатҳ Иноқ Муҳаммад баҳодир султон<sup>59</sup> сўзумиз:

Бахтиёр биродарлар, саодатёр фарзандлар, олий даражалик амирлар ва иқтидорлик вазирлар ҳамда Ахсикент вилоятининг аъёнлари, арбоб ва девонлариға очиқ-ошкоро [маълум] қилинадики, сербаракат саййидларнинг риоятлари [ни қилиш] ва уларға меҳр кўзи билан қарашлик соҳиби саодат подшоҳларнинг ҳиммати зиммасиға вожибдир. Шу вақтда саййидлар паноҳи, саййидлар ифтиҳори саййид Фазлуллоҳўжа дуогўйлик саодати билан иззат топиб шарафлик султонлар ҳукмларини [бизга] зоҳир қилдиким, [у киши] Короскон қишлоғининг соҳиби сажжода ва такянишини билиб, бу мавзеъ саййидларининг пешқадамлиги ва муқтадолиги юқорида ишорат қилинган [саййид Фазлуллоҳўжа]ға ота-боболаридин тортиб тааллуқ бўлиб, Короскон мавзеъи, Адак, Қизилрабат мазраъси, Говхона мазраъси ва мазкур мавзеъларнинг қо-

<sup>59</sup> Абулфатҳ Иноқ Муҳаммад баҳодир султон — ўша даврда Ахсикент вилоятининг ҳокими бўлган.



зилиги қадимдан дарбаст йўли билан зикр этилган [жаноб] га муқаррар бўлган.

Биз ҳам собиқ дастур билан ишорат қилинган [жаноб]га [ул мавзеъларни] дарбаст [билиб] шафқат қилдук. [Дарбастни] юқорида [номи] зикр этилган [жаноб]га муқаррар ва эътирозсиз билиб, қози [саййид Фазлуллохўжани] соҳибни сажжода ва мазкур мавзеъларнинг саййидлари ва одамларининг пешқадами деб билиб, ҳеч бир киши [унга] моне бўлмаслиги ва ранжитмаслиги лозим ва [уни] ўттуз икки амаладан холи ва мустасно билсунлар ва ҳеч киши [унинг мулкига] даҳл қилмасун, ҳар йил парвоначидан янги нишон талаб қилмасунлар. Ушбу воқе бўлган ҳукми ҳумоюнга буткул ишонсунлар; буни аҳд қилинган деб билиб, ундан чиқмасунлар.

Сана 97<sup>60</sup>.

Уч муҳри бор.

## № 54/96

Муҳаммадёр султон сўзум<sup>61</sup>:

Айни замонда Ахсикент вилояти қаламравининг ҳокимлари ва омиллари, арбоб ва аминлари раъият ва умумий халқ [бароё] билсунларки, ўзимизнинг подшоҳона марҳаматимиз ва хусравона лутфларимизни муҳаббат қозонгон камолидин саййид Фазлуллохўжага муносиб кўруб, Адак ва Қизилработ мавзеъларини қадимий дастур билан [унга] дарбаст [қилиб] шафқат қилдук.

Мазкур мавзеъларни юқорида ишорат қилинган [саййид Фазлуллохўжа]га муқаррар ва буткил беркитилган билиб, бирор бир киши [унга] даҳл қилмасун ва [уни] ранжитмасун ва [мулкига] тажовуз қилмасун. Ва Короскон мавзеъининг саййидлар<sup>62</sup> жамоъаси номи зикр этилган саййиднинг амри-фармонларидан чиқмасунлар ва сажжоданишинлик ва муқтадоликни юқорида ишорат қилингон саййид [Фазлуллохўжа]га махсус билсунлар. Ҳеч ким, бирор тирик жон [унинг мулкига] даҳл қилмасун, ҳар йили янги нишон талаб қилмасунлар; буни аҳд қилингон деб билиб, нуқсон кўрсатмасунлар.

Сана [?].

Беш муҳри бордур.

<sup>60</sup> Хужжатнинг берилган йили 97 эмас, балки 970 (1562—63) йилдир.

<sup>61</sup> Муҳаммадёр султон — Севинч Муҳаммад султоннинг ўғли. Абдул-азизхон вафотидан сўнг 957 (1550) йили Бухорода ҳоким бўлган (Қаранг: «Тарихи Шайбоний», 746-варақ, «Тарихи Муҳий», ЎзССР ФА ШИ қўлёмаси, инв. № 604, 136-варақ).

<sup>62</sup> Хужжатда «шоҳ» ёзилиб қолган. Бу кўчирувчининг хатоси бўлиб, аслида «шоҳ» эмас, «саййид» ёзилган бўлиши керак. Биз «саййид» ёздик.

Айни замонда Ахсикент вилоятининг барча ҳокимлари ва омиллари, арбоб ва калонтарлари ҳамда мубоширлари — оллоҳ улар ишларининг натижасини яхшиласун — воқиф ва огоҳ бўлуб билсунларким, сербаракат саййидларнинг риоятларини ифтихори [бўлмиш] саййид Фазлулло, ҳумоюн ҳазрат- [Имомқулихон]га арз қилдики, Қизилработ ва Адак мавзеъи ҳазрат Султон саййид авлиёнинг — [унинг] ҳидоят қилувчи қабри [ҳамиша] мунаввар бўлсун — вақфи бизнинг оталаримизга тааллуқ эди [деб]. Бу маънида [бизга] қадим султонларнинг нишонини кўрсатиб, марҳаматнома [беришимизни] илтимос қилди. Бунга биноан ўзимизнинг хусравона лутфимизни юқорида ишорат қилинган саййидга муносиб кўриб, мазкур мавзеъни оталари дастури билан девоннинг барча тақлифларидан марфуъул қалам қилиб, шафқат қилдук. Шундан сўнг, мазкур мавзеъларни юқорида ишорат қилинган [саййид Фазлулло]нинг дарбасти деб билиб, [ундан] бир дон [дон] ва [бир чўп] сомон талаб ва тама қилмасунлар; ҳар йили қайтадан янги нишон истамасунлар бунга ишонч билдириб, буйруқдан бош тортмасунлар.

Шаъбон [ойи]да ёзулди, сана [?] <sup>63</sup>.

## № 56/97

Низомиддин Оталиқ баҳодир султон <sup>64</sup> сўзум:

Ахсикент вилояти қаламравининг азиз ҳокимлари ва олий низом амирлари ва ҳар бир ишни ўрнига қўювчи иш биларман вазирлар, ақобир ва ашроф, амин ва арбоб, девон ва раъиятлари очиқ ва равшан билсунларки, [Ахсикент вилояти] қадимдан саййидлар паноҳи Камолиддин ҳазрат саййид Фазлуллоҳўжа [га] дарбаст қилинган экан; тархон ва марфуъул қалам бўлиб келган. [Бу тўғрида унинг] қўлида шарафли султонларнинг расмий варақалари бор. [Шунга биноан] биз ҳам иноят қилдук. [Бу вилоятни унга] дарбаст деб билиб олиғдорлар ва амалдорлар «харж», «ихрожат», «оянда ва раванда», «муҳрик», «мардикор» деб бир киши ва тирик жон

<sup>63</sup> Саййид Фазлулло номига Оталиқ ва беклар томонидан 1010 (1601—1602) йилда, Баҳром султон томонидан эса ҳужжат 1053 йилда (1643—44) берилган. Шунга асосан, саййид Фазлуллога берилган ҳужжатлар 1601—1644 йилларга оид бўлиши керак, чунки айрим ҳужжатларда ҳам 1014—1025 (1605—1616) йил кўрсатилган.

<sup>64</sup> Оталиқ баҳодир — ўша даврда Ахсикент ҳокими бўлса керак.

юқорида ишорат қилинган [сайид Фазлуллохўжа]га монет-лик қилмасликлари ва [уни] ранжитмасликлари керак, [яна] «нақибона» ва «садрона» деб [унинг мулкига] дахл қилмасунлар ва бу хусусда [унга] нуқсон етказмасунлар.

Сана [?].

Икки муҳрлуқ.

## № 57/79

Ҳазрати хон [ҳукмидин] Низомиддин оталиқлар ва девонбеклар сўзумиз.<sup>65</sup>

Айни замонда Ахсикент вилояти қаламравининг азиз ҳокимлари ва ҳар бир ишни ўрнига қўювчи ишбиларман ва зирлар, арбоб ва девон ҳамда раъиятларига — оллоҳ уларнинг аҳволини яхшиласун — очиқ ва равшан билсунларки, Короскон мавзеъининг дарбастялигини, солиҳлар сараси ва яхшилар хулосаси азиз ва улуғ шайхлар натижаси [бўлган] Қамолиддин сайид Фазлуллохўжага иноят қилдук.

Мазкур мавзеъни юқорида ишорат қилинган [жаноб]га муқаррар ва дарбасти буткул беркитилган деб билиб, унинг «дахл ду» ва «ёбусини» қадимий дастур билан номи зикр этилган [жанобнинг ўзи]га қолдириб, унинг иззат ва икромини жойига қўйишлари лозим. Буни аҳд қилинган деб билиб, бу хусусда нуқсон кўрсатмасунлар.

Жумодассони ойида, сана 1010.

Ўнта муҳр бор.

## № 58/110

Биродарлар ва омиллар, мубошир ва султонлик ишларининг соҳиби дахллари воқиф ва огоҳ бўлиб билинларки, Короскон кенти дарбаст тариқаси билан жаноб сайид Фазлуллоға иноят қилинган.

Бундан сўнг мазкур асосга мувофиқ [унинг мулкига] дахл қилинмасун. [Султонлар томонидан берилган] қадимий ҳужжат [унинг] қўлларидадир. Бунга аҳд этилганлигини лозим билиб, [ҳеч ким] уни ўзгартирмасунлар.

Сана 125<sup>66</sup>.

6 муҳрлуқ.

<sup>65</sup> Султон Абулмуҳаммад баҳодир бўлса керак. Ҳужжатда ўнта муҳрнинг бўлишидан унинг ўн нафар оталиқ ва девонбеклар томонидан берилганлиги кўриниб турибди.

<sup>66</sup> Сана 125 эмас, балки 1025 (1616) бўлса керак.

Ҳазрат хон<sup>67</sup> ёрлиғидин.

Низомиддин Кутлуқ Муҳаммад оталиқ сўзум:

Айни замонда Говхона мавзеъини саййид Фазлуллоға берганмиз. Биз бошқа кишини [ҳақдор деб] танимаймиз. Ҳар кимки [буни] истаса ва [бу ер] менға берилсун деса ва агар ҳар кимни [бу хусусда] гапи бўлса, бирга келиб, ким эканлигини [бизга] билдирсун ва шундагина шерик бўлади ва шерик бўлмаса, [ерни] эгасиға [қайтариб] берамиз. Буни аҳд қилинган деб билиб, бу бобда нуқсон еткизмасунлар.

Сана 116<sup>68</sup>.

Бир муҳрлуқ.

## № 60/112

Олий ҳукм содир бўлдики, Говхона мавзеъи ва Короскон мавзеъини саййидлар паноҳи саййид Фазлуллоға дарбаст тариқасида шафқат қилдук.

Мазкур мавзеъларни юқорида ишорат қилинғон саййидға муқаррар ва буткул берилган билиб, бирор киши ва бирор тирик жон [унга] қаршилиқ қилмасунлар ва заҳмат етказмаслиги лозим ва [ҳеч ким] саййид Фазлуллоға даҳл қилмасунлар; буни аҳдланган билиб, бу бобда нуқсонға йўл қўймасунлар.

Зилҳижжа ойи, сана 114<sup>69</sup>.

Бир муҳри бор.

## № 61/36

Ҳувал ғани.

Абулхайр Абдулла баҳодир султон сўзумиз<sup>70</sup>.

Айни замонда саййидлар паноҳи жаноб саййид Фазлуллоҳўжа иноят ва илтифотдин сарафроз бўлиб билсунларким, у жанобнинг давлатхоҳлиги ва [бу йўлда] жонини ҳам аямаслиги куёшдан ҳам порлоқ равшан кўнглимизға маълум бўлди.

Боракалло, раҳмат сизға! Зодагонлардан умид шудур. Шундай иш қилинғки, мустаҳкам ва мард бўлиб давлатхоҳ-

<sup>67</sup> Ҳазрат хон — султон Абулмуҳаммад бўлса керак.

<sup>68</sup> Сана 116 эмас (бу кўчирувчининг хатоси бўлса керак), балки 1016 (1607—1608) бўлиши керак.

<sup>69</sup> Сана 114 эмас, бу кўчирувчининг хатоси бўлиб, ҳақиқатда эса 1016 (1607—1608) бўлиши керак.

<sup>70</sup> Абулхайр Абдулла баҳодир султон — Абдуллахон II.

ликни қўлдин берманг! Агар парвардигор бизга нимаики берса, у аввал жанобингизга тааллуқлидур, деб бегоят иноят қилдук.

Сана [?] <sup>71</sup>.

3 муҳрлуқ.

№ 62/33

Хувал гани.

Абулфатҳ Муҳаммад Қосим баҳодир султон сўзумиз <sup>72</sup>.

Фазилатпарвар биродарлар ва адолат тарқатувчи музаффарлар ва қилмиши яхшилиқ [дан иборат бўлган] амирлар ва иқтидорлик вазирлар, Ахсикент қаламравининг ҳокимлари ва омиллари, аъён ва арбоб, девон ва раъиятларига очиқ ва равшан бўлсунки, сербаракат саййидларнинг риоялари ва уларга меҳр кўзи билан қарашлик саодатлик подшоҳлар ҳиммати зиммасига лозимдир. Шу вақтда саййидлар паноҳи ва саййидлар ифтиҳори [бўлган] саййид Фазлуллохўжа дуоғўйлик саодатида азиз бўлиб, шарафлик султонлар ҳукмларини [бизга] кўрсатдики, Короскон мавзеъининг соҳиби сажжодалиги ва такянишинлиги ва бу мавзеъининг пешқадамлиги ва муқтадолиги юқорида ишорат қилинган [жаноб]га отабоболаридан тортиб тааллуқ топган [экан]. Короскон мавзеъи, Адак ва Говхона мазраълари ҳамда мазкур мавзеъларнинг қозилиги [ҳам] қадимдан «мол» ва «жиҳот» важҳидан дарбаст йўли билан юқорида зикр этилган [жаноб]га муқаррар ва буткул берилган. [Ул жаноб] собиқ султонларнинг ҳукми билан берилган қатор нишонларни кўрсатиб, [биздан] ҳукми ҳумоюнни илтимос қилдилар. Шунга биноан ҳукм қилиндики, юқорида ишорат қилинган [саййид] Фазлуллохўжа]ни соҳиби сажжода ва саййидларнинг пешқадами ва муқтадоси деб билиб, мазкур мавзеъларни мазкур мазраълари билан бирликда, нишон асосида, мазкур номи зикр этилган [жаноб]нинг дарбастидеб билсунлар. Олуғдорлар ва амалдорлар [уни] «харж» ва «харожот», «қалъа» ва «қароқуноқ», «оянда ва раванда», [хуллас] ўттиз икки амаладан холи ва мустасно билиб, [уни] бирор бир одам, бирор бир тирик жон ранжитмасун; ҳар йил парвоначидан янги ва қайтадан нишон талаб қилмасунлар. Буни аҳд қилинган деб билиб, бу хусусда нуқсон кўрсатмасунлар.

4 муҳрлуқ.

<sup>71</sup> Абдуллахон томонидан берилган ҳужжат бўлгани сабабли уни 1557—1597 йилларга тааллуқли деб тахмин қиламиз.

<sup>72</sup> Абулфатҳ Муҳаммад Қосим баҳодир султон — Муҳаммад Қосим Тангриёр ўғли [Қўқон бекларидан]; Қўқонда 1644 йили ҳукмрон бўлган [Қаранг: «Тарихи Муҳий», 136-варақ].

Короскон мавзеъи, Говхона ва Адакнинг экин майдонлари етуклик кишилар паноҳи [бўлган] марҳум шаҳзода . . . . [?] саййид Фазлуллохўжага тааллуқ топиб, ҳозир юқорида ишорат қилинган [жаноб]га ўтган экан. Собиқ султонларнинг ҳукмлари бу сўзнинг гувоҳидир. Биз ҳам ўша дастур билан июнат қиламизки, мазкур мавзеъларни юқорида ишорат қилинган эшон [саййид Фазлулло]га махсус ва буткил беркитилган [деб] билдук. [Шу сабабдан], ҳеч бир тирик жон [уни] раъжитмасун ва унинг дарбасти ҳисоблаб, Ахсикент вилоятининг ҳокимлари ва омиллар, девонлари, арбоб ва калонтарлари ҳамда кадхудоларидин ҳеч бири «муқаррарий» ва «харж», «мол ва ғаллот» ҳамда «олиғот»ни таклиф ва даҳл қилмасунлар ва қадимий [дастур]дан чиқмасунлар; бу ҳукмга хилоф қилмасунлар.

Сана 1053.

5 муҳрлуқ, ўқуб бўлмас.

## № 64/75

Абулғози Баҳром султон баҳодир сўзумиз:

Ахсикент вилоятининг улуғ саййидлари, азиз, шайхлари. Ислон қозилари ва ҳурматга сазовор ҳокимлар ва асллар, аъён ва арбоби, калонтарлари ва кадхудолари билсунларки, Садайнархиёндан тортиб то Қороскон мавзеъи, Қизилрабоб, Говхона ва Адак экин майдонлари қадимдин олий жаноб, саййидлар, паноҳи, саодатлик саййид Фазлуллога тааллуқ бўлган. Бу маънининг исботи учун [у] улуғ хоқонларнинг расмий варақларини [бизга] зоҳир қилди. Биз ҳам ўша дастур билан [ўша ерларни унга] марҳамат қилдук. Мазкур мавзеъ ва мазкур мазраъларнинг кадхудо ва корондалари [ўша ерларни] дарбаст йўли билан юқорида ишорат қилинган [жаноб]га муқаррар билиб, ўзларининг «муқаррарий», «мол ва хирож», «олиғот» ва амаллари юзасидан қарор бўлганга жавоб қилишлари лозим. Ҳеч бир нарсани яшириб ва беркитиб қолмасунлар ва ҳеч бир тирик жон исми ва расми билан [ундан] бир нарса ҳавола ва талаб қилмасунлар ва буйруқдан чиқмасунлар; [унга] зарар ва заҳмат еткизмасунлар; қадимий [дастур] дан чиқмасунлар: ҳукмга хилоф қилмасунлар.

Сана 1053.

Тўрт муҳри бор.

Дуогўйи ва давлатхоҳий жаноби эшон саййид Лутфуллоға.

Мавзеъи Короскон, Говхона ва Қизилработни [сизга] суюрғол қилдук. Эмди ҳукм [ни] кўргач, [уни] муқаррар билиб, қорандалар [унинг] «мол» ва «ғаллотини» қарори воқе бирла жавоб берсунлар. Олиғдор ва амалдор батариқи ниёз билиб, [уни] ўтгуз икки амаладин сиво ва мустасно қилиб, [унинг мулкига] дахл этмасунлар ва заҳмат еткурмасунлар, деб муҳрлуқ нишон кўргуздум.

Сана 1038.

Муҳри бирта.

## № 66/67

Ҳоқонул аъзам Абдуллахон.

Ҳазрат хоқони аъзам амридин Муборизиддин Муҳаммад. Боқибий<sup>73</sup> сўзум:

Ахсикент вилоятининг улуғ саййидлари, муҳтарам шайхлари, маволийлари, аҳолиси, соҳиби эҳтиром садрлари, асл- [зода]лари, аъён, арбоб, калонтарлари ва кадхудолари билсунларки, сербаракат саййидларнинг риояси ва уларға меҳр кўзи билан қараш барча умматға вожиб ва лозим[дир]. Бинобарин [биз ҳам], асосан, фикр-зикримизни у кишининг ҳурматиға қаратиб ва шунға сарф этиб, мағфиратмакон саййид Фузайлхўжа[нинг] қўлидаги нишонлари мазмуниға кўра, Говхона ва Адак мазраълари қадим замондан бери [унга] суюрғол бўлиб, у кишиға қарашли бўлгон экан. Биз ҳам қадимий расмға асосан [унга] шафқат қилдук. Бу мазмундан хабар топиб, [барча] мазкур нишон мазмунидан чиқмасликлари ва [ундан] бирор бир нарса ҳавола ва талаб қилмасликлари ва [бу] ҳукмға қарши иш юритмасликлари лозим.

Сана 1043<sup>74</sup>.

Бир муҳрлуқ.

## № 67/93

Абузафар султон Абу Саъид баҳодир<sup>75</sup> сўзумиз:

Қадимдан Короскон мавзеъи ўтмиш хоқонларнинг расмий варақалариға асосан ота-боболаридин тортиб саййидлар па-

<sup>73</sup> Муҳаммад Боқибий — ўша йиллари Ахсикент ҳоқими бўлса керак.

<sup>74</sup> Ҳужжат Абдуллахон номидан берилгани учун, уни 1043 йилга эмас, балки 1003 (1594—95) йилга оид дейиш мумкин.

<sup>75</sup> Абузафар султон Абу Саъид баҳодир — Кучкунчи султоннинг ўғли 937—940 (1530—31—1533—34) йиллари Самарқандда ҳукмронлик қилган. Бу ҳужжат 937—940 йиллар орасида берилган.

ноҳи, маърифат дастгоҳ, фазилат шиор камоли балоғатлик жаноб саййид Фатҳуллохўжага тааллуқ бўлгон экан; биз ҳам мазкур мавзеъларни юқорида ишорат қилингон [саййид Фатҳуллохўжа] жанобларига оталарининг дастури билан шафқат қилдук. Мазкур мавзеъни ишорат қилингон [саййид Фатҳуллохўжа]га дарбаст билиб, ҳеч бир киши балки, ҳеч бир тирик жон ҳеч бир важҳдан [унга] заҳмат етказмасликлари керак. Ҳар нарсаки у кишига тааллуқ экан [бу хусусда] бўлган қарорни пинҳон этмай, ростлик [ва] қадимий дастур билан жавоб айтсунлар ва [шунингдек], Говхонадан икки сув ҳам қадимдан у кишиники бўлгон. У [сув]ни ҳам у кишига муқаррар ва буткул берилган деб билиб, зўрлик билан [ўзининг] моли-мулки қилиб олган, деб билмасунлар; ҳар йил [ундан] янги ҳукм ва нишон талаб қилмасунлар.

Сана [?].

Бир муҳрлуқ. (123-бетда фотонусхаси берилган).

### № 68/28

Низомулмулк Муҳаммад Назар амир<sup>76</sup> сўзум:

Айни замонда Ахсикент кадхудолари билсунларки, Говхонанинг ярмини саййид Афзалхўжа ва саййид Фатҳуллохўжаларга шафқат қилдук. Бу [фармондан] хабардор бўлгонлар қадимий дастурга амал қилиб, ҳеч бир одам ва тирик жон монъелик кўрсатиб [уни] ранжитмасун; бу хусусда ҳукмга ҳилоф қилмасунлар, буни аҳд қилингон деб билиб, нуқсонга йўл қўймасунлар.

Сана [?].

Икки муҳри бор<sup>77</sup>.

### № 69/94

Хувал ғани.

Абулфатҳ Имомқули Муҳаммад баҳодир султон<sup>78</sup> сўзум: Ахсикент вилоятининг улуғ саййидлари ва ислом қозилари, азиз машоихлар ва ҳурматлик вазирлар, усул ва аъён, арбоб ва калонтарлари, хусусан, Садаиархиённинг кадху-

<sup>76</sup> Низомулмулк Муҳаммад Назар амир — ўша вақтда Ахсикент ҳокими бўлиши керак.

<sup>77</sup> Саййид Фатҳулло ва саййид Афзалхўжалар саййид Фазлуллохўжанинг иниларидир. Имомқулихон саййид Фазлуллохўжага бир ёрлик (№ 14) берганлиги маълум. Шунга кўра, бу ҳужжат 1604—1644 йиллар ичида берилганлиги тахмин қилинади.

<sup>78</sup> Абулфатҳ Имомқули Муҳаммад баҳодир султон — Ермаҳаммадхоннинг ўғли. 1015—1053 (1604—5—1643—4) йилларда Бухорода ҳукмрон бўлган. 1057 ҳижрий йили Маккада вафот этган.



الوالمسلمان كسويكها اسوا

سوره

بوان از شيعه الرابع موضع اوله ان بوجوب بند اوله

ابا محمد كبا سياتي... و غنيمت نسو رجا فت و تا رتيد فتح الهه فوا به تسن و

عائده اهنه مندونه... و ايله بدستو بدتت شفقت فوج منيد و موضع مندو رادو

بهر اهدا... از چو من اوجه م اتم... و اجد تعلق برك دارو از ارا

پنهان... و اب از فوا... و ايله بدتت شفقت فوج منيد و



долари ва у ерда турувчилар билсунларки, Короскон, Говхона ва Адак мазраъси қадим замондан бери, ота-боболаридан тортиб, саёдатлик ва муртазавий насаблик жаноб Қамолиддин саййид Фатҳулло Охундга тааллуқ бўлиб келган. Қўл-ларида бу маънидан далолат берувчи собиқ султонларнинг расмий варақалари бор. Шунга биноан, биз ҳам қадимий дарбаст дастури билан мазкур мавзеъларни юқорида ишорат қилинган [саййид Фатҳулло Охунд]га шафқат қилдук.

Мазкур мавзеъларнинг кадхудолари у [ер]нинг «муқаррарий», «харж» ва «харожат», «мол ва ғаллот»ларини [олмай], шу ҳақда воқе бўлган қарорни яширмай [унга] жавоб айтишлари керак. Олиғдор ва амалдор, ҳеч ким, балки ҳеч бир тирик жон [унинг] мулкига даҳл ва тажовуз қилмасун.

Сана [?].

Бир муҳрлуқ. (125-бетда фотонусхаси берилган).

## № 70/40

Хувал ғани.

Абулғози Муҳаммадёр баходир султон сўзумиз:


Фазилатпарвар биродарлар, адолат тарқатувчи ғолиблар ва иқтидорлик вазирлар, Ахсикент вилоятининг ҳокимлари ва амалдорлари, иқтидорлик аъён ва арбобларга — оллоҳ уларнинг аҳволини яхшиласун — очиқ ва равшан бўлсунким, сербаракат [саййидларнинг] риоялари ва уларга меҳр кўзи билан қарашлик саодатлик подшоҳлар ҳиммати зиммасига лозим ва вожибдир. Шу вақтда саййидлар паноҳи ва саййидлар ифтихори [бўлган] саййид Қамолиддин дуоғўйлик саода-тида мақбул бўлиб, ўтмиш султонларнинг ва кетма-кет ҳукм сурган ҳоқонларнинг ҳукмларини [бизга] зоҳир қилдиким, [у] Коросконнинг соҳиби сажжода ва тақянишини бўлиб, бу мавзеънинг пешқадамлиги ва муқтадолиги юқорида ишорат қилинган [жанобга] ота-боболаридан тортиб тааллуқ топган ва Адак, Қизилработ ва Говхона мазраълари қадимдан «мол» ва «жихот» важҳидан дарбаст йўли билан юқорида зикр этилган [жаноб]га муқаррар бўлган. [У] собиқ марҳум, мағфур султонларнинг ҳукми билан берилган қатор нишонларни кўрсатиб, имзо қилишликни илтимос қилдилар. Шунга биноан, биз ҳам ҳукм қилдикки, юқорида ишорат қилинган [саййид Қамолиддин]ни соҳиби сажжода ва мазкур мавзеълар саййидларининг пешқадами ва муқтадоси деб билиб, мазкур мавзеъларни мазкур мазраълари билан биргаликда нишон асосида дарбаст расми билан унга муқаррар қилинган деб билсунлар ва [уни] олиғдор ва амалдорлар «харж» ва «ихро-жот», «қалъа» ва «қароқўноқ», «хоначини», «уйина» ва барча

سیرالبحر  
مقطع الیہ

دیوان کراچی

نور اللغات

چغت سید و تاج شریف فیض علی بیگ  
صفا و دیار و دود و وہاں مال و غنمی  
سیح از دیدہ بولار شیکتہ نور بولان  
عقدار صاحب کعبہ کبیرہ و تاج شریف  
دیوان کراچی



юртнинг жамаргаларидан холи ва мустасно билиб, бирор одам ва бирор тирик жон қаршилиқ қилмаслиги ва ранжитмаслиги лозим; ҳар йил парвоначидан янги нишон талаб қилмасунлар. Буни аҳд қилинган билиб, хилоф қилмасунлар ва бундан бош тортмасунлар.

Сана 1080.

Олти муҳри бордур.

### № 71/29

Низомиддин Муҳаммад Эрдонбийхон<sup>79</sup> сўзум:

Айни замонда улуғ саййидлар ва ҳурматлик уламолар, иззат-икромлик шайхлар ва замон фақиҳлари, хусусан, Короскон мавзеъи фуқаролари огоҳ ва воқиф бўлиб билсунларки, «қутбул автоб» ва олий насаб, саййид нишонлик хўжа Муҳаммад Рофехўжа ота-боболаридан тортиб ҳазрат Султон саййид авлиёнинг файзлик, нурға тўлиб-тошган, порлоқ мазориға мутавалли ва сажжоданишин бўлиб, ҳамда оллоҳнинг лутфи билан келган назр-нузурларини тасарруф қилиб, халқнинг энг яхшиси, иззат-икромға мансуб ота-боболарининг йўлларини тутиб, бузрукларнинг порлоқ чироқларини равшан қилиб келганларки, бошқа ҳеч ким [бу хусусда уларга] аралашмағон. Шунға биноан, ўзимизнинг амирона марҳаматимизни мазкур ҳазрат эшоннинг қилмиши хайрлик [бўлган] аҳволларига муносиб кўриб, собиқ дастурға биноан, [уни] янгидан мутаваллилик ва сажжоданишинликни у киши зиммасига юклаб, улуғ оталарининг фаришталар ошени [бўлган] пойностовасида муқим ва мустақим бўлиб, бузрукларнинг тутган йўлларини тутсунлар деб, айтдик. Бирорта тирик жон [унга] зарар, заҳмат етказмаслиги, туҳмат, тортишувға [йўл] қўймаслиги, ҳукмға хилоф қилмаслиги лозим. Буни аҳдланган деб билиб, ундан чиқмасунлар.

Сана 1060 [1650].

3 муҳрлуқ.

### № 72/15

Ҳазрат хон ҳукмидан.

Муборизиддин Ирисқулибек<sup>80</sup> сўзум:

Айни замонда амирлар ва вазирлар, аҳоли, акобир, ота-

<sup>79</sup> Низомиддин Муҳаммад Эрдонбийхон — Абдураҳмонбекнинг ўғли. (Қаранг: «Тарихи Шоҳрухий», инв. № 1787, 44а-варақ).

<sup>80</sup> Муборизиддин Ирисқулибек — Қўқон хони Олимхон (1799—1810)-нинг саркардаларидан бири. Бу ҳужжат Олимхон ўлдирилган кунлари унинг номидан берилган бўлиши керак. (Қаранг: «Тарихи Шоҳрухий», 1486—1496-варақлар).

лиқ, девонбеги, навкарлар, Наманган вилояти ва унга тобе бўлгон ерларнинг фуқаролари хабардор бўлиб билсунларки, Абдуссонеяхўжа<sup>81</sup> покнасаблик саййидлардан бўлиб, қадимдан бери Адак, занги Короскон<sup>82</sup> ва Говхона [мавзеъи] ерларини тасарруф қилиб келган [и учун] валенеъматлар ва амирлар [уни] ўтмиш султонлар[нинг] расмий варақалариға асосан [солиқлардан] ўчирганлар. Биз ҳам ўзимизнинг амирона иноятимизни ишорат қилингон [Абдуссонеяхўжа] хусусида лойиқ кўриб буюрамизки, аминлар ва подшоҳлик ишлари билан шуғулланувчи соҳиб дахллар, девонбегилар ва олиғдорлар ҳеч важҳдан [унга] дахл қилмасунлар, [чунки уни] ҳукм остиға оламиз. Яхши мулоҳаза қилишлари лозимки, у киши [лайғамбар] авлодидир.

Сана [?].

1 муҳрлуқ.

Ҳазрат хон ҳукмидин.

Муборизиддин Муҳаммад парвоначи<sup>83</sup> сўзум:

Айни замонда Ахсикент вилоятининг барча оқсоқоллариға ва кадхудолариға, катта ва кичик [асоғир]лариға, аҳоли ва волилариға, аъён, ашроф ва амалдорлариға маълум бўлсунки, фазилатшиор жаноб саййид Абдуссонеяхўжа қадимдан, ота-боболаридан тортиб, зодагонларнинг пешқадами ва муқтадоси бўлиб келган. Чунончи, собиқ подшоҳлар ва содиқ султонларнинг нишонлари бу маъниға гувоҳлик бериб, айтиб турибди. Биз ҳам собиқ дастурға амал қилиб, ўзимизнинг амирона муруватимизни юқорида [номи] зикр қилингон [Абдуссонеяхўжа] хусусида лойиқ ва муносиб кўриб ҳукм қиламизки, [у киши ҳам] ўзларининг ота-боболари сажжодасида ва бузрукларни муқтадолик маснадида ўлтирсунлар. У кишининг ижозатидан ташқари бирор киши [унинг мулкига] қўл чўзмасун. Ва Говхона ва занг [и Короскон], Адак ерлари у кишининг оталаридан қолгон меросдур. У киши [нинг] хотирлариға ташвиш етказиш мақсадида бирор киши [ўз майлича] ҳукм юритмасун ва дахл қилмасун, токи, [ул жаноб] давлати иқболимизнинг зиёдалиги дуоси билан машгул бўлсунлар.

Сана [?].

Бир муҳрлуқ.

<sup>81</sup> Абдуссонеяхўжа — Султон саййид авлодларидан, «марфуъул қалам» бўлганлардан бири.

<sup>82</sup> Занги Короскон — сув бўлмаганидан экилмай ётган ерларни «занг» деб айтилади. Короскон ерлари ўша вақтда сувсизликдан шундай аталган.

<sup>83</sup> Муҳаммад парвоначи ўша даврда Ахсикент вилоятининг ҳокими бўлса керак. Хужжат Олимхон номидан берилган бўлиши мумкин.

Низомиддия Муҳаммад Сулаймон султон<sup>84</sup> сўзумиз:

Айни замонда Ғазнов мавзеъи<sup>85</sup>, Наманган вилоятининг аҳоли ва амалдорлари, ақобир ва ашрофлари, оқсоқоллари ва кадхудолари, [унда] турувчи ва яшовчи барча халқлар воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, қадимдан Короскон қишлоғидаги саййидларнинг риоялари вожиб бўлуб келган ва [улар] юртнинг барча таклифотларидан озод ва марфуъул қалам эканлар. Биз ҳам қадимий дастурга амал қилиб буюрамизки, мазкур саййидларни барча таклифотдан холи ва мустасно билиб, ҳокимлар, амалдор ва соҳиби дахллардан ҳеч бир киши ҳеч бир важҳ билан [уларга] дахлдор бўлмасунлар, дирҳам ва динор сўрамасунлар ва талаб қилмасунлар. Хусусан, аслзода эшон Абдуссонейхўжага ҳеч важҳ билан дахлдор бўлмасунлар, [ундан] ҳеч нарса талаб ва тама қилмасунлар. Бунга эътибор қилиб, буйруқдан чиқмасунлар.

Сана 1172.

Бир муҳри бор.

## № 75/25

Номдор биродарлар ва саодатёр фарзандлар, Ахсикент вилоятининг амин ва арбоб, кадхудолари ва калонтарлари султонлик ишининг мутакафиллари, аҳоли ва маволилари — оллоқ уларнинг аҳволини яхшиласун — билсунларки, қадимдан Адак мазраъси [барчани] тўғри йўлга йўлловчи ва ҳақиқатни англатувчи, руҳоний илмлар манбаъи, Субхоннинг ҳамма файзини мажмаъи, саййидлар афзали жаноб саййид Абдуссонейхўжага тааллуқ топган бўлиб, [бизга] ўтмиш подшоҳларнинг нишонларини кўрсатиб, [уни] имзо қилишни илтимос қилдилар<sup>86</sup>. Шунга биноан, ўзимизнинг шоҳона иноятимизни юқорида ишорат қилинган [Абдуссонейхўжа] хусусида муносиб кўрдук. Ҳеч киши [унинг мулкига] дахлдор бўлмасун.

Сана 1201 да ёзулди.

1 муҳрлуқ.

<sup>84</sup> Низомиддин Муҳаммад Сулаймон султон — Шоҳруххоннинг набираси, Шодибек султоннинг ўғли. 1172 (1758—59) йили тахтга ўлтириб, фатҳ олти ой хон бўлган. (Қаранг: «Тарихи Шоҳрухий», 476-варақ).

<sup>85</sup> Ғазнов мавзеъи ҳозирда ҳам Ғазний (юқори ва қуйи) деб аталади. Ҳозирги Наманган районининг Зарбдор қишлоқ советига қарашли Искобод қишлоғидадир.

<sup>86</sup> Норбўтахон бўлиши керак, чунки унинг ҳукмронлиги 1763—1798 йил гачадир. (Қаранг: И. Одилов биографияси, ЎзССР ФА ШИ кўлёмалар фонди, инв. № 5846, 1486-варақ).

Айни замонда Ахсикент вилоятининг оқсоқоллари ва кад-худолари, акобир ва ашроф, воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, саййид Абдуссоней[хўжа] қадимдан, ота-боболаридин тортиб, Короскон мавзеъининг пешқадами, муқтадоси ва Говхонанинг мутасаррифи бўлиб келганлар. Чунончи, ўтмиш подшоҳлар ва содиқ султонларнинг [унга берган] нишонлари бу маънини аниқ айтиб турибди. Биз [Норбўтахон] ҳам қадимий дастурга амал қилиб, ўзимизнинг амирона мурувватимизни мазкур, юқорида ишорат қилинган [Абдуссонейхўжа] хусусида муносиб кўриб ҳукм қиламизки, юқорида зикр қилинган [Абдуссонейхўжа] файзга тўлиб-тошган мазорнинг шайхлик мақомида ўлтириб дуойи хайр билан машғул бўлсунлар.

Сана [?]<sup>87</sup>.

Бир муҳри бор.

Абўззафар Муҳаммад Қувватшоҳ сўзум:

Айни замонда Ахсикент вилоятининг оқсоқоллари ва кад-худолари, аҳоли ва маволилари, аъён ва ашроф ҳамда амалдорлариға маълум бўлсунки, фазилатшиор жаноб саййид Абдуссонейхўжа қадимдан, ота-боболаридан тортиб, Короскон мавзеъи аслзодаларининг пешқадами ва муқтадоси бўлиб келганлар. Чунончи, собиқ подшоҳлар ва содиқ султонларнинг [унга берган] нишонлари бу маънини айтиб турибди. Биз ҳам қадамий дастурга амал қилиб, ўзимизнинг шоҳона мурувватимизни юқорида ишорат қилинган саййид [Абдуссонейхўжа] хусусида муносиб кўруб ҳукм қиламизки, [ул жаноб] сажжода мақомида ўлтируб, муқаддам ва муқтадо [бўлуб] ва ҳазрат Султон саййид авлиё файзлик мазорининг назр ва садақаларининг мутасаррифи бўлсунлар. Бошқа бирор бир киши [унинг мулкига] дахл қилмасун [ва] ранжитмасун. Кўруб ва билиб туруб марҳамат қилдук; хилоф қилмасунлар.

Сана [?].

Икки муҳри бор.

№ 78/20а

Айни замонда улуғ саййидлар ва ҳурматға сазовор ула-молар, азиз шайхлар ва замон фақиҳлари, хусусан, Короскон мавзеъининг фуқаролари воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, қутбул ақтоб [аслларнинг асли], тўғри йўлга бошловчи, саё-

<sup>87</sup> 77/114-ҳужжат 1201(1786) йили Абдуссонейхўжа номига берилган.

дат нишонлик эшон хўжа Абулхафиз<sup>88</sup> — оллоҳ уни саломат қилсун — ота-боболаридан тортиб ҳазрат Султон саййид авлиёнинг — ҳидоят қилувчининг қабри мунаввар бўлсун — нурга тўлиб-тошган, файзлик, порлоқ мазорига мутавалли ва сажжоданишин ва тақягузин бўлуб, немаъти руҳоний ва назр-нузурларни олиб, халқнинг энг сараси, иззат-икромга мансуб ота-боболарининг йўлларини давом эттириб, бузрукларнинг порлоқ чирогларини равшан ва мунаввар қилиб келганлар; бошқа ҳеч ким [бу ишда унга] аралашмаган. Шунга биноан, ўзимизнинг амирона марҳаматимизни мазкур ҳазрат эшоннинг қилмиши хайрлик [бўлган] аҳволлариға муносиб кўруб, янгидан ҳукм қиламизки, собиқ дастурға биноан мутаваллилик ва сажжоданишинликни [у киши] зиммасиға юклаб, ўзининг улуғ оталарининг паришталар ошени [бўлган] пойиостонасида муқим ва мустақим бўлуб, бузрукларнинг тутган йўлларини тутсунлар. Бирорта тирик жон юқорида зикр қилинган [жаноб]ға заҳмат етказмаслиги, [у билан] тортишиб ўлтирмаслиги лозим. Шу асосда [ҳеч ким бу ҳукмга] ҳилоф қилмасун.

Сана 1222.

1 муҳр: Норбўтахон бинни Муҳаммад Шоҳрухон<sup>89</sup>.

## № 79/23

Низомиддин Муҳаммад[хон]хўжа<sup>90</sup> сўзумиз:

Айни замонда улуғ саййидлар ва ҳурматлик уламолар, азиз шайхлар ва шу даврнинг фақиҳлари, хусусан, Короскон мавзеининг фуқаролари воқиф ва огоҳ бўлуб билсунларки, саййид насаб ва олий лақаб жаноб Муҳаммад Ҳомидхўжа, эшон ота-боболаридан тортиб, ҳазрат Султон саййиднинг — қабри мунаввар бўлсун — нурга тўлиб-тошган, порлоқ мазо-

<sup>88</sup> Абулхафиз — Султон саййид авлодларидан бири.

<sup>89</sup> Лекия Норбўта 1212 (1797—98) йили вафот қилган. Бундан чиқди, ҳужжат 1222 йили эмас, балки 1212 йили берилган. Муҳрда Норбўтахон Шоҳрухоннинг ўғли деб кўрсатилган. Бу ҳам нотўғридир. Аслида у Абдурахмонбек ибн Абдукарим ибн Шоҳрухоннинг ўғлидир. (Қаранг: «Тарихи Шоҳрухий», 49—50, 61-варақлар; «Авсобиуссалотин», 19а-варақ).

<sup>90</sup> Низомиддин Муҳаммадхонхўжа — Юсуфалибекнинг ўғли Хонхўжадир. Норбўтанинг саркардаларидан бири. (Қаранг: «Тарихи Шоҳрухий», 63а—63б-варақ).



рига мутавалли ва сажжоданишин ҳамда вақф ва назр-ну-  
зурларни тўпловчи бўлиб, халқнинг энг сараси, иззат-икром-  
га мансуб ота-боболарининг йўлларини тутиб, бузрукларнинг  
порлоқ чироғларини равшан қилиб келганлар. Шунга бино-  
ан [биз ҳам] ўзимизнинг шоҳона марҳаматимиз ва хусравона  
лутфимизни мазкур [эшон]нинг қилмиши хайрлик бўлгон, асл-  
ликдан хабар берувчи ҳоллариға муносиб кўруб ҳукм қил-  
дукки, юқорида зикр қилингон собиқ дастурға биноан, маз-  
кур мазорнинг мутаваллилик ва сажжоданишинлигини у ки-  
шининг зиммасиға юклаб, ўзининг улуғ оталарининг фариш-  
талар ошени [бўлган] пойи остонасида муқим ва мустақим  
бўлуб, бузрукларнинг тутган йўлларини тутсун. Бирор бир  
тирик жон [у билан] ҳужжат кўрсатиб тортишмаслиги, [ҳукм-  
га] хилоф қилмаслиги ва [бундан] бош тортмаслиги, [унга] қар-  
шилиқ қилмаслиги лозим.

Сана 1211.

Зи гулзори давлат би бахшо гули,  
Ба Хонхўжа бинни Юсуф Али.

1 муҳрлук.

№ 80/19

Ҳазрат хон ҳукмидин.

Низомиддин Муҳаммад Сайидқули<sup>91</sup> сўзум:

Айни замонда Короскон мавзеида яшовчи ва турувчи  
барча халқлар воқиф ва огоҳ бўлуб билсунларки, қадим за-  
мондан то ҳозирги кунгача [султон Саид авлиёнинг] нурға  
тўлиб-тошган порлоқ мазорининг олий қадр мутаваллилик  
мансаби, ота-боболаридан тортиб, ҳазрат Муҳаммад Ҳомид-  
хўжа эшон жаноблариға тааллуқ топкан экан; шунга биноан,  
биз [ҳам] ўзимизнинг амирона марҳаматимизни юқорида ишо-  
рат қилинган [Муҳаммад Ҳомидхўжа] хусусида муносиб кўруб,  
[уни] мазкур мазорға мутавалли қилиб белгиладик. Шу депа-  
ра ва унинг атрофида турувчилар ва оқсоқоллар юқорида  
зикр этилган эшонни мутавалли [деб] билиб, ҳар нимаики  
бу мансабға тааллуқ бўлса жавоб қилиб ва мулкка доир  
ҳар қандай маслаҳат бўлса, у кишининг раъиға маъқул бўл-  
гон ҳолда амал қилиб, [ул жанобга нисбатан] иззату икром  
ва таъзиму эҳтиромларини кераклигича бажо келтируб, [бун-

<sup>91</sup> Низомиддин Муҳаммад Саъидқули — Умархон ва унинг ўғли Му-  
ҳаммадалихон замонидан ўтган саркардалардан бири. Ҳужжат берилган  
даврда у Намаган вилоятининг ҳокими бўлса керак. Ҳужжат Умархон  
номидан берилган бўлиши керак (Қаранг: «Ғаройиби сипоҳ», ЎзССР ФА  
ШИ қўлёмси, № 5408, 246-варақ).

га] хилоф қилмасунлар ва [ундан] бош тортмасунлар ҳамда бирор бир киши [ўзини] унға [мутаваллиликка] дахлдор билмасунлар.

Сана 1228.

1 муҳр.

№ 81/14

Ҳазрат хон ҳукмидин.

Муҳаммад Саъидқулибек сўзум<sup>92</sup>:

Бахтиёрлик юз берган шу қутлиқ замонда ислом қозилари ва Короской мавзеъининг ҳурматлик саййидлари, [унинг] умум халқи ва хос кишилари, авоми воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, ҳазрат [султон Саид авлиё]нинг нурға тўлиб-тошган, порлоқ мазорининг олий мансаби — мутаваллилиги қадим замондан бери, ота-боболаридан тортиб, жаноб ҳазрат эшон Маҳмудхўжаға тааллуқ экан. Шунға биноан, биз ҳам ўзимизнинг амирона марҳаматимизни юқорида зикр қилинган [Маҳмудхўжа]ға муносиб кўруб, [уни] мазкур мазорға мутавалли қилиб тайинладук.

Бу ер [ва атроф]нинг оқсоқол ва кадхудолари номи зикр этилган [жаноб]ни ўз мутаваллилари деб билиб, қадим замондан бери шу мансабға тааллуқ бўлган барча ваҳждардан мазкур эшонға жавоб қилиб, у киши шаъниға кераклигича иззату икром ва ҳурмату таъзимини бажо келтиришлари лозим. Ҳеч ким [ўзини унға] шерик ва саҳийм билмасун, шунга ҳукм қилунди.

Сана 1239.

1 муҳр.

Хуваллоҳул маликул мустаъон.

Абул Музаффар вал Мансур амирул муслимин саййид Муҳаммад Умар<sup>93</sup> сўзумиз:

Айни замонда Наманган вилоятининг — бу вилоятни олло-таъоло офат ва балолардан сақласун — улуг саййидлари ва амирлари, ҳурматлик вазирлари ва барча таъзимлари вожиб мутассадилари воқиф ва огоҳ, хабардор бўлуб билсунларки, ўтмиш олий мақом султонлар ва ҳоқонлар[нинг] фармонларига биноан [султон Саид авлиё] файзлик мазорининг мутавал-

<sup>92</sup> Муҳаммад Саъидқулибек — Муҳаммад Алихоннинг оталиги ёки унинг ўша йиллари Наманган вилоятидаги ҳокими бўлиши мумкин.

<sup>93</sup> Саййид Муҳаммад Умар — Норбўтахоннинг ўғли. 1225—1237 (1810—1821—22) йиллари Қўқон хони бўлган. (Қаранг: «Қўқон хонлиги ҳақида маълумотлар», ЎзССР ФА ШИ қўлёмаси, № 9973; 636-варақ).

лиги ва сажжоданишинлиги қадим замонлардан ҳозирги кунгача, ота-боболаридан тортиб, саййидлар паноҳи, шарофатлик аслзода, тақводор, пок, диний илмларнинг олими саодатнишин эшон Мўминхўжага тааллуқ бўлгон. [Ул жаноб] бизнинг ҳам дунёни итоатда тутувчи ва бажарилиши вожиб [бўлган] ҳукми ҳумоюнимизни жорий бўлиши шарафиға эга бўлдики, у [мазорнинг] мутаваллилиги ва сажжоданишинлиги юқорида ишорат қилингон [Мўминхўжа]га тааллуқ топсин, [чунки] у файзлик мазорға дахллик [киши] бўлган. Вақфлар ва назрлар [эса] юқорида зикр этилгон [жаноб]га ва туғма диёнатлик домулло Бобохўжа қозиға хос бўлсун. Ва бу номи зикр қилингон [жаноб]лар ўзаро бир-бирлари [нинг] юзлариға мувофиқлик эшигини очиб, бирлари иккинчиларидан устунроқ бўлиш ва [вақф ва назрни] зиёдароқ олишни талаб қилмасликлари лозим. Ушбу шарофатлик, муқаддас, юксак, аъло, зийнатлик, жиололик ҳукми ҳумоюн воқе бўлган экан, бунга тамом [халқ] ишониб, [унга] хилоф қилмасунлар ва ундан бош тортмасунлар.

Шаввол ойи, сана 1235 да битилди.

1 муҳр: Амир ал муслимин саййид Муҳаммад Умар бинни Норбўтахон.

### № 83/13

Ҳазрати Амир ал муслимин ҳукмидан.

Муборизиддин Муҳаммад Алихон<sup>94</sup> сўзумиз:

Қадимий подшоҳ ҳазратининг даргоҳига кўндан-кўп шукр ва чексиз мақтовлар нисор бўлсунки, унинг порлоқ [ва] ёйилган интиҳосизлигининг таърифи дониш майдонида [туриб] сифатловчининг ва оламнинг яратилиш илмидан воқиф бўлганларнинг [ҳам] сифат ва эътирофидан холи ва мустаснодир.

Ва унинг махсус қиёфалик низомининг эъзози «лавлока ламо халақтул афлока» деган ҳадиси қудсий билан тасдиқланган [худонинг] ҳақиқий севгилиси [пайғамбар] ҳазратнинг мунаввар, муаттар, олий зийнатлик равзасиға холис садом ва дуолар нисор бўлсун.

Ва унинг доно фарзандлари хилъати — «байти касафинати Нуҳа ман дахалаҳо амина ва ман харажаҳо аграқа» [ҳадиси] мисолида зийнатланган. «Олло ҳумма саллиало Муҳам-

<sup>94</sup> Муборизиддин Муҳаммад Алихон 1237—58 (1821—22—1842—43) йилларда ўтган. Бу ёрлиқни берган вақтида отаси Умархон тирик эди. Муҳаммад Алихон халқ ўртасида Маъдалихон (адолат манбаи) номи билан машҳур. (Қаранг: «Тарихи Шоҳрухий», 2026-варақ; «Ғаройиби сипоҳ»; УзССР ФА ШИ қўлёзмаси, № 5408, 13а—13б-варақлар).

маддин ва ало олиҳил атхори ва итратиҳул барратил ахёри». Хаддан зиёда минг-минг шукрлар ва ҳисобсиз ҳамду санолар бўлсунки, хотиримиз саҳифаси ва дарёдек [тошган] кўнглимиз кемасида набиюлло хонадони сулоласига меҳру муҳаббат ва ихлосу эътиқод сақланиб келган ва «Инни торикун фикум китобуллоҳи ва итрати» тўғри ҳадис ва очиқ-равшан ривоятга мувофиқ, Набиюллоҳ хонадони ва аҳли байтнинг риояси ва уларга меҳр кўзи билан қарашликни ҳамиша ўз олий ҳимматимиз ва юксак сидқу ниятимиз зиммасида эканлигини лозим ва вожиб деб билдик ва шундай деб биламиз. Шунга асосан, саййидлар паноҳи шубҳасиз дуоғўй, [бизга] хайрхоҳ эшон Мўминхўжа саййидлар жамоасининг сараси, иззат ва икром соҳиби ҳисобланадилар. Ва ўтмиш султонлар ва кетма-кет ҳукм сурган хонларнинг расмий варақалари ва ҳукмлариға мувофиқ, қадим замонлардан бери, ота-боболаридан тортиб, то ҳозиргача мазкур [жаноб]нинг асл мартабалик ота-боболари — ҳазрат «қутбул автод» Султон саййид авлиёнинг ҳидоят қилувчи қабри мунаввар бўлсун. Мазкур ҳазрат бузрукворнинг файзлик мазорининг—қабри нурга тўлсун — сажжодагузин, такянишин ва Короскон саййидларининг пешқадами ва муқтадоси ва мутавалли ҳамда мазкур мазорға келган назр-нузур ва эҳсонларини олувчиси ва Адак, Қизилрабат, Говхона мазраъларининг соҳиби тасарруфи бўлиб келганлар, чунки [унинг қўлида бўлмиш] ўтмиш подшоларнинг ҳукмлари шуни ифода қилади. Шунга асосан, биз ҳам шу услуб ва шу дастурға биноан ҳукм қиламизки, мазкур дуоғўй [эшон Мўминхўжа] мазкур мазорға мутавалли ва назрларини олувчи ва мазкур мавзеъларнинг ғалла ҳосилини саронжом этувчи соҳиби бўлиб, сернур мазорнинг сажжодагузини ва такянишини бўлиб, доимо давлат ва иқболимиз абадийлиги дуоси билан машғул бўлсунлар. Ва гу-машталар ва соҳиби дахллар юқорида зикр этилган [жаноб] ни барча мулкий таклифлардан озод ва ўчирилган [деб] билсунлар. Ва [ундан] бирор бир нарса ҳавола ва талаб қилмай, у кишининг эъзоз икром ва таъзими эҳтиромларини кераклигича бажо келтирсунлар ва Короскон мавзеъида турувчилар ва [уларнинг] авлодлари юқорида зикр этилган жанобнинг иззат ва ҳурматларини кераклигича бажо келтириб унинг фармонлариға тайёр турсунлар. Шу асосда [бу фармонни] муқаррар ҳисоблаб, [унга асло] хилоф қилмасунлар ва бундан бош тортмасунлар.

Шаъбон ойи, сана 1232.

[Муҳр:] Муҳаммадалихон бинни Амирул муслимин Муҳаммад Умархон.

1 муҳр.

Хувал ҳай.

Айни замонда Қороскон қишлоғининг азиз саййидлари ва ҳурматлик уламолари, оқсоқоллари, кадхудолари ва ном чиқарган [киши]лари воқиф ва огоҳ бўлуб билинларки, саййид Жалолиддинхўжа эшон, ота-боболаридан тортиб, дуогўйлик ва ризожўйлик йўли билан ҳазрат Султон саййиднинг — қабри мунаввар бўлсун — нурға тўлиб-тошган мазорига мутавалли бўлиб келганлар ва [унинг] назр ва вақфлар [ини олиб келганлар] ва Адак, Говхона ва Қизилрабат мазраъларининг мутасаррифи ва мазкур мазорнинг сажжоданишини бўлганлар. Бунга биноан, биз ҳам ўзимизнинг ҳокимона иноятимизни мазкур мавзеъларнинг соҳиби ихтиёри ва соҳиби тасарруфи қилдук. Мазкур қишлоқ ва мавзеъларнинг акобирлари юқорида ишорат қилинган [Жалолиддинхўжа]ни мутавалли деб билиб, унинг иззат ва икромини керагича ўрнига келтиришлари лозим, токи, «Акриму авлодус солиҳина лиллоҳи ваттолиҳинали».

Сана 1226.

[Муҳр:] Мирзоқули додхоқ бинни Идрис Муҳаммадбек<sup>95</sup>.  
I муҳр.

## № 85/16

Хувал алимул азим.

Ҳазрат валнаъми [Худоёр] хон ҳукмидан.

Низомул мулк Жилов қушбеги<sup>96</sup> сўзум:

Қадимий подшоҳ ҳазратнинг даргоҳига кўпдан-кўп шукур ва чексиз мақтовлар сазовор бўлсунки, унинг порлоқ [ва татом мамлакатга] ёйилган интиҳосизлигининг таърифи дониш майдонида [туруб] сифатловчиларнинг сифат ва эътирофидан мутлақо мустаснодир. Ва доно фарзандларининг зийнатлик махсус қиёфасининг эъзози — «аҳли байти касафинати Нуҳман дахалаҳо амина ва ман харажаҳо ағриқа» [ҳадиси] мисолида ораста бўлгон [худонинг] ҳақиқий севгилиси [пайғамбар] ҳазратнинг равзасига холис салом ва дуолар нисор бўлсун. «Олло ҳумма саллиало Муҳаммадин ва ало олиҳил атхори ва итротиҳул барратил ахёри». Ҳаддан зиёда мингнинг шукурлар бўлсунки, хотиримиз саҳифаси ва дарё каби

<sup>95</sup> Мирзоқули додхоқ бинни Идрис Муҳаммадбек — Умархон замонидан Наманган вилоятининг ҳокими бўлса керак.

<sup>96</sup> У Наманганда 7 йил ҳукмронлик қилган ва Тошкентда Утамбой қушбеги томонидан ўлдирилган.

кўнглимиз кемасида набиюлло хонадони, сулоласига меҳру муҳаббат пайдо бўлиб, — «Инни торикун фикум китобуллоҳи ва итрати» [дек] — тўғри ҳадис ва очиқ-равшан ривоят мазмунига мувофиқ у [пайғамбар] хонадони аҳли байтининг риояси ва уларга меҳр кўзи билан қарашликни ҳамиша ўз подшоҳона олий ҳимматимиз зиммасида эканлигини лозим деб биламиз. Шу айтилганларга асосан, саййид Жалолиддинхўжа саййидларнинг сараси, иззат ва кароматнинг соҳиби, ҳазрат Султон саййид авлиёнинг — қабри мунаввар бўлсун — авлоди, пок насабли, шарофат зотлик, саййидлар паноҳи, олий хонадоннинг дуогўйи бўлган экан [ва] дуогўйлик саодатиға эришиб, ўтмиш султонларнинг ҳукмларини ва аввалги хонлар фармонларини [бизга] кўрсатдики, қадимдан то шу кунгача, яшаб ўтган ота-боболаридан тортиб, Короскон вилоятининг сажжодагузин ва такянишинлиги эгаси ва у ер саййидларининг пешқадами ва муқтадоси ва нурға тўлиб-тошган файзли мазорнинг назр-нузур ва садақаларини, Адак, Қизилработ ва Говхона хирожини олувчиси бўлиб келган эканлар. Бинобарин, ўтмиш подшоҳларнинг расмий варақалариға мувофиқ, биз ҳам қадимий дастурға биноан, ҳукм қидамизки, мазкур саййидлар паноҳи [Жалолиддинхўжа] нурға тўлиб-тошган мазорға эгалик қилиб, мазкур мавзёлардаги экин ерларидан ундирилган ҳосилларни саранжом қилиб, сажжода ва такянишинлик соҳиби бўлиб, барча исмиё ва расмий таклифотлардан озод ва марфуъул қаламдир. Токи осойишталикда эртадан кечгача биз жанобнинг хусравона давлатимиз ва иқболимизнинг абадийлиги дуоси билан машғул бўлсунлар. Ва гумошталар ва амалдорлар, амлокдорлар ва соҳиби дахллар ҳамда [подшоҳлик] мулк ишларининг барча мубошир ва мутасаддилари юқорида зикр этилган [жаноб] ни барча важҳлардан озод ва марфуъул қалам [деб] билишлари лозим. Ва [ундан] бирор бир нарса талаб қилмасунлар, олмасунлар ва ҳавола этмасунлар. Ушбу шарофатлик, аъло, муқаддас, юксак, зийнатлик, жиллолик ва номланган, халланган бу ҳукми ҳумоюн [тавқеъ] бориб етса, бунга ишонилсун ва бунинг мундарижа [ва] мазмунидан чиқилмасун.

Шаввол ойининг охири, сана 1261 да ёзилди.

Ризоқули жилов қушбеги бинни Дўрман Баҳодирбий.

Бир муҳр.

№ 86/11

Айни замонда барча ҳокимлар ва омиллар, мубоширлар ва амлокдорлар, султонлик ишлари билан шуғулланувчи мутасаддилар ва мутакафиллар, Короскон қишлоғининг ва Адак, Қизилработ ва Говхона мавъзеларининг мутлақ соҳи-

Би дахллари воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, ўтмиш замон султонларининг ва кетма-кет ҳукм сургон хоқонларнинг расмий варақалариға қаноат ҳосил қилиб, собиқ дастур билан, мазкур ерларнинг хирожини ҳазрат Султон саййид авлиёнинг — унинг ҳидоят этувчи қабри нурға тўлсун — сармазориға назр ва худойи қилдук. Шу вақфларнинг маҳсулотини мутавалли [ўз] қўлиға олиб, ҳазрат бузрукворнинг мазориға сарф қилиши лозим. Шу асосда муқаррар билиб, [бунга ҳеч ким] қаршилиқ қилмасунлар ва [бундан] бош тортмасунлар.

Сана 1264.

Амри олий; муҳри Худоёрхон.

1 муҳр.

## № 87/12

Хувал алиюл азим.

Абу ал музаффар вал Мансур саййид Муҳаммад Худоёр валнаъми хон баҳодир сўзумиз:

Айни замонда Намаган вилоятининг ҳоқимлари ва омиллар ҳайъати, ашрофлар ва мутлақ соҳибдахллар воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, фикҳ илмининг донишманди ва диёнатлик саййид Жалолиддинхўжа мутаваллининг диёнатли, диндорлик ва ҳар навъи хайрлик ва яхшилиқ қилиши [унинг] пок зотлик, аслиқ ва шарофатлик аҳволлари юзасидан зоҳир ва аёндр. Шунға биноан [уни] ҳазрат Султон саййид авлиёнинг — [унинг] ҳидоят этувчи қабри мунаввар бўлсун — нурға тўлиб-тошган мазориға мутавалли қилиб сарафроз этдук. Мазкур вилоят ва унға тобе бўлган ер ва музофотнинг аҳоли ва аълолари юқорида ишорат қилинғон [саййид Жалолиддин]ни нурға тўлғон мазкур мазорнинг мутаваллиси деб билиб, Адак [мазраъсининг] маҳсулоти ва хирожини, унинг бошқа вақфларининг барчасини ва тамоман номин зикр қилинғон [жаноб]ға махсус ва унға буткул беркитилган, деб билишлари лозим. Ва мазкур мутавалли вақфдин келғон маҳсулот ва назар-нузурлар ва бошқа ҳар нарса ундирилғон бўлса, [уларни] вақф қилувчининг тайин этиши ва [мазорни] бино қилғоннинг шартига мувофиқ [мазорнинг] иморатлариға ва аҳли вазоифлариға сарф қилиши лозим. Ва яна мутаваллилик ҳаққини унинг вақфномасида қандай кўрсатилғон бўлса, шундай олиши, [унга] раҳмсизлик ва хиёнат қилмаслиги лозим. Ва яна мазкур мутавалли хусусида меҳрибонлик қилиб, [уни] барча исмий таклифотлардан озод қилдук ва кечдук. Шу жиҳатдан ҳеч бир киши [унга] дахл ва

мудохала қилмасун. Шу асосда [бу нишонни] муқаррар деб билнб, [унга] хилоф қилмасунлар ва ундан бош тортмасунлар. Ушбу шарофатлик, аъло ҳукми ҳумоюн бориб етар экан, [унга] буткул ишонч ҳосил қилсунлар.

Сафар ойи, сана 1264 да ёзулди.

[Муҳр]: саййид Худоёрбий валенаъми бинни Муҳаммад Шералихон.

### № 88/8

Айни замонда Адак ва Қизилработ мавзеъининг турувчилари ва музоритлари воқиф ва огоҳ бўлиб билинларки, мазкур икки мавзеъларнинг хирожи ҳазрат Султон саййид авлиё — ҳидоят этувчи қабри нурға тўлсун — мазорининг вақфи эди. Мазкур мазорнинг мутаваллиси саййид Жалолиддин-хўжанинг қўлидаги ўтмиш замон султонларининг ва ҳазрат [Худоёр]хоннинг нишонлари ушбу айтилгонларға далилдир. Ҳеч бир хилофға йўл қўймай, ўзларингизнинг зироат хирожларингизни юқорида ишорат қилингон [саййид Жалолиддин-хўжа]ға бериб, ҳаромлардан холис бўлишларингиз керак, чунки [харом] фойда бермайди.

Сана 1267.

Бир муҳрлуқ. Мусулмонқул<sup>97</sup> мингбошининг муҳри: бинни Эшим оталиқ.

### № 89/7

Айни замонда барча ҳокимлар ва омиллар, мубоширлар ва султонлик ишлари билан шуғулланувчи мутасаддилар ва мутакаффиллар ҳамда Қороскон ва Уйчи<sup>98</sup> қишлоқларининг мутлақ соҳиби дахллари воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, ўтмиш замон султонларининг ва кетма-кет ҳукм сургон хоқонларнинг расмий варақалариға қаноат ҳосил қилиб, Адак ва Қизилработ вақф ерларининг хирожини ҳазрат Султон саййид авлиё мазорининг мутаваллиси [бўлган] Жалолиддин-

---

<sup>97</sup> Мусулмонқул — Худоёрхонга қизини бериб ва унинг ёшлигидан фойдаланиб, бутун ҳокимиятни ўз қўлида тутган; у 1268 (1851—52) йили ўлдирилган («Қаранг: «Таворихи ҳамса», 38-бет). Эшим оталиқ — Қўшбўта баҳодир қипчоқнинг ўғли; қипчоқ қабиласининг Қўға уруғидан.

<sup>98</sup> Уйчи — ҳозирги Андижон областига қарашли Уйчи районининг маркази.



хўжага меҳрибонлик билан марҳамат қилдук. Шу асосда [бу нишонни] муқаррар деб билиб, мазкур ерларнинг хирожи ваҳидин номи зикр қилинган [Жалолиддинхўжа]га дахл ва тажовуз қилмасликларингиз лозим.

Сана 1268.

Алҳукму билхайри. Муҳри: Худоёрхон.

1 муҳр.

## № 90/6

Хувал ҳайюл қайюм.

Абулмузаффар вал мансур саййид Муҳаммад Худоёр валнаъми хон баҳодир сўзумиз:

Айни замонда Қороскон вилоятининг — оллоҳ [у вилоятни] офат ва нуқсонлардан сақласун — ва Адак ва Говхона мавзеъининг ҳокимлари ва буюк омиллари, шарифлар ҳайъати ва [у ерларда] яшовчи ва турувчи ўрта ҳол [аъроф] раъият, ўрта ҳол халқлари ва барча мубоширлари ҳамда мутлақ соҳиби дахллари воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, [саййидларнинг] дуогўйлик ва [тахт эгаларига] хайрихоҳликлари қадимдан, [бўлиб] ота-боболаридан тортиб, уларнинг орзу-умидлари юзасидан ва саййидлик, пок зотлик, аслик ва шарофатлик аҳволлари юзасидан зоҳир ва аъёндин. Шунга бинонан, эшон саййид Жалолиддинхўжа шавкатлик хонадонга ва салтанат сулоласига маълум ва [бу] хотиримиздадир. Шунинг учун [ҳам] ўтмиш ҳоқонларнинг ва кетма-кет ҳукм сурган хонларнинг расмий варақалари мазмунидан қаноат ҳосил қилиб, бу хусусда ўзимизнинг марҳаматимизни кўрсатиб, [уни] хирож ва танобона ҳамда бошқа юрт жамаргаларидан собиқ дастур билан холи қиламиз. Ҳокимлар ва амлақдорлар ҳамда султонлик ишларининг мутакафиллари юқорида ишорат қилинган [саййид Жалолиддин]ни пешво деб билиб, [уни] қадимий дастур билан [хирож ва танобонадан] озод қилинган ва ўчирилган билиб, [унинг мулкига] дахл ва тажовуз қилмасликлари лозим. Шунга асосан [бу нишонни] муқаррар ҳисоблаб, [ундан] ҳар йили қайтадан янги нишон талаб ва тамаъ қилмасунлар; қарам қилиб ёзилган ҳукми ҳумоюн мазмунидан чиқмасунлар. Токи, мазкур эшон хотиржамлик ва осойишталикда давлатимиз доимийлиги дуоסי билан машғул бўлсунлар. Ушбу шарофатлик, муқаддас, улуғ, юксак, аъло ҳукми ҳумоюн бориб етар экан, [унга] тамоман ишонч ҳосил қилсунлар.

Сана 1269.

Муҳр Худоёрхон валенаъми бинни Шералихон.

Абулғози саййид Муҳаммад Малла баҳодирхон<sup>99</sup> сўзумиз: Айни замонда барча ислом қозилари ва ҳурматлик уламолар, жаҳонбонлик ва султонлик ишлари билан шуғулланувчи барча ҳоким ва омил, мубошир ва мутлақ соҳибидохл вақиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, меҳрибонлик қилиб, саййидлар паноҳи ва асл зотлик саййид Жалолиддинхўжани [қўлидаги] қадимий дастур ва собиқ расмий варақаси билан Қороскондаги нурға тўлиб-тошган қутбил ақтобнинг сармозориға мутавалли қилиб белгиладук. Тамоми хўжалар ва [уерда] муқим турувчилар ва шу мақоми олийнинг ибодатхонасида туриб фақат ибодат билан шуғулланувчи [муътакифлар] ва вақф мутасаддилари юқорида ишорат қилинган [Жалолиддинхўжа]ни мутавалли деб билиб, унинг иззат ва икромини кераклигича бажо келтириб, бу мақомга келадиган маҳсулот, назрлар ва садақалар, тушгон ва келгонларни у [Жалолидин]нинг иқтидорлик қўлиға топшириб, ҳеч бир кишини унга шерик ва ҳиссадор деб билмасунлар. Ва яна фармон қиламизки, мазкур мутавалли, вақф қилувчининг шартига мувофиқ ва қадимий таъомил билан, бу маблағларни [мазкур мазор ва унда турувчиларнинг эҳтиёжи йўлида] сарф қилсун [ва] сарф қилишликда ҳар бир хусусда эҳтиётликни лозим билсунлар ва фойдаланиш бобида тўла-тўкис саъи қилсунлар. Ва яна Рофехўжа, Яъқубхўжа, Юсуфхўжа ва Қозихўжа — бу тўртталари — мазкур мазор маҳсулоти жиҳатидан ислом қозиси ҳузурда мазкур мутавалли билан даъволашиб, оқибатда уларнинг даъволари бекор бўлгон. Ва ҳар қачонки, [улар] яна даъво қилсалар қулоқ солмасунлар ва [уларнинг даъволарини] беҳуда ва бекор ҳисобласунлар.

Сана 1275.

[Муҳр]:

Малла Баҳодирхон бинни саййид Муҳаммад Шералихон.

1 муҳр.

## № 92/10

Айни замонда барча ҳокимлар, омиллар ва султонлик ишлари билан шуғулланувчи мубоширлар ҳамда мутлақ соҳибидохллар вақиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, ўтмиш султонларнинг расмий варақалари ва кетма-кет ҳукм сурган хоқон-

<sup>99</sup> Абулғози саййид Муҳаммад Малла баҳодирхон — Шералихоннинг ўғли, Худоёрхоннинг туғишган акаси. (Қаранг: «Тарихи Шоҳрухий», 332, 358-варақ; «Тарихи ҳамса», 39, 101а-, 107-, 108а-бетлар).

ларнинг нишонлари мазмунча, қадимий дастурга мувофиқ, саййидларнинг паноҳи бўлган эшон саййид Жалолиддинхўжани, нурга тўлиб-тошган қутбул ақтоб сармазорининг мутаваллиси қилиб белгиладук.

Короскон, Адак, Қизилработ, Говхона ва шунга ўхшаш қишлоқларнинг барча ҳокимлари ва амлакдорлари юқорида ишорат қилинган [Жалолиддинхўжа]ни ўзларининг мутаваллиси деб билиб, [унинг] ҳурмат ва таъзимини керагича бажо келтириб, вақф маҳсулотларини, назрлар ва садақаларни, вақф хирожини амлакдорлар, оқсоқоллар ва музорпўлар, вақф қилувчининг шартига мувофиқ, қандай ҳосил бўлган бўлса, [буни яширмай ва бекитмай] мазкур мутаваллига жавоб қилишлари лозим ва шу асосда таъкидланган деб билиб, мутаваллилик жиҳатидан бирор бир кишини [бунга] шерик деб билмасунлар. Ва яна буюрамизки, мазкур мутавалли, вақф қилувчининг шартига мувофиқ, [вақф ҳосилларидан тўлиқ] фойдаланиб ва [уни] ўз қўлига олиб, сарф қилишда ҳар бир хусусда эҳтиёткорликни лозим ва вожиб билсунлар. Ва яна таноб ва хирож жиҳатидан мазкур мутаваллини, қадимий дастур билан, марфуъ ва озод қилинган деб билсунлар. Қўриб ва билиб туруб марҳамат қилдук.

Жумодассони ойн, сана 1275.

[Муҳр]: Малла Баҳодирхон бинни Муҳаммад Шералихон.  
I муҳр.

## № 93/5

Ҳувал фаттоҳ.

Абулфатҳ ваззафар султон Сайидхон<sup>100</sup> сўзумиз:

Айни замонда Наманган вилоятининг барча мукаррам саййид ва шайхлари, иқтидорлик ҳокимлар ва омиллар, мубоширлар ва мутасаддилар, мутлақ соҳиби дахллар воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, ўтмиш замон султонларининг расмий варақалари ва кетма-кет ҳукм сурган хонларнинг нишонлари тақозосича, қадимий дастур билан, саййидлар паноҳи, асллар асли эшон Жалолиддинхўжани нурга тўлиб-тошган қутбул автод сармазориға мутавалли қилиб белгиладук.

Короскон, Адак, Қизилработ, Говхона ва шунга ўхшаш

---

<sup>100</sup> Худоёрхон Бухорога кетгач, Қўқоннинг аъёнлари мулла Алимқул ёрдамида уни хон қилиб тайинлайдилар. Лашкар бошлиғи бўлган Алимқул энди «амири лашкар» (олий бош қўмондон) унвонини олади. Лекин султон Сайидхон номигагина хон бўлиб, бутун ҳокимият Алимқул қўлида бўлган. (Қаранг: «Мажмаул гаройиб», 1206-, 128а-варақлар; «Таворихи ҳамса», 506-, 526-варақ).

қишлоқларнинг барча ҳокимлари ва амлоқдорлари юқорида ишорат қилинган [сайид Жалолиддинхўжа]ни ўзларининг мутаваллилари деб билиб, у кишининг иззат ва ҳурматларини кераклигича бажо келтириб вақфларнинг ҳосили, назр ва садақалар, вақфларнинг хирожини саркорлар ва оқсоқоллар, вақф қилувчининг шартини ва қадимий таомилга мувофиқ, мазкур мутаваллига қандай ҳосил бўлган бўлса, [буни] беркитмай ва яширмасдан жавоб қилишлари лозим. Буни таъкидланган деб билиб, мутаваллилик жиҳатидан бирор бир киши [унга ўзини] шерик ва ҳиссадор деб билмасунлар. Ва яна буюрамизки, мазкур мутавалли [вақфини] тасарруф қилиб фойдаланишда вақф қилувчининг шартига мувофиқ ҳосилларидан [тўлиқ] фойдаланиб ва [уларни] ўз қўлига олиб, сарф қилишда [ва] ҳар бир хусусда ихтиёткорликни лозим билсунлар. Ва яна буюрамизки, мазкур мутаваллини хирож ва танобона важҳидан, қадимий дастур билан, марфуъ ва озод қилинган, деб билсунларки, кўриб-билиб туриб марҳамат қилдук.

Жумодассони ойи, сана 1280.

1 муҳрлуқ.

#### № 94/4

Хувал ҳай.

Айни замонда ҳазрат султон Сайид авлиё уни худо [ўз] раҳматига олсун-сармазори вақфларини, муҳим [бўлган] мутаваллилик ишини аҳли вазонф<sup>101</sup>нинг хоҳишларига биноан сайид Жалолиддинхўжага меҳрибонлик билан марҳамат қилдук.

Мазкур сармазор вақфларининг корандалари юқорида ишорат қилинган [сайид Жалолиддинхўжа]ни ўзларининг мутаваллилари деб билиб, [унинг] ғалла ва нақд [пул]дан иборат вақф ҳиссасини қадимий дастурга мувофиқ жавоб айтиб [унга] беришлари зарур, мутавалли ҳам мазкур вақф ерлари [дан келган] ҳосилларни қўлга олиб бошқариб, вақф қилувчининг шартига мувофиқ, сарф қилиниши лозим бўлган ўринда сарф қилсун. Бу шарафлик фармонга амал қилсунлар.

Рабиулаввал ойи, сана 1282.

Муҳри подшоҳи Бухорои шариф.

[Муҳр]. Алҳукму бил адли.

---

<sup>101</sup> Ҳужжатда «Бухоро подшосининг муҳри», деб ёзилган. Шунга кўра, у амир Музаффар (1860—1885) томонидан берилган бўлиши керак.

Ҳувал ҳайюл қайюм.

Абулфатҳ ваззафар саййид Муҳаммад Худойқул баҳодирхон<sup>102</sup> сўзумиз:

Икром ва таъзими вожиб ҳазрати қадимий подшо ва қудрати улуғ шаҳаншо ва азаматлиги қатъий [бўлган], шаъни буюк мақтовимизга сазовор муборак сифатлик [худо] бизни ўзининг ердаги сояси, жаҳонбонлик юксак даражасига кўтариб жаҳондорлик салтанати ва жаҳонгирлик тахтига барқарор ва устивор қилгон экан, бас, биз ҳам муҳим олий ҳимматимиз зиммасига минг марталар ҳадсиз шукр қилишни, пайгамбар хонадониға меҳр-муҳаббатни ўзимизнинг порлоқ зотимиз ёқимли ис берувчи хотиримиз саҳифасида ва дарё каби [кенг] кўнглимиз кемасида зуҳур этиб, «Инни торикун фикум китобуллоҳи ва итрати» — бу тўғри ҳадис ва очиқ-ошкора ривоят мазмуниға мувофиқ, у хонадон аҳли байтларининг риоясини қилиш ва уларға меҳр кўзи билан қараши зарур ва муҳимлигини [ўзимизга] лозим деб билдук. Шунга биноан, саййидлар сараси, пок насабли ва шарофатлик, саййидлар паноҳи [ва] асл зотлик олий хонадон[нинг] дуогўйн, олий даражалик саййид Жалолиддинхўжа саййидлар сараси, иззат ва каромат соҳиби ҳазрат Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаламнинг авлод ва аждоди бўлуб, [шунингдек] ҳамма вақт ва ҳамиша дуогўйлик саодатига нойил бўлиб, ўтмиш султонларнинг ҳукм ва расмий варақаларини, кетма-кет ҳукм сўрган хоқонларнинг фармонларини [бизга] зоҳир қилдики, [унинг] қадимдан ота-боболаридан тортиб, ҳозиргача ўтган авлод [-аждод]лари Короскон мавзеъининг соҳиби сажжодагузини ва такянишини ва шу мавзени барча саййидларининг пешқадами ва пешвоси, нурға тўлиб-тошган файзлиқ мазор назр ва садақаларини тасарруф қилувчиси, Адак, Қизилработ ва Говхона [мазраъ]ларининг соҳиби тасарруфи бўлиб келган эканлар. Бинобарин, ўтган подшоҳлар расмий варақаларининг мазмуниға мувофиқ, қадимий дастур билан, биз ҳам ҳукм қилдикки, мазкур саййидлар паноҳи [саййид Жалолиддинхўжа] қадимий дастур билан соҳиби сажжода ва нурға тўлган мазорнинг соҳиби тасарруфи бўлуб, мазкур мавзеъларнинг ҳосили ва [у ерлардан] унганларни, қадимий дастурға кўра, [ундан] ҳам зиёда саронжом этсун. Хирож, боғлар ва ўтлоқ ерлар танобонаси ваъжидан ҳамда юртнинг барча жамарға-

<sup>102</sup> Абулфатҳ ваззафар саййид Муҳаммад Худойқули Баҳодирхон — саййид Мақсудбекнинг ўғли, 1282 (1865—66) йили Қўқонда хон кўтарилган. (Қаранг: «Тарихи Азизий», ЎзССР ФА ШИ қўлёзмаси, № 11108, 3026-варақ; «Мажмаъул гаройиб», ЎзССР ФА ШИ қўлёзмаси, № 4330, 125а—126а-варақлар).

лари, расмий ва исмий таклифларидан [уни] озод ва марфуъул қалам, холи ва мустасно билиб, фароғат ва осойишталикда [яшаб] баракалик ҳаётимиз ва жаноб хусравона иқболимиз ривожи, тараққиёти дуоסי билан машғул бўлсунлар. Барча ҳокимлар, омиллар ва мубоширлар, подшоҳлик ишлари билан шуғулланувчи мутасадди ва соҳиби дахлларноми зикр этилгон [саййид Жалолиддинхўжа]ни мазкур мавзеънинг «таноб» ва «хирожи» важҳидан тархон ва мустасно деб билиб, [ундан] фулуси [бир чақа] ва бир дирҳам ва бир дона [дон] ва бир чўб сомон талаб ва тамаъ қилмасликлари керак. Шу асосда таъкидланган ва [нишонни] муқаррар ҳисоблаб [унга] хилоф қилмасунлар ва [ундан] ҳар йили қайтадан янги нишон талаб қилмасунларки, кўруб ва билиб марҳамат қилдук.

Муҳаррамул харом [ойи] охири, сана 1282.

1 муҳрлуқ.

Саййид Худойқулихон бинни саййид Мақсудбек.

## № 96/2

Хувал маликул мустаъон.

Абулмузаффар вал мансур саййид Муҳаммад Худоёрхон баҳодир сўзумиз:

Айни замонда барча ҳокимлар ва омиллар, султонлик ишларининг мубошир ва мутасаддилари ҳамда жаҳонни кўриқлаш ишларини ўз уҳдасига олгон мутакафиллар ва девонлар воқиф ва огоҳ бўлиб билингларики, самимий ҳайрихоҳ ва қадимий давлатхоҳ, ота-бобосидан тортиб дуогўй [бўлган] саййид Жалолиддинхўжа эшон мутавалли шавкатлик хонадонга ва салтанат сулоласига маълум ва бу хотиримиздадир. Шунга биноан, шоҳона марҳаматлардан заррача ва хусравона карамлардан озгинасини юқорида ишорат қилингон [Жалолидин эшон]га муносиб кўруб, собиқ достурга мувофиқ, ҳукм қиламизки, мазкур номи зикр қилингон [жанобни] ҳар жой ва ҳар мавзеъларда ер-суви, боғлари ва ўтлоқ [бедазор] ерлари бўлса, «хирож», «танобона», «қовун пули» [харбуза пули] ва юртнинг барча жамаргалари жиҳатидан дархон [тархон] ва марфуъул қалам бўлсун. Қороскон вилоятининг ҳокимлари, амлақдорлар ва оғолиқлари, оқсоқоллари ва мутлақ соҳиби дахллари юқорида ишорат қилингон [Жалолидин эшон]ни зикр қилингон важҳлардан озод қилингон ва ўчирилгон, холи ва мустасно қилингон, деб билиб, [унинг мулкига] дахл ва тажовуз қилмасликлари лозим. Шунга асосан, [бажаришни] муқаррар ҳисоблаб, карам қилиб ёзилгон

ҳукми ҳумоюн мазмунидан чиқмасунлар, ҳар йили [ундан] қайтадан янги нишон талаб ва тама қилмасунлар; токи мазкур мутавалли фароғат ва осойишталикда [яшаб], қудратлик давлатимиз доимийлиги дуоסי билан машғул бўлсунлар. Ушбу шарофатлик, улуғ, азиз, аъло ҳукми ҳумоюн бориб етар экан, буни жилолик ва зийнатлик деб билиб, [унга] тамоман ишониб, сўзсиз қаноат ҳосил қилсунлар.

Рамазон ойи, сана 1285.

[Муҳр]: саййид Худоёрхон бинни Муҳаммад Шералихон. 1 муҳрлуқ. (146-бетда фотонусхаси берилган).

## № 97/1

Хувал ҳайюл қайюм.

Абулфатҳ ваззафар саййид Насриддинхон ғозий баҳодир<sup>103</sup> сўзумиз:

Айни замонда ҳазрати подшоҳи қадим абадий ва азалдан молик ва таъзими вожиб, шаъни буюк, мақтовга сазовор парвардигор муборак, сифатлик, бизни салтанат тахти ва жаҳондорлик салтанатиға, шижоат ва жаҳонгирлик маснадаға барқарор ва устивор қилгон экан, бас биз ҳам олий ҳимматимиз зиммасиға минг марталар ҳадсиз шукр қилишни ёқимли ис берувчи хотиримиз саҳифасида ва дарё каби [кенг] кўнглимиз кемасида зуҳурға келтириб, ҳазрати набиюлло саллоллоҳу алайҳи васаллам [Муҳаммад]нинг аҳле байт хонадонининг риояларини керагича бажо келтиришни [ўзимизга] лозим деб билдук. Шунга биноан, олий даражалик марҳум саййид Муҳаммад Шарифхўжа эшоннинг азиз ва етук ўғли саййидлар паноҳи шарофатлик саййид Жалололдинхўжа эшон қадимдан, ота-боболаридан тортиб то ҳозиргача ўтмиш султонлар ва кетма-кет ҳукм сургон хоқонларнинг олий [ва] расмий варақалари ва қатъий ҳужжатлариға эгадир, [шунга асосан] Короскон мавзеъининг сажжоданишини ва такагүзини ва нурга тўлиб-тошган, [Султон Сайид авлиёнинг] файзлик мазорининг назрлари ва садақаларини олувчи ва Адак, Қизилработ, Говхона мазраъларининг тасарруф этувчиси бўлиб келганлар. Бинобарин, ўтган подшоҳлар [берган] расмий варақаларнинг мазмуниға мувофиқ, қадими дастур билан, биз ҳам ҳукм қилдикки, мазкур саййидлар паноҳи [саййид Жалололдинхўжа] мазкур шариф мазорининг мутаваллиси бўлиб, вақф қилувчининг шартиға амал қилиб, собиқ дастур билан соҳиби сажжода, назрлар ва садақаларни тасарруф этиш [ҳуқуқи]ға эга бўлиб, мазкур мавзеълар[нинг] ҳосили ва [у

<sup>103</sup> Саййид Насриддинхон ғозий баҳодир — Худоёрхоннинг ўғли.

بوالکاسر و بوالکاسر...

درینولای...

و مسکن...

دانش...

در این...

بزرگ...

بزرگ...

دانش...

در این...

بزرگ...

بزرگ...

بوالکاسر...





ерлардан] унганлари, қадимий дастурға кўра яхши саранжом қилиб, сарф қилинадиган [қисмини] ўрнига сарф қилиб, [уни] хирожи, боғлар ва ўтлоқ бедазор ерларнинг танобонаси важҳидан ҳамда юртнинг барча жамаргалари ва расмий, исмий таклифларидан озод ва марфуъул қалам қилдуқ; токи фароғат ва осойишталикда [яшаб] баракалик ҳаётимизнинг узоқлиги ва хусравона иқболимиз ривожининг тараққиёти ва ортиши дуоси билан буткул шуғуллансунлар. [Ундан] ҳар йили янги нишон талаб қилмасунлар.

Ражаб ойи, сана 1292.

1 муҳрлуқ.

Муҳаммад саййид Насриддинхон бинни саййид Муҳаммад Худоёрхон.

#### № 98/101

Короскон кентининг барча улкан саййидлари, хўжа ва дарвишлари.

Бу нишон[ни] кўргач, иноятлар билан умидвор ва истимол бўлуб, ўз юртларингизга бориб, зироат ва иморатларингизга машғул бўлингизлар. Кул-кулли риоятлар кўрарсизлар, деб муҳрлуқ нишон бердук.

Сана 901.

Уч муҳри бор.

#### № 99/74

Шужоъуддин Севинчбий<sup>104</sup> сўзум:

Ахсикент вилоятининг ўзи сингарилари ва ўз тенқурлари орасида ифтихорлик [бўлган] арбоб ва аминлари, калонтар ва аъёнлари билсунларки, саййидлар паноҳи ва муртазо насабли, улуғ саййидлар натижаси [бўлган] Короскон саййиллари қадим замондан бери, ота-боболаридан тортиб, таъзимлари вожиб бўлуб келганлар. Чунки ҳазрат Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам [Муҳаммад] фарзандларининг эъзозу икромии ва таъзиму эҳтироми барча халойиққа фарзидир. Собиқ хонлар [ҳужжатлар] мазмунидан хабардор бўлиб, биз ҳам қадимги дастурға амал қилиб, номи зикр этилгон [саййид] ларни девоннинг барча таклифларидан холи, мустасно ва марфуъул қалам қилдук. Мазкур вилоятнинг подшоҳлик ишлари бўйича омиллари ва мутлақ соҳиби дахллари номи зикр этилган кишиларни собиқ дастурға асосан, марфуъул қалам деб билуб, ҳеч бир важҳдан [уларга] заҳмат

<sup>104</sup> Шужоъуддин Севинчбий — ўша даврда Ахсикент ҳокими бўлиши мумкин.

етказмасликлари лозим ва [улардан] бир нарса талаб ва ҳа-  
вола қилмасунлар; хусусан олиғдорлар ва амалдорлар «фи-  
лажот», «кўкнор» ва бошқа шулар каби [солиқлар учун] деб  
мазкур саййидларга заҳмат етказиб, [уларни] тараддудга  
солмасунлар, буни аҳд қилинғон деб билиб, бу хусусда хи-  
лоф қилмасунлар ва [ундан] бош тортмасунлар.

Сана [?].

Бир муҳри бор.

### № 100/90

Абулмузаффар султон Муҳаммад Дарвиш баҳодир сў-  
зумиз:

Девонлар билан арбоб, аминларга баси баротдорларга.

Бу ужурда иноят қилиб юқорида муфассал бўлғон Қорос-  
кон саййидзодаларининг мулозимлариға ҳеч офаридаи «хи-  
рож», «таноб», «олиғот» деб нимарсай барот қилмағайлар,  
олмағайлар, деб ёрлик қилдуқ.

Эмди бу нишон [ни] кўргач, муборакномамиз мазмунидин  
тажовуз қилмангизлар ва буларга ташвиш бермангизлар.  
Хилофи ҳукм қилмангизлар, басе раъият тақи музоҳим бўл-  
масунлар, деб муҳрлуқ нишон ражаб ойинда берулди.

Сана 953.

Уч муҳрлуқ.

### № 101/115

Хувал фаттоҳул алим.

Абулғози Муҳаммад Наврўз Аҳмадхон сўзумиз:

Ахсикент ҳокими билан девони ва барча амалдорлари бу  
нишон [ни] кўргач, биз давлат билан Ахсикентда эрканда Қо-  
роскон элини[нг] саййидлари билан девон самарали амал  
ва маош қила турғун бўлсалар, сизлар тақи ўшал дастур би-  
лан амал ва маош қилинғлар. Ортиқ хайф қилманғлар, деб  
муҳрлуқ нишон бердук.

Сана 134<sup>105</sup>.

### № 102/49

Ҳазрати [?] хон ҳукмидан.

Низомиддин Муҳаммад Бузрукхўжа<sup>106</sup> сўзум:

Айни замонда худо ва пок бузруклар арвохининг хушнуд-

<sup>105</sup> Бу нишон Наврўз Аҳмад [Барақ]хон томонидан берилган бўлгани сабабли, 134 йилга эмас, балки 939—363 (1532—33—1555—56) йилларга тааллуқли бўлиши керак.

<sup>106</sup> Низомиддин Муҳаммад Бузрукхўжа — Жаҳонгирхоннинг ўғли бў-  
ляши керак.

лиги учун Короскон қишлоғини файзлик ҳазрат [Султон саййид авлиёнинг] мазориға назр қилиб, ўз ҳолиға [солиқлардан] озод ва марфуъул қалам қилинғон ҳолда қолдирдук. Мулозимлар, гумашталар ва соҳиби дахллар шу кундан бошлаб бу мақоми пойи остонаға қадам қўймасликлари, [уни] барча важҳлардан хориж ва мустасно билиб, заҳмат етказмасликлари лозим. Короскон саййидлари ҳам у ҳазрат [Жалолоддинхўжа]нинг амридан чиқмасунлар. Шу асосда [бу ёрлиқни] муқаррар ҳисоблаб, унга хилоф қилмасликлари, ундан бош тортмасликлари, буйруқдан чиқмасликлари зарур.

Сана 121<sup>107</sup>.

Бир муҳрлуқ.

### № 103/76

Ҳувал ҳай.

Олий ҳукм содир бўлдики, Ахсикент, Андугон ва Наманган мавзеъи ва Саддаиархиейнинг ҳокимлари ва ўғри беклари, олиғдорлари ва амалдорлари Короскон мавзеъи ва унға тобеларнинг саййидлариға «ярғу», «олиғ» ва барча амаллар важҳидан дахл ва тажовуз қилмасунлар, [бирор нарса] воқе бўлса, саййид Фазлуллоға тааллуқли деб билсунлар; [бу нишонга] хилоф қилмасунлар.

Сана 1053.

Бир муҳрлуқ.

### № 104/72

Ҳукми ҳумоюн содир бўлдики, айни замонда Короскон саййидлари подшоҳона иноят ва хусравона илтифотдан азалдан баҳраманд бўлуб келғонлар; [шунинг учун] билсунларки, сизларнинг давлатхоҳлигингиз ҳақидаги [хабарлар] бизнинг порлоқ ҳузуримизға етиб келди. Бизнинг ҳам беғоят иноятимиз ва бенияхоят илтифотимиз саййидлар хусусида бошқачадир. Иншооллоҳ, илтифот аломати яқин орада маълум бўлади; [сизларни албатта] бирор кишиға хор қилмаймиз ва баъзи оломон, телба ва тентакка ўхшаганлар сизларға зулм ва тажовуз қилмасунлар, [агарда тажовуз қилсалар] уларнинг ибo ва адабини бериб қўйсунлар. Биздан хотиржам бўлинсун, [бу нишонга] хилоф қилмасунлар.

Сана 1094.

1 муҳрлуқ.

<sup>107</sup> Бизнинг фикримизча, 1021 (1612—13) йил бўлса керак.

Хувал ғаниюл ҳамид.

Низомиддин Муҳаммад Хонхўжа<sup>108</sup> сўзумиз:

Айни замонда Ғазнов вилояти ва Наманган вилоятининг аҳолиси, маволиси, ақобир ва ашрофлари, оқсоқоллар ва кадхудолар, [шу вилоятларда яшовчи] ва турувчи барча халқ воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, қадим замондан бери Короскон қишлоғининг хўжалари ва шунингдек, мазкур қишлоқ фуқароларининг ҳам икрому ҳурматлари [бизга] лозим ва риояси вожиб бўлуб келган. Биз ҳам собиқ дастурга амал қилиб, мазкур хўжаларни барча исмий ва расмий таклифлардан тархон қилдук ва ўчириб озод этдук.

Амалдорлар, соҳиби дахллар, девонлар ва беклар уларни юртнинг барча жамарғаларидан хориж ва мустасно билиб, шу кундан бошлаб у пойостонаи олий мақомга тажовуз қилмасликлари лозим. [Уларни] барча важҳлардан ўчирилган деб билиб, [улардан] бир дирҳам ва бир динор, бир пул ва бир паркоҳ [чўп, сомон] талаб ва тама қилмасунлар; токи озор ва роҳатсизликка сабаб бўлмасун. Хусусан хўжа Абулҳафизхўжа эшонга ҳеч важҳдан дахлдор бўлмасунлар. Шу асосда [бу нишонни] муқаррар ҳисоблаб, [унга асло] хилоф қилмасунлар ва [ундан] бош тортмасунлар; буйруқдан чиқмасунлар.

[Сана] 1198.

Бир муҳрлуқ.

## № 106/22

Хувал фаттоҳул ҳаким.

Абулфатҳ ваззафар Муҳаммад Шоҳруххон<sup>109</sup> сўзумиз:

Айни замонда худо ва ҳидоятпаноҳ бузруклар пок арвоҳининг хушнудлиги учун Короскон қишлоғини файзлик ва нурга тўлиб-тошган ҳазрат Султон саййид авлиё — [оллоҳ] ҳидоят қилувчининг қабрини мунаввар этсун — мазорига назр қилиб, [уни] юртнинг барча жамарғалари ва расмий таклифларидан озод ва марфуъул қалам қилиб ўз ҳолича қолдирдук. Мулозимлар ва гумашталар [унга] дахлдор бўлмасликлари лозим. Шу кундан бошлаб ҳеч бир киши у мақоми пойи остонага зарар ва заҳмат етказмасун; [уни] барча важҳдан хо-

<sup>108</sup> Низомиддин Муҳаммад Хонхўжа — Юсуфали ўғли, Норбўта ва Олимхон саркардаси ва Наманган ҳокими бўлган.

<sup>109</sup> Муҳаммад Шоҳруххон — Ашурбийнинг ўғли; Қўқон хонлигининг асосчиси; 1121 (1709—10) йили тахтга ўтирган. [Қаранг: «Ансобуссалотин», ЎзССР ФА ШИ, № 1314—1, 136-варақ].

риж ва мустасно билуб, шу асосда [ушбу нишонни] муқаррар ҳисоблаб, [унга асло] хилоф қилмасунлар ва [бундан] бош тортмасунлар ва буйруқдан чиқмасунлар.

Сана 1207.

Икки муҳр. Муҳаммад Шоҳруххон бинни . . .

#### № 107/24

Ҳазратхон ҳукмидин.

Низомиддин Муҳаммад Олимбий<sup>110</sup> сўзум:

Айни замонда худо ва пок бузруклар арвоҳининг хушнудлиги учун Қороскон қишлоғини ҳазрат Султон саййид авлиё — [унинг] қабри мунаввар бўлсун — файзлик мазорига назр қилиб, [уни] ўз ҳолича [солиқдан] озод ва марфуъул қалам қилинғон ҳолда қолдирдук. Мулозимлар, гумашталар ва соҳиби дахллар шу кундан бошлаб бу мақоми пойи остонаға қадам қўймасликлари, [уни] барча важҳлардан хориж ва мустасно билишлари лозим. Шу асосда [бу нишонни] муқаррар ҳисоблаб, [унга] хилоф қилмасунлар, [ундан] бош тортмасунлар ва айтилгандан чиқмасунлар.

Сана 1213.

1 муҳри мафҳум бўлмади.

#### № 108/21

Хувал ҳайюл қайюм.

Абулмузаффар валмансур саййид Муҳаммадали ғозий баҳодирхон<sup>111</sup> сўзумиз:

Айни замонда Наманган вилоятининг ва Қалъахоннинг<sup>112</sup> ҳокимлари ва амалдорлари, халқнинг ақобир ва ашрофлари, ўрта ҳол деҳқон ва фуқаролар, аҳоли ва [у вилоятда] муқим турган ва келиб ўрнашган ер эгалари, барча мубоширлар ва мутлақ соҳиби дахллар воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, илм арбоблари ва бошқа пок насабли, асл зотли одамзоларнинг риюси тамомила диққатға сазовордир. Шундан маълум бўладики, Қороскон мавзеъининг дуоғўй саййидлари, асл ва шарофатлик хўжалари «хирож» ва «танобона» ғалласини ва юртнинг барча жамарғаларидан марфуъул қалам этган-

<sup>110</sup> Бу нишонни Олимхон хон бўлмасдан бир оз илгари, тўғрироғи, хон бўладиган йили берилган бўлиши керак, чунки Олимхоннинг ҳукмронлиги 1213—1225 (1798—99—1810) йилларга тўғри келади.

<sup>111</sup> Абулмузаффар валмансур саййид Муҳаммадали ғозий баҳодирхон (Маъдалихон) — Умархоннинг ўғлидир.

<sup>112</sup> Қалъахон — ҳозирги Андижон область Тўрақўрғон районининг маркази бўлган Тўрақўрғон қишлоғи, ўша даврда шундай аталган.

миз. Подшоҳлик ишлари билан машғул мутасаддилар ва жаҳон ҳимоясини қўлига олган мунзабитлар номи зикр қилинган [саййид ва хўжа]ларни давлат ғалла жамарғасидан озод деб билиб, [уларга] тажовуз қилмасликларингиз лозим; токи мазкур дуогўйлар тамоми фароғат ва осойишталикда яшаб, буткул иқболимиз доимийлиги дуоси билан машғул бўлсунлар.

Бу [нишон] муҳаррам ойида ёзилди, сана 1245.

I муҳр.

Саййид Муҳаммадалихон Абулғози бинни амир ал муслимин саййид Муҳаммад Умар.

### № 109/89

Бу ужурда андоғ еттиким, жаноби саёдат маоб саййид Олимхўжаға мавзеъи Коросконда навбат сувини элтиб зироят қилиб бермабсан. Бу нишон кўр[ил]гач, вилоятнинг аҳли қарор қилгон дастуридин чиқмағил, ҳужжат билғил, деб муҳрлуқ нишон битилди.

Сана 993.

Бир муҳрлуқ.

### № 110/85

Хувал фаттоҳул алим.

Абулғози Абулхайр баҳодирхон<sup>113</sup> сўзумиз.

Хосса мулозимлар билан юкчи, кемачи ва девон, тусқовул ва ғайруҳумларга.

Муътамадулхавос хизматкорлар, боиҳлос меҳтар аминларга маълум бўлсунким, Сайидали мутавалли Андугонға боратурур, сизлар бу нишон[ни] кўргач, мушорунилайҳни саломат ўтқара берингизлар. [Ундан] «бож», «хирож», «таноб» олмангизлар, [унга] зарар-заҳмат еткурмангизлар; бу бобда мушорунилайҳни тархон билиб, усол тақсир воқе этмангизлар. Хилофи ҳукм бўлмасун, деб муҳрлуқ нишон шаъбон ойида берулди.

Сана 967.

Икки муҳри бор.

### № 111/43

Халлоқу алалитлоқ.

Никрай [лик] беклар билан мамлакаторой вазирлар, баси Ахсикент вилоятининг калонтарлари воқиф ва огоҳ бўлуб

<sup>113</sup> Абулғози Абулхайр баҳодирхон — Наврўз Аҳмад (Барақ)хоннинг ўғли Бобохоннинг номи «Абулхайр» бўлган.

билингларки, ҳумоюн иззатимизни жаноби шаройиъ шиори, тақво дисори, заҳодат осори, камолиддин ваддунё [ваддин] мавлоно Иброҳим қозининг мададу маъошлари учун ҳазрат [мавлоно Иброҳимга] беш юз танга ва ўттуз ботмон<sup>114</sup> ошлиғ улуфа таъйин қилғоч, Кушонак ариғида<sup>115</sup> шоҳ Юсуф Миракга тааллуқ ерда, ариғининг бери юзида уч қўшлуқ<sup>116</sup> ер-сувни. Чунки мундоғ тоифаларнинг риоятлари барчага лозим турур, биз тақи [уни] сарафроз қилиб, мазкур бўлғон олуғотларни мазкур ариғ билан саййид мушорунилайҳа суюрғол қилдук.

Эмди бу нишон [ни] кўргач, [уни] суюрғолига мусаллам тутуб, моне ва музоҳим бўлмангизлар, [унга] зарар ва заҳмат еткурмангизлар. Муқаррар улким, девонлар беш юз танга билан ўттуз ботмон ошлиғни бурунғи дастур билан мушорунилайҳа «тан» ва «барот» [қилиб] берсунларки, [ҳар] йили бу жаноби мушорунилайҳа било қусур ва қусур восил бўлғой, бу бобда тақсирни раво тутмасунлар ва тақи қарор бўлғон уч қўшлуқ еру сувни ўзлари экиб, ё эктуруб ҳарне ҳосилни олиб, сарфи маъош қилиб, тинч кўнгул билан ҳазрат-ҳужжат тепасига ишора — Халлоқу алаал итлоқга қуллуқ ва ибодат қилиб, бизга олқиш-дуо қилсунлар, деб муҳрлуқ нишон кўргуздук.

[Сана] 964.

Бир муҳрлуқ.

## № 112/66

Хувал ғани.

Олий ҳукм содир бўлдиким, қадимий дастурга кўра, Короскон мавзеъининг қозилиғини ниёз тариқасида ҳақиқат паноҳ жаноб Камолиддинхўжага шафқат қилдук.

[Амалдорлар ва халқ] Аҳсикент вилоятининг қозилиғини юқорида ишорат қилинғон [Камолиддинхўжа]га албатта маҳсус билиб, ҳеч ким ва бирор бир тирик жон [унга] дахл қилмаслиги ва зарар-заҳмат етказмаслиги керак. [Бу нишонга]

<sup>114</sup> Ботмон (арабчаси — «ман») — суюқлик ва дон оғирлиги учун ўлчов ҳар ерда ҳар хил бўлиб, 2 килограммдан то 8 килограммгача бўлган. XVIII асрда Бухорода 8 пуд — 128 килограммин бир ботмон десалар, Тошкентда эса 11 пуд — 176 килограммга бир ботмон деб айтганлар. (Қаранг: «Қомуси Туркий», 213-бет; О. Д. Чехович, Документы... стр. 243).

<sup>115</sup> Янгиқўрғон районига қарашли Чортоқ қишлоғининг тепасидан ўтадиган Чортоқ сойидан чиқарилган ариқ.

<sup>116</sup> Қўшлуқ — бир жуфт ҳайвон воентаси билан ҳайдаб экиладиган ер бўлиб, 5—7 гектарни ташкил этган.

хилоф қилмасунлар, буни аҳд қилинғон деб билиб, бу хусусда нуқсонга йўл қўймасунлар.

Сана 1039.

3 муҳрлуқ.

### № 113/73

Низомиддин Оқил оталиқ султон<sup>117</sup> сўзум:

Айни замонда ўзимизнинг шоҳона ва бебаҳо иноятимизни жаннати ва саодатлик жаноб саййид Насруллохўжага муносиб кўруб, қадимий дастур билан, Короскон мавзеъининг ҳоқимлиги ва юксак мартабалик қозилик мансаби билан биргаликда Адак ва Говхонанинг кўруқ ер [ёбис]ларини юқорида зикр этилғон [саййид Насруллохўжа]га шафқат қилдук. [Уни] юртнинг барча жамарғаларидан дарбаст, озод ва марфуъул қалам қилдук. [Бу ерларни] юқорида ишорат қилинғон [жаноб]га муқаррар ва буткул беркитилган деб билиб, мазкур мавзеълар ҳосилини, қадимий дастур расми бўйича, юқорида зикр этилғон [жаноб]га жавоб қилишлари лозим. Буни аҳд қилинғон деб билиб, ундан чиқмасунлар.

Шаҳри сафар, сана 1060.

Икки муҳри бор.

### № 114/18

Абуззафар Муҳаммад Олим султон<sup>118</sup> сўзумиз.

Айни замонда олий хотир ва адолат таъсирлик, кўнгул шарофатлик, шариат ва ханафи миллатининг ривожига тамоман қаратилғон экан, шунга асосан, ўзимизнинг шоҳона марҳаматимиз ва хусравона иноятимиздан заррасини Мўминхўжанинг холлариға муносиб ва қилишлариға яқин билиб, Короскон вилоятининг олий қадрлик қозилик мансабини [унга] лойиқ ва муносиб кўрдук. Мазкур [Короскон] шаҳрининг барча фуқаролари юқорида зикр этилғон [Мўминхўжа]ни ўзларининг ҳукми нуфузлик қозилари деб билиб, унинг иззат ва икром, таъзим ва эҳтиромини керагича бажо келтиришлари лозим; қадим замонлардан бери мана шу шарафлик мансаб унга тааллуқ топган экан, [фуқаролар] мурофаот ва сижжилотни қайд қилиш ва шунга тааллуқли ишларда ҳеч нарсани [ундан] яширмай ва пинҳон тутмай, воқеа қан-

<sup>117</sup> Низомиддин Оқил оталиқ султон — ўша даврда Наманган ҳокими бўлиши мумкин.

<sup>118</sup> Абуззафар Муҳаммад Олим султон — Норбўтахоннинг ўғли. У 1213—1225 (1798—99—1810) йилларда Қўқон хони бўлиб, «золим» лақаби билан ҳам машҳур эди.



дай бўлган бўлса, шундай жавоб қилишлари керак. Шу асосда [бу нишонни] муқаррар ҳисоблаб, [унга] хилоф қилмасунлар ва [ундан] бош тортмасунлар, ҳамда айтилгонга заррача тажовуз қилмасунларки, кўриб-билиб туриб марҳамат қилдук.

Сана 1231.

1 муҳр.

№ 115/53

Хувал маликул карим.

Абуззафар султон Муҳаммад Дарвиш баҳодир сўзумиз:

Короскон кентининг мутафарриқа бўлгон раъиятларининг баротдорлариға.

Бу нишон [ни] кўргач, барот важҳингизларни мазкур бўлгон раъиятлар ўз еру юртлариға келиб, зироат ва иморатлариға машғул бўлгунча барот важҳингизларни [улардан] олмангизлар; [уларга] зарар ва заҳмат еткурмангиз. Бу бобда хилофи ҳукм воқе бўлмасун. Муқаррар улким, баротдор, риоё ва ғайруҳу ҳеч кимарса Короскон раъиятлари жамъ бўлмагунча [уларга] ташвиш еткурмасун.

Сана 902.

Бир муҳрлуқ.

№ 116/56

Короскон мавзеъининг калонтарлари барчага ҳукми ҳазрат [содир] бўлдики<sup>119</sup>, кетиб қолгон раъиятлардин ҳосил вақтида мол ва хирож [важҳидан] ҳеч бир нарса талаб қилинмасун. [Раъиятлар] бундан воқиф бўлуб, ўз ватанлариға қайтиб келиб, ўзларининг экин-текин ва иморат ишлари билан машғул бўлишлари лозим; ҳеч қандай хавф-хатар қилмасунлар. Мазкур мавзеъининг баротдорлари ҳосил вақтида барот важҳидан [уларга] қўл чўзмасунлар, заҳмат етказмасунлар. Буни аҳд қилинган деб билиб, ундан чиқмасунлар.

Сана 906.

Бир муҳр. Муҳрини ўқиб бўлмади.

№ 117/99

Абулмузаффар султон Муҳаммад Дарвиш баҳодир сўзумиз:

Короскон кентининг мутафарриқа бўлгон раъиятлариға.

<sup>119</sup> «Ҳукми ҳазрат» бўлди, деб Муҳаммад Дарвиш баҳодирни эслатиб ўтмоқчи. Фармон берувчи Короскон ҳокими бўлиши керак. Қўп ибораларни мутлақо ўқиб бўлмагач, мазмунига қараб ва бошқа ҳужжатлар асосида тикланди.

Сизлар хароб аҳволиқдин тафриқа топқонсизлар. Эмди бу нишон[ни] кўргач, саёдат маоб саййид Гўё [Муҳаммад]хўжанинг эҳтимоми билан еру юртларингизга келиб, зироъат ва иморатларингизга машғул бўлунгизларким, рафоҳияти тамом бўлгусидир. Бу бобда [уларга] тухмат, шилтоқ қилмангизлар ва ҳимоятқа сиғинмангизлар ва ҳеч офаридани тақи ҳимоят қилмангизлар ва келтуруб саййиди мушорунилайхга топшура берсунлар. Хилофи ҳукм этмангизлар, деб муҳр босдим.

Сана 909.

Икки муҳрлуқ.

### № 118/51

Султон ёрлиғидин.

Шужаъуддин Шер Муҳаммадбий<sup>120</sup> сўзум:

Хосса мулозимлар билан ғайриларга.

Бу маҳалда андоғ маълум бўлсунким, Короскон кентининг баъзи раъиятлари андоғ Андугон келган эрмишлар. Эмди бу нишон[ни] кўргач, ҳар ерда мавзеъи мазкурнинг раъиятларидин бўлса, жаноби саёдат маоб, манбаъул иззи вассаодот саййид Каримхўжага топшура берсунлар. Усол таважжуҳ қилмасунлар. Ҳимоят қилғон ва ҳимоятга сиғинғон [лар] мужрим ва гуноҳкор бўлгуси турур, деб нишон бердук. Рабиулаввал ойинда [сана] 960.

Бир муҳри бор.

### № 119/46

Ҳувал қавиюл матин.

Муъиниддин султон Муҳаммад Амин баҳодир<sup>121</sup> сўзумиз:

Адолат шиор беклар билан кифоят осор девонлар, баси нойибинаввоб билан кулли хосса мулозимларга; хусусан, Андугон қаламравининг арбоб ва калонтарлари билан барча улуғ, кичик сипоҳи ва раъиятлариға возиҳ ва лойиҳ бўлсунким, олийжоҳ, муъаллонисоб, муртазавий интисоб, рукнуссаёдати ваддин саййид Каримхўжанинг раъиятлари ҳар ерда бўлса, пўшида ва пинҳон тутмай, мушорунилайҳнинг муло-

<sup>120</sup> Шужаъуддин Шер Муҳаммадбий — ўша вақтда Андижон ҳокими бўлган.

<sup>121</sup> Муъиниддин султон Муҳаммад Амин баҳодир — Наврӯз Аҳмад (Барақ)хоннинг бешинчи ўғли бўлиб, Андижон ва Фарғонада ҳоким бўлган. Акалари: Дарвишхон — Тошкентда, Бобохон — Туркистонда, Хоразм шоҳ — Сайрамда, Дўст Муҳаммад — Аҳсида волий бўлганлар. (Қаранг: «Тарихи Шайбоний», 66а—66б-варақлар).

зиматлариға топшура берсунлар. Ҳеч кимни ҳимоят қилмасунлар ва ҳимоятға сигинмасунлар, [тутиб] топшура берсунлар ва хилоф ҳукми олий воқе бўлмасун, хилофи ҳукм қилмасунлар. Хилофи ҳукм қилғонлар қўрқар, ўлар, деб муҳрлуқ нишон кўргуздук.

Ражабул муражжаб ойинда, сана 978 да битулди.  
1 муҳр. (158-бетда фотонусхаси берилган).

### № 120/68

Ҳувал қавиюл матин.

Муъиниддин султон Муҳаммад Амин баҳодир сўзумиз:

Ҳумоюн арзимизға еттиким, Короскон кентининг раъиятларидин [бир қисми] Андугон қаламравинда сокин ва мутаваддин бўлғон эрмиш. Эмди бу нишон [ни] кўргач, жаноби саъдат маоб муъалло ни собий, муртазавий интисобий саййид Муҳаммад Гўё Муҳаммадхўжаға ҳар ерда мавзеъи мазкурнинг раъиятларидин бўлса, [тутиб] берсунлар; [уларни] ҳимоят этмасунлар. Ҳимоят қилғон ва ҳимоятқа сигинғонлар қўрқар, ҳурқар, деб муҳрлуқ нишон кўргуздук.

Рабиулаввал ойинда. Сана [?].<sup>122</sup>

Бир муҳрлуқ.

### № 121/60

Абулфатҳ султон Дўст [Муҳаммад] баҳодир сўзумиз:

Давлатмандони рафъат оёб, қадимул ихтисос, муқаррабул ҳазратуссултоний Муҳаммад Халил кўкалтошқа<sup>123</sup>.

Подшоҳона иноятимиздан сўнг, жаноби саъдат иқтисоби саййид Зоҳидхўжани бир неча уйлук раъияти санда эрмиш. Ул жиҳатдин [ул жаноб ҳузурингга] борди. Эмди нишони олий мазмунига мутталиъ бўлғоч, мушорунилайҳнинг раъиятларини [ўзига] бера кўргил, деб муҳрлуқ нишона ёздим.

Сана 980. (159-бетда фотонусхаси берилган).

### № 122/80

Ҳукм [содир] бўлдики, Мулло Али ўғлилари билан биргаликда Короскон шайхларининг кишилари саййидлар паноҳи саййид Зоҳидхўжанинг хизматкорларидан бўлиб, марҳум ва

<sup>122</sup> 1500—1566 йиллар ичида берилган бўлиши мумкин.

<sup>123</sup> Кўкалтош (туркча) — Аслида Кўка доянинг ўғли тош (дош) бўлиб, киноя билан хон билан эмишган кишиларни кўкалдош (кўкалтош) деб атаганлар. Аслида эса вилоятларда ички тартиб ва интизом ўрнатувчи ва уни кузатувчи амалдор.

بسم الله الرحمن الرحيم

سید محمد علی

عبدالله شاعر بیلک

عبدالله شاعر بیلک

و...

بیشتر...

و...

اندر کون فلک در پیش از باران کلان تر...

در کون فلک در پیش از باران کلان تر...

در کون فلک در پیش از باران کلان تر...

در کون فلک در پیش از باران کلان تر...

در کون فلک در پیش از باران کلان تر...

نوروز دلی به این...




мағфиратлик Исфандиёр султон<sup>124</sup> замонасида қочиб кетган эканлар. Тамоми умидворлик билан ўз ватанлариға қайтиб келиб, иморат ва хизматлариға киришсунлар ва ҳеч ким [уларни] ҳимоя қилмасун. Буни аҳд қилинган деб билиб, бу хусусда нуҳсон кўрсатмасунлар.

Ражабул муражжаб, сана 1004.

Бир муҳри бор.

1004



№ 123/54

Муборизиддин Шермуҳаммад мирзо<sup>125</sup> сўзум:

Короскон вилоятининг калонтарлари билан барча улуг-кичик хўжа, шарик раъиятлариға.

<sup>124</sup> Исфандиёр султон бинни Хусрав султон бинни Ермуҳаммад султон, Фарғона ва Андижон вилояти Абдуллахон қўлиға ўтгач, 990 (1582) йили у вилоятларни атрофлари билан Исфандиёрхонга дарбаст йўли билан берган. Исфандиёрхон у ерда 9 йил ҳукмронлик қилган. (Қаранг: «Тарихи Шайбоний», ЎзССР ФА ШИ қўлёзмаси, № 1505, 82а-варақ).

<sup>125</sup> Шермуҳаммад мирзо — ўша даврда Наманганда амлоқдор бўлиши керак.

Андоғ маълум бўлдиким, мулло Дўст Муҳаммад мазкур бўлгон кентда мактабдор ва муъаззин эрмиш. Холо Устод Микойил деганнинг икки сийри илтқал [и] барот санинг отингга келибтур, деб ташвиш бератургон бўлдингизлар. Бисёр айб ва бефойдадур. Эмди [бу] нишон [ни] кўргач, мушорунийлайҳга ташвиш бермангизлар, деб муҳрлуқ нишон кўргуздум.

Сана 906.

Бир муҳр.

---

## ҲОКИМЛАР ВА АМЛОКДОРЛАР ТОМОНИДАН САЙИД ЖАЛОЛИДДИНХУЖАГА БЕРИЛГАН ПАТТАЛАР<sup>126</sup>

### № 1/19

Айни замонда Исо Муҳаммад оқсоқол ва Турсунбой саркорлар[нинг] хотирларида бўлсунким, Адак ва Қизилработ ерларининг вақфи важҳидан Муҳаммад Шарифхўжа эшон<sup>127</sup> қўлида нишон ва ёрлиқ ҳамда хон ҳазратлари томонидан [унга] берилган «иноятноман олий» ҳам бўлиб, шунга асосан, бу мавзеъ хирожини ушбу Муҳаммад Шариф эшонга меҳрибонлик қилдик. [Шунинг учун] сизларнинг [унга] дахл қилмаслигингиз зарурлиги таъкидланади.

1260 йил.

[Муҳр]: нишони Урол додхоҳ<sup>128</sup>.

### № 2/20

Айни замонда Исо Муҳаммад оқсоқол ва Турсунбой амлокдорларга [сўз] шулким, Адак ва Қизилработ ерларининг вақфи важҳидан Жалолиддинхўжа эшон қўлида нишон ва ёрлиқ бўлгон ва [ҳозирда ҳам] бор. Шунга асосан, меҳрибонлик қилиниб, мазкур мавзеъ хирожини «дарбаст» тариқасида юқорида [номи] зикр қилинган шахс [Жалолиддинхўжа эшон]га марҳамат қилдик. [Шунинг учун] мазкур мавзеъ хирожини юзасидан мазкур эшонга дахлдор бўлмангвар.

1259 йил.

[Муҳр]: Урол додхоҳ бинни мулла Норбўтабий.

---

<sup>126</sup> Патта — бирор бир ишни қилиш ҳуқуқи ёки бирор бир мажбуриятдан озод қилинганликни кўрсатувчи ҳужжат. Чоризм ҳукмронлиги йилларида ҳам савдогарларга савдо-сотик қилиш учун ҳукумат томонидан бериладиган «қизил қоғоз»ларни, «дўконпатта» деб атадилар. 10 та патта ўзбекча бўлиб, 22 таси форсчадир.

<sup>127</sup> Муҳаммад Шарифхўжа — Жалолиддинхўжанинг отаси.

<sup>128</sup> Урол додхоҳ — Андижон ҳокими Норбўтабийнинг ўғли бўлиб, ўша даврда Наманган ҳокими бўлган.

Мир Абдурахим саркор ва Уйчининг мирзаси мулла Зиёвиддинга [шу билан] кўрсатиладиким, Адак мавзеъи [илгари] ҳазрат Султон саййид бузрукворнинг нурга тўлиб-тошган мазорининг вақфи бўлган эди. [Бу хусусда] саййид Жалолиддинхўжа эшон қўлида илгари ўтган султонлар ва кетма-кет ҳукм сурган хоқонларнинг бир қанча адад олий ҳужжатлари бор. [Шунинг учун] қадимий олий мақом ҳокимларнинг йўл-йўриқларини қонун ҳисоблаб, у ер хирожига дахл ва мудохалот қилмай, жаноби олий [хон] ҳақларига дуойи хайр олишларингиз лозим. [Буни] таъкидланган ва муқаррар билиб, хилоф қилманглар.

[Муҳр]: нишони Хўжаали саркор<sup>129</sup>.

## № 4/14

Айни замонда Абдурахим саркор ва Саримсоқ амлокдорларга [сўз] шулким, Адак ва Қизилработ вақф ерлари хирожини ҳазрат Султон саййид авлиё [мазори]нинг мутаваллиси Жалолиддинхўжа эшонга меҳрибонлик қилган эдик. Уша меҳрибонлигимиз ҳозир ҳам шундайинча қолади. Буни муқаррар билиб, хилоф қилмасликларингиз лозим.

1261 йил.

[Муҳр]: нишони Сўфибек<sup>130</sup>.

## № 5/17

Мулк ишлари[нинг] мутасаддилари кўнгулларига равшан ва ошкоро бўлсунким, ҳазрат Султон саййиднинг файзлик мазорига Жалолиддинхўжани мутавалли қилган эдик. Уша меҳрибонлигимиз ҳозир ҳам шундайлигича қолади. Бирор киши бу хусусда [унга] «қачон», «нега» деб дахл қилмаслиги ва халал бермаслиги лозим, чунки ҳар ким бизнинг ҳукуматимизга қўл урар экан, [у] ғазабимиз ва тасаллутимизга учрайди [қўлимизга тушади] ва кўп кулфатлар тортади. Бундан кейин ҳар ким ўзиға қараб, албатта, ўз ҳаддидан ошиб кетмаслиги керак.

1263 йил.

[Муҳр]: Мирзоқул жилов қушбеги бинни Дўрмон баҳодир.

<sup>129</sup> Хўжаали саркор — Коросконнинг амлокдори ва солиқ тўловчиси.

<sup>130</sup> Сўфибек — Худоёрхоннинг укаси бўлиб, ўша замонда Наманган ҳокими бўлган. (Қаранг: «Жангномаи Шавқий», УзССР ФАШИ қўлёмаси, № 1762, 24а-варақ).



## № 6/18

Говхона, Адак халқи ва деҳқонларига маълум бўлсунким, қадим замонлардан то ҳозиргача ҳазрат Султон саййид авлиёнинг файзлиқ мазори мутаваллисига «даҳяк» [ўндан бир] деб галла тўплаб берар эдиғизлар. Эндиликда нима сабабдан бермай қўйдинглар? Қадимий расмга барҳам бермай, Муҳаммад Шарифхўжа эшоннинг хотинларига [даҳяк тўплаб] беришларингиз зарур.

1263 йил.

[Муҳри]: жилов қушбеги.

## № 7/15

Айни замонда Бўта амлоқдор ва Миразим амлоқдорларга [сўз] шулким, Адак ва Қизилработ ерларининг вақфи важҳидан Жалолхўжа эшон қўлида қадимги султонлардан нишон ва ёрлиқ [лари] бўлган ва [ҳозирда ҳам] бор. Шунга асосан, биз [ҳам] меҳрибонлик қилдук: мазкур ер хирожи юзасидан у киши [Жалолхўжа эшон]га дахл ва тажовуз қилмасликларингиз керак. Езилганга хилоф қилманглар ва [ундан] бош тортманглар.

1269 йил.

[Муҳри]: нишони Сўфибек.

## № 8/16

Фидокор мулозим [имиз] Абдужаббор элликбоши ва бошқа мулозимларга [сўз] шулким, Жалолхўжа эшон мутаваллининг сизларга қарашли ариқдан [сув ичадиган] озгина ўтлов [бедазор ери] бор. Номи зикр қилинғон [Жалолхўжа] қадим замонлардан буён «таноб»<sup>131</sup> солиғидан озод қилинғон ва марфуъул қалам деб билиб, мазкур «таноб» важҳидан [унга] дахл қилмасликларингиз зарурлиги таъкидланади.

1269 йил.

[Муҳри]: нишони Сўфибек.

## № 9/13

Мир Абдурахим саркорга [сўз] шуким, эшон саййид Жалолиддинхўжа вақфга киргизиб, хирожни олган деҳқонлардан Ўтмишбой ва Розикбойларнинг хирожи қанча миқдорда бўлса, деҳқонлардан суриштириб, уларнинг [хирожий] маҳсу-

<sup>131</sup> Таноб — 0,20 га; таноб солиғи — ўша майдондан олинадиган солиқ.

лотини [ўзингиз] олинг; қолганига албатта дахл қилманг.  
1271 йил.

[Муҳр]: нишони Саримсоқ додхоқ.

### № 10/5

Ишончли кишилар Сайид юзбоши, Юнус юзбоши ва Қизилрабат, Короскон ва Қаробог<sup>132</sup> ёшлари<sup>133</sup> воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, Жалолхўжа эшон мутавалли қадим замонлардан то ҳозирги вақтгача тархони мутлақул инон бўлиб келган. Сизлар ҳам қадимий дастурға биноан уни хирождан озод билиб, «хирож» ва «таноб» ваъжидан у кишининг ишчиларига дахл қилмаслигингиз таъкидланади.

1271 йил.

[Муҳр]: Бобобек бинни Муҳаммадали.

### № 11/22

Жалолиддинхўжа эшонға [сўз] шулким, аниқ чегаралар билан чегараланган Адак мавзеъининг вақф ери ўн тўрт нафар деҳқонлар [нинг] номига беркитилган. У ер хирмонини кўтаришға ўз тарафимиздан бир ишончли кишини сизнинг ёнингизда қолдирдик. Ўзингизнинг қарорингизға биноан, агар [ҳосили] қирқ ёки эллик чоракдан ортиқ бўлса, унинг ортиқчасини биз оламиз ва қарор қилинган муайян [миқдор]ни сизга берамиз. Ва Мир Абдурахим мазкур ердан қанчаки ғалла олган бўлса, бизнинг мулозимимиз қўлиға [олиб келиб] топширсун.

Ва яна сўз шулки, Қизилрабатда [исми юқорида зикр этилган] мазкур хўжанинг ерлари бўлиб, қадим замонлардан бери [ҳосилдан] ўз ҳиссасини олиб келган. Оқсоқоллар ва аминлар бу воқеанинг ҳақиқатини ҳам шундай [деб] билишлари лозим. Ва у ернинг йигитлари [аскарлари] қадимий дастурға асосан, у кишининг ҳиссасиға дахл қилмай ва халал бермай, [ҳиссаларини] уларнинг ўзлариға беришлари лозим.

1271 йил.

[Муҳр]: нишони Саримсоқ додхоқ.

---

<sup>132</sup> Қаробог — Андижон область, Янгикўрган район Алибек қишлоқ советига қарашли қишлоқ.

<sup>133</sup> Ҳужжатда «жувонон» ёзилган, биз «ёшлар» деб олдик. Ёшлар — йигитлар, яъни аскар маъносига. (Қаранг: «Тарихи салотини Шойбония ва Манғития», ЎзССР ФА ШИ қўлёзмаси, № 112, 129а, 135б-варақлар).

## № 12/11

Сайид элликбоши, Парпи ясовул ва Қизилрабoтнинг бошқа йигитлариға [сўз] шулки, эшон Жалолиддинхўжа мазкур мавзеда [ўзига тааллуқли бўлган] «хирож» ва «ғалла»га эга. [Буларни] ўтган йили [ҳам] ўзлариға берган эдик. Бу йил ҳам [унинг] хирожлариға дахл қилмай, ўтган йилгидек, ўзлариға беришларингиз зарурлиги таъкидланади.

1272 йил.

[Мухр]: нишони Саримсоқ додхоҳ<sup>134</sup>;

## № 13/12

Мир Абдурахим саркорға [сўз] шулки, Эсан Валибой, Нор йигит ва Рўзиқулбой, кал Соли, Мулла Эш қурама, Ҳасанбой, Урмож, Муҳаммад Шариф оғолик, Дўстбой, Норон Исфандиёр ва Бадал кўса, Жонўзоқ ва Тўлабой, Ашур Муҳаммад кўнчи ва Эш жинни номли деҳқонларнинг чегараси белгиланган ери Адак деб аталади. [Адакнинг] бир томони Норин дарёси ва [яна] бир томони [?], учинчи томони жар ва тўртинчи томони Қизилрабoтдир. [Бу] чегараланган ернинг ҳаммаси Жалолхўжа эшонға тобедир. [Унинг] бу чегараси аниқ белгиланган жойда яшовчи деҳқонлардан тўланадиган хирожиға дахл ва халал бермасликларингиз зарур.

1272 йил.

[Мухр]: нишони Саримсоқ додхоҳ.

## № 14/10

Парпи ясовул ва Долназар панжоҳбошиға сўз шулким, мулла Эш қурама Жалолхўжа эшон мутаваллини восиқаларидадур ва онинг ери ҳам шул восиқага дохил. Сизлар онинг хирожиға дахл ва халал еткурманглар, муаккад билинглар.

1274 йил.

[Мухр]: нишони Саримсоқ додхоҳ.

## № 15/9

Айни замонда [ҳеч кимдан] маҳфий қолмасунки, сайёдат паноҳ сайид Жалолхўжа эшон мутавалли ёрлиқликдор, «тархони мутлақул инон» бўлиб келган. Биз ҳам [уни] тархон қилдик. Бирор киши у кишининг ҳавлисига бориб «у-бу» деб

<sup>134</sup> Саримсоқ додхоҳ — Худоёрхоннинг Намангандаги ҳокими.

[унга] дахл ва мудохала қилмасун, хилоф қилмасун ва [бу буйруқдан] бош тортмасун.

1275 йил.

[Муҳри] Сўфибек.

#### № 16/6

Муҳаммад Қаюмхўжа [унинг] ўғиллари Яъқубхўжа, Рофеъхўжа, Юсуфхўжа ва Қозихўжаларга [сўз] шулким, сизлар Султон саййид авлиёнинг нурга тўлиб-тошган мазорининг мутаваллилиги ваъжидан саййид Жалололдинхўжа мутавалли билан жанжаллашиб, охири жаноби олий хизматлари ва салтанат пойтахти Хўқанд қозилари ҳузурда [кўрилиб] сизларнинг [бу] даъволарингиз бекор бўлғон экан, чунки мазкур мутавалли шу маънони баён қиладирган «Иноятномаи ҳумоюни»ни келтирганлар. Энди сизлар мазкур мутаваллига ёпишиб олиб, беҳуда озор бериб, у кишининг аҳволини танг қилмасликларингиз лозим, [буни] таъкидланган билинглар.

1275 йил.

[Муҳр]: нишони Сўфибек.

#### № 17/7

Қизилрабат, Короскон ва Қорабоғ йигитлариға маълум бўлсунки, сайёдат паноҳ саййид Жалолхўжа эшоннинг сизларда хирожи бор ва унинг жаноби шаҳриёр [хон]дан «Иноятномаи олийси» бор. Ва жаноби бегим [ҳоким] ҳам [бу иноятномага] амал қилиб, [унга] патта берган. Биз ҳам уларга амал қилиб, [унга] патта қилиб бердик. Сизлар ҳам бунга амал қилиб, у кишининг хирожиға дахлдор бўлмасликларингиз керак.

1275 йил.

[Муҳр]: Муҳаммадёрбек ясовулбоши бинни Алибек<sup>136</sup>.

#### № 18/4

Шодибек ва Тоҳирхўжаларга маълум бўлсунки, [сизлар] Жалололдинхўжа эшоннинг хирожиға дахл қилманглар, чунки [унинг] хон ҳазратимиздан иноятномаси ва бегимиздан паттаси бор. Каттани катта билинглар.

1276 йил.

[Муҳр]: Муҳаммадёрбек ясовулбоши бинни Алибек.

---

<sup>136</sup> Муҳаммадёрбек ясовулбоши — Қизилрабат, Короскон ва Қорабоғ қишлоқларининг амлоқдори.

## № 19/8

Ҳазрати эшон маҳдумнинг хотирларида бўлсунким, сиз марҳум Эсон Валибойнинг хирожий ерини сотиб олган экансиз; [у ер] ҳазрати Султон саййид бузрукворнинг вақфи эди; [у ернинг] хирожиини Жалолиддинхўжа мутаваллиға беришингиз лозим, чунки [у кишининг] жаноби ҳумоюн [хон]дан «Иноятномаи олий»си бор. [Буни] таъкидланган билсунлар.

1276 йил.

[Муҳр?]

## № 20/3

Қизилработ мавзеъининг мулозим ва мутасаддиларига маълум бўлсунким, [бу мавзеъда] Жалолхўжа эшоннинг хирожи бор. [Шунинг учун унинг хирожига] дахл ва тажовуз қилинмасун. Буни таъкидланган билсунлар.

1279 йил.

[Муҳр]: Эшонжон эшик оғоси<sup>136</sup>.

## № 21/2

Ишончли ва фидокор мулозимлар [бўлмиш] Хонхўжа саркор ва мулла Назир саркорларга маълум бўлсунки, Жалолиддинхўжа мутавалли қадимдан бери тархони мутлақулинон бўлиб келмоқда. Бу ҳақда [унинг] қўлида илгари ўтган султонлар тарафидан берилган нишонлар бор. [Шу сабабли] у кишига хирож юзасидан дахлдор бўлмасликларингиз лозим.

1281 йил.

[Муҳр]: Юсуфбой мирза бинни Утамбой қушбеги.

## № 22/1

Муҳаммад Назар амлокдор ва Қизилработ ариғининг мутасаддисига маълум бўлсунки, саййид Жалолиддинхўжа эшоннинг Короскон [мавзеъи]га қарашли хирожи бўлгон; агарда бу ер уларнинг ўз ерлари бўлса, [у вақтда] қадимий дастурларга амал қилиб, бу кишининг хирожига дахл ва мудохана қилинмасун.

1282 йил.

[Муҳр]: Гадейбой эшик оғоси бинни Тўхта Назар додхоҳ<sup>137</sup>.

<sup>136</sup> Эшик оғоси — сарой министри.

<sup>137</sup> Додхоҳ — (форсча) адолат истовчи маъносида бўлиб, Қўқон хонлигида иноқдан олдинги бир амал.

Дахлдор арбоблар ва султонлик ишларининг мутасаддилари кўнгулларига очиқ ва ошкоро бўлсунки, [ушбу] патта эгаси саййидлар паноҳи саййид Жалолиддинхўжа мутавалли қадим замонлардан бери риоялик ва «тархони мутлақулинон» бўлиб келганлар, чунки қўлларида илгари ўтган султонлар томонидан берилган олий ҳужжатлар бор. Шунга асосан, биз ҳам ўзимизнинг ҳокимларча марҳамат ва меҳрибонлигимизни мазкур хўжа [Жалолиддин]га муносиб билиб, [уни] барча важҳлардан «тархони мутлақулинон» қилдук. Ҳеч кимса ҳеч бир важҳдан номи зикр қилинғон кишига қаршилик кўрсатиб, [унга] заҳмат етказмасликлари ва дахл ҳамда тажовуз қилмасликлари лозим; токи мазкур номи зикр қилинғон [жаноб] тамомий осойишталикда жаноби олийнинг дуоғўйлиги билан машғул бўлсунлар.

[Муҳр]: нишони султон Махмудхон Тўра судур.

## ЛУҒАТ

### А

- Авом** [а р а б.] — меҳнатқаш аҳоли, оддий халқ [бирлиги — омий].
- Акобяр** [а р а б.] — энг улуг маъносида бўлиб, олий мақом шахслар ва ашрофлар шу ном билан аталган.
- Акриму авлодус солиҳина лиллоҳи ваттолиҳинали** [а р а б.] — яхши бандалар авлодини оллоҳ учун иззат-икром қилинғлар, ёмонларини биз учун.
- Алтоф** [а р а б.] — лутфнинг жами, лутф, эҳсон навозишлар.
- Алҳукму биладди** [а р а б.] — ҳукм одиллик билан.
- Амин** [а р а б.] — энг ишончли киши, шаҳар ёки қишлоқ маъмуриятининг бошлиғи.
- Амлоқдор** [а р а б.-ф о р с.] — раъоятдан рента (хирож) ва бошқа солиқларни тўловчи амалдор.
- Арбоб** [а р а б.] — аҳллар, эгалар, қишлоқ бошлиғи. Ҳужжатда ер-сувдан фойдаланиш ишларини назорат қилувчи.
- Асан ва Аржуманд** [а р а б.-ф о р с.] — гўзал ва муҳтарам, шарафли.
- Асллар** [а р а б.] — фикҳ ва ҳадис билан иш кўрувчи амалдорлар.
- Асоғир** [а р а б.] — кичкиналар, сағир, балоғатга етмаган кишилар (бирлиги — сағир).
- Афаман шараха оллоҳу садраху лилисломни** [а р а б.] — у кимдир худо унинг кўнглини ислом дини учун очган.
- Аъён** [а р а б.] — давлат хизматида бўлган муътабар киши.
- Аъроф** [а р а б.] — жаннат билан жаҳаннам ўрталиги баландлик бўлгани учун «аъроф» дейилади. Ҳар нарсанинг ўртаси баландлик.
- Аҳли байт** [а р а б.] — маълум хонадонга мансуб кишилар, оила, династия. Ҳужжатда Али ва Фотима хонадонидан бўлганлар устида сўз боради.
- Аҳли вазоиф** [а р а б.] — вазифа аҳли: мадраса ва хонақоҳларда истиқомат қилиб, вақфдан улуфа (маош) олувчилар.
- Аҳсана оллоҳу авоқиба умуруҳим** [а р а б.] — оллоҳ уларнинг ишлари оқибатини хайрли этсин.

### Б

- Байзо алам** [а р а б.] — оқ байроқ.
- Байти ка сафинати Нуха ман даҳалаҳо амина ва харажаҳо ағрақа** [а р а б.] — менинг уйим Нух (пайғамбар)нинг кемасидек ким кирса, омон топиб, кимки ундан ташқарида қолса, фарқ бўлгусидир.
- Бароё** [а р а б.] — инсонлар, халқ ва кишилар.

**Барот** [а р а б.] — мартаба ва нишон ё бир имтиёзни тасдиқ қиладиган қоғоз-солиқ маъносида ҳам келади.  
**Баротдор** [а р а б.-ф о р с.] — солиқ ундирувчи.  
**Баҳжат фазой** [а р а б.-ф о р с.] — гўзал, ҳусидор, қимматбаҳо.  
**Бий** [т у р к.] — бой, феодал, эл-юрт бошлиғи.  
**Бугтой покиза сифот** [а р а б.-ф о р с.] — жуда кам учрайдиган покиза сифатли киши.

## В

**Ва алламаху минмо ташо** [а р а б.] — худо бандаларига нимани истаса, ўшани ўргатади.  
**Возеҳ** [а р а б.] — очиқ-ошкора.

## Г

**Гумошта** [ф о р с.] — бирор савдо ёки ҳарбий ишни олиб бориш учун белгиланган вакил, мирза, хизматчи, агент, ҳисобчи маъносида.

## Д

**Динор** [а р а б.] — олти дирҳам баробаридаги олтин ақча.  
**Дирҳам** [а р а б.] — 15 грамм оғирлигидаги кумуш танга.  
**Доруға** [м о н г.] — шаҳарда тартиб сақловчи маъмур, шаҳар бошлиғи.

## Ж

**Жалла-жалолуху** [а р а б.] — голиб ва шаъни улуғ.  
**Жаҳонбий, жаҳонбон, жаҳонбахш, жаҳонпарвар, жаҳонпахлу** [ф о р с.] — жаҳонни идора қилувчи деган сифат подшоларни тутган мавқенга қараб берилган мақтов.  
**Жоҳ** [а р а б.] — қадр, мартаба, манзила ва мансаб.  
**Жувонон** [ф о р с.] — ёшлар, йигитлар, ёш аскарлар маъносида.

## З

**Закиюлло** [а р а б.] — худонинг пок бандаси.  
**Заҳодат осор** [а р а б.] — парҳезкор, ёмонликдан ўзини тортувчи.  
**Зобит** [а р а б.] — аслида бирор вазифага тайинланган лавозимдан минг-боши лавозимига қадар вазифадаги шахс. Хужжатда «зобит» — хонлик молия девонининг хизматкори.

## И

**Ибро** [а р а б.] — даъвои бир томонга ҳал қилиш.  
**Инни торикун фикум ассақалайни китобуллоҳи ва итрати** [а р а б.] — албатта мен, инсу жинс сизларга иккита нафис ва гўзал, олий жаноб нарса — бири оллонинг китоби [қуръон], иккинчиси [ўз] ҳовадонимни қолдирдям (пайғамбар ҳадисидан).  
**Инончигирв** [т у р к.-ф о р с.] — ишонч учун олдидан олиб қўйиш.

## К

**Кадхудо** [ф о р с.] — кад — қишлоқ, худо — оқсоқол, яъни қишлоқ оқсоқоли, ҳукмрони.  
**Калонтар** [ф о р с.] — умуман аҳоли ўртасида обрўли шахс.  
**Кифоят осор** [а р а б.] — лаёқатли, иқтидорли, етук киши.



Кораңда [ф о р с.] — оддий деҳқон.

Коражу бек [т у р к.] — тўғри сўзловчи, давлат ишига тўғри назар билан қаровчи садоқатли бек.

Кўкалтош [т у р к.] — аслида Кўка доянинг ўғли — тош (дош) бўлиб, кино тарзида хон билан эмишган кишиларни кўкалтош деб атаганлар. Вилоятларда ички тартиб ва интизом ўрнатувчи ва уни кузатувчи амалдорни ҳам шундай деб атайдилар.

## Л

Лавлока ламо халақтул афлока [а р а б.] — сея бўлмаганда мен дунё [мавжудот]ни яратмас эдим. (Муҳаммад пайгамбар ҳақида айтилган ҳадиси қудсий).

Лангар [ф о р с.] — якорь; бу ерда фақир ва мискинларга таом берадиган жой, хонақоҳ маъносида.

Лойиҳ [а р а б.] — порлоқ.

## М

Маволи [а р а б.] — 1) соҳиб, устоз, жаноб, (бирлиги — мавло); 2) қул, банда.

Мамар [а р а б.] — юриб ўтиладиган жой, йўл.

Манбаул-иззи валкаронат [а р а б.] — иззат ва каронат манбаи.

Мансура [а р а б.] — ролиб, фатҳ, нусрат нойили.

Марфуъулқалам [а р а б.] — солиқлар зиммасидан кўтарилгай.

Марҳумийюл-мабрурий [а р а б.] — яхшилик билан дунёдан ўтган одам.

Мафхарус содот [а р а б.] — саййидлар ифтихори.

Маъолий нисоб [а р а б.] — насаби улуг.

Меҳтар [ф о р с.] — буюк, аъзам, акбар (ҳужжатда хон ва вазирларнинг нишон ва ёрлиқларини жойларга етказувчи: вазирларнинг уй хизматчиси, гоҳо солиқларни жамлаб, уни ўрнига сарфловчи амалдор).

Мин кулли вужуҳ [а р а б.] — барча важҳлардан.

Мубошир [а р а б.] — хон ва султонларнинг ёрлиқларини жойларга етказиб турувчи амалдор.

Муваддат [а р а б.] — севиш, муҳаббат қўйиш.

Мужаддад [а р а б.] — янги, тоза.

Мужтабойи мукаррам [а р а б.] — ҳурмат ва таъзимга муносиб шахс.

Музореъ [а р а б.] — экувчи, деҳқончилик қилувчи.

Мулк орой [а р а б.-ф о р с.] — мамлакатни безатувчи.

Мунзабит [а р а б.] — ҳукм ижроси ва нуфузга қодир киши.

Муноқаша [а р а б.] — уруш-талаш, тортишув.

Муофи мутлақ [а р а б.] — мутлақо озод қилинган.

Мурофаот [а р а б.] — икки шахс (даъвогар ва жавобгар)ни қози маҳкамасида бир бири билан юзлаштириб сўроқ қилиш.

Муроқабат [а р а б.] — яхши кўз билан қараш.

Муртазвийи аъзам [а р а б.] — муртазо. Алининг лақаби, мас., муртазавийи аъзам — Али авлодидан бўлган энг буюк шахс.

Мусаллам [а р а б.] — шубҳасиз, инкор ва қаршилик қилинмай маъқулланган.

Мутакаффил [а р а б.] — кафил бўлган, кафилликни ўз устига олган.

Мутлақ соҳиб дахллар [а р а б.-ф о р с.] — аҳolidан тўпланадиган солиқ киши топширилган шахс.

Мутасадди [а р а б.] — бирор ишни бошловчи, ташаббускор.

Муфавваз [а р а б.] — бир кишининг ихтиёрига ҳавола қилинган.

Муфти [а р а б.] — бирор масала юзасидан шарият қонуни бўйича (оғзаки ёки ёзма) фатво берувчи киши.

**Мухассис** [а р а б.] — хонларнинг махсус фармойишларини бажарувчи амалдор. Хужжатларга кўра, феодал мажбуриятларни ундириш учун тайин қилинган амалдор.

**Мушорув** илайҳ [а р а б.] — ишорат қилинган.

**Муъориз** [а р а б.] — қаршилик кўрсатувчи ва мухолафат этувчи.

**Муқимон** [а р а б.] — бир ерда вақтинча ё доний турувчи кишилар (бирлиги — муқим).

**Муқтадо** [а р а б.] — имом, раис, пешво; бўйсунилган, эргашилган кимса.

## Н

**Навкар** [м о н г.] — хонларнинг ҳарбий ва уй хизматчилари.

**Нажобат** оёб [а р а б.] — зодагон.

**Назр** [а р а б.] — кўплиги — нузурот. Назр — худо ёки улуғлар (арвоҳи) га бағишлаб бериладиган садақа.

**Наҳмадуҳу** ва настаъйниҳу [а р а б.] — худога мақтовлар айтамин ва [ундан] ёрдам истаймин.

**Наҳмат** [а р а б.] — истак, ҳавас, ҳиммат ва мақсад эгаси.

**Нийёз** [а р а б.] — ёлвориниш, дуо, раҳмат. Хужжатда «суюрғол» маъносида ишлатилган.

**Нишон** [ф о р с.] — аломат, фармон. Хужжатларда эса, хон фармони маъносидадир.

**Ниқобат** дастгоҳ [а р а б.-ф о р с.] — нақиблик, раёсатлик, ваколатлик.

**Ниқобат** қибоб [а р а б.] — нақиблик қуббаси, шайхларнинг олийси.

**Нойиб** [а р а б.] — хон ва вазир, ҳокимларнинг ўринбосари (кўплиги — наввоб).

## О

**Олиғдор** [т у р к.-ф о р с.] — раъиятдан солиқ тўловчи амалдор.

**Оллоҳумма** саллиало муҳаммадин ва ало олиҳил атҳори ва итратуҳуя барратил аҳёри [а р а б.] — Эй, бор худоё Муҳаммад ва унинг пок оиласи ва энг яхши одил кишилари хонадонига салом ва дуолар бўлсин.

**Оломон** [ф о р с.] — боши бузуқ аскар, бетартиб халқ.

**Осаф** сифат [а р а б.] — Осаф ибн Барҳиё — Сулаймон (пайгамбар)нинг вазири; вазирларга мақтов.

**Офариди** [ф о р с.] — яратилган жон, киши.

**Ошира** [а р а б.] — бож олувчи.

## П

**Парвонача** [ф о р с.] — солиқдан озод қилинганлик тўғрисидаги ҳужжат.

## Р

**Раъият** [а р а б.] — ерсиз камбағал деҳқон ва бир ҳукмдорнинг қўл остидаги халқ.

## С

**Садр** [а р а б.] — бош, раис, маҳаллий руҳонийлар бошлиғи, улар диний ишлар билангина шуғулланмай, давлат ишларида ҳам катта роль ўйнаганлар. Садрлар одатда катта ер эгаси бўлганлар.

**Саёдат** маоб [а р а б.] — саййидларнинг мурожаат этадиган жойи.

**Сажжода** [а р а б.] — жойнамоз.

- Саллооллоху** алайҳи васаллам, баротун минан нор — пайғамбар бандаларни дўзах азобидан қутқаради.
- Санад** [а р а б.] — 1) таяниш, таянадиган жой; 2) ҳақ ва қарз тўғрисидаги ҳужжат.
- Сарафроз** [ф о р с.] — ҳаммадан устун, юксалган.
- Саркор** [ф о р с.] — иш боши. Ҳужжатларда — солиқ ундирув ишларини ҳам бажарганлар.
- Саҳим** [а р а б.] — уқ, ҳисса пай ва баҳра; ҳиссадор шариклик қилиш.
- Сиво** [а р а б.] — холи, ғайр хориж.
- Сижжилот** [а р а б.] — муҳрланган чек, қозиннинг имзоси ва муҳри бор хат, қозиннинг ҳукумномаси ва бошқа шаръий хатлар.

## Т

- Таноб** [а р а б.] — чодир ипи. 0, 20 га ерни бир таноб дейилади.
- Тасаллут** [а р а б.] — бировни бениҳоя ранжитиш, қўлга олиш.
- Тақянишин** [а р а б.-ф о р с.] — чилла ўтириб, зикр-само қиладиган дарвишлар.
- Татимма тус содот** [а р а б.] — бир нарсанинг камолга етгани, сайиндларнинг камолга етгани.
- Таъарруз** [а р а б.] — қаршилиқ кўрсатиш.
- Тақсир** [а р а б.] — бир ишни нуқсон билан бажариш, камчилик кўрсатиш.
- Тўқовул** [т у р к.] — йўл нигоҳбони; маълум жойларда туриб, ўтаётган карвон эгаларидан бож олувчи.
- Тухмат** [т у р к.] — бир кишига ноўрин айб қўйиш.
- Тушумол битикчи** [т у р к.] — хон хазинасига тушадиган мол-мулкларни ҳисобга олиб борувчи котиб.

## У

- Ужурда** [т у р к.] — бу вақтда, айни замонда.
- Умдатул мулк** [а р а б.] — мамлакат таянчи ва асосчиси.
- Уммол** [а р а б.] — давлат маъмурий идорасининг ходими, волий, мутасарриф шахс (биз ўрганаётган дврда давлат хазинаси учун тўпланадиган солиқларни тўловчи амалдор).
- Усол** [т у р к.] — иш билмаслик, ғафлатда қолиш.

## Ф

- Фарзи айн** [а р а б.] — шарият ҳукми бўйича ҳар киши ўзи бажариши керак бўлган иш.
- Фақих** [а р а б.] — шарият қонунлари бўйича иш кўрувчи шахс.
- Фуқаро** [а р а б.] — фақирлар, бечоралар, камбағаллар. (Ҳужжатда «халқ» маъносига ишлатилган).

## Х

- Хонадони батул** [а р а б.-ф о р с.] — батул — Фотиманинг эпитети: пайғамбарнинг қизи. Фотима хонадонига қарашли.
- Хос** [а р а б.] — хон ва унинг атрофидаги давлатга энг яқин кишилар (кўплиги — хавос).
- Хубушлуқ** [т у р к.] — ҳужжатларда шарик маъносига.

## Ш

**Шарик** [а р а б.] — ўртоқ, рафиқ, орқадош.

**Шафоат** [а р а б.] — сўраб олиш (диний ақидаларга хўра, пайгамбар «қиёматда» умматларнинг гуноҳини худодан сўраб олар эмиш).

**Шилтоқ** [т у р к.] — бўҳтон, тухмат.

**Шомил** [а р а б.] — 1) ёйилган, ўраб олган; 2) тегишли, оид.

## Э

**Эшикоғобоши** [т у р к.] — сарой хизматчиси.

**Эҳтимом** [а р а б.] — диққатга сазовор, аҳамиятли.

## Ю

**Юкчи** [т у р к.] — ҳужжатда ҳаммол маъносида эмас, кемадаги юкларни таҳқиқ қилувчи кичик амалдор маъносида келтирилган.

**Юнт йили** — от (йилқи) йили.

## Я

**Яргу** [м о н г.] — молу мулкни мусодара қилиш, тортиб олиш ва мулкни жарима солиш.

## Ў

**Ўғри беклар** [т у р к.] — ўғриларни таъқиб этувчи беклар маъносида.

## Қ

**Қарори воқе** [а р а б.] — маълум бир жойда қарор топган.

**Қул оллоҳумма малякал мулки туътил мулка ман ташо** [а р а б.] — дегил, (эй муҳаммад) ҳамма мулкнинг эгаси ва подшоҳи сенсан (унинг) эгалиги ва подшолигини кимга истасанг ўшанга берасан.

**Қурқор ва ҳуркар** [т у р к.] — ҳужжатлар мазмунидан, бу сўзлар айблаш ва жазолаш маъносида келтирилган.

**Қутбул автод** [а р а б.] — ватан, қозиқ. (Ҳужжатларда — бир тоифа ёки жамоатнинг тепасида турган асизодалар демакчи).

**Қутбул ақтоб** [а р а б.] — авлиёлар гуруҳининг пешвоси.

## Ғ

**Ғазанфар** [а р а б.] — арслон, шер, шижоатли ва жасур одам.

## Ҳ

**Ҳазрат Расули акрам саллоллоҳу алайҳиссалом** [а р а б.] — Муҳаммад (пайгамбар)нинг эпитети.

**Ҳаллоқу алаал итлоқ** [а р а б.] — худонинг сифатларидан бўлиб, у ҳаср таҳсис этмасдан жуда ҳам яхши яратувчидир.

**Ҳувал маликул карим** [а р а б.] — у (худо) карим ва эҳсон эгаси (бўлган) подшодир.

**Ҳувал маликул майнон** [а р а б.] — у (худо) эҳсон ва яхшиликлар қилувчи (ягона) подшодир.

**Ҳувал маликул мустаом** [а р а б.] — у (худо) ёрдам берувчи подшодир.

**Ҳувал фаттоҳ** [а р а б.] — у (худо) умидлар эшигини очувчидир.

Хувал фаттоҳул алим [а р а б.] — у (худо) кўшойиш берувчи ва (ҳамма нарсани) яхши билувчидир.

Хувал қавиюл матин [а р а б.] — у (худо) зўр ва мустаҳкамдир.

Хувал ғани [а р а б.] — у (худо) бойдир.

Хувал ғаниюл азиз [а р а б.] — у (худо) бой ва азиздир.

Хувал ҳай [а р а б.] — у (худо) абадий мавжуддир.

Хувал ҳайюл қайюм [а р а б.] — у (худо) ҳаёт ва азалдан абадга қадар қойини ва мавжуддир.



## Фойдаланилган адабиётлар

### Марксизм-ленинизм классиклари

Маркс К. и Энгельс Ф. От возникновения Хорезмского государства до появления в Малой Азии турок-османов, Чингизхан, Сыновья и К в Азии, падение Хорезмского государства, Архив, т. V, Госполитиздат, 1938.

Маркс К. Капитал, т. III, М., Госполитиздат, 1954.

### Қўлёзма ва литографик манбалар

(Автори номаълум) Туманский қўлёзмаси, «Худудул олам», ЎзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 901.

Абвоб ибн Фахриддин Ҳасан Жамолиддин Ҳусайн, Фарҳанги жаҳонгирий, Лакҳнав, 1876.

Абдуразоқ Самарқандий, Матла ус саъдайн, ЎзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 1825.

Аби Абдулло Еқут бинни Абдулло ал Ҳамавий, Муъжам ул булдон, Миср, 1907.

Аби Исҳоқ Иброҳим бинни Муҳаммад ал Форсий ал Астарҳоний ал маъруф бил Кархий, Масоли-

кул мамолик, Навоий кутубхонаси,  $0\frac{46}{4-1}$ .

Абуҷаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат Табарий, Китоби расул ул мулк ва хулафо, ЎзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 1229.

Абулфазл ибн Муборак Алломий, Акбарнома, ЎзССР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 6.

Абулфазл ибн Муборак Алломий, Ойини Акбарий, Деҳли, 1893.

Абулқосим Убайдулло бинни Абдулло ибн Хурдодбаҳ, Китобул хирож, Навоий кутубхонаси,  $0\frac{H6}{4-VI}$ .

Абутоҳир валади қози Абусаъид Самарқандий, Самария, Спб, 1904.

Али бинни Ҳусайн алвоиз ал Кошифий, Рашаҳоту айнилҳаёт, Лакҳнав, 1890.

Али Муҳаммад бинни Муҳаммад Ҳусайн ал Исфакхоний, Жомжам..., Техрон, 1850.

Али Раҳим, Тотор адабиёти тарихи, Қозон, 1923.

Али Сновий, Хева, ЎзССР ФАШИ литографияси, № 10177.

- Аҳмад Жавдат, Кашшофи Истилоҳоти фунун, Истамбул, 1317—1899.
- Бадриддин Кашмирий, Равзатур ризвон ва ҳадиқат ул ғилмон, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 2094.
- «Баёз», УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 5333.
- Домулло Восежон Хуқандий, Тазкирани Султоний, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 692.
- Жамолиддин Юсуф бинни Иброҳим ал ардабелий, Ал анвар лиамалил аброр, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 9246.
- Журжи Зайдов, Маданияти Исломият тарихи, Истамбул (1328), 1910.
- Захириддин Мухаммед Бабур, Бабурнаме, Ташкент, Издательство АН УзССР, 1958.
- Ибодуллохўжа бинни Хўжа Ориф ал Бухорий, Ар рисолату фи таҳқиқи арозияул ушрияти вал хирожияти, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 4976.
- Имом Қурбонали ҳожи Холид ўғли, Тарихи Хамса (Шарқий), Қозон, 1910.
- «Исмоил Сомоний вақфномаси», УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 572.
- Исохонтўра Жунайдулло ўғли Тўрақўрғоний, Тарихи Фарғона, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 10117.
- «Мажмуъа», УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 3313.
- Маҳднй Мунши Шерозий, Занбил, Техрон, 1329.
- Маҳмуд бинни Вали, Баҳрул асрор, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 1375.
- Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, Тошкент, 1960.
- Мирзо Азиз бинни Муҳаммад Ризо, Тарихи Азизий, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 11108.
- Мирзо Баде девон, Мажма ул арқом, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 2374.
- Мирзо Маҳмуд Чарросий. Тарихи Чарросий (Олти шаҳар хонларининг тарихи), УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 7585.
- Мирзо Муҳаммад Шариф бинни мавлоно Абдушукур (Садр Зиё), Таворихи салотин, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 2241.
- Мирзо Олим бинни Мирзо Раҳим Тошкандий, Ансоб улсалотин ва таворих ил ҳавоқин, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 3753.
- Мирзо Сиддиқ мунши (Жондорий), Таворихи манзум, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 3686, 4509.
- Мирзо Ҳайдар бинни Муҳаммад Ҳусайн дуғлот, Тарихи Рашидий, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 1430.
- Миркушо мунши, Мулло Зоҳид мунши ва Муҳаммад Тоҳир Воҳид, Мактубот, муншоот ва маншурот, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 289.
- Мир сайид Шарафиддин аълам (Роқим) Самарқандий, Тарихи Роқимий, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 9215.
- Мир Сиддиқ тўра (Ҳашамат), Тазкират ус салотин, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 2252.
- Мир Ҳусайн бинни амир Ҳайдар, Тарихи салотини Узбекия, Аштархония ва Манғития, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 122.
- Мулло Ниёз Муҳаммад, Тарихи Шоҳрухий, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 1787.
- Мулло Умар ноиб мулло Миржуман ўғли, Тарихи манзума, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 9559.
- Мулло Шамс Намангоний (Шавқий), Жангномаи Худоёрхоний, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 1762.

- Мустафо бинни Абдулло Алқўстантаний (Котиби Чалабий), Тақвимут таворих, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 4261.
- Муҳаммад Амин бинни Муҳаммад Замон Бухорий (Сўфиёний), Муҳит ут таворих, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 836.
- Муҳаммад Бадиъ бинни Муҳаммад Шариф (Малиҳо), Музаккир ул асҳоб, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 4270.
- Муҳаммад Ризо мироб (Огаҳий), Гулшан уд давлат, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 7572.
- Муҳаммад Солиҳхўжа ибн Қорахўжа, Тарихи жадидаи Тошкент, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 7791.
- «Муҳаммад Тақи Муставфи Кошоний (Синехр)», Техрон, 1857.
- Муҳаммад Фавод Кулирилизода, Илк мутасаввифлар, Истамбул, 1919.
- Муҳаммад Ховандшоҳ, Равзат ус сафо, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 6789.
- Муҳаммад Юсуф бинни Бобожонбек (Баёний), Шажарайи Хоразмшоҳий, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 9596.
- Муҳаммад Ғиёсиддин бинни Жалолиддин ибн Шарифиддин, Ғиёсул луғот, Лакхнав, 1247 ҳижрий.
- Муҳаммад Ҳусайн (Бурхон), Бурхони коте, Лакхнав, 1887.
- Муҳиддин Хуқандий (Муҳий), Тарихи Муҳий, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 604.
- Одилов И. Библиография, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 5846.
- Ризо Нур, Турк тарихи, Истамбул, 1924.
- Рузенбах Н. У. Фарғона музофотига сафари, УзССР ФАШИ литографияси, № 723.
- Саййид Жамол ибн Миржалолиддин, Тархоннома, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 2020.
- Султон Муҳаммад бинни дарвиш Муҳаммад Балхий, Мажмаул ғаройиб, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 4330.
- «Тарихи ғўзида Нусратнома», СССР ФА Осие халқлари институти Ленинград бўлимининг қўлёзмаси, № В, 745.
- «Тарихий мактублар (темурийлар даврига оид)», УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 3743.
- Тожир, Ғаройиби сипоҳ, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 5408.
- Хўжа Абдурахим ибн Хўжа Абдурахмон, Туҳфат ул ансоби Алавий, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 1459.
- «Хўжа Аҳрор вақфномаси», УзССР ФАШИ, чеклар № 9, 98, 99.
- Шамсиддин Сомий, Қомус ул аълом, Истамбул, 1898.
- Шамсиддин Сомий, Қомуси туркий, Истамбул, 1899—1900.
- Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 1514.
- Шарифжон маҳдум, Мусовда дафтари, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 2374.
- Шайх Сулаймон Бухорий, Луғати чигатой, Истамбул, 1298.
- Қози мулло Жумақул Ҳамулий, Тарихи Ҳамулий, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 3741, 46.
- Қозиподшоҳўжа азиз Миргоний, Маноқиб шайхул ислом ва табақоти хўжагон, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 7750.
- Ғиёсиддин Хондамир, Макорим ул ахлоқ, УзССР ФАШИ қўлёзмаси, № 5340.



## Монографик асарлар, илмий мақолалар ва бошқа адабиётлар

- Абдураимов М. А. Позднейшие упоминания о суюргале, «Общественные науки в Узбекистане», 1961, № 2.
- Абдураимов М. А., Вопросы феодального землевладения и феодальной ренты в письмах Эмира Хайдара, Ташкент, Издательство АН УзССР, 1961.
- Азимжонова С. А. XV асрнинг иккинчи ярмидаги Фарғона тарихига оид, Тошкент, УзФАН, 1957.
- Али-Заде А. Виды земельной собственности и налоговая система ильханов в Азербайджане (XIII—XIV вв.), «Известия АзФАН», 1942, № 4.
- Али-Заде А. К вопросу об институте икта, «Известия Азербайджанского филиала АН СССР (АзФАН)», 1942, № 5.
- Аҳмедов Б. А. Ўзбекларнинг келиб чиқиши тарихидан, Тошкент УзССР ФА нашриёти, 1962.
- Бартольд В. В. К истории крестьянских движений в Персии, в сб. «Из далекого и близкого прошлого в честь проф. Н. И. Карева», М., 1923.
- Бартольд В. В. К вопросу о феодализме в Иране, «Новый Восток», 1930, № 28.
- Бартольд В. В. История Туркестана, «Труды Туркестанского университета», вып. 2, Ташкент, 1922.
- Бартольд В. В. Урта Осиё турк тарихи, Истамбул, 1927.
- Бартольд В. В. Туркистон тарихи, Бухоро халқ маорифи назорати, 1924.
- Бартольд В. В. Қисқача ислом маданияти тарихи, Тошкент, 1927.
- Беленицкий А. М. К истории феодального землевладения в Средней Азии и Иране в тимуридскую эпоху (XIV—XV вв.). (Образование института «суюргал»), «Историк марксист», 1941, № 4.
- Беляев И. Л. Материалы для изучения Среднеазиатской полеографии по юридическим актам XVII—XVIII, Протоколы заседаний и сообщений членов Туркестанского кружка любителей археологии, год XI, 1907.
- Березин И. Н. Очерк внутреннего устройства улуса Джучиева, «ТВОРАО», т. VIII.
- Брокгауз И. А. Ефрон-энциклопедический словарь, Петербург, 1902.
- Будагов Лазарь. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, СПб., 1868.
- Вельяминов-Зернов В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухамед Али до Худояр-хана, «ТВОРАО», ч. II, СПб., 1856.
- Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Кокандском ханстве, «Вестник ИРГО», 1856, ч. 18.
- Владимирцев В. В. Общественный строй монголов. Монгольский кочевой феодализм, Л., 1934.
- Вяткин В. А. Шейхи Джуйбарн, сб. «Ияд ул-Джуман», Ташкент, 1927.
- Гаврилов М. Ф. Рисоля сартовских ремесленников, Ташкент, 1912.
- Гафуров Б. Г. История гаджикского народа, Госполитиздат, 1949.
- Герман Вомбери, Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи, М., 1924.
- Гордлевский В. А. Государство сельджукидов Малой Азии, 1941.
- Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда, Л., 1957.
- Григорьев В. В. О купеческих монетах, находимых в России и Прибалтийских странах, как источниках для древнейшей отечественной истории, в кн. «Россия и Азия». Сборник «Исследо-

- ваний и статей по истории, этнографии и географии, написанных в разное время», СПб., 1876.
- Заходер** Б. Н. История восточного средневековья, Курс лекций, М., 1944.
- Иванов** П. П. Хозяйство Джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVII вв., М.—Л., Изд-во АН СССР, 1954.
- Иванов** П. П. Архив Хивинских ханов, XIX в., Л., 1940.
- Йўлдошев** М. Й. Хива хонлигида феодал-ер эгаллиги ва давлат тузлиши, Тошкент, УзССР Давлат нашриёти, 1959.
- Миддендорф** А. Ф. Очерки Ферганской долины, СПб., 1882.
- Мирзаев** К. М. Амляковая форма феодальной земельной собственности в Бухарском ханстве, Ташкент, 1954.
- Миллер** Б. В. Фарханги форсий ва русий, М., 1953.
- Набиев** Р. Н. Новые документальные материалы к изучению феодального института «суюргал» в Фергане XIV—XVII вв., «Общественные науки в Узбекистане», 1959, № 3.
- Набиев** Р. Н. К истории феодального землевладения в Фергане в XIV—XVII вв., «Общественные науки в Узбекистане», 1959, № 3.
- Набиев** Р. Н. О переодизации истории народов Узбекистана с древнейших времен до присоединения к России. «Материалы объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период», Ташкент, 1955.
- Набиев** Р. Н. Из истории политико-экономической жизни Мавераннахра в XV в., сб. «Великий узбекский поэт», Ташкент, 1948.
- Наливкин** В. И. Краткая история Кокандского ханства, Казань, 1886.
- Петрушевский** И. П. К вопросу об иммунитете в Азербайджане в XVII—XVIII вв., «Исторический сборник», Л., 1935, № 4.
- Петрушевский** И. П. Хамдуллах Казвини, как источник по социально-экономической истории Восточного Закавказья, «ИАН СССР», 1937, № 4.
- Петрушевский** И. П. К вопросу о прикреплении крестьян к земле в Передней и Средней Азии в эпоху монгольского владычества, «Тезисы докладов на научной сессии, посвященной 25-летию САГУ», Ташкент, 1945.
- Петрушевский** И. П. К вопросу о прикреплении крестьян к земле в Иране в эпоху монгольского владычества, «Вопросы истории», 1947, № 4.
- Петрушевский** И. П. Очерки по истории феодальных отношений в Азербайджане и Армении в XVI и в начале XIX вв., Л., 1949.
- Савельев** П. С. Бухара, 1835 год, СПб., 1836.
- Савельев** П. С. Мухаммеданская нумизматика в отношении к русской истории. Топография кладов с Восточными монетами и чеканками VII, VIII, IX, X и XI веков в России и Прибалтийских странах, объяснения историческими свидетельствами о торговле Северо-Востока в Европе в эпоху основания и утверждения русского государства, СПб., 1946.
- Саъдиев** А. С. XIX асрда Туркистонда тарих фани, Тошкент, 1960.
- Семенов** А. А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства Бухарского ханства, «Труды САГУ», серия II, выпуск I, Ташкент, 1929.
- Фитрат** Р. и **Сергеев** Б. С. Казийские документы XVI в., Ташкент, 1937.
- Чехович** О. Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XVII—XIX вв., Ташкент, 1950.

- Щербин-Крамаренко Н. По мусульманским святыням Средней Азии, «Спр. кн. Сам. обл.», 1896—IV, Самарканд, стр. 45—61.
- Якубовский А. Ю. Феодальное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой, «Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР», М.—Л., 1953.
- Якубовский А. Ю. Тимур, «Вопросы истории», 1946, № 8—9.
- Қаюмов А. П. Қўқон адабий муҳити, Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1961.
- Фуломов Я. Ф., Набиев Р. Н., Воҳобов М. Ф. Ўзбекистон ССР тарихи (бир томлик), Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1958.
-

## МУНДАРИЖА

|  |     |
|--|-----|
| Кирриш . . . . .   | 3   |
| <i>Биринчи боб.</i> «Ерлиқлар тўплами» — Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим манба . . . . .           | 5   |
| <i>Иккинчи боб.</i> XVI—XIX асрларда Фарғовада феодал мажбурияти ва рента-солиқлар тўғрисида . . . . . | 33  |
| Ҳужжатлар . . . . .  | 73  |
| Луғат . . . . .  | 169 |
| Фойдаланилган адабиётлар . . . . .   | 175 |

*Ўзбекистон ССР „Фан“ нашриёти  
яқинда Ғ. Рашидовнинг „Социалистик  
Тошкент тарихи“ (рус тилида, 1-том)  
китобини босмадан чиқарди.*

Асарда Совет Шарқининг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бири — Тошкент шаҳрининг вужудга келиши ва тараққиёти ёрқин фактлар асосида акс эттирилади.

Тошкентнинг Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларига кўрсатаётган ҳар томонлама ёрдами, шаҳарда нэп давридаги синфий кураш, пойтахтдаги партия, совет қурилишлари, шунингдек, шаҳар хўжалиги масалаларига китобда алоҳида эътибор берилган.

Китоб тарихшунослар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, олий ўқув юртларининг студентлари, аспирантлар, партия-совет ходимлари, шунингдек, Тошкент шаҳрининг тарихи, социалистик қурилиш масалалари билан қизиқувчи китобхонлар оммасига мўлжалланган.

*На узбекском языке*

**Абдулладжан Жуванмардиев**

**ЗЕМЕЛЬНО-ВОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ  
ФЕРГАНЫ XVI—XIX ВВ.**

Издательство «Наука» УзССР

Ташкент. 1965

*Мухаррир Ҳ. У. Нурмухамедов*

*Рассом П. Н. Халили*

*Бадвий муҳаррир Э. У. Валиев*

*Техмуҳаррир В. М. Бубнова*

*Корректорлар Ҳ. Саъдуллаева, А. Мансурхўжаева*

---

Р11533. Теринга берилди 24/V-1965 й. Босинга рухсат этилди 9/VIII-1965 й. Формат 60×90<sup>1/4</sup>, 5,75 қоғоз л. 11,25 босма л. Ҳис.-нашриёт л. 10,0. Нашр. № 1349. Тиражи 650. Баҳоси 72 т.

---

ЎзССР „Фан“ нашриётининг Ъсмаҳонаси. 2-Високовольт кўчаси, 21. Заказ 768.  
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.